

**У.И.ИНОЯТОВ, Н.А.МУСЛИМОВ,
Д.И.РҮЗИЕВА, М.Х.УСМОНБОЕВА**

ПЕДАГОГИКА

**(напедагогик олий таълим муассасалари
учун мўлжалланган дарслик)**

**У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов,
Д.И.Рўзиева, М.Х.Усмонбоева**

ПЕДАГОГИКА
**(напедагик олий таълим
муассасалари учун дарслик)**

Тошкент – 2013

УДК: 37 (075)

ББК: 74 (075)

П - 29

Педагогика: нонпедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Х.Усмонбоева. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – 256 бет.

УДК: 37 (075)

ББК: 74 (075)

Мазкур дарслик Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида “Педагогика” фанини ўқитиш бўйича ўкув дастури асосида яратилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида таълим тизими, тарбиянинг келиб чиқиши, “Педагогика” фанининг шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришдаги ўрни, таълим ва тарбия назариялари, педагогик маҳоратнинг умумий асослари, таълим-тарбия жараёнида шахснинг илмий дунёкарашини, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, илфор педагогик технологияларни кўллаш каби долзарб масалалар ўз ифодасини топган.

Дарслик нонпедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан “Педагогика” фани асослари, шахсни тарбиялаш ва унга таълим бериш жараёни билан қизикувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Педагогика фанлари доктори,
профессор **У.И.Маҳкамов**

Педагогика фанлари номзоди,
доцент **М.Арипова**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 26-декабрдаги 507-сонли буйруғига асосан нашр этишга руҳсат берилган.

СЎЗБОШИ

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари том маънода таълимий инқиlob даври бўди. Зоро, ёш, мустақил республика томонидан таълим соҳасини тубдан ислоҳ килиш, ҳар жиҳатдан мукаммал таълим тизимини шакллантириш, таълим мазмунини янгилаш, уни замонавий илм-фан, техника ва технологияларнинг сўнгти ютуклари билан бойитиш, шахсга тарбия бериш, уни ўқитиш борасида ҳалқаро тажрибани қўллаш, соҳада тайёрланаётган мутахассисларни жаҳон таълими меъёрларига жавоб берга олишларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган амалий ишларнинг қўлами шунчалик кенгки, бу ўз-ўзидан инқиlobий ҳаракатларга тенглашади.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътирофга сазовор бўлган республика таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг умумий моҳиятини ифодаловчи Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” мавжуд шароитда барча ижтимоий соҳалар бўйича мутахассисларнинг ихтинослик тавсифи ва касбий тайёргарлик даражасини белгилаб беришда ўзига хос эталон бўлиб хизмат қилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ўзида комил инсон, малакали мутахассис киёфасини тўла акс эттиради. Комил инсон, малакали мутахассисни тайёрлашнинг ўзи муҳим таълимий жараён бўлиши билан бирга илмий-назарий, амалий билимлар билан қуролланган малакали педагогларни етиштиришни ҳам тақозо этади. Шу сабабли мавжуд воқелик замонавий технологиялар асосида таълим жараёнини методик жиҳатдан тўғри, самарали ташкил этиш, бошқаришда ўзининг юксак маҳорати, қобилиятини намоён етадиган педагог кадрларни тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Малакали педагогларни тайёрлашда педагогик ва нопедагогик олий таълим муассасалари талабаларини педагогик билимлар билан қуроллантириш, уларни ёш авлодни тарбиялаш, унга таълим бериш жараёнига касбий нуқтаи назардан йўналитириш катта масъулиятни тақозо этади. Бу жараёнда олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг касбий маҳоратга эгаликлари қанчалик аҳамиятли бўлса, улар фаолиятини методик асословчи ўкув манбаларининг мавжудлиги ҳам шунчалик муҳимдир. Ушбу талабни инобатга олган ҳолда мустақиллик йилларида олий таълим тизимида ҳам ўкув адабиётларнинг янги авлодини яратиш умумий педагогик фаолиятнинг муҳим йўналиши этиб белгиланди.

Замонавий ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш мураккаб, масъулиятли жараён бўлиб, унда педагогика соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, комил инсон, малакали мутахассисни тайёрлаш борасидаги ижтимоий эҳтиёж ҳамда шахс камолотида муҳим аҳамият касб этадиган устувор тамойилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Нопедагогик йўналишда фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасалари учун мўлжалланган мазкур дарсликда ана шу жиҳатларни тўла қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Режа:

1. Таълим соҳа^{даги} давлат сиёсатининг асосий тамойиллари.
- 2.“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да узлуксиз таълим тизими фаолиятининг ёритиши.
3. Таълим босқичлари.
4. Умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими дастурлари.
- 5.“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўқитувчи шахсига қўйилган талаблар.

Таълим тушундилари: таълим, таълим тизими, узлуксиз таълим тизими, таълим тизими босқичлари, Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, ўқитувчи, замонавий ўқитувчи, ўқитувчига хос сифатлар, ўқитувчи фаолияти^{ни} кўйиладиган талаблар.

Таълим соҳидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалард^и туб ислоҳотлар амалга оширилди. Ижтимоий соҳа, жумладан, таълим тизимида амалга оширилган туб ўзгаришлар янги таълим муассасаларининг яратилиши, давлат таълим стандартларининг тақомиллашиши, авжуд таълим мазмунининг янгиланиши учун кенг имкониятлар яратди.


Жамият истиқболи ва равнаки учун масъул бўлган ҳар бир давлатда таълим тизимини р^ивожлантириши милий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эъроф этилади. Бинобарин, жамият раёнки ва истиқболи бугун таълим м^асасаларида таҳсил олаётган ўкувчи, талабаларнинг маънавий-ахлоқий туклиги, интелектуал салоҳиятига боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон мустақиллик^{ин}инг илк йилларида ёқ таълим тизимини замонавий техника ва техноло^{ги}ялар асосида модернизация қилиш, мазмунан янги, илгор гоялар билан боштиш, ўқитиш жараёнини тақомиллаширишга давлат миқёсида алоҳида этибор қартилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида кабул килинган м^алий конунчиликка оид хужжатлар сирасида Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида^{ни} ги Конуни (1992 йил) мавжуд бўлиб, унда таълим тизими янгича ёндашувлар асосида ташкил этишнинг хукукий асослари баён этибери^{лган} эди.

Бирок, мустақиллик^{ин}инг дастлабки беш йилида жаҳон таълими тажрибаларини ўзниши, республика ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, таълим тизимида олиб борилган ислоҳотларнинг дастлабки натижари, шахс комиллиги, мутахассислик малакаларини тақомиллашириш тури босқичларда фаолият олиб бораётган ўкув юртлари ўртасида изчилли^{ни} узлуксизликни қарор топтиришга нисбатан юзага келган ижтимоий эҳтиёжни ин^инебатга олган ҳолда 1997 йилнинг август оида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида^{ни} ги Конуни

қабул килинди. Ушбу Қонуннинг мақсади “фуқароларга таълим-тарбия бериш, қасб-хунар ўргатишнинг хукукий асосларини белгилаш, ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий хукукини таъминлаш”¹ дан иборат этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида соҳага оид давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим муассасаларининг хукукий мақоми, таълим тизими ва турлари, таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим тизимини бошқариш каби масалаларнинг ҳам ижтимоий-хукукий мөхияти очиб берилган.

Ҳар қандай фаолият, айниқса, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлса, аниқ белгиланган мақсад асосида амалга оширилади. Шу билан бирга фаолият ўзида устувор тамойилларни ҳам ифодалайди. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати ҳам муҳим, аҳамиятли тамойилларга асосланади. Республиканинг таълимга оид давлат сиёсатининг **асосий тамойиллари** куйидагилар (1-расм):



1-расм. Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги сиёсатининг асосий тамойиллари

Давлат сиёсатининг таълим соҳасидаги асосий тамойиллари фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ирқи, тили, зътиқоди, ижтимоий мавқеидан қатъий назар таълим олишда тенг хукуқка эга эканликларини ифодалайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 7-бет.

Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар ҳарактерга эгалиги педагогик жараёнда шахс қадр-кимматини юқори кўйиш, унинг хоҳиш-истак, қизиқиши эҳтиёжларини инобатга олиш зарурлигини ифодалайди. Ушбу тамойил, шахс имкониятларини тӯла рӯбға чиқариш, унинг ижодий қобилияtlарини ривожлантириш учун зарур, муҳим шарт-шароитнинг яратилишини ҳам назарда тутади. Таълим жараёнда шахснинг маънавий-ахлоқий эҳтиёж, хоҳиш-истак ва қизиқишларини ҳисобга олиш унинг ҳар томонлами ривожланиши, эрсин камол топиши, шахсий фикр-мулоҳазаларини эркин баён килиши, ўқитувчи билан мулокотнинг самарали кеичипни таъминлади.

Маълумки, демократия (“demos” – ҳалқ, “kratos” – ҳокимият)нинг муҳим хусусиятлари ҳалқ ҳокимияти, яъни озчиликнинг кўпчиликка бўйсунини, фуқароларнинг эркинлиги, тенг хуқуқлилиги, хур фикрлилик, фикрлар хилм-хиллиги таянилиши ҳисобланади. Шунга кўра, **таълим ва тарбия жараёнларини демократлаштириш** эса таълим мазмунининг очикилиги, ўкув материаллари, таълим шакл ва методларининг хилма-хиллиги, ўқитиши ташкил этишда миллий-худудий хусусиятларнинг инобатга олиниши, тарбия жараёнининг демократик гояларга мувофиқ ташкил этишини англатади.

Таълимнинг узлуксизлиги ўқитишининг узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларida кетма-кет, муайян тартибда, ҳеч бир узилишларсиз, тўхтамасдан, оддийдан мураккабга, “осондан кийинга” қараб ривожланиши тамойилларига мувофиқ ташкил этишишини англатади. Зоро, узлуксиз таълимнинг ўзи ҳам “узаро мантикий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими” саналади.

Мантикий нұктай назардан **таълимнинг изчиллиги ўқитишининг ўзаро алокадорлик “мунтазам, узвий боғликлек”**² асосида йўлга кўйилишини ифодалайди. Бу тамойилга кўра узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари бир-бирига бевосита алокадор, узвий боғлиқ. Яъни умумий ўрта таълим мактабгача таълимнинг, ўрта маҳсус таълим умумий ўрта таълимнинг, олий таълим эса ўрта маҳсус таълимнинг негизида, ўзаро алокадорликда ташкил этилади.

Умумий ўрга, шунингдек, ўрта маҳсус қасб-хунар таълимнинг мажбурийлиги республикада таълим ёшидаги фуқаролар учун умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълимни олиш мажбурий эканлигини англатади. Қолаверса, ушбу тамойил ўқувчиларнинг имкониятлари, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши, қасб-хунарга мойиллиги, билим, кўнікма ва малакаларини чукур ривожлантириш, танлаб олинган қасб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш мумкинлигини ифодалайди.

² Ўзбек тилининг изохли лугати. Тартибот – Шукр / 5-жилдли. Тўртинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 267-бет.

³ Ўзбек тилининг изохли лугати. Е – М / 5-жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 184-бет.

Ўрта маҳсус қасб-хунар таълимининг ихтиёрийлиги янги турдаги ўкув муассасалари – академик лицей ёки қасб-хунар коллежларида ўқиш, қасб-хунар ёки ихтиосолик йўналишини мустакил равища, ихтиёрий танлаш мумкинлигини англатади. Умумий ўрта таълимни тамомлаган ҳар бир ўкувчи набатдаги боскич таълимида таълим муассасасининг тури, қасб-хунар ёки ихтиосолик йўналишини мажбурловларсиз, ихтиёрий равища танлай олади.

Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги узлуксиз таълим тизимида ташкил этиладиган ўқитиш ишлари замонавий илм-фан, умуминсоний ва миллий маданият ютукларига таянган ҳолда илғор техника, технологиялар ёрдамида ташкил этилишини англатади. Шунингдек, таълим мазмуни иктиносидий ва маданий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда мамлакатда таълим тараққиётининг ривожи илмий асосларга эга булиб, у фан-техника, маданиятнинг ютукларига боғлиқ ҳолда ривожланиб боришини англатади.

Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги Республика фуқароларининг барчаси умумий ўрта, ўрта маҳсус, шунингдек, танланган йўналиш ва ихтиосолик бўйича олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кўшимча таълим турлари бўйича давлат таълим стандартлари (кейинги ўринларда ДТС)га мувофиқ таълим олиш хукукига эгаликларини билдиради. Ўзбекистон Республикасида чет эллик фуқаролар ҳам миллий қонунчилик асосларига кўра танланган йўналиш ва ихтиосолик бўйича Давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим олишлари мумкин. Республика фуқароларидан фарқли равища чет эл фуқаролари узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ҳалқаро шартномалар талабларига кўра таълим олади. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар Республика фуқаролари билан тенг хукуқка эгалик асосида билим олиб, қасбий кўникма, малакаларни ўзлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (7-модда)да жамиятда таълим дастурларини танлашга ягона ва табакалаштирилган ёндашувнинг карор топтирилишига алоҳида ургу берилган. Унга кўра Давлат таълим стандартлари (ДТС) миллий таълимнинг “ядроси” бўлиб, унда умумий ўрта, ўрта маҳсус қасб-хунар ва олий таълим мазмуни, сифатига қўйладиган талаблар белгилаб берилади. Давлат таълим стандартларида курсатилган талабларни бажариш узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган таълим муассасалари учун бирдек мажбурийдир. Бирок, айни ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, таълим муассасалари ДТС асосида ўкув дастурларининг ўзига хос варианларини ишлаб чиқиб, ундан фойдаланишлари мумкин.

Билимли бўлиш ва истеъодони рағбатлантириш узлуксиз таълим жараёнини самарали ташкил этишига қўйилаётган асосий талаблардан бирини ифодалашга хизмат қиласи. Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ушбу тамойилга тўлиқ амал қилиниши таъминланади. Таълим олувчиilar (ўкувчи ва талабалар)нинг маълум йўналиш ёки соҳага доир кобилият, иқтидор ва истеъодларини ривожлантириш келгусида Республикасининг ижтимоий, иктиносидий ва маданий жиҳатдан юксак тараққий этиши учун пойдевор яратади.

Истеъдодли ўқувчи ва талабалар давлат томонидан мөддий, маънавий жиҳатдан рагбатлантирилиб борилади.

Таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш демократик ёндашувга кўра узлуксиз таълим тизими бошқарувида давлат ва жамоатчиликнинг бирдек иштирок этишини ифодалайди. Давлат ва жамият ўргасидаги ўзаро ҳамкорликка асосан узлуксиз таълимни ташкил этиш, ўқитиш сифатини оширишга эришишни назарда тутади. Узлуксиз таълим тизимининг давлат ва жамият ҳамкорлиги асосида бошқарилиши таълим сифатини яхшилабгина қолмай, самарадорлигини ҳам оширади. Сифатли ва самарали таълим эса баркамоғ шахс, малакали мутахассисни тайёрлашга хизмат қиласди.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да узлуксиз таълим тизими фаолиятининг ёритилиши. Аввалги параграфда узлуксиз таълимнинг “узаро мантикий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими” эканлиги айтиб ўтилди. Айни ўринда “тизим” тушунчасининг моҳиятини яққолрок англаб олиш муҳимдир. Тизим – бу “узаро узвий боғлик, таркибий ва ташкилий жиҳатдан бир бутун бўлган элементлар мажмуасидир”⁴. Шунга кўра, узлуксиз таълим тизими – бу ўзаро мантикий изчиллик асосида, оддийдан мураккабга томон ривожланиб борувчи, бир-бири билан боғланган босқичлардан иборат бўлиб, шахсга таълим бериш, унда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган таркибий ва ташкилий элементлар мажмуаси саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да узлуксиз таълим тизими фаолиятини йўлга кўйишида шахс фаолияти, давлат ва жамиятнинг ёндашуви, фаннинг таълим-тарбия сифати, самарадорлигини яхшилапидаги ўрни, ишлаб чиқаришнинг таъсири кабиларга катта эътибор қаратилган. Дастурда кўрсатилишича, шахс узлуксиз таълим тизимида “таълим соҳасида кўрсатиладиган хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи”⁵ субъект саналади. Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахс учун давлат таълим стандартлари орқали сифатли таълим олиш ва касб-хунар тайёрларлигига эга бўлиш хуқуки, кафолатланади. Шу билан бирга узлуксиз таълим тизимида шахснинг зиммасига муайян мажбуриятлар ҳам юқлатилади. Жумладан, шахс таълим олиш жараённида давлат таълим стандартларида ифодаланган талабларни бажариши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида ҳам эътироф этилади. Таълим хизматларининг яратувчиси мақомида шахс тегишли малака даражасини олгач, таълим, мөддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бориб, ўз билими ва тажрибасини бошқаларга ургатиши мумкин.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим тизими фаолиятини тартибиға солади ва назорат қиласди. Шунингдек, бу жараённи ташкил этадиган юқори малакали

⁴ Педагогика фанидан изоҳли луғат / Ж.Ҳасанбоев ва б. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2009. – 504-бет.

⁵ Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Ma’tifat-Madadkor”, 2000. – 30-бет.

рақобатбардош кадрларни тайёрлайди ва уларни қабул қилиб олади. Давлат ва жамиятнинг кафолати асосида фуқароларнинг билим олишлари, касб танлашлари, ўз малакаларини оширишлари; мажбурий умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида таълим олиш йўналишларини танлаш ҳамда мажбурий ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини олиш; олий таълим ва олий ўкув юргидан кейинги таълимни ташкил этиш; давлат таълим муассасаларини маблаг билан таъминлаш; жамоатчилик бошқаруви асосида таълим олувчиларнинг ўқишилари, турмуш кечиришилари, мазмунли дам олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш; таълим жараёни иштирокчиларини ижтимоий муҳофазалаш, моддий ҳамда маънавий жиҳатдан куллаб-куватлаш; ижтимоий ёрдамга муҳтож шахсларнинг керакли даражада таълим олишлари таъминланади.

Фанинг узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этишдаги фаол иштироки куйидагилар билан белгиланади:

- моддий ва ижтимоий борлиқ моҳиятини ёритувчи асосий қонуниятларга оид янги назарий ҳамда амалий билимларни шакллантириш;
- малакали мутахассисларни самарали тайёрлашга хизмат қиласиган илмий натижаларни жамлаш;
- олий малакали илмий ва педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнини ташкил этиш;
- таълим жараёнини илмий-гадқиқот жиҳатдан таъминлаш инфратузилмасини вужудга келтириш;
- билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базасини яратиш;
- республика ва жаҳон илм-фани ўртасида интеграцияни қарор топтириш;
- илмий ютуклар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинувини амалга ошириш.

Фанинг бевосита иштироки асосида таълим тизимида куйидаги ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга вазифалар ҳал қилинади:

- 1) мақсадли инновацион лойиҳалар яратилиб, улардан амалда фойдаланиш;
- 2) илфор, янги назарий ғоялар, замонавий педагогик технологияларни амалийтга татбик этиш мақсадида тажриба майдонларини барпо этиш;
- 3) таълимий ислоҳотларни самарали ташкил этиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- 4) иқтидорли ёшларнинг имкониятларини ҳар томонлама рӯёбга чиқаришга кўмаклашиш;
- 5) илмий-тадқиқотлар, техник ишланмаларни халқаро миқёсда оммалаштириш асосида олимларнинг обру-эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш;
- 6) фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий, моддий рағбатлантириш тизимини яратиш, мутахассислар ва талабаларнинг илмий салоҳиятини рағбатлантириш мақсадида маҳсус мукофот, соврин стипендияларни таъсис қилиш, уларнинг ишларини кўргазма ёки экспозициялар шаклида намойиш қилиш.

Республикада узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутувчи обьект – бу ишлаб чиқариш саналади. Ишлаб чиқаришнинг

узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этишдаги иштироки у томонида кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантиришда кўзга ташланади. Малакал кадрларнинг тайёрланиши учун асосий буортмачи сифатида ишлаб чиқарил мутахассиснинг касбий тайёргарлик сифати, савиясига нисбатан талабларни ҳам белгилайди, шунингдек, узлуксиз таълим тизимининг изчил, узлуксиз фаолият кўрсатиши учун уни молиявий ва моддий-техник жиҳатда таъминлади. Матъумки, айнан ишлаб чиқаришда юзага келадиган талаб ва эҳтиёжлар малакали кадрлар тайёрлаш, узлуксиз таълим тизими йўналишларни даражаси ва кўламларини аниклаб беради, кадрларни касбий тайёрлашда кўзланадиган максад, вазифалар ҳамда мутахассис тайёрлашнинг мазмунини белгилайди.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларига кўра узлуксиз таълим тизими фаолиятини йўлга кўйишда қуидагилар устувор йўналишлар⁶ саналади (2-расм):



2-расм. Узлуксиз таълим тизими фаолиятининг устувор йўналишлари

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўкувчи маънавиятини шакллантириш / Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йулдошев. Тузувчилар: Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Саидов. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 46-52-бетлар.

Айни ўринда мазкур йұналишларнинг мохияти кисқача ёритиб үтилади.

1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш. Бунда мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрга маҳсус, қасб-хунар таълимини яхлит камраб олувчи янги тизим барпо этилиб, унинг узлуксиз, изчил бўлиши таъминланди. Олий таълим тизимида малакали мутахассислар тайёрлашнинг икки босқичи – бакалавриат ва магистратура ривожлантирилиб, уларда педагог кадрлардан илмий-педагог кадрларни етиштиришга эришилмоқда. Катта илмий ходим изланувчилар фаолиятини такомиллаштириш асосида тайёрланаётган илмий-педагогик кадрлар интеллектуал салоҳиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, улар жаҳон ва миллий таълим тизимида кўлга киритилаётган илғор педагогик тажрибалар, эришилаётган илмий ютуқлар, яратилаётган педагогик технология ҳамда замонавий техник воситалар билан яқиндан таништирилиб борилмоқда.

Таълим муассасаларини самарали бошқариш, улар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини изчил таҳлил килиб бориш максадида баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашнинг самарали, оптималь тизими вужудга келтирилди. Тизимнинг муваффакиятли ишлаши педагог кадрларни тезкор қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, юкори қасбий тайёргарликка эга бўлишлари учун зарур шарт-шароитнинг яратилиши билан белгиланади. Шу сабабли олий таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларига мос юкори малакали ўқитувчилар тайёрлаши бўйича маҳсус факультетлар, вилоятларда эса умумий ўрга ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими учун ўқитувчилар, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга йұналтирилган фаолиятни ташкил этувчи маҳсус марказлар ташкил этилиб, улар томонидан юзлаб педагог кадрларнинг қасбий маҳоратлари такомиллаштириб борилмоқда.

3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш. Узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этиш жараёнини миллый тикланиш тамойиллари, мустақиллик йилларида Республикада эришилган ютуқлар, ҳалқнинг бой миллый, маънавий ва интеллектуал салоҳияти, умумбашарий қадриятлар, инсонпарварлик ғояларига таянган ҳолда, шунингдек, давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинди. Ислоҳот даврида таълим олувчи шахсини ривожлантириш, унинг билим олишга бўлган эҳтиёжи, кизиқишини кучайтиришга, унда мустакил фикрлари, ўз кадр-кимматини англаш хиссини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳот натижаларига кўра илғор педагогик технологиялар, ўқитишининг такомиллаштирилган шакл, метод ва воситалари, янги ўкув дастурлари яратилиб, изчил амалиётга жорий қилинмоқда.

4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш. Узлуксиз таълим тизимида ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш, унда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш устувор ўрин тутади.

Маънавий-маърифий ишлар миллий-маданий-тариҳий анъаналар, урф-одатлар, умумбашарий қадриятлар негизида амалга оширилади. Ўқув муассасаларида уюштириладиган тарбиявий ишларнинг самарасини кафолатловчи илғор шакл, метод ва воситалардан фойдаланилади. Маънавий-маърифий ишлар педагогик жараёнининг мухим таркибий кисмларидан бири сифатида таълим муассасалари фаолиятида мухим ўрин тутади.

Ёш авлодни тарбиялашда “таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла кўмиталари, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, жамоат ташкилотлари, жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласидилар”⁷.

5. Иктидорли болаларни қўллаб-куватлаш. Узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этиш жараённида иктидорли болаларни қўллаб-куватлашта ҳам жиҳдий эътибор қаратилади. Ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик фаолият мазмуни, методикаси асосланниб, иктидорли болалар ва ёшларни муваффакиятли аниқлаш учун зарур педагогик-психологик ва ташкилий шароитлар яратилади. Айни вактда республикада иктидорли болалар, ёшларни аниқлашнинг пухта асосланган механизми ишлаб чиқилган. Педагогик-психологик ташхис марказлари ёрдамида, шунингдек, турли танлов, кўриклар воситасида болалар, ёшларнинг иктидорлари баҳоланмоқда. Шу билан бирга уларнинг иктидорларини янада ривожлантириш максадида моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб келинмоқда.

6. Таълим тизимини самарали бошқариш. Ўзбекистон Республикасида давлат таълим муассасаларининг фаолияти юзасидан давлат бошқаруви ўрнатилиган. Мазкур бошқарувга кўра давлат таълим муассасалари таркибий жиҳатдан ўзгартирилиб, изчил ривожлантирилади. Узлуксиз таълим тизими устидан бошқарувни ташкил этадиган органларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунига мувофиқ белгиланади. Таълим муассасаларининг фаолияти муайян давр (5 йил)да аттестация (ходимлар малакаси, билим даражаси, хулқ-атворларини аниқлаш асосида уларни ишга тайинлаш ёки унвон бериш)дан ўтказиш йўли билан таҳлил килиб борилади. Аттестациядан ўтказиш Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиб, аккредитацияланади (таълим муассасасининг ваколати тасдиқланади). Таълим тизимини бошқаришда муассис ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органлари, савдо-саноат доиралари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олувлечи васий ва кузатув кенгашлари ҳам иштирок этади.

7. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими малакали кадрларни тайёрлашда мухим бутин саналади. Мазкур босқичда фаолият юритувчи таълим муассасалари фаолияти, касб-хунар таълими сифати давлат томонидан аттестациядан ўтказилади. Академик лицей ва касб-хунар коллажларининг фаолияти ҳам давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ йўлга

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Мислий ластури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш / Нашр учун маъсъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар: Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Саидов. -- Тошкент: “Ma’rifai-Madadkor”, 2000. – 48-бет.

кўйилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг фаолияти, унда ишловчи педагогларнинг касбий тайёргарликлари, шунингдек, ўқувчиларнинг билимлари рейтинг назорати асосида баҳолаб борилади. Академик лицей ва касб-хунар коллажлари фаолиятининг самарадорлиги, касб-хунар таълим мининг сифагини таҳлил килиш давлат ҳамда жамоат бошқарувига кўра амалга оширилади. Мазкур босқичда таълим муассасаларининг битирувчилари якуний аттестация натижаларига кўра тегишли дипломни олишга муваффак бўлади.

8. Таълим тизими молиялаш. Узлуксиз таълим тизими нинг фаолият юритишида мазкур жараённинг молиялаштирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизими фаолиятининг молиялаштирилиши ўқитиш жараённини ўқув дарслер, кўлланма, ёрдамчи адабиёт, малакали мутахассислар билан таъминлаш, замонавий техника, технология ва дидактик воситалар билан жиҳозлаш, айрим ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва барча олий таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчи, талабаларни стипендиялар билан таъминлаш, таълим муассасаларининг биноларини таъмирлаш, хўжалик, ўқув ва тарбиявий ишларни юритишга пул маблағларининг киритилиши билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунига кўра узлуксиз таълим тизими нинг фаолияти бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан олинадиган маблағ ҳисобига молиялаштирилади. Мустақиллик йилларида таълим муассасаларининг ўз-үзини пул маблағлари билан таъминлашларига ҳам жиддий эътибор каратилди. Таълим тизими самарадорлигини ошириш мақсадида унга ҳусусий ва чет эл сармоялари ҳам жалб этилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати – бу олий таълим муассасаларида пулли таълим олишни қўллаб-кувватлаш мақсадида кейинчалик тўлашларинг мослашувчан тизими – таълим кредитларини бериш механизми шакллантирилди. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизими фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлашга донор (таълим соҳасини ривожлантириш учун пул маблағлари ёки интеллектуал мулкни совга кильувчи)лар ва ҳомийлар ҳам фаол жалб этилмоқда.

Таълим муассасалари фаолиятини бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштириш кўйидаги шаклларда амалга оширилади: пулли таълим хизматларини кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий, шунингдек, муассаса Уставида белгилаб кўйилган бошка кўринишдаги фаолият ҳисобидан.

9. Тизимнинг моддий-техник таъминотини яратиш. Узлуксиз таълим тизимида фаолият юритадиган ўқув юргларигинг моддий-техник таъминоти уларни тўлиқ (капитал) ва қисман (жорий) таъмирлаш, янги ўқув биноларини куриш, амалий-тажриба майдонларини яратиш, уларни меъёрий талабларга мувофиқ замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашни ифодалайди. Мустақиллик йилларида таълим муассасаларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Бу йўналишда фаолият кўрсатувчи корхоналар зарур асбоб-ускуналар, ишвентарлар, ашёлар, ўқитишнинг техник, дастурий ва дидактик воситаларни ишлаб чиқаради. Шунингдек, узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил

этишда ўкув хоналари ва таълим жараёнини компьютерлаштириш ҳамда ахборотлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.


10. **Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш.** Таълим жараёнини зарур ахборотлар билан таъминлаш мақсадида таълим муассасалари замонавий ахборот технология ва компьютер тармоклари билан жиҳозланади. Ўкув машгулотлари, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение ва радио иштирокининг зарурияти ҳам ошади. Мустакиллик даврида Ўзбекистон Республикасида ўкув фанлари бўйича янги авлод дарслклари, ўкув, ўкув-методик, илмий ва қомусий манбалар яратилиб, улардан айни вақтда самарали фойдаланиб келинмоқда.

11. **Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш.** Замонавий шароитда республикада ҳам рақобатга асосланган пулли таълим хизматларини кўрсатиш (маркетинг) йўлга қўйилди.

Пулли таълим хизматлари – бу Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ пулли хизматларни ташкил этиш ва унинг сифати учун жавобгарликни юқловчи лицензия асосида таълим муассасаси томонидан олиб бориладиган фаолият турлари

Таълим муассасалари республика қонунчилиги талабларига кўра муайян шакллarda таълим хизматларини кўрсатиш хукуқига эга.

Пулли таълим хизматлари қўйидаги шакллarda ташкил этилади (3-расм):



**3-расм. Пулли таълим хизматларини
кўрсатишнинг асосий шакллари**

Таълим хизматларини кўрсатиш давлат бошқаруви асосида амалга оширилади.

12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш, соҳани давлат томонидан қўллаб-куватлаш. Маълумки, таълим жараённида асосий иштирокчилар – бу педагоглар ва ўкувчилар саналади. Уларнинг соғликларини мухофаза килиш, мазмунли дам ва сифатли таълим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиши зарур. Республика узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этишда таълим муассасалари соғликтини сақлаш органлари билан ҳамкорлик асосида болалар, ўкувчилар ва ёшларнинг соғликларини сақлаш, мустаҳкамлашга эътибор қаратади. Бу жараёнда таълим олувчиларнинг тиббий-гигиеник маданиятларини ривожлантириш, уларнинг жисмоний фаолликларини оширишга эътибор қаратади. Таълим ёшидаги ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ болалар, ўкувчилар, ёшларнинг тўлиқ таълим ҳамда дам олишлари таъминланади.

13. Фан билан таълим жараёни алокаларини ривожлантириш. Маълумки, таълим мазмуни ижтимоий тараққиёт билан ўзаро уйғун равишида янги илмий билимлар, техник ва технологик янгиликлар билан бойиб боради. Узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этишда ўқитиши мазмунини янгича, янада самарали шакл, метод ва воситалар билан бойитиш, ижтимоий талаб ва эҳтиёжлар асосида яратилган дарслик, қўлланма, ёрдамчи манбалар, техник восита, технологиялар билан куроллантириш, “ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги”⁸ нинг қўллаб-куватланишида фан ўзига хос ўрин тутади. Ўз навбатида бу ҳолат фаннинг кадрлар тайёрлаш миллий модели таркибида тутган ўрнини ҳам ёритади.

14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш. Бўлажак мутахассисларнинг касбий малакасини тақомиллаштиришда назария ва амалиёт бирлиги, бошкача айтганда таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни вужудга келтириш мухим аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида мазкур интеграцияга мувофиқ ўкув-иншлаб чиқарип мажмуналари ташкил этилиб, замонавий ускуна, техник ашарат, асбоблар билан жиҳозланди. Мухим илмий-техник ечимларни тонишда ишлаб чиқариш корхоналарининг имкониятларидан самарали фойдаланилди. Педагог кадрларни кайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларни педагогик технологиялар билан куроллантиришда ҳам ишлаб чиқариш ва таълим тизими ўртасидаги интеграцияга таяниб иш кўрилмоқда.

15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик. Ривожланган мамлакатлар билан яқин ҳамкорликка эриша олиш узлуксиз таълим тизими фаолиятини изчил, муваффақиятли йўлга қўйишдаги яна бир мухим омил саналади. Буни яхши англаган ҳолда мустақиллик йилларида республика ҳукумати ривожланган давлатлар билан таълим соҳасида ўкув жараёнини тақомиллаштириш, талабалар ва кадрлар алмашинувини таъминлац, илмий-техник ечимларни топиш, таълимий муаммоларни ҳал


⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўкувчи маъниавиятини шакллантириш / Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йулдошев. Гузувчилар: Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Саидов. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 52-бет.

қилиш, ўкув мажмуаларини яратиш, таълим муассасалари фаолиятини йўлга кўйишда ўзаро ҳамкорликка эришишга жиддий эътибор каратилди. Бунинг самараси сифатида бугунги кунда республикада Ўзбекистоннинг Буюк Британия (Вестмейстер университети), Сингапур (Сингапур менежментни ривожлантириш институти), Италия (Турин политехника университети), Россия (М.Ломоносов номидаги Москва Давлат, Г.Плеханов номидаги Россия давлат иктисодиёт ҳамда И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети) каби мамлакатлар билан таълимий ҳамкорлик асосида малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Таълим босқичлари. Ҳар бир ривожланган мамлакат ўз таълим тизимига эга. Таълим тизимининг шаклланиши жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иктисодий ва маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ.

Узлуксиз таълим тизими Ўзбекистон Республикаси давлат
сиёсатининг асосий тамойиллари асосида ёш авлодга
таълим ва тарбия беришга масъул барча муассасалар

Республикада таълим куйидаги турларда амалга оширилади (4-расм):



4-расм. Республика узлуксиз таълим тизимининг асосий турлари

Мактабгача таълим боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари, оиласаларда амалга оширилади. Ушбу босқичда таълимни ташкил этишда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро жамғармалар ҳам фаол иштирок этади.

Умумий ўрта таълим тўққиз йиллик (I-IX синфлар) ўқишдан иборат бўлиб, мажбурий характер қасб этади. Таълимнинг бу тури икки босқичдан ташкил топади: бошлангич таълим (I-IV синфлар) ҳамда умумий таълим (V-IX синфлар). Бу босқичда ўкувчилар фанлар асослари бўйича мунтазам билим олади, уларда ўкув-илмий ва умуммаданий билимлар, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатлар, меҳнат қўникларни, ижодий фикрлаш қобилияти, атроф-муҳитта бўлган онгли муносабат шакллантарилиди. Умумий ўрта таълимнинг якунида ўкувчилар ўкув фанлари, улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ва давлат томонидан

тасдиқланган аттестатга эга бўлади.

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ҳам узлуксиз таълим тизимидағи мустакил тур саналади. У мажбурий-ихтиёрий характерга эга бўлиб, умумий ўрта таълим негизида уч йил муддатга ташкил этилади.

“Мазкур боскич таълимининг асосий массади ишлаб чиқаришнинг биринчи бўгинидаги ташкилотчи, иш бошқарувчи, олий тоифали мутахассисларниң ёрдамчилари, юқори кўнкима, малакаларни талаб киливчи маълум бир турдаги ишни мустакил бажара оловчи ўз ишининг усталири бўлган -- техник, агроном, бошланғич синф ўқитувчилари, фельдшер, стоматолог, концертмейстер каби мутахассисларни тайёрлашдан иборатdir. Ўрта маҳсус таълим мутахассислари қаторига қасбий тайёргарликнинг юқори боскичи талаб этиладиган балет, цирк артистлари, айрим бадиий мутахассислар ҳам киради.

Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими 2009 йилдан бошлаб мажбурий хисобланиб, умумий ўрта таълим мактабининг битирувчилари хошишларига биноан ўқиш йўналишини – академик лицей ёки қасб-хунар коллежини танлайди. Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими битирувчиларниң меҳнат бозорида ўз ўринларини топишлари учун аниқ бир йўналишда умумтаълим фанлари бўйича билим ҳамда қасб-хунар таълимини беради.

Қасб-хунар коллежлари академик лицейлар ўқувчиларга ўрта маҳсус таълим ҳам бериб, бу кейинчалик узлуксиз таълимни давом эттириш ёки бўлмасам мутахассислиги бўйича иш билан шуғулланиш имконини беради”⁹.

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими йўналиши – академик лицей ва қасб-хунар коллежлари ўқувчилари томонидан ихтиёрий равиша танланади.

Академик лицей (АЛ) ўқувчиларнинг имкониятлари, қизиқишларига кўра уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши учун чукур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, қасбга йўналтирилган таълим олишларини таъминлаш мақсадида ДТСга мувофиқ ўрта маҳсус таълим берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси

Касб-хунар коллежи (КХК) ўқувчиларнинг қасб-хунарга мойиллиги, билим ва кўнкимларини чукур ривожлантирувчи, танлаб олинган қасб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтиносликни егаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли ДТС доирасида ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси

Академик лицей ва қасб-хунар коллежларида ҳам таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ олиб борилади. Агар академик лицейда ўқувчилар уларнинг имконият ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда интеллектуал жиҳатдан ривожлантирилса, қасб-хунар коллежларида ўқувчиларда уларнинг

* <http://ziyonet.uz.uzc.education.system.college>.

касб-хунарга мойилликлари, бу борадаги билим, күнікма хамда малакалари чукур ривожлантирилади. Касб-хунар колледжларида ўкувчилар бир ёки бир неча іхтисослик билимларини ўзлаштиришлари мүмкін.

Мұстақіллік йилларыда республикада академик лицей ва касб-хунар колледжларини ташкил этиш, уларнинг кучли моддий-техник таъминотини яратышга алохіда зәтибор қаратылды. Бутунгі күнде (2012 йыл 1 сентябрь ҳолатыға күра) республикада 2,8 млн. дан ортиқ йигит-қизлар 143 та академик лицей ва 1411 та касб-хунар колледжлари (жами 1554 та)ни тамомлаб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломга эга бўлди. Ўрга маҳсус, касб-хунар таълим минни олганликни тасдиқловчи дипломда ўқитилган фанлар (академик лицейлар учун) ва мутахассислиги бўйича эгаллаган малака (касб-хунар колледжлари учун) кўрсатилади.

Диплом асосида битириувчилар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишини давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича мөхнат фаолияти билан шугулланиш ҳукуқига эгадир.

Олий таълим ўрта маҳсус, касб-хунар таълими асосида икки босқич (бакалавриат, магистратура)да ташкил этилади, йұналишлари бўйича халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига олий маълумотли мутахассисларни тайёрлайди. Олий таълим муассасаларига талабаларни қабул килиш давлат грантлари ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Олий таълимнинг бакалавриат босқичи якунланғандан сўнг битириувчиларга давлат аттестацияси якунларига кўра ихтисослик йұналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади. Бакалавр давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломга эга бўлади.

Бакалавр ўзи таълмаган соҳа бўйича олий маълумотли мутахассис бўлиб, давлат классификаторида белгиланган лавозимда ишлаш ҳукуқига эга

Олий таълимнинг магистратура босқичи якунланғандан сўнг битириувчиларга давлат аттестацияси якунларига кўра ихтисослик йұналиши бўйича “магистр” даражаси берилади. Магистр давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломга эга бўлади.

Магистр маълум ихтисослик бўйича таълим олган
юқори малакали мутахассис
ҳисобланиб, у илм-фан соҳасида,
ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида
фаолият кўрсатади

Олий ўкув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шахснинг касб-хунар манбаатларини қаноатлантиришга қаратилиб, мустакил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш асосида амалга оширилади.


Узлуксиз таълим тизимининг мазкур босқичи олий ўкув юрглари ва

муайян йұналишларда фаолият олиб борувчи илмий-тадқиқот муассасаларыда ташкил этилади. Олій үкүв юртидан кейинги таълим босқичи (кatta илмий-ходим – изланувчи) танланған іхтисослик йұналиши бүйіча докторлық диссертацияларининг ҳимоясы билан яқунланади. Мутахассислар якуний давлат аттестацияси натижаларига күра тегишли равиша фан доктори илмий даражасы ва мазкур даражаны тасдиқловчи давлат томонидан тасдиқланған дипломга ега бўлади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараённан асосий өзтибор мутахассисларнинг касбий билим, күннекмаларини янгилаш хамда чукурлаштиришга қаратилади. Узлуксиз таълим тизимининг мазкур босқичида малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараённан үтган мутахассислар таълим мусассасасидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланған намунадаги гувоҳнома ёки сертификатга ега бўлади.

Мактабдан ташқари таълим мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим мусассасаларыда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йұналишларда ўйлга қўйилиб, болалар хамда ўсмиirlарнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”га кўра узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришда кўйидаги тамойиллар¹⁰ устувор ўрин тутади (5-расм):



5-расм. Узлуксиз таълимнинг устувор тамойиллари

1. Таълимнинг устуворлиги. Мазкур тамойил таълим ривожининг биринчи даражали ахамиятга ега эканлигини, жамиятда билимли бўлиш, таълим олиш ва юксак интеллектуал салоҳиятнинг нуфузи баландлигини, кадрланишини ифодалайди.

2. Таълимнинг демократлашуви. Бу тамойилга кўра таълим ва тарбия методларини таңлашда үкүв юрглари мустақилликка зяниллары, таълимни бошқаришда давлат-жамият тизимининг амал қилиши ёритилади.

¹⁰ Үкүвчи маънавиятини шакллантириш / Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар: Ж.Фозилов, Р.Султонов, Х.Саидов. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 32-33-бетлар.

3. Таълимнинг инсонпарварлашуви. Ушбу тамойил ёрдамида шахс қобилиятининг тўла рўёбга чиқарилиши, таълим олишга бўлган эҳтиёжининг қондирилиши, таълим тизимида миллий ҳамда умумисоний қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, шунингдек, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг ўзаро уйғуллашувига эришишнинг муҳимлиги кўрсатилади.

4. Таълимнинг ижтимоийлашуви. Таълим тизимининг асосий субъекти – бу таълим оловчи эканлиги, шу боис унинг маънавий-ахлоқий эстетик дунёкарасини шакллантириш, унда юксак маънавият, маданий хулқ-автор ва ижодий фикрлаш кўниҳмаларини ривожлантириш мақсадга мувоғиклигини англатади.

5. Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги. Мазкур тамойил таълимнинг миллий тарих, ҳалқ анъаналари ва урф-одатлари билан ўзаро уйғуллиги, миллий-маданий мерос намуналари, миллий қадриятларга таянилишини, шунингдек, “Ўзбекистон ҳалқларининг маданиятини саклаб колиш ва бойитиш, таълимни миллий тараккиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа ҳалқларнинг тарихи ва маданияти”¹¹ нинг хурмат килинишини билдиради.

6. Таълим ва тарбиянинг узвий боғликлиги. Бу тамойил ўқитиш ва таълим жараёнларининг шахсни ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилганлигини, таълим даврида унда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, болани тарбиялаш вақтида эса унинг онгига янги билимларни сингдириш, мавжуд билимларни бойитиш ва мустаҳкамлаш зарурлигини англатади.


7. Иктидорли ёшларни аниқлаш. Узлуксиз таълим тизими фаолиятида иктидорли ёшларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу тамойил асосида узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичларидаёқ болалар ва ўкувчиларнинг иктидорини кўра олиш, уни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш муҳим эканлиги ифодаланади.

Умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, каеб-хунар таълими дастурлари. Ўкув дастурлари узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида ташкил этиладиган ўқитиш мазмунини ёритувчи муҳим ҳужжатлардан бири саналади. “Ўкув дастурларида умумисоний тажриба, шунингдек, таълим ва тарбия тажрибаси маълум кўринишида (ёки шаклда) сакланади. Бу тажриба таълим оловчи ўзлаштириши керак бўлган турли хил ахборотлар ва бу тажриба ўқитиш жараённинг кандай узатилиши кераклиги тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади”¹².

Таълим дастурлари бир неча турга ажратилади. Яъни (6-расм):

¹¹ Ўкувчи маънавиятини шакллантириши / Нашр учун масъуль: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар: Ж.Фозилов, Р Султонов, Ҳ.Сайдов. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 33-бет.

¹² Педагтика фанидан изоҳи лугат / Ж.Ҳасанбоев ва б. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2009. – 611-бет.



6-расм. Ўкув дастурларининг асосий турлари

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этишда аосан намунавий ва ишчи ўкув дастурлари кўлланилади. Қолаверса, узлуксиз таълим тизимининг турли боскичларида фойдаланиладиган ўкув дастурлари таълим муассасасининг шаклидан келиб чиқсан ҳолда мактабгача таълим дастурлари, умумий ўрта таълим дастурлари, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими дастурлари, олий таълим дастурлари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурлари, мактабдан ташқари таълим дастурлари тарзида бир неча турга ажратилиди. Бу турдаги таълим дастурлари узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир боскичида бериладиган таълим мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади. Шундай бўлса-да, улар ўртасида умумий ва ўзаро фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд (1-жадвал).

Умумий ўрта таълим муассасалари учун мўлжалланган ўкув дастурларида умумий ўкув фанининг мазмуни, ўкувчи томонидан ўзлаштирилиши мажбурий бўлган билим, кўнікма, малакалар тизими кўрсатилса, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун ишлаб чиқи.тган ўкув дастурларида умумий ўкув фанлари ёки тегишли ихтисослик фанининг мазмуни, ўкувчи томонидан ўзлаштирилиши талаб этиладиган ихтисослик билимларининг асослари, кўнікма, малакалар тизими ўз ифодасини топади.

Ўкув дастурлари икки хил усулда, яъни концентрик ва мунтазамлик усулида яратилади.

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-таълими ўкув дастурларининг концентрик тузилиши муайян предметдан ўкув материалларини таълимнинг кейинги боскичида мураккаблаштирилган шаклда тақрорлашдан иборат бўлади.

Ўкув дастурларининг мунтазам кетма-кетлик асосида тузилиши ўкув курсининг навбатдаги ҳар бир қисми олдинги материалнинг давоми эканлигини билдиради.

Ҳар бир фанга доир ўкув дастурида муайян ўкув йили учун мўлжалланган ва ҳар бир синф (ёки гурӯҳ)да ўрганиладиган мавзулар бўйича тақсимланади. Бундай тақсимлашда ўрганиладиган мавзунинг тахминий вақти ҳам кўрсатилади.

**1-жадвал. Үзлуксиз таълим тизими боскичларида құлланиладиган
ўқув дастурларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари**


Ўхшаш жиҳатлари	Фарқли жиҳатлари
<p>1. Ягона тамойиллар асосида яратилади.</p> <p>2. Ўқув фанлари юзасидан бериладиган таълим мазмуни, ўқув йили давомида бериладиган билим, күникма, малакалар тизими ва ҳажми аниқланади.</p> <p>3. Ўқув фанига оңд материалларнинг ўргатилиш тартибини белгилайди.</p> <p>4. Ўқув дастурлари таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқылып, тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланади.</p> <p>5. Ўқув дастурлари иккى усул – концентрик ва мунтазамлик асосида яратилади.</p> <p>6. Муайян фанга доир дастурда ўқув материали ўқув йиллари ва синф (академик гурух) да ўрганиладиган мавзулар бүйіча тақсимланади.</p> <p>7. Ўқув дастурлари ягона таркибий тузылмага эга бўлади.</p> <p>8. Ўқув дастурлари асосида дарслеклар яратилади.</p> <p>9. Узлуксиз таълим тизимининг маълум боскичи учун мўлжалланган ва тегишли вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув дастурлар талабларини инобатга олиш мажбурий характеристерга эга</p>	<p>1. Турли таълим обьектига йўналтирилади.</p> <p>2. Таълим обьектини инобатга олган ҳолда тарбияланувчи, ўқувчи ёки бўлажак мутахассис шахсига кўйиладиган талабларни ўзида акс эттиради.</p> <p>3. Таълим мазмунига таянган ҳолда билим, күникма, малакалар тизими бир-биридан фарқланади.</p> <p>4. Таълим йўналтирилган обьект нуқтаи назаридан таълим мазмуни турли мураккаблиқда бўлади.</p> <p>5. Таълим мазмунидан келиб чиқкан ҳолда ўқитиш мақсади ва вазифалари хусусий характер касб этади.</p> <p>6. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун мўлжалланган дастурларда умумий фанлар билан бирга ихтисослик фанларининг дастурлари ҳам қўлланилади</p>

Республика узлуксиз таълим тизимида фаолият юритувчи ўқув муассасаларида асосан намунавий ва ишчи ўқув дастурларидан фойдаланилади. Намунавий ўқув дастурлари маълум предмет (фан) бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ муайян йўналишда фаолият юритувчи таълим муассасалари учун мўлжаллаб тайёрланади. Унинг негизида ўқув юртининг тури, фаннинг ўқитилиш ўрни ва ихтисосликлар мөҳиятидан келиб чиқиб, ишчи ўқув дастурлари яратилади.

Ишчи ўқув дастурлари – намунавий ўқув дастури негизида давлат таълим стандартлари ва муайян, аниқ таълим муассасасига мос равишида тайёрленинадиган ўқув дастурлари саналади. Ишчи ўқув дастурлари таълим

муассасаларида ишлаб чиқилади. Ишчи ўкув дастурларини яратиш тартиби таълим тизимини бошқарувчи органлар томонидан белгиланади.

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун мўлжалланган ўкув дастурларини яратишда кўйидаги тамойиллар устувор аҳамият касб этади (7-расм):



7-расм. Ўкув дастурларини яратишнинг устувор тамойиллари

1. Илмийлик тамойили. Ўкув дастурларига илмий жиҳатдан асосланган, объектив борликни тӯғри ва ҳаққоний ёритувчи ишончли материаллар киритилади. Ушбу тамойил дастурда ўкув фанининг маълум таълим муассасаси, унинг босқичлари мақсади ва вазифалари, узлуксиз таълим тизимининг муайян бўғинида ўкувчиларнинг онги, дунёкарашига мос келадиган билим ҳажми – фан асосларининг ёритилишини ҳам ифодалайди. Илмий билимларнинг тобора ривожланиб бориши, фан, техника ва технология соҳаларининг ўсиши, ишлаб чиқаришда эришилаётган ютукларга таянган ҳолда ўкув ва мутахассислик предметлари мазмунига ҳам ўзгаришлар киритиб боришини, давр нуктаи назаридан эскирган масалаларни ўкув фани тартибидан олиб ташлаш зарурлигини кўрсатади.

2. Фоявийлик тамойили. Ўкув дастурларига киритилган материалларнинг илмийлиги ўз навбатида уларнинг муайян гояларга таянилишини ҳам белгилайди. Шу билан бирга замонавий шароитда Республика узлуксиз таълим тизими фаoliyatini ифодаловчи ўкув дастурлари мазмунан миллий истиқлол гоёси асослари, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиш йўналишлари, баркамол авлод ва малакали мутахассисни тарбиялашдан иборат ижтимоий максадни ҳам ёрта олиши лозим. Ўкув дастурларининг гоявийлиги кўйидагилар билан белгиланади:

1) ўкув материаллари тӯғри танланган бўлиши, далиллар илмий асосланиши, умумлаштирилиши, ижтимоий ривожланиш мақсадларга мос эканлигини тавсифлай олиши;

2) ўкувчиларни замонавий билимлар билан куроллантириш асосида илмий дунёқарашиларини шакллантириш;

3) маълум бир сиф (гурух) ўкувчиларининг ёш хусусиятлари, билим савияларини инобатта олган ҳолда уларга мос билимларни бериш, юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш.

3. Назария ва амалиёт бирлиги тамоили. Ушбу тамоили илмий билимларнинг замонавий турмушда тутган ўрни ва аҳамиятини, назарий билим ва амалий кўнікма, малакаларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб берилишида, билимларни амалиётда бевосита қўллай олиннишини таъминлашда акс этади. Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими мазмунини ифодаловчи ўкув дастурларида табиий, ижтимоий ҳамда гуманитар фанлар асослари билангина таништириш кўзда тутилмайди, балки улар бўйича ўкув хоналари, лаборатория, устахоналар, тажриба-ер майдонларида олиб бориладиган амалий тажрибаларни ўтказиш, оила хўжалигини юритиш, бозор муносабатларини ташкил этиш жараённида фаол қатнашишга доир амалий кўнікма ва малакалар билан куроллантириш ҳам назарда тутилади.

4. Таълим ва гарбия бирлиги тамоили. Бу тамоили узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этишда таълим ва гарбия жараёнларининг ўзаро ажратилмаслиги, алоҳида-алоҳида ташкил этилмаслиги, аксинча, ўзаро бирлик ҳамда алоқадорликда олиб борилиши лозимлигини англатади. Унга кўра ўкув машғулотлари даврида ўкувчиларга бериладиган билимлар, уларда хосил қилинадиган амалий кўнікма, малакалар, муайян маънавий-ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, экологик, ҳукукий, иктисадий ва бошқа сифатларни шакллантириш, умумий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш даврида ҳам ўкувчиларга бериладиган маълумотлар уларнинг онгини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш ва маданий хулк-атвор кўнікмаларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши зарур.

5. Тизимлилик тамоили. Ўкув дастурлари ўкув предметларининг муайян тизимини инобатта олган ҳолда ишлаб чиқилади. Мазкур тамоилга кўра умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумий ва мутахассислик фанлари бўйича билимларнинг оддийдан мураккабга, куйидан юкорига, осондан қийинга сари ривожланиб боришини назарда тутади.

6. Тарихийлик тамоили. Бу тамоил ўкув ёки мутахассислик фанларини ўқитишда таянч тушунчалар, илмий билимлар тизимининг шаклланиши, бугунги кундаги аҳамиятига доир маълумотларнинг берилишини назарда тутади. Қолаверса, ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича илмий билимларнинг муайян изчиллик, мунтазамлик асосида ёритилишини ифодалайди. Табиий фанларда эса маълум бир илмий ходиса, коида ва конунларнинг пайдо бўлиши, уларнинг истиқбол ривожланишига оид маълумотлардан ўкувчиларни хабардор этиш кўзда тутилади.

Тегишли фанга оид воеа, ходиса ва далиллар тарихий ривожланишининг обьектие, ҳаққоний ёритилиши ўкувчиларда табиий, ижтимоий борлиқка

нисбатан тұғри муносабатни шакллантиради, ҳар қандай воқеликка объектив бақо бера олиш күнімаларини ривожлантыради.

7. **Ұкув предметларининг ұзаро боғлиқлиги тамойили.** Айрим ұкув фанларida уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан қолда баъзи мавзуларни бирдек үрганишга тұғри келади. Ана шу вазиятда бир предмет буйича үрганилган маълумотларнинг иккінчи предметда қайта тақрорламаган ҳолда мавжуд билимларни янада бойитувчи материаллар асосида мустаҳкамлаш, такомиллаштириб бориш мақсаддага мувофиқдир. Ушбу тамойил ана шунга хизмат қиласи.

8. **Ұкувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили.** Ҳар бир ұкув предмети юзасидан берилаётган материалларнинг ұкувчилар ёш хусусиятларига мос келиши улар томонидан билимларни зўриқишиларсиз, қийинчиликларсиз, осон үзлаштирилишини таъминлайди. Дастур материалларининг ұкувчилар ёш хусусиятларига тұғри келмаслиги, ҳажмининг ҳаддан зиёд ошиб кетиши ұкувчиларнинг зўриқишига олиб келади, билимларни үзлаштириш қийинлашади. Билимларни үзлаштиришда қийинчиликларнинг юзага келиши ва бу қийинчиликларнинг доимий равища кузатилиши ұкувчиларда ұкув предметига бўлган қизиқиши сусайтиради. Бора-бора бу ҳолат ұкувчидан предметни үзлаштиришга нисбатан “совук муносабат”ни шакллантиради. Шу сабабли ұкув материалларининг тизими, ҳажми ва шакли муайян синф (ёки гурӯҳ) ұкувчиларининг ёш хусусиятларига мос келиши лозим.

9. **Ұкувчилар тарбиясининг ижтимоий мақсадларга мос келиши.** Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ұкувчилар тарбияси ижтимоий мақсад – баркамол авлод ва малакали мутахассисни тайёрлаш негизида амалга оширилиши лозим. Жамият томонидан узлуксиз таълим тизими олдига қўйилган мазкур мақсад энг муҳим масала бўлиб, унга эришиш ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишининг асосий кафолати бўла олади. Шу билан бирга таълим муассасаларининг педагогик фаолияти бозор муносабатлари талабларига, кучли рақобатга барлошли мутахассис, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар негизида тарбияланадиган баркамол инсон тарбиясини ташкил этишга йўналтирилиши зарур.

Узлуксиз таълим тизимининг қайси босқичида фаолият юритувчи ұкув муассасаси бўлишидан қатъй назар уларда фойдаланиладиган ұкув дастурлари муайян таркиби тузилмага эга бўлади. Яъни:

1. Үқтириш хоти (ёки кириш).
2. Ұкув фанининг мақсади ва вазифалари.
3. Фан буйича талабаларнинг билим, кўнімка ва малакаларига қўйиладиган талаблар.
4. Фанининг ұкув режадаги бошқа фанлар билан ұзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги.
5. Фанининг таълим соҳасидаги ўрни.
6. Фани үқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар.

7. Фанни ўқитиши жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тавсиялар.
 8. Фаннинг ҳажми ва мазмуни.
 9. Ўкув фанининг режаси.
 10. Фаннинг назарий (лекция) машгулотлари мазмуни.
 11. Амалий (лаборатория) машгулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.
 12. Мустакил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.
 13. Ўкув фани бўйича тавсия этилаётган мустакил ишларнинг мавзулари.
 14. Ўкув фани юзасидан ёзма шаклдаги оралиқ назорат (ОН)ни ташкил этиш учун намунавий саволлар.
 15. Ўкув фани юзасидан ёзма шаклдаги якуний назорат (ЯН)ни ташкил этиш учун намунавий саволлар.
 16. Ўкувчилар билимларини назорат қилиш тартиби ва мезонлари.
 17. Талабалар фаолиятини назорат қилиш турлари (жорий, оралиқ ва якуний назорат).
 18. Ўкув фани бўйича рейтинг назоратининг умумий баълари ва мезонлари.
 19. Ўкув фани бўйича рейтинг назорати.
 20. Ўкув фани бўйича дастурнинг ахборот-услубий таъминоти.
 21. Дицактик воситалар.
 22. Ўкув фанида фойдаланиладиган манбалар рўйхати.
 23. Кўшимча манбалар.
 24. Мундарижка.
- Ўкув дастурлари, одатда, ўкув режаси асосида ишлаб чиқилади.

Ўкув режаси – тегишли равишда умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари сўзсиз амал қилишлари лозим бўлган давлат хужжати

Унда синфлар (умумий ўрта таълим мактабларида) ёки гурухлар (академик лицей ва қасб-хунар колледжларида) бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўкув предметлари, муайян предмет учун ажратилган ҳафталик соатлар кўрсатилади. Узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида фаолият юритадиган таълим муассасаларининг ўкув режаларига киритилган ўкув фанлари (предметлар), энг аввало, миллий истиқлол гөясининг мақсад ва вазифалари, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларини амалга оширишга йўналтирилгандир.

Умумий ўрта таълим мактаблари, шунингдек, академик лицейларнинг ўкув режасидан табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар ўрин олган. Ўкув режасига мувофиқ назарий ва амалий машгулотлар, шунингдек, айрим предметлар бўйича факультатив машгулотларни ташкил этиш кўзда тутилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўкув ҳафталарининг йиллик миқдори I-II синфларда 34, IV синфда 36 ва V-IX синфлarda эса 36-38 ҳафтани ташкил этади. I-IV синфларда ҳафтасига ўргача 22 соат, V-IX синфларда эса ҳафтасига 30-34 соатдан машгулот олиб борилиши мумкин. Мактабларда дарс соатлари 45 дақиқадан иборат этиб белгиланган. Дарслар орасидаги танаффуслар 5 дақиқани, катта танаффус эса 10 дақиқани ташкил этади.

Айни ўринда умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич ҳамда V-IX синфларида үқитиладиган предметларнинг ўкув режасидаги ўрни тұғрисидаги маълумот куйидаги жадвалларда көлтирилади (2-3-жадваллар):

2-жадвал. Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларининг ўкув режаси

№	Таълим соҳалари	Ўкув фанлари	С И Н Ф Л А Р				Хафталик умумий соатлар	Жами соатлар
			I	II	III	IV		
			Давлат иктиёридаги соатлар					
1.	Филология	Ўзбек тили	-	2	2	2	6	204
2.		Она тили ва уқиши	8	8	10	10	36	1216
3.		Математика	5	5	5	5	20	675
4.		Габиёт	1	1	1	1	4	135
5.		Одномона	1	1	1	1	4	135
6.		Мусиқа маданийти	1	1	1	1	4	135
7.		Гасирий санъат	1	1	1	1	4	135
8.		Мехнат	1	1	1	1	4	135
9.		Жисмоний тарбия	1	1	1	1	4	135
		Хафталик умумий соатлар сони (давлат иктиёридаги соатлар)	20	22	24	24	90	3060
		Мактаб иктиёридаги соатлар	2	2	2	2	8	272
		Хафталик энг кўп дарс соатлари	22	24	26	26	98	3332

3-жадвал. Умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларининг ўкув режаси

№	Таълим соҳалари	Ўкув фанлари	С И Н Ф Л А Р					Хафталик умумий соатлар	Жами соатлар
			V	VI	VII	VIII	IX		
			Давлат иктиёридаги соатлар						
1.	Филология	Ўзбек тили	2	2	2	2	2	10	340
2.		Она тили ва адабиёт	9	7	5	5	5	31	1054
3.		Чет тили	3	3	3	3	3	15	510
4.	Ижтимоий билимлар	Тарих	2	2	3	3	3	13	442
5.		Давлат ва хуқуқ асослари	-	-	-	1	1	2	68
6.		Иқтисодий билим асослари	-	-	-	1	1	2	68
7.		Математика	5	5	5	5	5	25	850
8.		Информатика	-	-	-	1	2	3	102
9.	Табиий билимлар	Физика	-	2	2	2	2	8	272
10.		Кимё	-	-	2	2	2	6	204
11.		Биология	1	2	2	2	2	9	306
12.		Табиий география	1	2	2	2	2	9	306
13.	Маънавият	Ватан тұйғусы	-	1	1	-	-	2	68
14.		Маънавият асослари	-	-	1	1	1	3	102
15.		Мусиқа маданийти	1	1	1	-	-	3	102
16.	Санъат	Тасвирий санъат	1	1	1	-	-	3	102
17.		Технология	-	-	-	1	1	2	68
18.		Чизмачилик	-	-	-	1	1	2	68
19.	Софломулаштириш машигулотлари	Мехнат	2	2	2	1	1	8	272
		Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	10	340
		Хафталик умумий соатлар сони (давлат иктиёридаги соатлар)	29	32	34	34	35	164	5576
		Мактаб иктиёридаги соатлар	2	2	2	2	2	10	340
		Хафталик энг кўп дарс соатлари	31	34	36	36	37	174	5916

Ўрта маҳсус, касб-қунар таълими босқичидаги яна бир ўкув муассасаси – касб-қунар коллажларининг ўкув режасидан эса табиий, ижтимоий-гуманитар каби умумий фанлар, шунингдек, ихтиносислик йўналиши бўйича билимларни берувчи мутахассислик фанлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ўрта маҳсус, касб-қунар таълими муассасаларида ўкув ҳафталарининг йиллик микдори 42 ҳафтани ташкил этади. Таълим муассасаларининг I-III босқичларida ҳафтасига 34-36 соатдан машгулот олиб борилиши мумкин. Академик лицей ва касб-қунар коллажларida дарс соатлари 1 академик соат (80 дақика)дан иборат этиб белгиланган. Дарслар орасидаги танаффуслар 10 дақиқани, катта танаффус эса 20 дақиқани ташкил этади.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўқитувчи шахсига қўйилган талаблар. Узлуксиз таълим тизими фаолияти самарадорлигини оширишда ўқитувчилар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг касбий маҳорати, дунёқараси, маънавий-ахлоқий сифатлари баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди. Шахсни тарбиялаш иши низоҳатда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятининг етук кишилари жалб этилгандир. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, уни ташкил этиш мазмуни нафакат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Республикада ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, аклий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қўйидагиларни қайд этади: “Тарбиячи-устоз бўлиши учун, бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд килиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фужаро этиб этишишириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак”¹³.

Ўқитувчилар аксарият ҳолатларда таълим олувчилар учун идеал, намуна бўлади. Шу сабабли республика таълим тизимига оид ҳужҷатларда ҳам ўқитувчи ва унинг шахси масаласига эътибор қаратилади. Республика “Таълим тўғрисида”ги Конуни (5-модда)да педагогик фаолият билан шугулланадиган шахслар, улар эга бўлган ҳуқуқ тўғрисида сўз юритилади. Унда кўрсатилишича, “тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар”¹⁴ нинг педагогик фаолият билан шугулланиш ҳуқуқига эгаликлари кўрсатиб ўтилади. Юқорида билдирилган фикрга таянган ҳолда “ўқитувчи” тушунчасини шундай таърифлаш мумкин:

Ўқитувчи – педагогик, психолого-педагогик ва тегишли мутахассислик бўйича маҳсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиб, таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс

¹³ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993. – 27-28-бетлар.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни // Ўкувчи маънавиятини шакллантириш / Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар: Ж.Фозилов, Р.Султонов, Х.Саидов. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 8-9-бетлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида, шунингдек, педагог ходимларни олий ўкув юртларига ишга қабул қилиш тартибида алоҳида тўхталиб ўтилади. Унда айтилишича, “педагог ходимларни олий ўкув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади”¹⁵. Мазкур ҳужжатда педагогик фаолият билан шугулланиш ҳуқукига эга бўла олмайдиган шахсларнинг тоифаси ҳам кўрсатиб ўтилади. Яъни “педагогик фаолият суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди”¹⁶.

Замонавий шароитда ҳам барча даврларда бўлгани каби педагогик фаолият билан шугулланадиган шахсларнинг муайян талабларга жавоб берса олишлари мухимдир. Хўш, замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак? У ўзида қандай сифатларни акс эттира олиши зарур?

Педагогик, психологик манбаларда билдирилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, замонавий ўқитувчи киёфасида қуйидаги фазилатларнинг намоён бўлиши керак:

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй берадиган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотлар моҳиятини чукур англаб етиши ҳамда бу борада ўкувчиларга тўгри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника, технология янгиликлари ва ютукларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чукур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўкувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, кўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидаларини чукур ўзлаштириб олишга эришиши лозим.

8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи куйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак:

- а) нутқнинг тўғрилиги;
- б) нутқнинг аниклиги;
- в) нутқнинг ифодавийлиги;
- г) нутқнинг соғлиги (унинг турли шева сўзларидан ҳоли бўлиб, факат

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Газъим тўғрисида”ги Қонуни // Ўкувчи маънавиятини шакллантириш / Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар: Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Сайдов. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 9-бет.

¹⁶ Ўша манба. – 9-бет.

адабий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларнинг ноўрии қўлланилиши); вульгариzm (ҳакорат қилиш, сўзишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концепцизм (урни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзлардан ҳоли бўлиши, ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак;


д) нутқнинг равонлиги;

ж) нутқнинг бойлиги (хикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш).

9. Ўқитувчи кийиниш маданиятига эга бўлиши (содда, озода, бежирим кийиниши), таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг дикқатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (ғолтин, кумуш такинчоклар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз киёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишида кийинишни ўзлаштиришга эришиши).

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

Юкорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатларни куйидагича туркумлаштириш мумкин (8-расм):



8-расм. Ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар

Ўқитувчи мутахассис сифатида: педагогика назарияси ва психология асосларини билиши; педагогик маҳоратга эга бўлиши; таълим ва тарбия технологияларини ўзлаштира олиши; меҳнатни оқилона, самарали ташкил этишининг уддасидан чиқиши; сабр-тоқат, ишонч ҳиссига эга, тоқир, ҳозиржавоб, чаққон, олийжаноб, саҳоватли, ҳиссий барқарор бўлиши; ўзини туга олиши; болаларни тушуна олиши, тинглай билиши; улар билан ишлашни

билиши; тиник ва ишончли нутққа эга, талабчан, хушмуомала, ўзини дадил тутиши, ҳакиқаттүй ва киришимли бўлиши; **ходим** сифатида: ўз олдига мақсад кўя олиш ва унга эришиш; вақтни тўғри тақсимлай билиш; изчил ва режали равишда касбий малакасини ошириб бориши; ишлаб чиқариш меҳнатини тўғри режалаштириш ва ташкиллаштириши; ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмасига эга бўлиши, билимли, келажакка ишонч билан қарайдиган ва ҳар нарсадан шубҳаланмайдиган; **фукаро** сифатида эса: юксак маънавий-ахлоқий сифатларни ўзлаштириш; жамоат ишларида фаол иштирок этиши; фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши; инсонпарвар, маънавиятли, эътиқодли, киришимли, очиқкўнгилли, ахлоқли, ўз фаолиятини танқидий баҳолай олиши зарур¹⁷.

Ўқитувчи педагогик мулокот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни бартараф этишининг уддасидан чиқа олиши зарур. Ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкаслари билан мулокот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баъси этилишига аҳамият қартиши максадга мувофиқ. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳакидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, ўқувчи (ёки ҳамкаси, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эътироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулокот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан сұхбатдошига нисбатан хайриҳоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкаслар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид давлат сиёсати қандай тамойилларга асосланади?
2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги тамойили қандай маънони англатади?
3. Ўрта маҳсус касб-хунар таълимнинг ихтиёрийлиги тамойилининг моҳияти нимадан иборат?
4. Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув тамойили ўзида қандай мазмунни ёритади?
5. Таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш деганда нимани тушунасиз?
6. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да фаннинг узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этишдаги ўрни қандай баҳоланади?
7. Миллий дастур талабларига кўра ишлаб чиқаришнинг узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этишдаги роли қандай?
8. Узлуксиз таълим тизими фаолиятини йўлга кўйишида қандай йўналишлар устувор этиб белгиланган?

¹⁷ <http://www.grandars.ru/college/psihologiya/professionalnye-kachestva-pedagoga.html>.

9. Республика таълим муассасаларининг фаолияти қандай маблағлар ҳисобига молиялаштирилади?

10. Пулли таълим хизматлари қандай шаклларда кўрсатилади?

11. Республика узлуксиз таълим тизими қандай таълим турлари негизида шаклланади?

12. Ўтра маҳсус, касб-хунар таълимининг асосий мақсади нима?

13. Мактабдан ташқари таълим қандай мақсаддаги ташкил этилади?

14. Ўкув дастурлари нима ва уларнинг қандай турлари мавжуд?

15. Ўкув режасида нималар акс этади?

16. Замонавий ўқитувчи қандай сифатларга эга булиши лозим?

Мавзу юзасидан тест топшириқлари:

1. Таълим мазмунининг очиқлиги, ўкув материаллари, таълим шакл ва методларининг хилма-хиллиги, ўқитишни ташкил этишда миллый-ҳудудий хусусиятларнинг инобатга олиниши, тарбия жараёнининг демократик гояларга мувофиқ ташкил этилиши Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид давлат сиёсати қайси тамоилийнинг моҳиятини англатади?

- a) таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиг;
- b) таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- c) таълим дастурларини танлашга ягона ва табакалаштирилган ёндашув;
- d) билимли булиш ва истеъодони рафбатлантириш.

2. Республика ва жаҳон илм-фани ўргасида интеграцияни қарор топтириш ҳамда илмий ютуклар ва кадрларни ҳалқаро миқёсда алмашувини амалга ошириш миллый моделининг қайси таркибий қисми томонидан амалга оширилади?

- a) давлат ва жамият;
- b) шахс;
- c) ишлаб чиқариш;
- d) фан.

3. “Кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан кўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи” таърифи кадрлар тайёрлаш миллый моделининг қайси таркибий қисмiga нисбатан айтилган?

- a) фан;
- b) узлуксиз таълим;
- c) давлат ва жамият;
- d) ишлаб чиқариш.

4. Узлуксиз таълим тизими фаолиятини йулга кўйишнинг устувор йўналишларини белгиланг:

- a) таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, таълим жараёнини мазмунан

ислох килиш, иқтидорли болалар ва истикболли ёшларни қўллаб-кувватлаш, таълим тизимини самарали бошқариш;

b) педагог, илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, қасб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш, таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш, тизимнинг моддий-техник таъминотини яратиш, таълим тизимини молиялаш;

c) таълим хизмати кўрсатиш бозорини, ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини, шунингдек, фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш, таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-кувватлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик;

d) барча жавоблар тўғри.

5. Пуяли таълим хизматлари қандай тартибда ташкил этилади?

a) таълим муассасаси ва жисмоний шахслар ўртасидаги шартнома асосида;

b) мавжуд қонунчилик талабларига мувофиқ лицензия асосида;

c) турли йўналишларда фаолият юритувчи таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ;

d) ҳалқаро хукуқ талабларига мувофиқ.

6. Ўзбекистон Республикасида таълим қандай турларда амалга оширилади?

a) мактабгача, бошланғич, умумий ўрга, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим;

b) мактабгача, умумий ўрга, ўрга маҳсус, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда қўшимча таълим;

c) мактабгача, умумий ўрга, ўрга маҳсус, қасб-хунар, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайta тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим;

d) тўғри жавоб йўк.

7. Таълим дастурларининг турлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

a) намунавий, муқобил, ишчи, муаллифлик ва индивидуал дастурлар;

b) ижтимоий, таълимий, илмий, ўқув ва ҳамкорлик дастурлари;

c) бинар, тренинг, семинар, амалий ва илмий дастурлар;

d) илмий, таълимий, ижтимоий, бинар ва тренинг дастурлари.

8. Ўқув режасида нима акс этади?

a) синф (гурух)лар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув предметлари;

b) синф (гурух)ларда ўқитиладиган ўқув предметлари учун ажратилган хафталик соатлар;

с) синф (гурух)лар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўкув предметлари, ўша предмет учун ажратилган ҳафалик соатлар;

д) синф (гурух)ларда ўкув предметлари бўйича машгулотларни олиб борадиган ўқитувчилар.

9. Ўқитувчи ўзида қандай сифатларни акс эттира олиши лозим?

а) билиш, ижодкорлик, раҳбарлик, етакчилик ва назоратчилик сифатлари;

б) касбий, шахсий, педагогик, психологик ва раҳбарлик сифатлари;

с) ташкилотчилик, ташаббускорлик, ижодкорлик, изланувчанлик ва тадқиқотчилик сифатлари;

д) касбий, ташкилотчилик, мулоқотга киришувчанлик, ўкувчилар жамоасига раҳбарлик, бошқарувчилик, иш юрита олиш, ижодий фаолиятини ташкил эта олиш, тадқиқотчилик ва вокеликни тўғри баҳолай олиш сифатлари.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўкувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 7-18-бетлар.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” // Ўкувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 19-55-бетлар.

3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 53 бет.

4. Баркамол авлод орзуси // Нашр учун маъсүл: Т.Рисқиев. Тузувчилар: Ш.Курбонов, Х.Сайдов, Р.Аҳлиддинов. – Тошкент: “Шарқ” НМК Бош таҳририяти, 1999. – 182 бет.

5. Mavlonova R., To’raeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika / Kasb-hunar kollejlari ushun darslik. – Toshkent: “O’qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 495 bet.

6. Pedagogika / Bakalavriat yo’nalishi uchun darslik. Prof. M.X.Toxtaxodjayevaning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2010. – 400 bet.

“ПЕДАГОГИКА” ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАН СИФАТИДА

Режа:

1. Тарбиянинг келиб чиқиши.
2. Педагогиканинг предмети ва вазифалари.
3. Педагогика фанлар тизими ва “Педагогика назарияси” фанининг таркибий тузилиши.
4. Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
5. Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари.
6. Асосий педагогик категориялар.

Таянч тушунчалар: тарбия, педагогика, педагогика фанлари, педагогика фанлари тизими, фанлараро алоқадорлик, педагогик илмий-тадқиқот методлари, асосий педагогик категориялар: шахс, таълим, билим, кўнишка, маълака, фаолият, маълумот, ривожланиш.

Тарбиянинг келиб чиқиши. Тарбия – ҳар бир шахсда муайян жисмоний, руний, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён¹⁸ саналади. Шунингдек, “тарбия” тушунчаси ижтимоий-ахлоқий ва маданий меъёрларга мувофиқ шахсни жамият ижтимоий, маданий хаётида фаол иштирок этишга тайёрлаш учун мақсадли шакллантириш”¹⁹ сифатида ҳам талкин этилади.

Кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида болалар тарбиясини ташкил этиши (тарбия жараёни) кекса авлод вакиллари томонидан орттирилган ҳаётий тажрибаларнинг ёш авлодга узатилиши тарзида ҳам тушунилган. Шу сабабли инсониятнинг яшал учун курашиш ва турли табиий оғатлардан ҳимояланиш йўлида олиб борган ҳаракатлари тарбия гояларининг шаклланишига асос бўлиб хизмат килган. Ижтимоий тарбия гоялари асрлар давомида шаклланиш келган бўлиб, кишилик жамияти тараққиётининг ҳар бир боскичида янги мазмун билан бойиб борган.

Ибгидой жамоа тузумида одамларнинг гурух-гурух бўлиб ҳаёт кечириши сабабли болаларга тириклик ўтказиш йўлидаги фаолият (ўсимлик мевалари, илдизларини териш, ҳайвонларни овлаш)ни ташкил этиш борасидаги тажрибаларни ўргатиш гурух аъзолари томонидан бирдек амалга оширилган. Билимлар, аксарият ҳолларда, меҳнат ва ўйин жараёнларида ўзлаштирилган. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш жинсий характерга эга бўлганлиги боис ўтил ва киз болаларни тарбиялашда ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланган.

Оила, хусусий мулк ва давлатнинг пайдо булиши ижтимоий тарбия мазмуннида ҳам туб ўзгаришларнинг содир этилиши, кулдорларнинг пайдо булишига олиб келди. Ушбу даврда табиий-ижтимоий фанлар тизими шаклланиши учун бошлигач асослар кўйилди.

Кулдорлик тузумида эркин бўлмаган кишилар (куллар)нинг ҳақ-хуқуклари чекланганлиги боис тарбия тизими фақатгина кулдорлар, уларнинг фарзандлари учун хизмат қилган.

Феодал тузумда педагогик гоялар феодаллар манбаатини ифода эта бошлиди. Мазкур давр педагогик жараённи ташкил этишда диний гоялар етакчи ўрини эгаллаши билан тавсифланади. Ижтимоий ҳаётда диний муассасалар (Гарбда черков, Шарқда эса мачитлар)нинг роли оша бориб, болаларни ўқитиши ва тарбиялаш ишлари асосан шу масканларда ташкил этилди. Гарчи дунёвий гояларни илгари суриш, илмий назарияларни яратиш ва тарғиб этишининг дин пешволовари томонидан кораланиши каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланган бўлса-

¹⁸ Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 528-бет.

¹⁹ <http://ru.wikipedia.org/wiki>.

да, аммо савдо-иктисодий алоқалар кўламининг кенгайиши, табиий оғатларга қарши кескин чора кўриш эҳтиёжи илмий билимларнинг ривожланиши ҳаётий зарурият эканлигини исботлади.

Айнан шу даврда педагогика фани асослари муайян тизимга солинди ва илмий жиҳатдан асосланди. Шахсга таълим бериш, уни тарбиялашга оид қарашлар янада бойитилди; таълим тизимига илм-фан, техника янгиликларини тадбиқ этиши, ўқитишни янги тизим (изчил, узлуксиз, асосланган) асосида ташкил этиш каби гоялар илгари сурилди.

Собиқ Шўро даврида педагогика фани мазмунан илм-фан, техника ва технология ютуқлари асосида бойиб, таълим муассасалари тизими шакллантирилди, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириши назарияси асосланди. Бирок, мазкур назария гояларини амалиётта тадбиқ этишининг пухта асосланган механизми яратилмади.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида таълим тизимини тубдан ислоҳ килиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Асосий эътибор юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юкори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилди.

Педагогиканинг предмети ва вазифалари. Дастреб “педагогика” тушунчасининг қандай маънони англатишини тушуниб олиш мақсадга муроффайдир.

Педагогика (“пәдагогуысқ” – тарбия санъати, қадимги грек тилидан “pais” (“pais”) – бола, “ағуф” (“agoros”) – етаклайман) – шахсни шакллантиришга қаратилган муайян тизими фаолият, таълим-тарбиянинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари ҳақидаги фан

Қадимги Грецияда болага қарайдиган, унинг мактабга қатнаши учун жавоб берадиган күл “педагог” деб юритилган. Педагогик фикрлар минг йиллар давомида қадимги Греция ва айрим Шарқ мамлакатлари (Хитой, Ҳиндистон) ва ўрта асрларга тааллуқли фалсафий билимлар негизида шаклланган. Педагогика фалсафий билимлар тизимидан биринчи бор XVII аср бошларида инглиз файласуфи ва табиатшуноси Френсис Бекон томонидан ажратилди ва чех педагоги Ян Амос Коменский томонидан фан сифатида асосланди.


Педагогика фанининг мақсади – шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашдан иборат

Педагогика фанининг **объекти** – шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унда илмий билимларни хосил килиш, дунёкарашни шакллантириш, юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш жараёни

Педагогика фанининг **предмети** – ҳар томонлама ривожланган, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнининг умумий мөҳияти, таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик фаолият мазмуни

Олий таълим муассасаларида педагогика фанини ўқитиши жараённада талабалар таълим ва тарбия жараённинг мазмуни, тамойиллари, босқичлари, самарали шакл, метод ва воситалари, илгор технологиялар, ўқитувчи-таълим олуви (ўкувчи, талаба) муносабатлари тўғрисидаги педагогик билимлар билан куроллантирилади, замонавий таълим ва тарбия назариялари тўғрисида маълумотларни ўзлаштириш асосида ўзларида педагогик фаолиятни муваффакиятли ташкил этиш кўнкима, малакаларини шакллантиради.

Мустакил Ўзбекистон Республикасида педагогика фани юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга юкори малакали кадрларни тарбиялаш тизимини ишлаб чикиш, таълим ва тарбия назариясини миллий истиклол ғояси асосида ижодий ривожлантиришга хизмат қилади. Бу жараёнда педагогика фани куйидаги вазифаларни бажаради (7-расм):



7-расм. Педагогика фанининг вазифалари

Педагогика фанининг мақсади ва вазифаларини белгилашда шахслараро муносабатлар, давлат ва жамият курилиши, ижтимоий ҳаётда етакчи ўрин тутувчи гоялар мухим аҳамиятга эга.

Педагогика фанлар тизими ва “Педагогика назарияси” фанининг таркибий тузилиши. Шахс камолотини таъминлаш, унинг интellektuaл, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний жиҳатдан ривожланишига эришишда турли ёш даврлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, боланинг

физиологик, психологик ҳолатини инобатга олиш мақсадгы мувофиқдир. Яхшы педагогик жараён мұайян түркүмні ташкил этиувчи педагогик фанлар томонидан үрганилады (8-расм):

Фанлар		
Педагогика назарияси	Педагогика тарихи	Мактабгача таълим педагогикаси
Бошланғич таълим педагогикаси	Коррекцион (махсус) педагогика	Хусусий методика (хусусий фанларни үкитиши)
Педагогик маҳорат	Педагогик технология	Ижтимоий педагогика
Касбий педагогика	Таълим менежменти	Қиёсий педагогика
Креатив педагогика	Нейропедагогика	Ҳамкорлик педагогикаси
Ҳарбий педагогика		Педагогик инноватика

8-расм. Педагогика түркүм фанлар

Педагогика назарияси – ҳар томонлама ривожланған, баркамол шахсни шакллантириш, унда дүнекараң ва юксак мәйнавий-аҳлоқий сифатларни тарбиялаш масалаларини үрганади.

Педагогика тарихи – педагогик фикрларнинг пайдо булиши ва ривожланиш тарихини, түрли даврларда бола тарбиясини ташкил этишига ондай билимларнинг шаклланишини тадқиқ қиласы.

Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёши болаларни тарбиялаш, уларга бошланғич билимларни бериш масалаларининг тадқиқи билан шүгүлланади.

Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синф үкувчиларнинг ёши психологик хусусиятларини инобатта олган ҳолда уларни үкитиши ва тарбиялаштыруши жараённини үрганади.

Коррекцион (махсус) педагогика – имконияти чекланған кар-сок (сурдолпедагогика), күр (тифлопедагогика), аклий жиҳатдан ривожланиши ортда колған (олигофренопедагогика) болаларға таълим бериш ва улардың тарбиялапнинг үзиге хос хусусиятларини үрганади.

Хусусий методика (хусусий фанларни үкитиши) – түрли үкув фанлари (математика, физика, биология, кимё, тарих, хукук, жисмоний тарбия ва х.к.)ның үкитишининг үзиге хос жиҳатларини тадқиқ қиласы.

Педагогик маҳорат – бұлажак педагог (үкитувчилар)да педагогика жараённің методик жиҳатдан тұғри, самарали ташкил этиши, үкитувчи ва үкувчының

муносабатларини оқилона йўлга кўйиш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш масалаларини ўрганади.

Педагогик технология – таълим ва тарбия жараёнларини технологик ёндашув асосида такомиллаштириш, илғор педагогик технологияларни яратиш ва таълим амалиётига самарали татбиқ этиш йўлларини тадқиқ килади.

Ижтимоий педагогика – шахсни ижтимоийлаштириш қонуниятларини, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга педагогик ёндашиш, ижтимоий педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш технологияларини яратиш масалаларини ёритади.

Касбий педагогика – турли (ижтимоий, техник, маданий-маишпий, ишлаб чиқариш) йўналишларда тегишли соҳа (м: қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маданий-маишпий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва б.) бўйича касбий фаолиятни самарали йўлга кўйиш йўлларини ўрганади.

Таълим менежменти – таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва оқилона бошқариш масалаларини тадқиқ килади.

Қиёсий педагогика – таълимнинг жаҳон, миңтақа, давлат миқёсидаги ривожланишининг умумий ва алоҳида тенденциялари, қонунлари ва қонуниятларини ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганади, ҳалқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатларини, миллий педагогик маданиятлар алмашинувининг шакл, усууларини аниқлади.

Креатив педагогика – шахс (ўқувчи, талаба)ни ўқиш, таълим олишга ижодий ёндашиш, ўзининг ва ўз келажагининг яратувчиси булишга ўргатади.

Нейропедагогика – инсон миясининг ижодий имкониятларини аниқлаш, амалий (функционал) ривожлантириш, шахсада фаолиятга нисбатан фаол, онгли муносабатни қарор топтириш, ижтимоий хулк-авторни психологик коррекциялаш, болалар руҳий ривожланишини ташхислаш, башоратлашнинг янги илмий дастурлари, самарали шакл, методлари ва маҳсус турдаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тадқиқ этади.

Ҳамкорлик педагогикаси – турли фанлар ёки мутахассислик асосларининг таълим берувчи ҳамда олувчилик ўртасидаги ўзаро муроқит асосида самарали ўрганиш мазмуни, тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини кўрсатиб беради.

Ҳарбий педагогика – ҳарбий таълимнинг ўзига хос жиҳатлари, уни ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситалари, илғор технологиялар, ҳарбий фаолиятни муваффакиятли ташкил этиш йўлларини очиб беради.

Педагогик инноватика – таълим субъектлари нуқтаи назаридан педагогик инновацияларнинг моҳияти, пайдо бўлиш, ривожланиш қонуниятларини ҳамда педагогик анъанаалар билан келажак таълимини лойиҳалаштириш ўртасидаги алокаларни ўрганади.

Ҳар қандай фан сингари “Педагогика назарияси” фани ҳам ўзининг таркибий тузилмасига эга. Бу фан, асосан, икки таркибий қисм – таълим (дидактика) ва тарбия назарияларидан таркиб топади. Бироқ, ихтиносослик нуқтаи назаридан турли олий таълим муассасалари учун мўлжалланган

“Педагогика назарияси” фани ўзига хос таркибий тузилмага эга бўлиши мумкин. Жумладан, педагогик йўналишдаги олий таълим муассасалари учун мўлжалланган “Педагогика назарияси” фани қўйидаги таркибий тузилмага эга бўлади:

1. Сўзбоши.
2. Педагогиканинг илмий асослари.
3. Таълим назарияси (Дидактика).
4. Тарбия назарияси.
5. Таълим тизимини ташкил этиши.
6. Коррекцион (маҳсус) педагогика.

Нонпедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган “Педагогика назарияси” фани, асосан, талабаларга ўкув юргларида таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда қўл келадиган педагогик билимларни беришга хизмат қиласи. Шунга кўра мазкур фан қўйидаги таркибий тузилмага эга бўлиши мумкин:

1. Сўзбоши.
2. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими.
3. Педагогиканинг умумий асослари.
4. Педагогик маҳорат асослари.
5. Таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни кўллаш.

Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Муайян тарихий шароитда таълим ва тарбия моҳиятини илмий жиҳатдан тўғри баҳолай олиш учун уларни гашкил этиш жараёнларининг умумий қонуниятларидан хабардор бўлиш талаб қилинади. Шу сабабли ижтимоий моҳиятга эга фан сифатида педагогика мазкур туркумдаги фанлар билан якин алоқада ривожланади. Педагогика фани ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантириш, унда дунёқараш, юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш чоғида туркум фанларнинг асосларига таянади. Шу нутқта назардан педагогика фани билан қўйидаги фанлар ўртасида якин алоқадорлик мавжуд (9-расм):



9-расм. Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Педагогика фани билан юкорида қайд этилган фанлар ўртасида якин алоқадорликни яққол англаш учун уларнинг тадқиқот обьектларидан хабардор бўлиш максадга мувофиқдир.

Фалсафа – табиат, жамият ва тафаккур таракқиётининг умумий қонуниятларини ўрганади.

Иқтисодиёт назарияси – ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқариш кучларининг иқтисодий ривожланиш даражасига мувофик келиши, иқтисодий муносабатлар жараёнининг умумий асосларини тадқиқ қилади.

Социология – жамият, айрим ижтимоий тартиботлар, жараёнлар, гурӯҳлар, шахс ва жамият ўртасидаги, шунингдек, ижтимоий субъектларнинг ўзаро муносабатлари қонуниятларини очиб беради.

Этика (ахлоқшунослик) – ижтимоий ахлоқ метьёрлари, уларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва шаклларини ёритади.

Эстетика асослари – нафис санъат, бадий ижодиёт, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳияти, шакллари, инсон ва ижтимоий борлик ўртасидаги қадрияятлар муносабатини ўрганади.

Физиология – одам, ҳайвон ёки ўсимлик организми, уларнинг алохида бўлаклари – муайян тизимлари, аъзолари, тўқималари ва хужайраларининг ҳаёт фаолияти (пайдо бўлиши, ўсиш, ривожланиш, кўпайиш, атроф-муҳитга мослашиш каби жараёнлар)ни, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тадқиқ қилади.

Гигиена – ташки мухитнинг инсон организмiga таъсири, таъсир кўрсатувчи омиллар, уларни билиш асосида касалликларнинг олдини олиш, соглиқни саклаш чоралари ва қоидалари тўғрисида маълумот беради.

Психология – инсон фаолияти, шахс ҳатти-харакатларида борликнинг акс этишини, руҳий жараёнлар, ҳодисалар ва хислатларнинг моҳиятини ёритади.

Тарих фанлари – кишилик жамиятининг ривожланиши, муайян давлатлар таракқиёти босқичларини тадқиқ этади.

Маданиятшунослик – маданий ривожланишнинг жамият таракқиётидаги ўрни, табиат, атроф-муҳитга таъсири, маданият турлари, фан, дин ва санъат турларининг ривожланиш асосларини ўрганади.


Гибиёг фанлари – инсонлар соглигини саклаш ва мустаҳкамлаш, умрини узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимларни ёритади.

Маънавият асослари – миллий истиқбол гояси асосларини, инсониятга хос фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва х.к. тасаввурлари, тушунчаларини ифодалайди.

Педагогика фанининг илмий тадқиқот методлари. Педагогика фани ривожи муайян педагогик муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларининг гояси, мазмунни, натижалари ҳисобига таъминланади. Педагогик илмий-тадқиқот методлар шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чукур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, обьектив ва субъектив омилларни аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа, қонуниятларини маҳсус текшириш, билиш усууларидир. Педагогик илмий

тадқиқотларни амалга ошириш мураккаб жараён булиб, изчиллик, узлуксизлик тизимлилік ва аник максад каби хүсусиятларга эга.

Замонавий шароитда педагогик йұналишда тадқиқотларни олиб борища қуидаги педагогик илмий-тадқиқот методлардан фойдаланылмокта (10-расм):



10-расм. Педагогик илмий-тадқиқот методлари

Қайда мазкур методларнинг моҳияти тұғрисида қыскача сүз юритилади.

Педагогик таҳлил. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ушбу методни кўллашдан кўзланган мақсад танланган муаммонинг фалсафий, психологик хамда педагогик йўналишларда ўрганилганлик даражасини аниқлашдан иборат. Унга кўра тадқиқотчи илгари сурәтган фоянинг назарий жиҳатдан ҳаккенийлигини асослашга хизмат киласди.

Сұхбат методи педагогик күзатын чөгіда зәға бўлинган маълумотларни бойитиш, вазиятга тұғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни яратып, тажриба-синов ишларидан иштирок этувчи субъектларнинг имкониятларини муаммо ечимига жалб этишига ёрдам беради. Сұхбат индивиудал, гурухли ҳамда оммавий шаклда үтказиласы. Сұхбат жараёнида ұкувчилар имкониятларининг тұла намоён бўлишига эришиш мүхим.

Сұхбатнинг самарали кечишини таъминловчи шартлар:

- 1) мақсаддан келип чиқкан ҳолда сұхбат учун белгиланувчи саволларнинг мазмунини аниклаш, саволлар ўртасидаги мантикийлик ва изчилликни таъмилаш;
 - 2) сұхбат жойи ва вактни аниқ белгилаш;
 - 3) сұхбат иштирокчиларининг сонини аниклаشتыриш;
 - 4) сұхбатдош тұғрисида аввалдан мұайян маълумотларга эзға бүлин; 5) сұхбатдош билан самимий муносабатда бўлиш;
 - 6) сұхбатдошнинг уз фикрларини эркін ва батағсабд айта олиши учун шаюрт яратиш; 7) саволларнинг аник, киска ва равшан берилishiغا еришиш;
 - 8) олингам маълумотларни ^уз вактида таҳлил қилиш

Анкета (французча “текшириш”) методи ёрдамида педагогик кузатиш ва сұхбат жараённанда тұпланған даиллар бойитилади. Метод тизимли саволлар асосыда респондентлар билан мұлоқотни ташкил этишга асосланады. Саволларға жавоблар, одатда, ёзма равищда олинады. Үрганилаёттан жараён мөхиятидан келиб чикқан ҳолда анкеталар күйидагича бўлади: 1) очик саволлар (эркин, батафсилик жавоб бериш учун имкон яратадиган саволлар)га эга; 2) ёпик саволлар (“ха” - “йўқ”, “ижобий”, “салбий” ва ҳ.к. тарздаги жавоб вариантынин танлашга имкон берадиган саволлар)га эга анкеталар.

Анкета методини кўллашда ҳам бир қатор шартларга амал қилиш зарур.

Анкета самарадорлигини таъминловчи шартлар:

- 1) саволлар муаммонинг мөхиятини ёритишига хизмат қилиши лозим;
- 2) саволлар йирик ҳажмли ва ноаник бўлмаслиги керак; 3) саволлар ўкувчиларнинг дунёкараши, ёш ва психологияк ҳусусиятларини инобатга олиш асосыда тузилиши зарур; 4) саволларга тўла жавоб қайтарилиши учун етарича вакт ажратилиши керак; 5) анкета ўкувчиларнинг педагогик ва психологик тавсифномаларини тузиши манбаига айланмаслиги зарур;
- 6) жавоблар муайян мезонлар асосида пухта таҳлил этилиши шарт

Интервью респондент томонидан тадқиқ этилаётган муаммонинг у ёки бу жиҳатини ёритувчи ҳодисага нисбатан муносабат билдирилишини таъминлайди. Интервью респондент зътиборига туркум саволларни ҳавола этиши асосида ўтказилади. Интервью жараённан олинган саволларга тадқиқотчи томонидан муносабат билдирилиши унинг самарасини оширади.

Таълим муассасаси хужжатларини таҳлил қилиш. Педагогик ҳодиса ва даилларни текшириш мақсадида таълим муассасалари фаолияти мазмунини ёритувчи маълумотларни текшириш мақсадга мувофиқидир. Таълим муассасаларида узлуксиз таълимни ташкил этишига оид хужжатлар талабларининг бажарилиш ҳолатини үрганиш, эришилган ютуқ, йўл кўйилган камчиликларни аниқлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва таълим муассасаси педагогик тажрибасини ошириш мақсадида кўлланилади.

Таълим муассасаси фаолияти мөхиятини ёритувчи хужжатлар
ўкув машгулотларининг жадвали; ўкув дастури; гурӯҳ журнallари; ўкувчиларнинг шахсий варакалари; бўйруклар;
Педагогик кенгаш йигилиши баённомалари ва қарорлари;
таълим муассасаси сметаси ҳамда паспорти; тарбиявий ишлар режаси; ўкув-тарбия ишларини ташкил этишига оид хисоботлар; таълим муассасаси жиҳозлари (ўкув парталари, стол стуллар ва ҳ.к.) қайд этилган дафтар ва б.

Тест методи респондентлар томонидан муайян фан соҳаси ёки фаолият (шу жумладан, касбий фаолият) бўйича ўзлаштирилган назарий билим, амалий кўнинма, малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиласиди. Тест ўз мөхиятига кўра кўйидаги саволлардан иборат бўлади: 1) очик турдаги саволлар (батафсилик

жавоб бериш имконини берадиган саволлар); 2) ёпик турдаги саволлар (“ха” ёки “йүк”, “ижобий” ёки “салбий” тарздаги жавобларга асосланадиган саволлар); 3) тұғри жавоб варианtlари қайд этилган саволлар (тұғри деб топилған жавоб варианты белгиланади).

Болалар ижодини үрганиш методи үқувчиларнинг муайян йұналишлардаги лаекати, қобиляти, маълум фан соҳалари бўйича БКМ даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Уни қўллашда үқувчиларнинг ижодий ишлари – кундалик, иншо, ёзма иш, реферат ва ҳисоботлари мухим восита бўлиб хизмат килади. Метод маълум үқувчига хос бўлган индивидуал имкониятни кўра олиш, баҳолаш ва уни ривожлантириш учун замин яратади.


Болалар ижодини үрганишда:

- 1) фан олимпиадалари; 2) танловлар; 3) мактаб кўргазмалари;
- 4) фестиваллар; 5) мусобақалар ва х.к.ларнинг натижаларини тахлил килиш, самарадорлигини баҳолаш орқали шахснинг муайян маънавий-ахлоқий сифатлар, амалий фаолият кўникмаларига эгаликлари баҳоланади

Педагогик кузатиш методини қўллашда таълим муассасаларининг үқувтарбия ишлари жараёнини үрганиш асосида тадқиқ этилаётган муаммо аниқланади, тажриба аввали ва якунида қўлга киритилган қўрсаткичлар ўртасидаги фарқ тахлил қилинади. Педагогик кузатиш мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга. Кузатиш аниқ мақсад асосида, узлуксиз, изчил ва тизимли амалга оширилса, кутилган натижани қўлга киритиш мумкин. Олиб борилаётган педагогик кузатиш таълим-тарбия сифатини ошириш, үқувчи шахсини шакллантиришга хизмат килса, методнинг аҳамияти янада ошади.

Педагогик кузатишни ташкил этишга кўйиладиган шартлар:
кузатиш жараёнда аниқ мақсадга эгалик; кузатишни тизимли равища
йўлга кўйиш; кузатишнинг ҳар бир босқичида муайян вазифаларни
хал этиш; ҳар бир холатнинг моҳиятини синичклаб үрганиш;
хулоса чиқаришга шошилмаслик

Педагогик тажриба (лотинча “эксперимент” – “тажриба қилиб кўриш”) методи муаммо ечимини топиш имкониятларини үрганиш, мавжуд педагогик шароитларнинг максадга эришишини кафолаттай олиши, берилаётган тавсияларнинг амалиётда ўз инъикосига эга бўла олиши, самарадорлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Педагогик тажрибанинг қуидаги турлари мавжуд (11-расм):



11-расм. Педагогик тажриба турлари

Педагогик тажрибаларни амалга оширишда асосий эътибор уларнинг самарали кечишига қаратилади. Бунда эса бир қатор шартларни инобатга олиш лозим. Яъни:

Педагогик тажриба самарадорлигини таъминловчи шартлар:
тажрибанинг мақбул лойиха (дастур) асосида уюштирилиши;
тадқикот илмий фаразининг пухта асосланиши; тадқикот обьектлари
ва усулларининг түгри танланиси; тажриба ўтказилиш вақти ва
давомийлигининг аникланиши; зарур педагогик шарт-шароитлар
(асбоб-ускуна, жиҳозлар, воситалар)нинг яратилганлиги;
тажриба маълумотларини умумлаштириш, таҳлил қилиш
ва натижаларни қайта ишлаш

Педагогик тажриба якунидаги олинган натижаларга асосланиб умумий хуносага келинади ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилади.

Математик статистика тажриба-синов ишлари, шунингдек, умумий холда тадқиқотнинг самарадорлик даражасини аниклаш мақсадида қўлланилади. Муаммо ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар махсус математик формуулалар ёрдамида қайта таҳлил этилади. Якуний қиймат тадқикот самарасини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Айни вақтда педагогик йўналишда тадқиқотлар олиб борища Стъидент, Кывирилят, Рокич, В.Беспалько ва В.Гречихин методларидан кенг фойдаланилмоқда.

Педагогика фанининг асосий категориялари. Бизга яхши маълумки, ҳар бир фан ўзининг таянч тушунчалари, конуниятлари, тамойиллари, қойдалари тизимиға эга. Айнан мана шу ҳолат унинг фан сифатида эътироф этилишини кафолатлайди. Фанинг мөхиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча категория деб аталади.

Педагогика фанининг **асосий категориялари** қўйидагилар ҳисобланади: шахс, тарбия, таълим, билим, кўникма, малака, фаолият, маълумот, ривожланиш. Қўйида мазкур категорияларга изоҳ бериб ўтилади:

Шахс – психологик жиҳатдан тарақкий этган, шахсий ҳусусиятлари ва ҳатти-харакатлари билан бошқалардан ажralиб турувчи, муайян ҳулқ-автор ва дунёкарашга эга бўлган жамият аъзоси

Тарбия – муайян, аниқ мақсад ва ижтимоий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, ҳулқ-автори ва дунёкарашини таркиб топтириш жараённи

Таълим – ўкувчиларни назарий билим, амалий кўникма, малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш кобилиятларини ўстириш, дунёкарасаларини шакллантиришга йўналтирилган жараён

Билим – шахснинг онгига тушунчалар, схемалар, мълум образлар кўрницида акс этувчи борлик қақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуси

Кўникма – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти

Малака – муайян харакат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли

Фаолият – шахснинг моддий борликка, табиатга, бошқа шахсларга муносабати шакли ва уларга таъсир кўрсатишга қаратилган ҳатти-харакатларнинг мажмуси

Маълумот – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган, тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар, таркиб топган дунёкараш мажмуси

Ривожланыш – шахснинг физиологик, интеллектуал үсишида намоён бўладиган микдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён

Олий таълим муассасаларида “Педагогика назарияси” фанини ўқитища, шунингдек, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида педагогик фаолиятни ташкил этиш жараённада юкорида келтирилган асосий педагогик категориялар фаол қўлланилади. Шунинг учун булажак мутахассис сифатида таъбалар таълим-тарбия жараёнини таърифланауда педагогик категориялардан туғри, мақсадга мувоффик фойдалана олиш учун уларнинг моҳиятини тўла англаб олишлари керак.

Назорат учун саволлар:

1. Тарбияга доир фикрлар қандай ижтимоий зарурият тифайли юзага келди?
2. Педагогика фанининг мақсади нима?
3. Педагогика фани қандай вазифаларни бажаради?
4. Миллий педагогика фани қандай мақсадни амалга оширишга хизмат қилади?
5. Педагогик туркум фанлар сирасига қандай фанлар киради?
6. Ижтимоий педагогика қандай масалаларни ўрганади?
7. Педагогика фани қандай фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланади?
8. Қандай илмий-педагогик методлар мавжуд?
9. Фаолият нима?

Мавзу юзасидан тест топшириклари:

1. “Ҳар бир шахса муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён”. Мазкур таъриф кайси тушунчанинг моҳиятини ёритади:

a) таълим;

- b) фаолият;
- c) тарбия;
- d) педагогик ҳодиса.

2. Педагогика -- бу:

- a) ўқитувчи ва ўкувчи ўртасидаги муносабатлар, уларни самарали ташкил этиш шаклларини тадқиқ этадиган фан;
- b) шахсни шакллантиришга қаратилган муайян тизимли фаолият ҳамда таълим-тарбиянинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари ҳақидаги фан;
- c) таълим жарабини самарали ташкил этиш конуниятлари, тамойил, боскичлари, пухта асосланган механизмини ёритувчи жараён;
- d) турли ёшдаги шахсларга илмий билимларни бериш, уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган фаолият жараёни.

3. Миллый педагогика фани қўйидаги мақсадни амалга оширишга хизмат қиласди?

- a) юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга юқори малакали кадрни тарбиялаш тизимини ишлаб чиқиш, таълим ва тарбия назариясини миллый истиқлолғояси асосида ижодий ривожлантириш;
- b) янги педагогик технологияларни яратиш ва уларни таълим ҳамда тарбия жарабайнiga самарали тадқиқ этиш, инновацон ғояларни асослаш;
- c) таълим муаммоларини ўрганиш ва уларнинг оқилона ечимларини топиш, тарбиявий жараён конуниятларини талқиқ этиш;
- d) таълим тизимида ҳалқаро ҳамкорликка эришиш, кадрлар ва талабалар алмашишини таъминлаш, миллый ҳамда жаҳон педагогика фани ўртасида ўзаро интеграцияни қарор топтириш.

4. Педагогик туркум фанлар санаб ўтилган жавоб вариантини топинг.

- a) коррекцион (максус) педагогика, ижтимоий педагогика, таълим менежменти, креатив педагогика, педагогик инноватика, қиёсий педагогика;
- b) бошлангич таълим педагогикаси, педагогик технология, касбий педагогика, мактабгача таълим педагогикаси, педагогика тарихи;
- c) хусусий методика (хусусий фанларни ўқитиши), нейропедагогика, ҳарбий педагогика, педагогика назарияси, ҳамкорлик педагогикаси, педагогик маҳорат;
- d) барча жавоблар тўғри.

5. Таълимнинг жаҳон, минтақа, давлат миқёсидаги ривожланишининг умумий, алоҳида тенденция, қонун ва конуниятларини ўзаро солишишириш, қиёслаш асосида ўрганади, ҳалқаро педагогик тажрибанинг ижобий, салбий жиҳатлари, миллый педагогик маданиятлар алмашинувининг шакл ва усуллари Кандай фан томонидан ўрганилади?

- a) Таълим менежменти;
- b) Педагогик инноватика;
- c) Қиёсий педагогика;
- d) Нейропедагогика.

6. “Педагогика назарияси” фанининг мухим таркибий қисмларини кўрсатинг.

- a) дидактика ва мактабшунослик;
- b) таълим ва тарбия назарияси;
- c) маҳсус (коррекцион) педагогика ва тарбия назарияси;
- d) таълимни бошқариш ва таълим назарияси.

7. Жамият, айрим ижтимоий тартиботлар, жараёнлар, гурухлар, шахс ва жамият ўртасидаги, шунингдек, ижтимоий субъектларнинг ўзаро муносабатлар қонуниятлари қандай фан томонидан тадқиқ этилади?

- a) Фалсафа;
- b) Социология;
- c) Иктиисодиёт назарияси;
- d) Эстетика асослари.

8. Суҳбат қандай шаклларда ташкил этилади?

- a) бинар, гурухли ва оммавий шаклда;
- b) гурухли ва жамоавий шаклда;
- c) бинар ва индивидуал шаклда;
- d) индивидуал, гурухли ва оммавий шаклда.

9. Багафсил жавоб бериш имконини берадиган тест саволлари қандай номланади?

- a) ёпик турдаги саволлар;
- b) тўғри жавоб варианatlари қайд этилмаган саволлар;
- c) очик турдаги саволлар;
- d) тўғри жавоб варианatlари қайд этилган саволлар.

10. Муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли. Мазкур таъриф ёрдамида моҳияти ёритилган тушунчани кўрсатинг.

- a) ривожланиш;
- b) кўнинма;
- c) фаолият;
- d) малака.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Кағимов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999. – 73 бет.

2. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслик. - Тошкент: Фан ва технологиялар, 2008. – 286 бет.

3. Mavlonova R., To'raeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika / Kasb-hunar kollejlari ushun darslik. -- Toshkent: “O'qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 495 bet.

4. Pedagogika / Bakalavriat yo'nalishi uchun darslik. Prof. M.X.Toxtaxodjayevanining umumiy tahriri ostida. – Toshkent: “O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2010. – 400 bet.

- Педагогика / Ўқув қўлланма. Ш.А.Абдуллаева, Д.А.Ахатова, Б.Б.Собиров, С.С.Сайитов. – Тошкент: Фан, 2004. – 214 бет.
- Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 136 бет.
- Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 528-бет.

ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

Режа:

- Тарбия жараёни ҳақида тушунча.
- Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
- Шахс ривожланишида фаолиятнинг ўрни.
- Тарбия турлари.
- Тарбия методлари ва усуслари.
- Тарбия воситалари.

Таянч тушунчалар: тарбия, тарбия жараёни, шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар, ирсият, мухит (ижтимоий мухит), тарбия турлари, тарбия методлари, тарбия усуслари, тарбия воситалари.

Тарбия жараёни ҳақида тушунча. Педагогика фанининг мухим таркибий кисмларидан бири – бу тарбия назарияси саналади.

Тарбия назарияси педагогика фанининг мухим таркибий кисми бўлиб, тарбиявий жараён мазмуни, тамойиллари, конуниятлари, уни ташкил этиш масалалари, методикаси, шакли, метод, восита, усул ва муаммоларини ўрганади

Тарбия назарияси Шарқ мутафаккирлари ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, физиология, психология каби фанларнинг маълумотларидан фойдаланади.

Ёш авлодни тарбиялашда нималарга эътибор қаратиш лозим? “Тарбия” тушунчасининг ўзи қандай маънони англатади?

Тарбия муйян, аниқ мақсад ва ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш, унинг онги, хулқ-автори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни


Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилиб, аниқ максадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир

Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шаклланиб боради, хис-туйгулари ривожланади, ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиласиган хулқий одатлар ҳосил бўлади. Тарбия жараёнида болалар фаолиятини тўғри уюштириш мухим.

Тарбия жараёнида ўқувчининг онгигина эмас, балки хис-туйгуларини ҳам ўстириш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувоффикеладиган хулқий малака, одатларини ҳосил қилиш лозим. Ўқитувчи тарбия жараёнига раҳбарлик қиласиди.

Тарбия яхлит жараёнда амалга оширилиб, унинг таркибий қисмлари айни бир вақтда, фаолиятнинг бирор тури асосида намоён бўлади.

Тарбия жараёнида унинг мақсади, шакл ва методлари, шахснинг ўзини-ўзи тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жihatлари мухим ўрин тутади. Тарбия мазмуну ижтимоий тузум буюртмаси асосида белгиланиб, унинг амалга ошиши учун маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги талаб этилади (12-расм):



12-расм. Тарбия жараёнининг умумий меҳияти

Ўзини ўзи тарбиялаш шахсни ўзида ижтимоий қадрга эга бўлган физиатларни ҳосил қилиш, такомиллаштиришга ҳамда салбий хислатларни бартараф этишга каратилган ички фаолият

Ўз-ўзини қайта тарбиялаш шахснинг ўзидаги салбий одатлар, характеридаги заарали сифатларни йўқотиш, уларни бартараф этишга каратилган ички фаолияти жараёни


Бола хулқидаги “оғиш”лар оиласидаги носоғлом мұхит, ота-онанинг тарбияда йўл қўйган ҳатолари, ўқитувчи фаолиятидаги камчиликлар асосида вужудга келади. Қайта тарбиялаш жараёнида салбий хулқни ҳосил қиласиган сабаб, шароит ўзгартирилади, қайта тарбиялашда мактаб ва шахснинг шахсий таъсирини оила, шу жумладан, ота-она ҳам маъкулаши лозим.

Ҳар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади. Тарбия мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланishi йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади.

Тарбия жараёнининг самарали ташкил этилишида бир катор тамойиллар устувор хусусият касб этади.

Тарбия мазмунидаги олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувоффик

ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахс хулк-автори ҳамда сифатларининг моҳияти акс этади. Тарбия мазмунни шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳиятидан иборат бўлиб, ижтимоий-иктисодий таракқиёт, кишилик муносабатлари ғояси, даражаси, жамият мафкураси асослари негизида белгиланади. Замонавий тарбия қўйидаги тамойилларга асосланади (13-расм):



13-расм. Тарбия тамойиллари

1. Тарбия мақсадининг аниқлиги. Ўзбекистон мустакиллигининг дастлабки йилларидаётқ республикада амалга оширилиши қўзда тутилаётган тарбия мақсади аниқ белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўкрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ғояларига кўра ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади – эркин, ижодкор, мустакил фикр эгаси бўлган комил инсон, малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

2. Болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти. Ўқитувчи (тарбиячи) томонидан миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тўғри англаниши тарбия жараённада ўқувчи фаоллигини таъминлашга ёрдам беради.

3. Ихтиёрийлик. Тарбияланувчиларнинг ирова эркинлигисиз тарбия ғоялари моҳиятини қарор топтириш мумкин эмас. Тарбия жараёни оқилона ташкил этилса, бир вақтнинг ўзида ўқувчи ва ўқитувчи маънавиятини бойнитишига хизмат киласди.

4. Йўналтирилганлик. Мазкур ғоя таълим муассасаси амалиётининг марказий нұктасида тарбиявий ишлар дастури, тадбирлар, уларнинг шакл, метод ва воситалари эмас, балки ўқувчи (шахс) турганлигини англатишга хизмат киласди. Шунингдек, йўналтирилганлик тарбия жараённинг шахсга миллий ва умуминсоний қадриятларни англатиш, унинг билим, кўникма ва малакалар бирлиги асосида ҳар томонлама шаклланиши учун хизмат қилишини

ҳам англатади.

5. Ўз-ўзини англаш. Тарбия инсонда эътиқод, демократик қарашлар ва ҳаётий позициянинг шаклланишига олиб келади. Тарбия мазмунининг энг муҳим унсурларидан бири – бу инсоннинг ҳаётий ўз-ўзини англаши, унинг ўз шахсий ҳаёти ва фаолиятининг субъекти сифатида эътироф этилиши билан тавсифланади.

6. Жамоавийлик. Тарбиявий ишлар мазмунида жамоага нисбатан ижобий муносабатни карор топтириш ётади. Жамоа ёрдамида шахс камолоти таъминланади, унда моддий борлиқни англаш, инсонпарварлик ва ўзаро ҳамкорлик түйғуларига эга булиши учун зарур шароит яратилади.

7. Инсонпарварлик. Ушбу тамойил тарбия жараёнида ўқувчи шахсини хурмат қилиш, унинг қизиқиши, ҳоҳнш-истакларини тушуна олиш зарурлигини ифодалайди.

8. Илмийлик. Тарбия жараёни мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг замонавий фан ва техника даражасига мувофиқ келишини ифодалайди.

9. Педагогик жараённинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги. Мазкур тамойил ўзида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилаётган назарий билимларнинг ҳаётий воқеуларларга асосланишини, амалиёт билан бевосита боғлиқлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлигини ёритади.

10. Изчиллик, узлуксизлик ва тизимлилик. Ушбу тамойил тарбия жараённида ўқувчилар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўнкма, малака, маънавий-ахлоқий сифатларнинг мустаҳкамланиши, янада ривожлантирилиши ва такомиллаштирилишини ҳам англатади.

11. Кўргазмалилик. Мазкур тамойил негизида аклий билиш ва борлиқни хиссий қабул қилишнинг ўзаро боғлиқлиги акс этади.

12. Эстетик ғояларнинг устуворлиги. Мазкур тамойил ўқувчиларда табийи ва ижтимоий борлиққа эстетик муносабатни шакллантиришга хизмат қиласидиган таълим ва тарбияни маънавий-ахлоқий сифатларга эга шахсни тарбиянинг асоси сифатида қабул қилинишини ифодалайди.

Тарбия жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни (14-расм):



14-расм. Тарбия жараёнининг мухим хусусиятлари

Тарбия жараёнини ташкил этишда кўзга ташланадиган энг муҳим хусусият – бу унинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги саналади. Тарбия жараёни,

шунингдек, кўп киррали булиб, шахсни тарбиялашга йўналтирилган фаолият мөхиятини ёритишга хизмат қилувчи ички ва ташки (субъектив ва объектив) омиллар асосида ташкил этилади. Субъектив омиллар шахснинг ички эҳтиёжлари, қизикишлари, хаётй муносабатларини англаш, объектив омиллар эса шахснинг хаёт кечириши, шаклланиси, хаётй муаммоларини ижобий ҳал этиши учун шароит юратади.

Тарбия жараёнининг узоқ муддат давом этиши (тарбия натижалари қиска муддатда кўзга ташланмайди), узлуксизлиги (ўкувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги узлуксиз, тизимли ҳаракатлари) шахс тарбиясини ташкил этишига қаратилган педагогик фаолиятнинг муҳим хусусиятларидан саналади.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг яхлит тарзда тизимли ташкил этилишидир. Яхлитлик, тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, вазифа ва методларининг бирлиги шахсни шакллантириш гоясини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Икки томонлама алоқа икки йўналишда, яъни, ўқитувчининг ўкувчига кўрасатидаги таъсири (тўғри алоқа) ҳамда ўкувчининг ўқитувчига муносабати (тескари алоқа) тарзида ташкил этилади.

Тарбия жараённида ўқитувчи ўкувчининг ички имкониятлари, унга кўрасатидаётган ташки таъсирлар, ахборот манбаларини инобатта олиши зарур. Агарда, мазкур талаб унтилса, шахсни тарбиялаш қийинлашади ёки барча урининшлар самарасиз якунланади. Бу ҳолат тарбия жараёнининг яна бир хусусияти – тарбияда қарама-каршиликларнинг мавжуд бўлишини ифодалайди. Қарама-каршилик ўкувчиларда ўз тушунчаларига мувофиқ пайдо бўлган дастлабки сифатлар ўкувчиларга қўйиладиган талаблар билан уларни бажариш имкониятлари ўргасида зиддиятларнинг келиб чиқиши учун замин яратади. Бундан ташкири, бу қарама-каршиликлар кўпинча боланинг онги билан хулқи бир-бирига мувофиқ бўлмаслигидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўкувчилар ёш ва шахсий психологик хусусиятлари (феъл-автори, ҳарактери, қизиқиншлари, жисмоний, руҳий ва физиологик согломлиги)ни яхши билмаслиги оқибатида келиб чиқади.

Тарбия жараёнини ташкил этишда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иктиносий ва маданий соҳаларида юз берётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар мөхиятини чукур англаб этиш талаб этилади. Бинобарин, қишилик жамиятия тарихий тараққиётининг турли даврларида шахс тарбиясига ёндацув ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб боради. XXI аср инсоният тарихида “компьютер даври” бўлиб қолмоқда. Бу эса шахсни тарбиялашга ўзига хос ёндашувни карор топтиришни тақозо этади. Бироқ, фантехника қанчалик жадал ривожланиб, жамият хаётидан муҳим жой олиб, ишлаб чиқариш жараёнларининг тезлашувига қанчалик самарали таъсир этиб, тарбия назариясида шахсни комил этиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратилмасин бу борада Марказий Осиё мугафакирлари, ҳалқ педагогикаси ҳамда жаҳон педагогикасининг илфор фикрларига таяниб иш кўриш зарур.

Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия мөхиятган турлича ифодалаб келинган бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган.


Тарбия мақсади ижтимоий буюртма асосида белгиланади ва энг оддий харакатдан тортиб, давлат дастаныра мұвоғиқ көңгүламда амалға ошириладиган тәдбирлар аник мақсадта йұналтырылады

Мақсадсиз, маълум ғояни ифода этмайдыган тарбия бүлмайды. Тарбия мазмұнны аник мақсад негизінде асосланиб, уни амалға оширишга хизмет қыладыган метод да усууллар белгиланады. Тарбия мақсадыннан мұаммосы педагогиканың долзарб масалаларидан бири саналады.

Тарбия мақсади **умумий** да **индивидуал** қарастырылғанда зерттеуде мүмкін. Тарбия жараёнының умумий ижтимоий мақсадың қалыптасуында ишшілдердің аник вазифалар тизими сифатыда намоён бүледи. Шунда күра тарбия мақсады тарбия жараёнынниң ташкылдығында да иштеді. Шунда вазифалар тизими мүмкін.

Тарбия мақсадыннан шактланишида күпталған объектив сабаблар етакчи рол үйнайды. Организмнинг физиологиялық етилиш қонунияттары, инсоннинг рухий ривожланиши, фалсафий да педагогик фикерлер ютуғы, ижтимоий маданияттың даражасы, миллий мағұрудағы ғоялардың мақсадта умумий йұналиш беради.

Тарбия жараёнының күйидегі **қонунияттары** асосида көчады (15-расм):



15-расм. Тарбия қонунияттары

Шахс ривожланишига таъсир – это впечатление, которое производят на человека различные факторы. Педагогика, психология да фалсафа фанларыда индивидуумнан шахс сифатыда ривожланишига ирсият (биологик омыллар), мухит (ижтимоий омыллар) хамда тарбијаның таъсирі үртасындағы мұносабаттардың белгилілігінде мүнозара күпдан бүнде давом этады.

Ирсият – это впечатление, которое производят на человека различные факторы. Ирсият – это биологический и социальный факторы, которые влияют на человека.

Шахснинг ривожланишига бевосита таъсир күрсатувиши омыллардан бири сифатыда ирсият, энг аввало, үсаёттан организмнан жисмоний түзилиши да биологик үзиге хос хусусияттарда намоён бүледи. Биологик нұктай назардан күйидегі ирсий хусусияттар ота-онадан болаға үтиши мүмкін: анатомик, физиологиялық белгилар (юз түзилиши, тери, соч, күз ранглари, бурун, күләм шакли, кошнинг түзилиши, қадди-қомат, юриш ҳолаты, феъл-автор), нұтқ, тафаккур қобилияты, мехнаттағы бүлгелер мұносабат, ижодий лаекат да бошқалар.

Лйни ўринда шуни ҳам ёдда тутиш керак: болага ота-онадан ёки аждодларидан ўзгармас хусусиятларгина мерос бўлиб ўтмайди. Ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида биологик мавжудот – одамнинг анатомик ва физиологик белгилари ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар бир неча авлодлар алмашинувида мустахкамланиб, такомиллашиб, наслдан-наслга ўтаверади.

Инсон организмининг табиий қонуниятлар ва ўз табиатига мувофиқ ўсишлида биологик ривожланиш жараёнида намоён бўладиган ирсий хусусиятлар бирламчи (генетик) омил саналади.

Биологик ривожланиш жараёнида кўйидаги ҳодисалар кузатилади: инсон танасидаги айрим органлар ўсади (м: юрак, ўпка ҳажми, мия ва тана вазни ортади, кўкрак қафаси кенгаяди, асаб тизими тараққий этиб, мустахкамланиб боради, суяклар ўсади; жумладан, мия вазни бола бир ёшга тўлғач икки баравар, тўрт-беш ўшларга бориб эса уч баравар ортади).

Гўдакларнинг хатти-харакатлари шартсиз рефлекслар ёрдамида амалга оширилса-да, шу билан бирга ташки мухит таъсирида бу каби рефлекслар негизида шартли рефлекслар юзага келади.

Бола икки ёшга қадам кўйгач, унда И.П.Павлов “иккинчи сигнал тизими” деб таърифлаган ва мия пустининг фақат инсонгагина хос бўлган олий функцияси намоён бўла боради. Буюк биолог И.П.Павлов таълимотига кўра, иккинчи сигнал тизимининг механизmlари, аввало, тафаккурнинг, сўнгра оғзаки ва ёзма нуткнинг асаб-физиологик негизи саналади. Иккинчи сигнал тизимининг хусусияти шундаки, унга кўра бош мия пусти ташкаридан қабул қилинаётган сўзларга ҳаракатлар орқалигина эмас, балки сўзлар ёрдамида ҳам таъсир кўрсата олади. Биринчи ва иккинчи сигнал механизmlарини ўзида камраб олган, тараққий этган асаб тизими, шу жумладан, бош мия шахснинг тобора ривожланиб борувчи руҳиятининг моддий негизидир. Бирок, биргина организмнинг ўсиши шахс камолотини, унинг руҳиятини, ўй-фикрларининг мазмуни ва шаклини белгилай олмайди. Яъни бола танасида биологик-физиологик ўзгаришларгина кечмайди ҳамда у тайёр билим, кўнишка, малака, қизикиш ва кобилиятга эга бўлиб тутгилмайди.

Организмнинг ўсиши асаб тизимининг тараққий этишини таъминлайди. Асаб тизимининг тараққий этиши эса ўз навбатида руҳиятнинг ривожланиши учун имконият яратади.

Шахснинг тўлақонли ривожланиши учун ҳам биологик ўсиш, ҳам руҳиятнинг тараққий этиши талаб килинади. Бунинг учун шахс субъектлар орасида – ижтимоий мухитда яшаши, ана шу мухит таъсирида ривожланиши лозим.

Мухит (ёки ижтимоий мухит) – индивид, шахс, ижтимоий гурӯхларнинг мавжуд бўлиши, шаклланиши ва фаолияти кечадиган ижтимоий (моддий, иктисолий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий) шарт-шароитлар

Инсоният онги бўшлиқда шаклланмайди, балки ижтимоий-тарихий ҳаёт шароитида вужудга келиб, унда янада ривожланади. Худди шу каби ҳар бир шахс онги ҳам муайян ижтимоий мухитда ўсади.

Мухит (ижтимоий мухит)нинг шахс ривожланишига таъсири ҳам бир қатор

омиллар негизида кечади.

Ижтимоий мухитда устувор омил – бу нисбатан барқарорлашган ижтимоий муносабатлар саналади. Ижтимоий муносабатлар эса ўзаро ахборот алмашиш, хаёттий тажрибаларни бир-бирига узатиш ҳодисаси рўй берадиган мухитда кечади. Шу сабабли бола туғилган пайтданоқ тарихан вужудга келган ижтимоий мухит, барқарорлашган ижтимоий муносабатларга дуч келади. Бола кимсасиз оролда эмас, балки атрофини ўраб турадиган кўплаб кишилар – ижтимоий субъектлар орасида бўлиб, уларнинг таъсирида камол топиб боради.

Боланинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллардан яна бири – бу меҳнат, шахс томонидан ташкил этиладиган меҳнат фаолияти саналади. Ҳар бир шахс ялаши учун кулай имконият меҳнат туфайли яратилади. Бола дастлаб бошқалар томонидан яратилган меҳнат маҳсуллари орасида ўssa, аста-секии ўзи ҳам меҳнат кўнилмаларини ўзлаштириб боради. Балоғатга етиб боргани сайин у томонидан ўзлаштирилган меҳнат кўнилмалари малакаларга айланади.

Шахс камолотини таъминлайдиган ижтимоий омилларнинг кейингиси – бу мулоқот саналади. Гўдаклик даврида бола гапирмайди. Бироқ, бошқаларнинг ўзаро мулоқотда бўлишлари, унга гапиришлари асосида нутг кўнилмаларини ўзлаштириб боради. Маълум ёшга боргач, тулик, равон гапиришни ўзлаштиради.

Ҳар бир шахс ялаётган мухит ўзгарувчан бўлиб, ижтимоий онг унинг таъсирида ўсади. Қулай ижтимоий мухит бўлгандағина ўсаётган шахснинг табиий хислатлари юзага чиқиши ва қобилиялари ўса бориши мумкин.

Маёжд мухит шахснинг ўсиб борадиган онгига бевосита таъсир килади. Шунга кўра жамият ижтимоий тараққиёти қанчалик юксак бўлса, унинг шахс онгига таъсири шунчалик кучли бўлади. Ижтимоий мухитнинг шахс ривожланишига таъсири тарбия (тарбиявий имкониятга эга таълим ва тарбия) кўринишида акс этади. Мухит шахсни камолга етказадиган шароитнига бўлиб қолмай, шу билан бирга унинг камолоти даражасини текшириш, ўрганиш обьекти, айрим ҳолатларда тарбия воситаси ҳам саналади.

Тарбиянинг шахс камолотига таъсири қуидагиларда кўринади:

- 1) тарбия таъсирида мухит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўнилма, малакалар ҳосил бўлади;
- 2) тарбия туфайли тұғма камчилислар ҳам ўзgartирилиб, шахс камолга стади;
- 3) тарбия ёрдамида мухитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин;
- 4) тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди.

Биологик омил, мухит ва тарбия таъсирида шаклланар экан, шахс ўзида муайян қобилият, истеъоддни намоён килади. Зоро, айримлар кайд этганидек, қобилиялари ва истеъоддли бўлишнинг ўзигина кифоя килмайди. Шахс қобилияти ва истеъоддининг ишларни намоён бўлгандаёк таълим-тарбияни тўғри ташкил этиш, тегинли ижтимоий (кўп ҳолларда ижтимоий) мухитни ҳосил қилиш, унга соҳага онд билимларни изчил бериш оркали амалий кўнилма, малакаларни ҳосил қилиш мавжуд ички имкониятларни тўла рўёбга чикаради.

Балоғатга етгач, қайси соҳада мутахассис сифатида меҳнат килиши, қандай мутахассисликни эгаллаши (инженер, ўқитувчи, бастакор, биолог,

харбий бўлиши)дан қатъий назар таълим ва тарбиядан иборат ижтимоий таъсир жараёнидан ўта олиши зарур.


Ижодкор ота-она бошчилик қиладиган оиласда ўз-ўзидан ижодий мухит юзага келади, қолаверса, тарбиявий таъсир чоралари ҳам ўзида болаларни ижодий фаолликка рағбатлантириш хусусиятини намоён қиласди. Натижада балоғатта етган болалар ҳам ижодий фаолиятга, ижодга меҳрли бўлиб камолга етишади.

Педагогик амалиётнинг кўрсатишича, мактабгача ва бошлангич таълим даврида болаларда раэм чизиш, қўшик кўйлаш, ракс тушиш, техник ижодкорлик, баъзиларда эса математика, физика ва бошқа соҳаларга нисбатан катта кизиқиши кўзга ташланади. Ота-оналар ва ўқитувчиларнинг уларга нисбатан тўғри ёндаша олишлари, зарур шароитни яратиб беришлари болалардаги кизиқишининг ўткинчи бўлмаслиги, аксингча, қатъий максад сифатида шаклланишига ёрдам беради. Шу боис мактабгача ва бошлангич таълим даврида ҳам болаларнинг қизиқишиларини изчил ривожлантириб бориш, истеъоддларини тўла рўёбга чиқариш учун уларга билим беригина қолмай, қобилиятли шахсни тарбиялашга ҳам жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Қобилиятли, истеъоддли болаларни тарбиялаш келгусида улардан кучли мутахассислар етишиб чиқишини кафолатлайди. Кучли мутахассис эса жамият ижтимоий, иктисолий ёки маданий ҳаётини равнақ топтиришга, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларнинг жадал ривожланишига ўз хиссасини қўшиди.

Энг мухими, ирсият, ижтимоий мухит ва тарбия таъсирида шахснинг индивидуал (характери, феъл-автори, дунёқараши) ва руҳий хусусиятлари (идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ, сезги, дикқат, ирода) ҳам ўсади. Шахсни ҳар томонлама камол топтиришда унинг руҳиятини тўғри шаклланитириш мухим аҳамиятга эга.

Демак, шахснинг ривожланишига қўйидаги омиллар катта таъсир кўрсатади (16-расм):




16-расм. Шахсни шаклланишига таъсир этувчи омиллар

Шахс ривожланишида фаолиятнинг ўрни. Шахс ривожланишида ирсият, мухит, тарбия билан бир каторда инсон фаолияти ҳам мухим аҳамият касб этади. Бу дегани инсон қанчалик меҳнат қиласа, унинг ривожланиши шунчалик юкори будади. Фаолият ўзи нима?

Фаолият – шахснинг моддий борликка, табиатга, бошқа шахсларнинг муносабати шакли ва уларга таъсир кўрсатишига қаратилган ҳатти-харакатларининг мажмуми

Фалсафий ва педагогик манбаларда қайд этилишича, фаолият шахснинг моддий (инсоннинг ўз хавфсизлигини таъминлаши, озиқ-овқат, кийим-кечаки бўлган дастлабки эҳтиёжларини қондириши, меҳнат қуроллари ёрдамида ташки мухит (табиат)ни ўзгартириши), ижтимоий-сиёсий (ижтимоий муносабатларга ижтимоий ҳаётта таъсир кўрсатиш) ҳамда маънавий (илм-фан асосларини ўзлаштириш, саъват, дин, бадиий ижод соҳасида иш олиб бориш) эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласди.

Кишилик тарихий тараккиёти даврида фаолиятнинг куйидаги турлари шаклланган (17-расм):



17-расм. Шахс фаолиятнинг асосий турлари

Мехнат кишилик фаолиятининг энг қадимги ва мухим тури бўлиб, у фаолиятнинг барча бошқа турлари – аклий (ижодий) ривожланиш, ўйин, ўқиш ва бошқалар учун пойдевор бўлиб хизмат қиласди²¹. Шахс турли шакллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш орқали моддий ва маънавий бойликларни, турмуш тарзини йўлга кўйиш учун зарур қуалайликларни яратади. Меҳнат шахснинг яшаси, ривожланиши, руҳий жиҳатдан камол толиши, ўз-ўзини англаши ва ўзини ўзи инсон сифатида баҳолай олишининг мухим шартидир.

Ўйин ҳам кишилик фаолиятининг мухим тури, ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитация (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли саналади. Фаолиятнинг бу тури болалар ҳаётидаги мухим аҳамиятга эга. Улар турли ўйинлар орқали катталар ҳаётига хос бўлган ижтимоий муносабатлар мазмуни билан танишади, ўзларини ижтимоий жараёнларда иштирок этишга тайёрлайди.

Ўйинлар болаларда идрок, сезги, хотира, тафаккур, нутқини ривожлантиришга ёрдам бериш орқали уларни маънавий-ахлоқий, аклий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қиласди.

“Мактабгача ёшдаги бола ўйин фаолиятида ўқиш ва меҳнатга тайёрланади. Ёш улғайган сари ўйиннинг роли бироз камайиб боради. Ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти боланинг бутун ҳаётни давомида сақланиб қолади”²².

Агарда жисмоний хатти-харакатларни ривожлантиришга хизмат қиласди²³ ўйинлар болаларда чаққонлик, эпчиллик, чидамлилик, катъйликни тарбияласа, интеллектуал, конструкцияли ўйинлар уларни ўйлашга, фикрлашга, мантиканни

²⁰ Тарбия / Ст-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир: А.Мажидов. – Гошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 430-бет.

²¹ Большая психологическая энциклопедия. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 134.


²² Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия / Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир: А.Мажидов. – Гошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 432-бет.

тафаккур юритишига ўргатади. “Ўйин инсон хаётининг ҳар бир даври учун унинг руҳий ривожланишини белгиловчи етакчи фаолият турни хисобланади. Факат ўйинда ва ўйин орқали бола воқеликни, шу жумладан, кишилар ижтимоий муносабатларини, хулқини, хатти-ҳаракатларини билиб олади”²³.

Тарихий тараққиёт жарабенида ўйин нафакат болалар, балки катталар хаётида ҳам алоҳида ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Замонавий шароитда интеллектуал, спорт ва майший ҳордик чиқаришга кўмаклашадиган ўйинлар ҳам катталар орасида кенг оммалашган.

Ўқиши шахсни “мехнат фаолиятига тайёрлашнинг ўзига хос босқичи”²⁴ саналади. Фаолиятнинг бу турни орқали шахс инсоният томонидан яратилган билимларни ўзлаштиради, маълум соҳаларнинг мутахассиси сифатида уларнинг янада ривожланишига ўз хиссасини кўшади. Болалар хаётида ўқишининг ўзи ҳам меҳнат фаолияти сифатида намоён бўлади. Зоро, ўқиши фаолиятини ташкил эта олиш учун ҳам шахс маънавий-ахлоқий (тўғри муносабат, масъулиятни хис қилиш, ўз хатти-ҳаракатларини баҳолай олиш) ва иродавий (чидамлилик, тиришқоқлик, тоқатлилик, ўз кучи ва имкониятларини баҳолай олиш) сифатларни ўзлаштира олиши лозим. “Ўқишининг мустакил фаолият турни бўлиб ажралиб чиқиши инсон меҳнатининг тўхтовсиз мураккаблашиб бориши, фойдаланиши учун чукур билим, кўнишка ва малака талаб қилинадиган, тобора мураккаблашиб бораётган ишлаб чиқариши воситаларининг жорий қилиниши натижасида содир бўлади”,²⁵.

Ҳар қандай даврда ҳам фаолият турлари нутқ ёрдамида ва нутқсиз ташкил этилган. Бироқ, фаолият самарадорлигини ошириш, унинг тарбиявий таъсирини кучайтиришида нутқ мухим аҳамиятга эга. Зоро, турли фаолиятда бола шахсини шакллантириш учун нутқдан мухим восита сифатида фойдаланилади (18-расм):



18-расм. Фаолият турларини нутқ ёрдамида ташкил этишдан кутиладиган натижа

²³ Тарбия / Оға-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир: А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 432-бет.

²⁴ Ўша манба. – 432-бет.

²⁵ Ўша манба. – 432-бет.

Фаолият жараёнида инсон шахси, ҳар томонлама ва бир бутун, яхлит ҳолда ривожланади. Лекин фаолиятни мақсадга мувофиқ амалга ошириш учун уни тұғри ташкил этиш лозим. Инсоннинг қобилияти на ёши у томонидан ташкил этилаётган фаолият мөхиятига күра белгиланади. Лекин күп ҳолатларда шахснинг ривожланиши учун имкониятлар яратылмайды. Зоро, болаларнинг ижтимоий мәхнат, билиш фаолиятлари чекланган бұлади.

Шахсни шакллантиришда фаолият самараңдорлигінга еришиш учун мазкур жараённи педагогик жиҳатдан тұғри үюштириш талаб этилади.

Фаолият **фаол** ва сүст (**пассив**) булиши мүмкін. Ұсмир фаолияти мұхит ва тарбия таъсирида фаоллашади ёки сусаяди. Инсон шахснинг ривожланишида унинг бутун вужуди билан севиб, үз имкониятларини намоён этиб, мәхнат қилиши, үзини шахс сифатида күрсата олиши унда үз фаолиятидан қоницишни ҳосил килади. Шахс унинг ижтимоий мәхнатдаги иштирокида фаоллик күзға ташланади.

Фаоллық күрсатышнинг асосини эса ҳамма вақт әхтиёж ташкил этади. Әхтиёжларнинг хилма-хайлуги фаолият турларини ҳам кенгайтиради. Шұнға күра, үқувчининг түрлі әші дарларда уларнинг фаолияти турлича бұлади.

Ұсмир ва үспириңлар фаолиятининг асосий турлары **үйин**, **үқиши** ва мәхнатдан иборат булиб, фаолиятта киришишнинг асосий шакли мұлоқот саналади. Фаолият **йұналишлари** шахс үқувчилар томонидан үзларнинг қизиқиши ва әхтиёжларига күра танланади.

Тарбия турлары ва усуллари. Ижтимоий тарбия ақлий, маънавий-ахлоқий (фуқаролик, байналміналлік), ақлий, жисмоний, мәхнат, эстетик, экологик, иқтисодий, ҳукукий, ғоявий-сиессій ҳамда жинсий тарбия каби мұхим таркибий қисмдердан ташкил топади.

Маънавий-ахлоқий (ёки ахлоқий) тарбия ижтимоий тарбиянинг мұхим таркибий қисми саналади.

Маънавий-ахлоқий тарбия үқувчилар онги, ҳаъти,
турмуш тарзига муайян жамият томонидан тан
олинган вә риоя қилиніши зарур бұлған
тартиб, одоб, үзаро мұносабат, мұлоқот ва
хұлқ-атвор қоидалари, мезонларни
сингидириш жараёны

Бу **йұналишдаги тарбияни** ташкил этинде үқувчиларни ижтимоий-ахлоқий мөһөрлар мазмунидан хабардор этиш, ахлоқий мөһөрларнинг ижтимоий қаётдеги ақамияттуну түшүнтириш, уларда ижтимоий-ахлоқий мөһөрлар (талаб ва тақиқлар)га нисбатан ҳұрмат ҳиссиси қарор топтириш асосида ахлоқий онг ва маданиятни шакллантиришга алоқида әထибор каратиласы.

Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида қуйидаги **вазифалар** бажарылады:

1. Ўкувчиларни одоб-ахлоқ коидалари ва ижтимоий ахлоқ мөъёrlари билан танишириш. 2. Уларда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш. 3. Ўкувчиларнинг маънавий-ахлоқий хисбугуларини тарбиялаш ва ривожлантириш. 4. Ўкувчиларда маънавий-ахлоқий сифат (ота-онани, катталарни хурмат қилиш, кичикларга иззат кўрсатиш, меҳнатсеварлик, билим олишга интилиш, камтарлик, ҳалоллик, ростгўйлик, олийжаноблик, мурувватлилик, раҳмдиллик, моддий ва маънавий незъматларни асраш, келажакка ишончи билан қараш ва х.к.)ларни тарбиялаш.
5. Ўкувчиларда маънавий-ахлоқий хулқ-атвор, кўникма, одатларни таркиб топтириш

Ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида ахлоқий мазмундаги сұхбат, маъруза, баҳс-мунозара, конференция, семинар ҳамда дебатлардан фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради.

Мазкур тарбия асосини ижтимоий ахлоқий мөъёrlар ҳамда шахсни улардан хабардор этиш ташкил қиласди.

Ахлоқий мөъёр жамият томонидан тан олинган бўлиб, унда яшовчи кишилар томонидан бажарилиши мажбурий-ихтиёрий бўлган қоида хисобланади

Ахлоқ ахлоқий тарбиянинг асосий категорияси саналади.

Ахлоқ (лот. "moralis" – хулқ-атвор) – ижтимоий онг шаклларидан бири хисобланиб, ижтимоий муносабатлар ва шахс хатти-харакатини тартибиға солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган, риоя килиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулокот, хулқ-атвор коидалари, мезонларининг мажмуми

Ахлоқ кишининг хулқ-атвори, иймон-эътиқоди, юриш-туриши, фикр-мулоҳазалари, мушоҳада ва мулокотида намоён булади.

Ижтимоий тарбия йўналишларидан бири **ақлий тарбия** саналади.


Ақлий тарбия шахсга табиат ва жамият тараққиёті тўғрисидаги билим асосларини бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаoliyati жараёни бўлиб, шахсда табиат, жамият, инсон тафаккури ҳақидаги билимларни ҳосил қилиш, илмий дунёқарашни шакллантириш жараёни

Ақлий тарбия юксат маънавий ва ахлоқий сифатларга эга шахсни тарбиялашда етакчи ўрин тутади

Ақлий тарбияни йўлга қўйиш чоғида ўкувчиларни илм-фан, техника ва технология соҳасида эришилаётган ютуқлар, янгилик, қашфиётлардан хабардор этиш, уларга ижтимоий, табиий фанлар бўйича билимларни бериш орқали тафаккур ва дунёқарашни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Билимлар тизимини онгли равишда ўзлаштириш мантикий фикрлаш, хотира, диқкат, идрек этиш, ақлий қобилият, мойиллипк ва иқтидорни ривожлантиришга күмаклашади.

Ақлий тарбияни ташкил этишда куйидаги вазифалар ҳал килинади (17-расм):



17-расм. Ақлий тарбия вазифалари


Жисмоний тарбия ҳам ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми саналади.

Жисмоний тарбия ўкувчиларда жисмоний-иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий, жисмоний жиҳатдан меҳнат ва Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган жараён

Бу йўналишдаги тарбияни ташкил этишда ўкувчиларни ўз соғликларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чинқитириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиши ҳамда унинг ишчанлик қобилиятини ошириш борасида гамхўрлик қилиш тўйгусини юзага келтириш, уларни маҳсус билимлар билан куроллантириш, уларда янги ҳаракат турлари борасида кўнишка, малакаларни ҳосил қилиш, ёши, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чақонлик, чидамлилик, сабот, меҳнат, чидам, ирода, характеристикарор топтириш) жисмоний сифатларни ривожлантириш, шахсий гигиенани саклашга нисбатан онгли муносабатларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилилади.

Педагогик ёндашувга кўра дидактик ўйинлар билан бир қаторда уларни жисмоний фаолликларини оширишга хизмат қилувчи ҳаракатли ўйинлар ҳам мактабгача ва бошлангич таълим ёши болаларининг жисмоний, ақлий жиҳатдан ривожланшишларига катта ёрдам беради.

Жисмоний тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат (18-расм):



18-расм. Жисмоний тарбия вазифалари

Жисмоний тарбияни болаларнинг мактабгача ёшидан бошлаб мунтазам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Жисмоний гарбия таълим муассасаларида ўқитилиси йўлга қўйилган фанлардан бири саналади. Таълим муассасаларида жисмоний тарбияни ташкил этишида ўқувчиларни қўёш, сув ва ҳаво воситаларида чинчиришига, дам олиш (жумладан, тўйиб ухлаш) ва меҳнат фаолиятини тўғри ташкил этишга алоҳида эътибор каратиш лозим.

Ўқувчиларнинг жисмоний маданиятга эгаликлари кўйидаги билан белгиланади: 1) жисмоний харакат кўнникмаларига эгалик; 2) жисмоний меҳнат килиш қобилиятининг ривожланганлиги; 3) жисмоний камолотнинг акс этиши; 5) ўқувчилар томонидан жисмонан ривожланган идеалнинг танланганлиги ва ундан намуна олиш йўлида амалий харакатларнинг ташкил этилаётганлиги.

Ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий кисми меҳнат тарбияси саналади. Меҳнат тарбиясидан кўзланган мақсад, аввало, ўқувчиларга меҳнатнинг моҳияти, мазмунини чукур англатишдан иборатdir.

Меҳнат тарбияси шахсга меҳнатнинг моҳиятини чукур англатиш, уларда меҳнат ва меҳнат фаолиятига онгли муносабатни, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали харакат ёки касбий кўникма, малакаларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён

Меҳнат тарбиясининг мақсади шахсда меҳнат ва меҳнат фаолиятига ижобий муносабатни шакллантиришдан иборат.


Меҳнат тарбиясини ташкил этишида кўйидаги вазифалар хал қилинади (19-расм):



19-расм. Меҳнат тарбиясининг вазифалири

Меҳнат тарбияси мазмунида унинг самарадорлигини таъминловчи таълим муассасаси имкониятлари; таълим муассасасининг моддий таъминоти; ўкувчи кадрларнинг салоҳияти; ишлаб чиқариш шароитлари; таълим муассасасининг анъаналари каби омиллар акс этади.

Таълим муассасаларида меҳнат тарбиясини ташкил этишида меҳнатнинг куйидаги турларидан фойдаланилади (20-расм):



20-расм. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган меҳнат турлари

Ўкув меҳнати – ўкувчиларнинг илмий билимлар, ўкув фанлари асосларини ўзлаштириш орқали уларни амалиётга татбиқ этишга доир кўнікма, малакаларни шакллантиришга қаратилган амалий фаолияти.

Ижтимоий-фойдали меҳнат – ўкувчилар гурӯҳи (жамоаси) томонидан ташкил этилиб, ижтимоий аҳамият касб этгани ҳолда бевосита шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамда муайян ижтимоий эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган меҳнат фаолияти тури. У “ўкувчиларни ижтимоий хусусиятга эга меҳнат жараёнита жалб этиш асосида уларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни қарор толтириш, маънавий-ахлоқий сифатлар (жамоавийлик, ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллаб-кувватлаш, дўстлик, ҳамжиҳатлик)ни тарбиялаш, шунингдек, ижтимоий фаоллик кўнкималарини шакллантириш”²⁶ мақсадида уюштирилади.

²⁶ Толипов Ў.Қ., Усмонбоеva М.Ҳ., Фозиева Л.М. Ўкувчиларда гоявий иммунитетни шакллантиришнинг амалий жиҳатлари / Ўкув-методик қўлланма. – Тошкент: “Фан” нағориёти, 2007. – 57-бет.

Ўқувчилар ўртасида меҳнат тарбиясини ташкил этишда ижтимоий-фойдали меҳнатнинг кўйидаги шаклларидан самарали фойдаланиш мумкин: ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, синф хонаси ёки ошхонада навбатчиликни ташкил килиш, ҳашарлар, меҳнат байрами, кўкаламзорлашириш, мактаб биносини таъмирилаш, шунингдек, фермер ҳамда жамоа хўжаликларида этиширилган кишилук хўжалиги маҳсулотларини йигиб олишда кўмаклашиш.

Ўқувчилар оиласа, таълим ҳамда омма учун хизмат кўрсатиладиган муассасаларда ўз эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, зиммаларидағи вазифаларни адо этиш мақсадида муайян меҳнат фаолиятини ташкил этади. Мехнатнинг бу тури ўз-ўзига хизмат деб юритилади. Ўз-ўзига хизматнинг энг одий кўринишлари умумий овқатланиш муассасаларида ходимлар хизматидан фойдаланмаслик, оиласа ётоқхонани тартибга келтириш, кийим-кечакларини озода, ўқув куролларини эса тартибли сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига амал килиш йўлида муайян ҳаракатларни бажариш ва ҳ.к.лар саналади.

Ўқувчиларни меҳнатга лаёқатли ва меҳнатсевар килиб тарбиялашда уларни меҳнатда машқ килдиришга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим муассасаларида меҳнат тарбиясини йўлга кўйишнинг асосий йўналишларидан бири – бу ўқувчиларни қасб танлашга йўналтириш, уларда муайян қасб ёки ҳунарга доир билим, кўнікма, малакалар билан куроллантириш бўлиб, шахс камолотини таъминлашда ўзига хос ўрин тутади. Ўқувчилар томонидан қасб ёки ҳунар йўналишининг тўғри танланиши муҳим аҳамиятга эга. Қасб ёки ҳунар йўналишларидан бирини танлашда ўқувчининг хоҳиши, кизикиш ва эҳтиёжини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга тажрибали ўқитувчилар, ишлаб чиқариш усталари, ота-оналар томонидан берилган маслаҳатлар ҳам ўқувчилар томонидан қасбий фаолият йўналишининг тўғри танланишини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш меҳнати таълим муассасаларида ўқувчиларни муайян йўналишлар бўйича ҳунар асосларидан хабардор килиш, уларда амалий кўнікма ва малакаларни шакллантириш йўлида олиб борилаётган педагогик фаолият кўринишларидан бири ҳисобланади. Кўп ҳолларда тўғараклар негизида ишлаб чиқариш меҳнати ташкил этилади. Шу билан бирга таълим муассасаларида йўлга кўйилган ишлаб чиқариш меҳнати ўқувчиларни хиссий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга ҳам хизмат киласи. Уларда ўз-ўзига бўлган ишонч, ўз меҳнати маҳсулидан завқ олиш, нарса ва буюмларни эстетик баҳолаш кобилияти шаклланади.

Эстетик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий кисми саналади.

Ақлий, ахлоқий, меҳнат тарбиясини эстетикасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Эстетик тарбия (лот. "эстезио" гўзалликни хис этаман) – шахсни ижтимоий вокелик, табиат ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш, тўғри тушунишни ўрганиш, уларнинг эстетик дидини ўстириш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш, шунингдек, гўзалликни яратиш кобилияtlарини тарбиялаш жараённи

Нафосат тарбияси шахсда ахлоқий киёфа, ижобий хулқ-автор, сифатларни таркиб топтириш, ижодий қобилияларини тараккий эттириши катта таъсир кўрсатади. Таълим муассасаларида мусика, тасвирий санъат, адабиёт фанларини ўқитиш эстетик тарбияни самарали йўлга қўйишга ёрдам беради.

Эстетик тарбия (нафосат тарбияси)нинг мақсади
шахснинг воқеликка эстетик муносабатини
шакллантиришдан иборат

Эстетик тарбияни олиб бориша ўқувчиларда эстетик хис-туйгу, эстетик дидни тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиялари, эстетик эҳтиёжлари, гўзашликни севиш, гўзалликка интилиш туйгуларини ривожлантириш, эстетик маданиятни шакллантириш мухим аҳамият касб этади.

Нафосат тарбиясининг вазифалари куйидагилардан иборат (21-расм):



21-расм. Нафосат (эстетик) тарбияси вазифалари

Онjlада ва таълим муассасаларида эстетик тарбияни ташкил этиши орқали ўқувчиларда эстетик қизиқиши, эстетик эҳтиёж, эстетик хис-туйгу, эстетик дид, эстетик мулоҳаза, эстетик онг, эстетик идеал, эстетик қараш ҳамда эстетик фаолият кўнинмалари шакллантирилади.

Эстетик қизиқиши – шахснинг эстетик фаолиятга, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ўзлаштиришга кириши.

Эстетик эҳтиёж – шахснинг воқеликни эстетик жиҳатдан билиб олишга ундовчи субъектив омил (ички интилиш).

Эстетик хис-туйгу – инсоннинг воқеликка, кишиларга, ўз фаолиятига эстетик муносабати.

Эстетик дид – эстетик ахборотлар оқими, эстетик ва ахлоқий мөъёлар йигиндиси орқали шаклланниб, шахснинг буюм, ходисаларга эстетик баҳо беришида яққол намоён бўладиган ҳодиса.

Эстетик мулоҳаза – шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи аклий характери.

Эстетик идеал – субъект билан объект, инсон билан ижтимоий бутунликнинг тарихи энг тўлиқ узвий бирлиги бўлиб, бу бирлик туб

максадлар сифатида инсон ижодий күчларининг эркин ва ҳар томонлама ривожланишида ўз ифодасини топади.

Эстетик қараш – эстетик онгнинг гоявий негизи, табиат, ҳаёт, санъат мөхияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва гоялар тизими.

Эстетик онг – шахсга назарий тушунчалар асосида предмет, буюм, воқелик ва ҳодисалар мөхиятини эстетик баҳолай олиш имконини берувчи хисстүйгү, сезги, тасаввур ва қарашлар шакли.

Эстетик фаолият кўникмалари – эстетик эҳтиёжларни қондириш ўлида амалга ошириладиган ҳатти-харакат кўникмалари.

Эстетик тарбия жараёнида амалга ошириладиган вазифалар шартли равишда икки гурухга ажратилади: 1) ўкувчиларга назарий эстетик билимларни бериш; 2) уларда амалий эстетик кўникмаларни шакллантириш.

Назарий ва амалий эстетик билимларни эгаллаш асосида ўкувчиларда қўйидаги ҳолатлар кўзга ташланади: эстетик билимларнинг таркиб топганлиги; эстетик маданиятнинг тарбияланганлиги; эстетик ва маданий мерос намуналаридан ҳабардор бўлиш; эстетик туйғунинг ривожланганлиги; ижтимоий ҳаёт, табиат ва меҳнат гўзалликларини хис этиши; гўзалликка интилиш эҳтиёжининг ривожланганлиги; эстетик идеалнинг шаклланганлиги; фикрлаш, фаолият, ҳатти-харакат ва ташки кўринишда гўзal бўлишга интилиш.

Эстетик тарбия факат нарса ва ҳодисаларнинг мөхиятини англаш, гўзal жихатларини кўра олишнигина эмас, балки ички гўзалликни хис қилиш хислатини ҳам тарбиялайди, инсондаги хулқий гўзалликнинг қадрига етишга унцайди.

Шахсни ҳар томонлама камол толтиришда экологик тарбия ҳам кучли тарбиявий таъсирга эга. Шу сабабли ижтимоий тарбия жараёнини бу йўналишдаги педагогик фаолиятсиз тасаввур этиш кийин.

“**Экология**” тушунчаси илк бор немис олими Э.Геккел томонидан кулинилган. Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмидир.

Экологик тарбия (грекча “oikos” – туар жой, макон, “logos” – фан) ўкувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларни бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма, малакаларини шакллантиришга қаратилган педагогик жараён

Ўзбекистон Республикасида табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ижтимоий-экологик ҳаракат гояси **Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофaza қилиш Миллий ҳаракат режаси** да ўз ифодасини топган.

Ўкувчиларда табиатга нисбатан тўғри муносабатни қарор толтириш, меҳр-муҳаббатни уйғотиш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш экологик муаммоларни ҳал этиш йўлида муҳим босқич саналади.

Экологик таълим ўкувчига аниқ максадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараён

Назарий экологик билимлар (экологик онг), атроф-мухит ва табиимуҳофазаси йўлида олиб борилаётган фаолият бирлиги экологик маданийти шакллантиришга хизмат қилади.

Экологик онг табиат ва атроф-мухитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиши борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси бўлиб, у мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида намоён бўлади

Экологик маданийт ўкувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-мухит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти

Экологик фаолият экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-мухит муҳофазасини тъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуми

Экологик тарбияни олиб бориш чоғида ўкувчиларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда алоқадорлигини ўкувчиларга тушунтириш, уларда экотизимнинг инсон, инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрни ва моҳияти борасидаги тушунчаларни қарор тоғтириш, табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъулият билан муносабатда бўлиш, табиатни асрараш тўғрисида ғамхўрлик қилиш туйгуларини қарор тоғтириш, экологик маданийти шакллантиришга жиддий эътибор қарагилади.

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлиб, уни ташкил этиши жараёнида кўйидаги **вазифалар** ҳал этилиши зарур:

1. Ўкувчиларнинг экологик билимларини янада ошириш.
2. Уларнинг табиат ва атроф-мухит экологияси тўғрисидаги тасаввурини бойитиш.
3. Ўкувчиларда табиат ва атроф-мухит муҳофазасини тъминлаш ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисидаги эътиқодни шакллантириш.
4. Ўкувчиларда экологик фаолият кўнкимга маалакаларни тарбиялаш ҳамда уларнинг табиат ва атроф-мухит муҳофазасини тъминлаш жараёнида фаол иштирок этишиларига эришиш

Оила ва жамиятда экологик мавзулардаги суҳбат, давра суҳбати, экскурсия, баҳс-мунозара, ижодий танловлар, учрашув, ижтимоий-фойдалаш меҳнат (шанбалик, ҳайвар, кўкаламзорлаштириш) кабилар экологик тарбия самарадорлигини оширади. Оила тарбиясида суҳбат, кузатиш ва амалий фаолиятни ташкил этиш, рафтаблантириш, жазолаш каби методлардан фойдаланиш ҳам ўкувчиларнинг экологик маданийтини ривожлантиради.

Иктисолий тарбия ўкувчиларда илмий дунёкарашини шакллантиришини таркибий қисмларидан бири саналади. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари шаклтанабўстан шароитда ўкувчиларга иктисолий билимларни бериш, уларда иктисолий фаолият юритиш кўнкимларини шакллантириши зарур.

Иктисолий тарбия – ижтимоий тарбиянинг мухим таркибий қисмларидан бири бўлиб, ўқувчиларга иктисолий билимларни бериш, уларда иктисолий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, оила хўжалигини юритиши, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиши ва х.к.)ни ташкил этиш кўнинка, малакаларини шакллантиришга йўналтирилади

Иктисолий тарбия иктисолий таълим билан чамбарчас ҳолда олиб борилади. Иктисолий тарбияни ташкил этишда оила, таълим муассасаси ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликка таяниш ижобий натижаларни беради.

Иктисолий тарбияни ташкил этишда қуйидаги вазифалар бажарилади:

- 1) ўқувчиларга иктисолий билим асослари (иктисол, оила хўжалигини юритиши ва бошқарни, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни молиялаштириш, капитал, тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, кичик ва ўрга бизнес, ижара, шартномалар ва уларни тузиш, банклар, банк операциялари, бюджетни шакллантириш, даромад, банкрот, бизнес-режа ва бошқалар)ни бериш; 2) уларда иктисолий онг ва тафаккур, мавжуд моддий бойликларга нисбатан оқилона муносабатни тарбиялаш; 3) қасбий ёки ишлаб чиқариш малакаларини шакллантириш; 4) уларни иктисолий ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш; 5) ўқувчиларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишига нисбатан эҳтиёж ва лаёкатни юзага келтириш; 6) улар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг йўлга кўйилишига эришиш

Иктисолий тарбияни ташкил этишда ўқувчиларга иктисолий билимларни бериш асосида мамлакат иктисолий барқарорлигини таъминлаш, бозор инфраструктураси қоидаларига амал қилиш, ички бозорни тўлдириш, кичик ва ўрга бизнесни яратиш борасидаги фаолият жараённида иштирок этиш кўнинка, малакаларини ҳосил қилиш, инсон меҳнати билан яратилган моддий бойликни асраш, уларни кўпайтириши борасида қайфуриш туйғуларини карор топтириш, иктисолий маданиятни шакллантириш ўзига хос ахамиятга эга.

Иктисолий мавзулардаги сұхбат, баҳс-мунозара, тренинг, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашув, ишлаб чиқариш корхоналарига уюштириладиган экскурсия, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш борасидаги ижодий қобилияtlарини намойиш этишига имкон берадиган кўрик-танлов, иктисолий йўналишдаги конференция, семинар, мунозара, тадбиркорлик ёки муайян қасбий фаолиятни ташкил этиш кўнинмаларини шакллантирадиган ишчанлик ўйинларини ташкил этиш иктисолий тарбия самарадорлигини таъминлайди.

Хукукий тарбия ҳам ижтимоий тарбиянинг мухим таркибий қисмларидан бири бўлиб, уни самарали ташкил этиш ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шарти саналади. “Хукукий тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари Конституцияни, давлат ҳакидаги таълимотни, чуончи, фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиши ва бошқариш хукукларининг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат конунларини юксак даражада ҳурмат қилиш, уларга сўзсиз риоя этиш, аддиявий билимларни эгаллашга эҳтиёж сезиш, тартиб ва интизомни бузувчиларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш, ҳалқаро хукуқнинг

аҳамиятга молик масалалари, ҳалқаро ташкилотлар (БМТ, Ҳавфсизлик Кенгаши ва х.к.) фаолият ҳакида ўқувчиларнинг умумий тасаввурларини шакллантиришдан ибодатdir²⁷.

Ҳукукий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, узвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик ҳарактерга эга бўлиб, шахс ҳукукий маданиятини шакллантириш гарови ҳисобланади.

Ҳукукий таълим ўқувчиларга ҳукукий меъёр, конун ва ижтимоий-ҳукукий муносабатлар түрсида тизимланган билимларни бериш, уларда ҳукукий билимларни ғаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳукукий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчили, узлусиз, тизимли тарзида ташкил этилади

Ҳукукий тарбия шахс эга бўлган назарий-ҳукукий билимлар негизида ҳукукий фаолиятни ташкил этиши кўникма, малакаларни хосил қилиш, унда ҳукукий онг сифатлари ва ҳукукий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён

Ҳукукий маданият шахс томонидан ҳукукий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ҳукукий фаолиятни ташкил этиши даражасининг сифат кўрсаткичи

1997 йил 29 агустада қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш Миллий дастур” жамият ва шахс ҳукукий маданиятини ривожлантиришда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳукукий тарбияни ташкил этишда ўқувчиларга давлат Конституцияси, давлат ҳакидаги таълимот, фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқаришга оид ҳукуклар моҳиятини тушунгириш, уларда ижтимоий-ҳукукий меъёrlарнинг шахс ва жамият хаётидаги аҳамиятига оид тушунчани хосил қилиш, ҳукукий муносабатлар борасида тасаввурга эга бўлишларини таъминлаш, ҳукукий онг ҳамда ҳукукий фаолиятни ташкил этишга доир кўникма, малакаларни хосил қилиш, ҳукукий маданиятни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳукукий таълим-тарбияни ташкил этишда куйидаги вазифалар ҳал этилади:

Ўқувчиларга ҳукукий меъёrlар, конунлар, ижтимоий-ҳукукий муносабатлар, уларнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш; уларда ҳукукий билимларни ғаллашга бўлган эҳтиёж ва ҳукукий онгни қарор топтиришга эришиш; ўқувчиларда ҳукукий фаолият кўникма, малакаларни хосил қилиш; ҳукукий маданият кўринишлари (ҳукукий тасаввур, ҳукукий идрок, ҳукукий гафакур, ҳукукий саводхонлик, ҳукукий масбуллик, ҳукукий фоллиқ, ҳукукий зътиод, ҳукукий салоҳият) ва ҳукукий маданият элементлари (ҳукукий меъёр, конунларнинг ижтимоий аҳамиятни тўти баҳолаш, ижтимоий ҳаракат ва ҳаракат сизликининг конуний бўлишига эришиш, давлат Конституцияси ва рамзларини, фуқаролик ҳукуқ, бурчларини хурмат қилиш, юридик хизматларга нисбатан эҳтиёжни қарор топтириш, ҳар кандай кўринишдаги ҳукукбузарликларга карши муросасиз курашни ташкил этиши)ни шакллантириш

²⁷ Синфдан ва мактабдан ташкири тарбияний ишлар Концепцияси // Маърифат г. – Тошкент: 1993 йил, 3 март.

Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш қўйидаги шартлар асосида амалга оширилади: кенг қўламли ижтимоий-ҳуқуқий ахборотли мухитнинг мавжудлиги; шахс ҳуқуқий онгини шакллантириш; шахс ҳуқуқий фаолиятини йўлга кўйиш.

Ўқувчилардаги қизиқишин инобатга олиб, ҳуқуқий мавзуларда мътруза ва семинарлар ташкил этиш, мустақил равишда ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш максалида уларни ҳуқуқий адабиётлар билан ишлашга ўргатиш, жинойи хатти-харакатлар, уларнинг оқибатлари ҳусусида давра сұхбати, ҳуқуқни муҳофаза килиш органлари ходимлари билан учрашув ва конференциялар ўтказиш, ҳуқуқий мавзудаги кинофильмлар намойиш этиш мухимdir.

Ўқувчилар “Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари”, “Конституциявий ҳуқук” ўкув предметлари асосларини ўрганишда ЎзР Конституцияси, фуқаролик жамияти асослари, миллый давлат тузилиши, давлат органлари тизими, вакииллик ҳокимияти органлари, ЎзР Президенти, Республика Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий бошқарув органлари, фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши каби органлар фаолиятини ўрганиш, шунингдек, ЎзР ички ва ташки сиёсати моҳиятини ўзлаштириш, халкаро ҳуқуқий муносабатларнинг йўлга кўйилиши тартиби билан танишар эканлар, айни вақтда уларда нафакат ҳуқуқий онг балки сиёсий онг ҳам шаклланади.

Ғоявий-сиёсий тарбия – ўқувчиларга сиёсий билимларни бериш, ЎзР Конституцияси, фуқаролик жамияти асослари, миллый давлат тузилиши, давлат органлари тизими ўрганишни таъминлаш асосида ўқувчиларда сиёсий фаолият мазмунини ўрганишни таъминлаш асосида ўқувчиларда сиёсий фаолият қўникма, малакаларини таркиб топтириш, сиёсий маданияти шакллантишга каратилган педагогик фаолият жараёни

Ижтимоий тарбия мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун тарбия жараёнининг ҳусусиятларини англаб олиш мухим аҳамиятга эга.

Жинсий тарбия – “болалар, ўсмиirlар ва ёшларда жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришга каратилган тиббий, педагогик тадбирлар тизими”²⁸ га кўра ташкил этиладиган жараён. Бу йуналишдаги тарбиянинг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши болалар, ўсмиirlарда эрта стилиш, жинсий майлар эрта уйғонишнинг олдини олади. Қолаверса, жинсий тарбия даврида ўғил ва қиз болаларга ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари кўмагида шаҳсий гигиенага риоя қилишга доир билимларнинг берib борилиши, уларни ёшлиқданоқ ўринда тўғри ётишга, ички кийимларнинг озода бўлиши, тананинг тоза тутишга одатлантириш улар томонидан шаҳсий саломатликни саклаш малакалари, рецропродуктив маданиятини ўзлаштиришларини таъминлайди. Методик жиҳатдан тўғри ташкил этилган жинсий тарбия ёш авлоднинг физиологик жиҳатдан тўғри

²⁸ Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 141-бет.

ривожланишига, никоҳ ва оиланинг мустаҳкам булишига, репродуктив (зурриёд қолдириш) саломатлика эга булишига хизмат қиласи.

Айрим ота-оналар, хатто педагоглар ҳам ёшлар ўртасида жинсий тарбияни улар балоғатта етганларидан кейин бошлиш зарур деб хисоблайди. Бундай ёндашув, айниқса, ахборот оқими шиддатли бўлган бутунги кунда нотўғри. Чунки ёшлар ўртасида жинсий тарбия қанчалик вақтли бошланмаса, уларда четдан, хеч бир изоҳларсиз олинаётган ахбороглар туфайли турли жинслар ўртасидаги муносабатнинг маънавий-ахлоқий, тиббий жиҳатлари тўғрисида етарлича тушунчалар шаклланмайди. Натижада никоҳ ва оиланинг муқаддаслигини, фарзанд кўриш масъулиятини чукур англамаган ёшларда жинсий ҳаёт факатгина жисмоний-физиологик эҳтиёжни қондиришдан иборат, деган нотўғри фикр шаклланади.

Балоғатта етгунга қадар жинсий тарбия асослари тўғрисидаги билимларни ўзлаштирган ёшлар “ижтимоий ва маънавий тартиб-қоидаларни, ўз руҳий ҳамда физиологик хусусиятларини англашга”²⁹, ўзи учун умр йўлдоши сифатида гаплаган ўзга жинс вакилига ҳурмат билан муносабатда булишига, унинг шаъни, ор-номуси, кадр-кимматини ҳимоя қилишига одатланаб боради.

Жинсий тарбияни тўғри йўлга қўйишда ота-оналар, педагоглар ўғил ва киз болаларнинг жинсий ривожланишларининг ўзига хослиги, босқичлари, табиий ва гайритабиий жинсий етилишини бир-биридан фарқлай олишлари лозим. Шунингдек, улар учун жинсига мос равища Ҳинчоклар, кийим-кечакларни танлаш, жинсини инобатга олган ҳолда турли юмушларни буюришни зарурлигини ёдда тутишлари керак.

Кизлар ўртасида жинсий тарбияни ташкил этишда уларга жинсий органларни шамоллаш, юкумли касалликлардан сақлаш тўғрисидаги маълумотларни ҳам бериб бориши мақсадга мувофиқдир. Жинсий тарбияни маънавий-ахлоқий, ақлий, эстетик ва жисмоний тарбиялар билан боғлаб олиб бориш ижобий натижаларни беради. Бу жараёнда кизлар онгигта ўз қадр-кимматини англаш, шаънини улуглаш, номусини асрари, масъуллик, бўрч, уят-андиша, ҳаё-ибо, меҳрибонлик, фидоийлик, вафо каби тушунчаларни сингдириш, бу фазилатларнинг кизларда тарбиялашга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Тарбия методлари. Мақсад, мазмун, шакл ва воситалар каби тушунчалар тарбия жараёнининг моҳиятини очиб беради. Бирор, тарбия моҳиятини ёритищада ўзига хос аҳамиятга эга бўлган яна бир тушунча ҳам мавжуд, бу тарбия методлари тушуғчасидир.

Тарбия методи (юнонча “методос” – йўл) тарбия максадига эришиш, тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйгулари ва хулқига таъсири этиш йўллари

²⁹ Тарбия / Ога-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 141-бет. – 142-бет.

Педагогик амалиётга татбиқ этилганда, метод тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулкига таъсир этиш усулидир. Методларни такомијлаштириш муаммоси доимо мавжуд, ҳар бир тарбиячи ўзининг имкониятига кура уни ҳал қиласди, тарбия жараёнининг шароитларига мос холда ўз қарашларини ифода этиш асосида умумий методикани бойитади.

Методнинг ижобий ва салбийси бўлмайди, тарбия жараёнида маълум йулни юкори даражадаги самарали ва самарасиз дея баҳолаш мумкин эмас. Методнинг самарадорлигини у қўлланилаётган шароит нуктаи назаридан баҳолаш мумкин. Тарбия методларини тўғри танлаш бир қатор омилларга боғлиқ.


Ўзбек ҳалқ педагогикасида турли тарбия метод, воситаларидан фойдаланилади. Улар ниҳоятда ранг-баранг. Ҳалқ педагогикасида қўлланилган хилма-хил тарбия методларини куйидаги тарзда умумлаштириш мумкин:

1. Тушунтириш (хикоя қилиш, ўргатиш).
2. Машқлантириш (одатлантириш, машқ қилдириш).
3. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, ўрнак бўлиш).
4. Насиҳат қилиш, ўғит (ундаш, қўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак билдириш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ ўйл тилаш ва ҳ.к.).

5. Қоралаш ва жазо (таъкидлаш, таъна, гина, танбех, бериш, мажбур қилиш, койиш, айлаш, уялтириш, қўрқитиш, нафратланиш, онт ичириш, уриш, калтаклаш ва б.).

Тарбия жараёнида ҳалқ педагогикаси намуналари, тарбия методлари, тарбиявий таъсирлар муайян воситалар ёрдамида қўлланилган. Мехмон кутиш, меҳмонга бориш, турли меҳнат жараёни, ҳашар, гурунг (чойхона, тўй маросими), сайил, оиласий анъана (туғилгаи кун, фуқаролик паспорти, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий маълумотга эгалик тўғрисидаги аттестат ва диплом, давлат мукофотларини олиш каби ҳолатларни нишонлаш) ва мусобақалар ўзига хос тарбия воситаси саналади.

Тарбия методлари куйидаги турларга ажратилади (22-расм):



22-расм. Тарбия методларининг турлари

1. Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар ўқувчиларда маънави ахлоқий сифатлар, эътиқод, дунёкарашини шакллантириш мақсадида уларни онги, ҳис-түғуси, иродасига таъсир кўрсатиш усувлари саналади. Ул ёрдамида ўқувчилар онгига жамиятда устувор ўрин тутувчи ижтимоий ғоя мақсадлар сингдирилади. Ёшлар дунёкарашини шакллантириш, уларнинг ҳам мазмунини тушуниб олишларига кўмаклашиши учун ижтимоий онгни шакллантирувчи усувлар кўлланилади.

Тушунтириш ижтимоий онгни шакллантиришда кўт ишлатиладиган усул бўлиб, у орқали ўқувчиларга мамлакат фуқаросининг давлатга нисбатан муайян ҳукуқ ва бурчлар асосида боғланганлиги тўғрисида маълумотлар берилади. Бунда давлат байроғи, герби, мадхияси, Конституциясига садоқат руҳидар билишнинг аҳамияти катта. Шу сабабли давлат байроғи, герби, мадхияси, Конституциясининг моҳияти тушунтирилади.

Сұхбат. Ўқувчи шахсини ғоявий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирчан усул хисобланади. Сұхбаг учун мавзу танлашда унинг долзарблиги, синф ўқувчиларига мослиги уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш имкониятини хисобга олиш зарур. Сұхбат кўйидаги мавзуларда уюштирилиши мумкин:

- 1) этик мавзулар (ижтимоий маънавий-ахлоқий меъсрлар, жамиятда устувор ўрин тутувчи ижтимоий муносабатлар, жамоа орасида ўзини тутиш коидалари ва б.);
- 2) эстетик мавзулар (табият гўзаллиги, шахслараро муносабатлар, инсон гўзаллиги);
- 3) сиёсий мавзулар (давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, дунё воқеалари, ҳалқаро муносабатлар на х.к.);
- 4) таълим ва билишга оид мавзулар (коинот, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, электроника ва б.)

Сұхбатларнинг меҳнат, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва гигиеник мавзуларда ташкил этилиши ҳам ижобий натижаларини беради. Сұхбат давомида ўқувчиларга ўз фикрларини эркин ифода этишлари, мустакил фикрлашларига имкон берувчи саволлар билан мурожаат килиш фойдали. Бу борада баҳс-мунозараларнинг аҳамияти катта.

Ҳикоя. Ўқувчилар одатда ҳаёт ва турли адабиётлардан олинган аник мисоллар билан бойитилган ҳикояларни катта қизиқиши билан тинглайди. Уларга ахлоқ меъсрлари, ҳалқ ўтмиши, табиий бойликлар, қаҳрамонлар ҳаётти ва жасорати, тарих, адабиёт ва санъат ҳикоя килиб бериш мумкин. Бадиий адабиёт намуналари, оммавий акборот воситалари -- радио, телевидение, газета ва журнallар саҳифаларида эълон қилинган маълумотлар ҳам ўқувчилар учун кимматли материал бўлади.

Намуна. Ўқувчилар ўз атрофидаги кишиларда барча ижобий ахлоқий сифатларни кўришлари ва ибрат олишлари нихоятда мухим. Ўқитувчининг

шахсан намуна бүлиши ёшларга катта таъсир кўрсатади.

Ўкувчилар ўзларига яқин кишиларнинг хулк-авторига тақлид қиласди. Ўзгаларнинг хулк-авторлари болаларда яхши, баъзан эса ёмон сифатларнинг ҳам таркиб топишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-оналар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини тута билишлари керак. Улар қаерда бўлишмасин, атрофларида болалар борлигини ҳис этишлари лозим. Катталар сўз ва амалий ҳаракатларида тафовут бўлмаслигини таъминлашлари керак.

Илфор кишиларнинг ҳаёти, фаолиятидан олинган маълумотлар, бадний асар, кинофильм ва спектакллар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатидаги яхши намуналар болаларнинг онгига кучли таъсир қиласди.

Намунаада ҳалк педагогикаси ғояларидан ҳам фойдаланилади. Ота-оналар ўз фарзандларини ҳамиша катта ҳаётига тажрибага эга, дунёкараши ва билим доираси кенг кишилардан ибрат олишга даъват қилиб келган.

2. Ижтимоий хулқиши шакллантириши методлари – муйайн машқ ёрдамида болалар фаолиятини тўғри, мақсадга мувофиқ, пухта ташкил килиш орқали уларни ахлоқий меъёр, хулк-автор қондларини бажаришга одатлантирувчи усуслар хисобланади. Одатлар болаликдан таркиб топиб, кейинги босқичларида мустаҳкамланиб боради.

Ўкувчилар одатларни ўз яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар атрофдагилар билан фаол мулоқотга киришишлари туфайли тақлид қилиш, узлуксиз тарбияни йўлга қўйиш асосида таркиб топтирилади. Натижада одат характеристега айланади.

Машқ муйайн хатти-ҳаракатларни кўп маротаба тақрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўкувчи учун онгли, ижобий жараёндир. Машқ натижасида кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўкувчининг аклий кобилияти ўсади, ахлоқий сифатлари боййиди, ҳаётига тажрибаси ортади.

Одатлантириш тарбияланувчиларда ижтимоий хулқ-автор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир. Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, ҳаракатларни кўрсатиб бериш ва тушунтиришни талаб этади.

Тарбия амалиётида машқ қилишнинг бир неча хили мавжуд: 1) фаолиятда машқ қилиш; 2) кун тартиби машқлари; 3) маҳсус машқлар.

Фаолиятда машқ қилиш меҳнат, ижтимоий ва жамоа фаолиятини ташкил этиш, ўзаро муносабатни йўлга қўйиш одатларини тарбиялашга қаратилган. Кун тартиби машқлари белгиланган кун тартибига амал қилиш, у билан боғлик истак ва ҳаракатларни бошқариш, иш ва буш вактдан тўғри фойдаланишига ўргатади. Маҳсус машқлар хулқий кўникма, малакаларни ҳосил қиласди.

Топширик ўкувчиларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётига тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул. Ўкувчиларнинг топширикларни жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Педагогик талаб турли хатти-ҳаракатларни бажариш ҳамда фаолиятда шигтирок этиш жараённада ўкувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-автор меъёрлари, тарбиянинг энг муҳим усусларидан биридир.

Педагогик талаб маълум ҳаракатларни рағбатлантирувчи (тўхтатувчи), ўқувчини ижобий ҳаракатларга ундаш характерига эга бўлиши мумкин.

3. Ўз-ўзини тарбиялаш методлари. Ўқувчидаги ўз-ўзини тарбиялашга, ўз устида онгли, тартибли ишлашга эхтиёж пайдо бўлгандағина тарбия жараёнини самарали деб ҳисоблаш мумкин. Ўз-ўзини тарбиялаш методларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар жамоалари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини оширишда самарали кечади.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилиш, ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этиш, ижтимоий мавжени оширишнинг таъсирчан воситаси бўлиб, улар ўқувчиларни ташаббускорлик ва мустақилликка ундаиди.

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-авторини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қартилган фаолият усули.

Ўз-ўзини баҳолаш шахснинг мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-авторини таҳлил қилиш орқали ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули. Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш кийин, лекин ўқувчини бунга етарлича тайёрлаш мумкин. Ўз-ўзини баҳолаш ўқувчининг шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан кониқишига ёрдам беради.

Изоҳлаш тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули. Изоҳлашининг муҳим белгиси муайян гуруҳ ёки алоҳида шахсга йўналтирилганлигидир. Ўқувчилар билан ишлагандаги маънавий-ахлоқий тушунчаларнинг ижтимоий аҳамияти ва маъносини изоҳлаш зарур. Изоҳлаш куйидаги ҳолатларни юзага келтириди: 1) янги маънавий-ахлоқий сифатлар ёки хулқ кўнкималарини таркиб топтириш ва мустаҳкамлаш; 2) тарбияланувчиларда содир этилган муайян ҳодиса (м: синф ўқувчилари оммавий равишда дарсга келмаганлари)га онгли муносабатни тарбиялаш.

Мунозара тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули бўлиб, у сиёсий, иқтисодий, маданий, эстетик ва хуқукий мавзуларда ўтказилади.

Мунозаранинг асосида турли карашлар ётади. Баҳс ижобий натижага бериши учун пухта тайёргарлик кўриш максадга мувофиқ. Мунозара учун 5-6 та савол тайёрланади. Саволлар билан иштирокчилар олдиндан таништирилади. Чиқишилар жонли, эркин ва қисқа бўлиши зарур. Педагог иштирокчиларга фикрларини ихчам, асосли ва далиллар асосида баён этишга ёрдам беради.

4. Хулқ ва фаолиятига рағбатлантириш методлари – тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнглини кўтариш ва уни қўллаб-куватлаш усуллари саналади. Ўқитувчи фаолиятида рағбатлантирувчи усуллардан фойдаланиш ўқувчидаги ижобий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради. Таълим амалиётида куйидаги рағбатлантириши турлари қўлланилади (23-расм):




23-расм. Рағбатлантириш турлари

Рағбатлантириш мавжуд педагогик талабларга мувофиқ булиши, кетма-кет бўлмаслиги зарур. Шунингдек, ўкувчини ёки унинг хатти-харакатларини ҳаддан ошириб мақташ, бошка ўкувчиларга таққослаш, уларни камситмаслик, талабчанликни бушаштирмаслик каби шартларга мувофиқ кўлланилади.

Жазолаш шахснинг ҳатти-харакати, фаолиятига салбий баҳо беришдир.

Жазо ҳам ўкувчининг индивидуал ҳатти-харакатлари ва умумжамоанинг фаолияти учун кўлланиладиган энг сўнгги тарбия усули. Жазо чораларини кўллашда жисмоний жазо, уриш, калтаклаш каби усуллардан фойдаланиш мумкин эмас, ўкувчини қўрқитиш, ғазаблантириш ҳам ижобий натижа бермайди. Зоро, ўкувчи қўрқканда ёлғон гапиришни ўрганади, икки юзламачи бўлиб қолади.

Таълим амалиётида куйидаги жазо чораларини кўллаш мумкин (24-расм):



24-расм. Жазолаш турлари

Танбех берини энг муҳим жазо чораси бўлиб, ўқитувчи ўкувчига юзма-юз туриб танбех беради ва буни кундалигига ёзиб кўйиш мумкин.

Огохлантириш – содир этилиши мумкин бўлган муайян ҳатти-харакатларнинг олдини олиш максадида кўлланиладиган тарбиявий усул.

Ҳайфсан бериш ўкувчининг маълум хатти-харакатларини қатъий чорасида бахолаш. Агар танбех ва огоҳлантириш кутилган натижани бермас унга ҳайфсан эълон қилиш мумкин.

Уйлтириш – ўкувчининг маълум хатти-харакатларига жамоа ёки тарбияси учун масъул бўлган субъектлар (ота-оналар, васийлар, жамоатчилик вакиллари ва б.) олдида баҳо бериш усули. Болаларни тарбиялашда шу түргуларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим. Бирок, ҳадеб уялтиравериш кизаргиравериш ярамайди.


Жазо пухта ўйлаб қўлланилиши керак, аксигча, жаҳл устида жазолади мумкин эмас. Жазолар якка характерда, яъни, биргина усулни қўлланилиши асосланиши, ўкувчининг айбига мос, мувофик бўлиши, тез-тез қўлланилмаслиги зарур. Жазоланувчидаги жазонинг тўғри белгиланганлигига нисбатан шубҳа туғилмаслиги, жазо бериш чогида ўкувчилар ўз айбларини сезмеш шарт. Ўкувчиларга жамоада муҳокама қилиш, жамоа томонидаги қўллаб-кувватланган ҳолда жазо берилса, унинг таъсир кучи янада ошади. Жазо тарбияланувчини жисмоний ва руҳий азобламаслиги, таҳкирламаслиги, шаънини срга урмаслиги керак.

Тарбия жараёнини самарали ташкил этишда методлар билан бирга тарбиявий таъсирга эга усуллардан ҳам фойдаланилади.

Тарбия усуллари – бу тарбиялаш, педагогик таъсир кўрсатиши хусусиятига эга хатти-харакатлар мажмун бўлиб, улар ёрдамида шахснинг қарашлари, мотивлари, харакатларини ўзгаририш максадида унинг хулкига ва позициясига ташкил таъсир кўрсатилади

Айни ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, ҳар кандай ташкил таъсир ҳам тарбия жараёнинида ижодий ўзгаришларни ҳосил қилишга хизмат килмайди. Қачонки, тарбиявий характерга эга ташкил таъсир тарбияланувчи (ўкувчи) шахсининг ички интилишлари билан ўзаро мос келсагина, тарбиявий аҳамият касб этади.

Тарбия усулларининг бир неча турлари мавжуд. Бирок, улар орасида кем оммалашган ва тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат килувчи тарбия усуллари ҳам мавжуд. Улар куйидагилардир (24-расм):



24-расм. Тарбия усулларининг турлари

Ижобий назиятни янада мустаҳкамловчи тарбия усуллари тарбияланувчи ва тарбиячи (ота-она, ўқитувчи, масъул шахс)лар ўртасидаги муносабатни яхшиланишини таъминлайди. Бу турдаги тарбия усуллари сифатида тарбияланувчи билан биргаликда маълум фаолиятни ташкил этиши

(үйинчокларни бирга йигиштириш, болага унинг учун мураккаб саналган ишни бекариша кўмаклашиш, болани ўйлантираётган муаммолар билан қизиши, унга катта ишонч билдириб, муайян топшириқ бериш кабиларни айтиш мумкин. Бу жараёнда боланинг кўнглини кутарадиган, унда ўзига нисбатан ишончни хосил килдирадиган жумлалар (“Балли!”, “Баракалла！”, “Яша！”, “Жуда зур! Менга сенга ишонгандим!”, “Биламан, сен буни уddyлайсан！”, “Ўйтайманки, бу сен учун қийин эмас!”, “Бу ишни биргаликда бажаришимизга нима дейсан!” кабилар)ни ҳам қўллаш мақсадга мувофиқидир.

Бола томонидан бирор бир ишнинг муваффақиятли бажарилгани учун уни рағбатлантириш, м: кичик ёшдаги болалар учун ширинликлар ва ўйинчоклар, ўрта мактаб ёшидаги болалар учун ўкув куроғлари ёки ўйинчоклар, катта ёшдаги болалар учун кимматбаҳо бўлмаган, улар ёқтирган рангдаги, русумдаги кийимларни, қизикарли китобларни, қизиқишлиридан келиб чиқсан холда маший буюмлар, совға қилиш тарбия жараёни иштирокчилари ўртасидаги самимий муносабатни янада мустаҳкамлайди. Болаларда ижобий ҳистайғуларни шакланишига ёрдам беради, уларни бундан-да яхши бўлишга унрайди.

Салбий вазиятни янада кучайтирувчи тарбия усуллари тарбияланувчи ва тарбиячилар ўртасидаги шундай ҳам ёмон, салбий муносабатни янада ёмонлантириади. Бу каби тарбия усуллари сирасида тарбияланувчининг салбий хатти-харакатлари учун уни койиш, дўқ-пўниса қилиш, жазолаш кенг қўлланилади. Кўпчилик ота-оналар ижобий ва салбий вазиятларни кучайтирувчи тарбия усулларидан кетма-кет фойдаланади. Тарбия усулларини самарали қўллашда энг муҳими – вазиятни тўғри баҳолай олиш, бола ҳолатини тушунишга харакат қилиш саналади. Умуман, имкон қадар салбий вазиятни янада кучайтирадиган тарбия усулларидан фойдаланмаслик маъқул. Чунки, бу каби усуллар боланинг ота-она, ўқитувчилардан кўнгли совишига олиб келади. Борди-ю, бола салбий ҳаракатларни содир этганда ҳам унга ўз хатоларини англашга имкон бериш, улардан тўғри хулоса чиқарib олишини таъминлаш педагогик жиҳатдан тўғри ёндашиш ҳисобланади.

Айрим ота-оналар болаларни тарбиялашда салбий вазиятни кучайтирувчи тарбия усулларини қўллашда аниқ бир жазоловчи восита: хона бурчаги, “жазоловчи стул” ёки бола ёлғиз колдириладиган (йўлакдаги ёки ховлидаги) жойни белгилаб олади. Бу ерда бола ёлғиз қолиб ўз хатолари, камчиликлари тўрисида ўйлаб олади. Жазо “жой”дан озод қилингач, бола ўз камчиликларини, салбий хатти-харакатларини тўғрилашга ваъда беради.

Иккинчи гурухга кирувчи ота-оналар эса боланинг салбий хатти-харакатлари учун жазо мақсадида жарималардан фойдаланади. Боланинг вотуғри хатти-харакатлари учун қўлланиладиган жарималар – мультфильмларни кўриш, ширинликларни истеъмол қилиш, компьютер ўйинларини ўйнамаслик учун такқи булиши мумкин.

Учинчи турдаги тарбия усуллари бола, тарбияланувчини ишонтирадиган сұхбатлар саналади. Ушбу усулни қўллаш учун тарбияланувчиларнинг ёшларини чегаралаб бўлмайди, аксинча, бу каби сұхбатлар барча ёшдаги

балоғатта етмаганлар учун бирдек самарали бўлади. Ишонч ҳосил қилинади сұхбатларнинг болани ўз хатти-харакатларини тушунтиришга, улар юзасиди изоҳ беришга ундашга хизмат килиши мұхим ахамиятга эга. Қолаверса, оналар, ўқитувчиларнинг кичик ёшдаги болалар билан сұхбатлашиш “Менинг ўйлашимча, бу ишинг тұғри эмас, ўзинг бу ҳақида нима дейсан?” “Айт-чи, сенингча шу ишинг тұғрими?”, “Агар борди-ю, шу ишни мен қылға бұлсам, сен нима деган бұлардинг?”, “Агар Комил бундай қылғанида сен хаф бұлмаган бұлармидинг?” каби саволлар асосида болани ўз хатти-харакатлар юзасидан ўйлаб құрышта ундаш мақсадға мувофиқиди. Бу үринде болага үннің харакатлари мазмунини англатыш билан бирга, тұғри хатти-харакат қандай булишини тушунтириш, бунинг натижасида атрофдагиларнинг қанчалик курсанд булишларини айтib ўтиш мақсадға мувофиқиди. Бундай сұхбатлар ҳеч қачон самараcис бұлмайди. Бироқ, сұхбат өчінде болага зұрлук қилинса, босым үтказилса, бу ҳақидағи маылумоттар боланинг миясида узок вақт сакланып колади. Ҳатто бир неча йиллар үтгандан кейин ҳам бола бу ҳақида ўйлади.

К.Д.Ушинскийнинг фикрига күра, ұкувчиларда шахсий сифатларни ҳосил қилишда педагогик фаолиятның қуидаги ташкил этиши тарбияловчылардың әсерінен әсер атқарылады:

- 1) тарбия вазифаларини аниклаштириш ва ұкувчиларда у ёки бу фаолият турига нисбатан әңгімәлік қозага келтириш;
- 2) фаолият үсулларини ёритиш ва уларни тегишли билимлар билан куроллантириш (онгтың ривожлантириш);
- 3) қойылған вазифаларни ҳал қилиш бүйіч амалың харакатларни ташкил этиши;
- 4) намойиш қилинған харакатларнинг ұкувчилар томонидан дастлабки қабул қилинишини ташкиллаштириш (харакатлар намунасы орқали);
- 5) фаолият ва хулқ-атвортар үсулларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бүйіч машкларнинг изчил бажарилишини таъминлаш;
- 6) ұкувчиларга маңыларни такомиллаштириш қозасидан талаблар қўйиш;
- 7) ұкувчиларни огохлантириш ва уларнинг хулқ-атвортарини назорат қилиш.

Тарбия воситалари. Педагогик жараёнда тарбияни самарали ташкил этишда мұайян воситалардан ҳам фойдаланилади. Восита (арабча соғз бўлиб, чора, тадбир, усул, ўрта, ўртадаги) – бу “бирор мақсадға эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат киладиган нарса, курол”, “бирор нарсани амалга ошириш учун хизмат киладиган, фойдаланиладиган нарса, омил”³⁰ дир.

В.А.Сластениннинг таҳрири остида чоп этилган “Педагогика” дарслиги³¹ да педагогик жараёнда қўлланиладиган воситанинг, бир томондан, педагогик фаолиятнинг турли қўринишлари, иккинчи томондан, педагогик фаолиятда қўлланиладиган моддий ва маънавий маданиятта оид барча предметлар мажмуй эканлиги, кўп

³⁰ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А – Д / 5 жилдли. Биринчи жилд. -- Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Ҷавлат илмий нашриёти, 2006. – 468-бет.

³¹ Педагогика / В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.М.Шиянов. – Москва: Владос, 1997. – С. 297.

холатларда методик усуллар, ҳатто мәденинг ўзини ҳам таълим ва тарбия воситалари билан бир деб қабул килиништайды.

Педагогик манбаларда кишилик фасонтини ҳам тарбия сифатида кабул килиш зарурлиги эътироф этилган³². К.Д.Шинский ўкиш ва меҳнатни шахс онги хис-туйгулари ва хулк-авторига тасвир этувчи восита сифатида эътироф этиди. Педагогининг қайд этишича, У.Н. йуквчининг иши ва ўкишидан ташкири, унинг ҳаёти – ўртоклари, тарбиялари (ўқитувчилар, ота-онаси)га бўлган муносабатини ҳам восита деб кубулиш мумкин.

Меҳнат шахсни тарбиялашнинг ўтишсан воситасидир. Зоро, меҳнат ёрдамида шахсада мъянивий-ахлокий ғизматик хис-туйгулар шакллантирилади, билим, ишонч, эътиқод, гоялар ҳосилланади, характер, ирода ва бошқа сифатлар тарбияланади.

Демак, тарбиянинг рағбатлантируви воситалари: мақтov сўзларини байн килиш, раҳматнома билдириш, мұжкітлаш кабилар бўлса, жазоловчи воситалари – койиш, танқид килиш, тасвир беришда ишлатиладиган сўзлар, оғзаки ҳайфсан бериш, йигилишда мұхомма қилиш, бошқа синф ёки мақтабга ўтказиш, масъул орган қарорига кўрашим мұассасасидан ҳайдаш, ахлок тузатиш мұассасаларига юбориш кабилалади.

Юкоридаги фикрларга таянган “тарбия воситалари” тушунчасини шундай тътифлаш мумкин:

Тарбия воситалари – тарбия жадиднинг таъсириштаги таъсириш максадида кўлланиладиган моддий буюмлар, нарсалар, мъянивий омилилар, фаолият (ўйин, ўкиш, меҳнат, мулокот) ҳамда хиссий ёндашув (нутк, хисс-хаяжон, кувонииш, газбланиш ва б.) кунишлариридир.

Шундай килиб, тарбия усулларини тарбиялаш, педагогик таъсириш курсатиш хусусиятига эга ҳатти-харакатларни мажмуи бўлса, тарбия воситалари мазкур ҳатти-харакатларни ташкил этишида кўлланиладиган моддий буюмлар, нарсалар, фаолият (ўйин, ўкиш, меҳнат, мулокот) ҳамда хиссий ёндашув (нутк, хисс-хаяжон, кувонииш, газбланиш ва б.) кунишлариридир.

Оила ва таълим мұассасаларидан педагогик жараённи ташкил этишида куйидаги тарбия воситаларидан кенг фоиданилади: давлат рамзлари; миллий кадриятларнинг намуналари; ҳаётинишшар; оила ёки ўкувчилар жамоаси учун кадрли бўлган моддий буюмлар; оюнчий ёки жамоавий анъаналар; шахс ибрати; қаҳрамонлик, инсонийлик, мәрқибат, инсоний мұхаббат, ўзаро оқибат, ҳақиқат учун курашиш түрлесидан ҳикоя қилювчи бадиий асарлар; ўкувчиларнинг эстетик дидини бойитишнъат намуналари; ўринли айтилган сўз (нутк); хиссий ёндашув; самимий мұнасабат; юксак ишонч; жамоа бирлиги; жамоа аъзоларининг ўзаро ёрдами; омбудман ахборот воситалари томонидан эълон килинган хабарлар; тарихий ғөзелик; қаҳрамонлик намуналари; ватанпарварлик рухидаги қўшиклар, кинопильмлар, театр томошалари ва х.к.

³² www.portalus.ru/modules/shkola/rusreadme.php?action=showfull&id=1191930248&archive.

Назорат учун саволлар:

1. Тарбия жараёнининг икки томонлама алокадорлиги нимада акс этади?
2. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Тарбия мақсадининг белгиланиши учун нима асос бўлиб хизмат киласди?
4. Тарбия конуниятларини сананг.
5. Шахснинг шаклланишига қандай омиллар тасир кўрсатади?
6. Ирсият негизида қандай биологик омиллар намоён бўлади?
7. Шахс томонидан фаолиятнинг қандай турлари ташкил этилади?
8. Ижтимоий тарбиянинг қандай турлари мавжуд?
9. Жисмоний тарбиянинг мақсади нимадан иборат?
10. Таълим муассасасида ташкил этиладиган ишлаб чиқариш меҳнати қандай афзалликларга эга?
11. Экологик таълим қандай мақсадга хизмат киласди?
12. Ҳукукий тарбия нима?
13. Таълим муассасаларида қандай рағбатлантириш турлари кўлланилди?
14. Тарбия воситалари нима? Педагогик жараёнда қандай тарбия воситаларидан фойдаланилди?

Тест топшириқлари:

1. Тарбия жараёнининг муҳим хусусиятларини кўрсатинг.
 - a) аниқ мақсадга йўналтирилганлик, кўп қирралик, узок муддатлилик;
 - b) яхлит тизимлилик, қарама-қаршиликлардан иборатлилик, икки томонламен алокадорлик;
 - c) түғри жавоблар йўқ;
 - d) a b c b жавоблар.
2. Тарбия жараёнининг қонуниятлари кайси жавобда кўрсатилган?
 - a) фаолият ва муносабат шахснинг ижтимоий ахамиятли фазилатларини шакллантиришининг негизи ва асосий мағбай эканлиги;
 - b) тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий тасири, ўзаро муносабатлари ҳамда фаолияти ўртасидаги боғланишининг мавжудлиги;
 - c) тарбиянинг объектив ва субъектив омилларга боғлиқлиги, шахснинг ривожланishi билан бирлиги ва ўзаро алокадорлиги;
 - d) барча жавоблар тўғри.
3. Ирсият нима?
 - a) шахса милий-этник хусусиятларнинг намоён бўлиши;
 - b) ажодларга хос биологик белги ва ривожланиш хусусиятларини кейин авлодларга ўтиш жараёни;
 - c) бир авлодга хос биологик белгиларнинг иккичи авлодда айнан тақрорланиши;
 - d) ота-онага хос характер хусусиятларининг фаъандларда бевосит тақрорланши.
4. Тарбия жараёнида ўқувчи шахсини хурмат килиш, унинг кизиқиши, хоҳишистакларини тушуна олиш зарурлигини ифодалайдиган тамоилини.

кўрсатинг.

- a) жамоавийлик;
- b) ўз-ўзини англаш;
- c) болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти;
- d) инсонпарварлик.

5. Тарбия тамойиллари қайси жавобда тұғри кўрсатилган?

- a) тарбия мақсадининг аниқлиги; ихтиёрийлик; жамоавийлик; изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик;
- b) болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти; ўз-ўзини англаш; илмийлик; инсонпарварлык;
- c) педагогик жа раённинг ҳәёт ва амалиёт билан боғлиқлиги; эстетик ғоялар устуворлиги; йўналтирилганлик; кўргазмалик.
- d) барча жавоблар тұғри.

6. Шахснинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг.

- a) оммавий ахборот воситалари, таълим, соғлом турмуш тарзи;
- b) мухит, таълим, болалар жамоаси;
- c) ирсият, мухит, тарбия;
- d) тарбия, болалар жамоаси, оммавий ахборот воситалари.

7. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган меҳнат турлари қайси жавобда кўрсатилган?

- a) фермерлик фаолияти, мактаб устахонасида ташкил этиладиган ишлар, мактаб ёрдамчи хўжалиги, ижтимоий-фойдалы меҳнат;
- b) ўкув меҳнати, ижтимоий-фойдалы меҳнат, ўз-ўзига хизмат, ишлаб чиқариш меҳнати;
- c) мактаб устахонасида ташкил этиладиган ишлар, ўз-ўзига хизмат, болалар меҳнати, ўкув меҳнати;
- d) ишлаб чиқариш меҳнати, фермерлик фаолияти, ўкув меҳнати, тадбиркорлик фаолияти.

8. Ўқувчилар гурӯҳи (жамоаси) томонидан ташкил этилиб, ижтимоий аҳамият касб этгани ҳолда бевосита шахсни ҳар томонлама камол тоғтириш, муйян ижтимоий эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган меҳнат фаолияти тури қандай номланади?

- a) ўкув меҳнати;
- b) ўз-ўзига хизмат;
- c) ишлаб чиқариш меҳнати;
- d) ижтимоий-фойдалы меҳнат.

9. Эстетик дид нима?

- a) шахснинг воқеликни эстетик жиҳатдан билиб олишига ундовчи субъектив омил (ички интилиши);

b) шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи ақлий ҳаракати;

c) эстетик ахборотлар оқими, эстетик ва ахлоқий меъёрлар йигиндиси орқали шаклланиб, шахснинг буюм, ҳодисаларга эстетик баҳо беришида яққол намоён бўладиган ҳодиса;

d) инсоннинг воқеликка, кишиларга, ўз фаолиятига эстетик муносабати.

10. Хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган

a) ўз-ўзини таҳдил (назорат) қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, изоҳлаш, мунозара;

b) мусобақа, рағбатлантириш, жазолаш;

c) одатлантириш, машқлантириш, топширик, педагогик талаблар, жамоатчилик фикри, тарбияловчи вазият;

d) хикоя, этик сұхбат, тушунтириш, изоҳлаш, маъруза, ишонтириш, насиҳат, йўрикнома, мунозара, маъруза, намуна.

11. “Тарбиялаш педагогик таъсир кўрсатиш хусусиятга эга ҳатти-ҳаракатлар маъжмуи”. Ушбу изоҳ қандай тушунча мазмунини ифодалайди?

a) тарбия методлари;

b) тарбия шакллари;

c) тарбия воситалари;

d) тарбия усуллари.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999. – 73 бет.

2. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслик. – Тошкент: ‘Fan va texnologiyalar’ нашриёти, 2008. – 286 бет.

3. Mavlonova R., To’raeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika / Kasb-hunar kollejlari ushun darslik. -- Toshkent: “O’qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 495 bet.

4. Pedagogika / Bakalavriat yo’nalishi uchun darslik. Prof. M.X.Textaxodjayevanining umumiy tahriri ostida. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2010. – 400 bet.

5. Педагогика / Ўқув кўлланма. Ш.А.Абдуллаева, Д.А.Ахатова, Б.Б.Собиров, С.С.Сайитов. – Тошкент: Фан, 2004. – 214 б.

6. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 528-бет.

7. Турсунов И, Нишоналиев У. Педагогика курси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1997. – 188 бет.

8. Ҳасанбоева О. Тарбиявий ишлар методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 174 бет.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ВА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Режа:

1. Илмий дунёқарааш тушунчаси, илмий дунёқараашга эга бўлишнинг аҳамияти.
2. Тарбияга мажмуавий ёндашиш асосида шахсда дунёқараашни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари.
3. Ўкувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.
4. Шахсда ўзликни англаш хиссининг намоён бўлиши ва унинг маънавий кадрияларга эга бўлишини таъминлаш.
5. Ахлоқий ҳис-туйгулар ва ахлоқий онг.
6. Шахснинг ахлоқий хулқ-автори.
7. Шахсда иродани шакллантириш.

Илмий дунёқарааш тушунчаси ва илмий дунёқараашга эга бўлишнинг аҳамияти. Шахс камолотида у томонидан моддий, ижтимоий борлиқни қабул килиш асосида муайян дунёқараашга эга бўлиб бориши муҳим аҳамиятга эга.


Дунёқарааш – шахснинг табиатга, жамиятга ва ўзининг ижтимоий мухитдаги ўрнига, ўз-ўзига, турли вокеликларга муносабатини белгилаб берадиган қарашлари, эътиоди, хаётый тажрибаси ва фаолият тамойилларининг тизими

Дунёқараашга эга бўлиш шахсда атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёни, субъектларга нисбатан маълум муносабатнинг қарор топиши, шахс томонидан зиммасидаги ижтимоий бурчларини тўлақонли англаш ва уларни бажаришга нисбатан масъулият туйғусига эга бўлиши учун замин яратади.

Дунёқарааш изчил, тизимли, узлуксиз, мақсадга мувофиқ таълим-тарбияни йўлга кўйиш, унинг турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш, ўз-ўзини тарбиялаб бориши асосида шаклланади

Ёш авлод дунёқарашининг шаклланишида табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар асосларининг улар томонидан пухта ўзлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Дунёқарашининг бойиб бориши шахсий сифат ва фазилатларни бойитади, баркарорлаштиради.

Дунёқарааш кўйидаги турларга ажратилади (25-расм):



25-расм. Дунёқарааш турлари

Мифологик дунёқарааш – ибтидоий жамоа тузумида борликни образли қабул килиш асосида шакуланган тасаввурлар мажмусини ифодаловчи дунёқарааш. “Мифология” тушунчасининг ўзи (юонончадан “mythos” – афсона, ривоят, “logos” – фан, таълимот) бирор ҳалққа тегишили афсоналар маъносини англатади.

Диний дунёқарааш – борликни илохий кучга, Худога ишониш асосида қабул килишни ифодаловчи тасаввурлар, урғодатлар ва маросимлар мажмуи. Араб тилидан таржима қилинганда “дин” тушунчasi “ишонч”, “эътиқод” маъноларини англатади.

Ижтимоний-сиёсий дунёқарааш – кишиларнинг объектив мавжуд бўлган сиёсий ҳаётга нисбатан сиёсий қарашларининг, сиёсий фаолиятга нисбатан муносабатларининг умумлаштирилган тизими.

Фалсафий дунёқарааш – табиий ва ижтимоий борликни назарий қабул қилиш, шахснинг борликқа нисбатан фалсафий муносабатига асосланган дунёқарааш. “Фалсафа” тушунчасининг ўзи қадимги грек тилидан таржима қилинганда “фіلіө” – муҳаббат, интилиш, иштиёк, “соғіға” – донишмандлик, сўзма-сўз таржима қилинганда эса “філософія” “донишмандликка интиламан” маъносини англатади.

Эстетик дунёқарааш – табиий ва ижтимоий борликқа эстетик қадриятлар – гўзаллик, хунарлик, кулгули, фожиавий ва бошқалар асосида ёндашишга асосланган дунёқарааш.

Дунёқарааш ўз моҳиятига кўра, илмий (фалсафий тизимга эга) ва оддий (фалсафий тизимга эга бўлмаган) дунёқарааш тарзида фарқланади.

Илмий дунёқарааш – бу илмий методлар ёрдамида кўп бор текширилиш, умумий ҳолда инсоният тажрибаси билан тасдиқланиш конунларига таянадиган дунёқарааш

Илмий дунёқарааш узлуксиз, изчил равишда инсоният томонидан орттирилган, мавжуд илмий билимларни пухта ўзлаштириш, ҳаётий тажрибани орттириш асосида шаклланади. Шахс дунёқарашини шакллантириш узок муддатли, динамик хусусиятга эга жараён саналади.

Ҳаётний тажриба – шахснинг умри давомида орттирилган тажрибалари.

Шахс илмий дунёқарашининг шаклланишида ақлий тарбия мухим ўрин тутади.

Айтиб ўтилганидек, ақлий тарбия шахсга табнат ва жамният тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) кобилияти, тафқурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият бўлиб, уни самарали йўлга кўйиш асосида дунёқарааш шаклланади

Ақлий тарбия ўқувчиларни илм-фан, техника, технология ва ишлаб чиқарниша қўлга киритилаётган ютуклар билан таништириш, уларда ижодий, эркин, мустақил фикрлаш кўнинмаларини ҳосил қилишга замин яратади.

Ақлий тарбия жараёнида кўйидаги **вазифаларни** ҳал этиш орқали шахсда дунёқарааш, илмий дунёқарааш шакллантирилади:

1. Шахсга илмий билимларни бериш.
2. Шахсда илмий билимларни ўзлаштиришга онгли муносабатни қарор топтириш.
3. Билимлардан амалиётда фойдаланиш күнікмаларини таркиб топтириш.
4. Билимларни доимий бойитиб боришига интилиш түйгүсини шакллантириш.
5. Билимларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган психологияк кобилиятлар (нутқ, дикқат, хотира, тафаккур, ижодий хаёл) ва хусусиятлар (аник мақсадға интилиш, кизикувчаник, кузатувчаник, мұстакил ғылурлашының мемлекеттескендегі орталық мәндердің мәндерін сипаттауда, мавжуд маълумотларни умумлаштириш, гурухлаштириш, мантикий холосалар чиқариш ва х.к.)ни ривожлантириш

Ақлий таълим ва тарбия бирлиги асосида шахсда **тафаккур** (ижтимоий воқеа-ходисаларнинг онгда тұлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли) ривожланади. Ақлий тафаккурнинг мавжуд даражасини белгилаш бир қадар мұраккаб бўлиб, куйидаги белги (мезон)ларга кўра аниқланиши мумкин: 1. Илмий билимлар тизимининг мавжудлиги. 2. Мавжуд илмий билимларни ўзлаштириб олиш жараёни. 3. Фикрлаш күнікмасига эгалик. 4. Билимларни эгаллашга бўлган қизиқиши ҳамда эҳтиёжнинг юзага келгандиги.

Ақлий тафаккур узок муддат ҳамда тинимсиз изланиш натижасида юзага келиб, унинг негизида илмий қараш ва эътиқод ётади.

Илмий қараш (юнонча “idea” – гоя, тасаввур ва тушунчалар йигиндиси) муайян ҳодиса, жараённинг мөхиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, гоя бўлиб, у шахс томонидан мавжуд илмий билимлар тизими пухта ўзлаштирилганда, билимларни бир-бири билан таққослаш, солиштириш, предмет, ҳодиса ёки жараён мөхиятини таҳлил қилиш натижасида юзага келади

Ақлий тарбияни самарали ташкил этиш шахсда илмий тафаккурни ривожлантиради. **Илмий тафаккур** инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ходиса ва жараёнларга илмий ёндашувни англатади.

Эътиқод дунёкараш негизида акс этувчи ижтимоий-фалсафий, табиий, иктиносий, хукукий, маънавий-ахлоқий, эстетик ва экологик билимларнинг

такомиллашган күривиши; муайян гояга чексиз ишончдир. У бир неча босқичда шаклланади: 1) билимлар бекарор ва вазият тақозосига кўра ўзгаруещанлик хусусиятини касб этади; 2) маънавий-ахлоқий қараашлар баркарор тамойилларга айланади; 3) барча вазиятларда ҳам устувор маънавий-ахлоқий тамойил бўлиб қолади.

Шахснинг илмий дунёқараашга эга бўлиши, илмий билимларни ўзлаштириб бориши катта аҳамиятга эга. Бунинг афзалликлари куйидагиларда кўринади:

1) табиат, жамиятда рўй берадиган воқеа, ҳодисалар мөхиятини тўғри талқин эта олади;

2) ўзига ва атрофдагиларга нисбатан оқилона муносабатда бўла олади;

3) ҳеч қачон далиллар билан исботланмаган ноқелик ва ҳодисаларни ҳақиқат сифатида кабул қиласиди;

4) илмий дунёқараашга эгалик шахсада мустақил фикрлаш қобилиятини ривоҷлантириди;

5) замонавий шароитда инсон онгини бошқариш илинжида юрган турли оқимлар, уларнинг миссионерлик фаолиятлари таъсирига, мистик гояларга берилмайди;

6) шахсий ҳаётида, ижтимоий жамиятда рўй берадиган ўзгаришларнинг муайян конуниятларга асосланишига ишонади ва уларни табиий қабул қиласиди;

7) ўзининг ва жамият ҳаётида содир бўлаётган салбий ҳодисаларни ўткинчи сифатида қабул киласиди ҳамда келажакка ишонч билан қарайди.

Тарбияга мажмуавий ёндашиш асосида шахсада дунёқараашни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараённида асосий эътибор шахсада дунёқараашни шакллантиришга каратилади. Зоро, дунёқараашга эга шахсгина табиий ва ижтимоий борлиқни борлигича қабул кила олади, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан тўғри муносабатда бўлади.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикасида ўқувчиларда дунёқараашни шакллантириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш шахсни ҳар томонлама камол топтириш, комил инсон, малакали мутахассисни тарбиялашдек ижтимоий мақсад билан бевосита боғлик. Таълим муассасаларида ижтимоий, гуманитар ва техник фанлар асосларини ўқитиш, ўқувчиларнинг техник, бадиий ижодкорлик қобилиятларини тарбиялаш, турли ижтимоий фаолият турларини ташкил этишга мантикий ёндашиш, ҳар бир жарабонинг илмий асосларини излашга ўргатиш уларнинг дунёқараашларини бойитишга ёрдам беради.

Дунёқараашни шакллантиришда ўқувчиларни бадиий асарлар, миллий ва умуминсоний кадриятларни улуғлайдиган санъат намуналари – кинофильмлар, театр томошлари, концерт дастурлари билан яқиндан таништириш уларда ўзига, атроф-муҳитга ижобий муносабатни қарор топтиради. Бинобарин, санъат асарлари, хусусан, рассомлик намуналари ўқувчиларда эстетик хис-туйгуларни шакллантиришга, бадиий асарлар эса улар томонидан ҳаёт, унинг асл мазмунини англаб етишга хизмат қиласиди. Фантастик жанрдаги асарлар эса

ўкувчиларда бир неча ўн йиллардан сўнг рўй бериши мумкин бўлган ҳаётий вокеликлар билан аввалдан танишиш имкониятини яратади. Бу ўринда ўкувчиларга Ж.Верн асарларида ёритилган ҳодисалар қарийб юз йилдан сўнг ҳаётий ҳакикатга айланганлигини эътироф этиб ўтиш лозим.

Лини ўринда ўкувчиларга замонавий технологиялар – компютерлар ва мобил телефонларнинг шахсларо муносабатларда ахборот алмашиб борасидаги ролини инкор этмаган ҳолда улардан тўғри, мақсадли фойдаланишига оид тавсияларни бериш уларда дунёкарашини бойитишни таъминлайди.

Шахс дунёкарашини шакллантиришда меҳнат омилиниңг роли бекиёс. Шу сабабли ўкувчиларни ёшлиқданоқ меҳнат ва турли кўринишдаги меҳнат фаoliятлари билан яқиндан таништириб бориш, улар томонидан меҳнатни ташкил этишга илмий ёндашиш кўникма, малакаларининг самарали ўзлаштирилишига эришиш оила, таълим муассасаларида ташкил этилаётган тарбия самарадорлигини баҳолаш имкониятини яратади.

Таълим муассасаларида ўкувчиларни Ислом динининг муқаддас манбалари – Куръони карим, Ҳадиси шарифларда илгари суриган маънавий-ахлоқий гоялар билан яқиндан таништириб бориш ҳам улар томонидан гоявий эътиқод моҳиятининг тўғри англанишини таъминлайди. Қолаверса, ўкувчиларни турли миллат ва златларнинг миллий маданиятига тобора кучли таҳдид солаётган – “оммавий маданият” таъсиридан химоялаш имкониятини яратали.

Ўкув фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотлар билан синфдан, таълим муассасасидан ташқарида уюштирулувчи тадбирлар ўртасида ўзаро алоқадорликка эришиш, оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлигини карор топтириш асосида маънавий-маърифий ишларни уюштириш ўкувчиларда дунёкарашни шакллантиришга нисбатан тизимли ёпдашув моҳиятини ифодалайди.

Таълим муассасаларида ўкувчиларнинг дунёкарашга эгаликлари, унинг моҳияти ва даражасини ўрганишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Хўш, ўкувчиларда дунёкарашнинг шаклланганлигини қандай аниглаш мумкин? Бунинг учун қандай мезонлардан фойдаланиш самарали?

Дунёкараш, унинг моҳияти, шахсда дунёкарашни шакллантиришга оид карашлар ўкувчиларда дунёкарашнинг шаклланганлигини қуйидаги мезонлар асосида аниглаш мумкин, деган холосага келиш имконини беради:

1. Табиий жараёнлар моҳиятини тушуна олиш, табиатда рўй берадиган ўзгаришларнинг асоси табиий қонуниятлар эканлигини англаш орқали унга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш.

2. Жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри баҳо бера олиш, ижтимоий вокеликларнинг асосида мустақил давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлини белгилаб берувчи миллий истикмол гояси, унинг тамойиллари ётганлигини англаш етиш.

3. Ўзининг шахс сифатида жамиятда тутган ўрнига муносаб бахо бера олиш, ўкувчи сифатида зиммасидаги бурч, мажбуриятларни чукур англаш.

4. Ўз шахсига баҳо бера олиш, ижобий ва салбий сифатларини кура билиш, имкон қадар салбий сифатларни бартараф этиш учун ўз устида ишилаш.

5. Ўқув фанларининг асосларини, илмий билимларни пухта ўзлаштириш, замонавий техника ва технологиялардан хабардор бўлиш, ижтимоий воқеаликларга тўгри ёндашиб, турли бузгунчи оқимлар таъсирига берилмаслик орқали шахс сифатида ўзини-ўзини такомиллаштириш.

6. Ўзлаштириган илмий билимларини амалиётда бевосита қўллай олиш кўникма, малакаларини ўзлаштириб бориш.

Ноанаъанавий дарс пакллари, хусусан, баҳс-мунозара, давра сұхбати, дебат, ахлоқий мавзулардаги маъруза, учрашув, муаммоли вазиятларни яратиш, интерфаол методларга асосланган машғулотларни ташкил этиш шахс дунёқарашини самарали шакллантиришга ёрдам беради.

Ўкувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш жараёнида шахсда ватанпарварлик (лотинча “patriots” – ватандош, “patri” – ватан, юрт) туйғусини шакллантиришга эътибор қаратилади. Зеро, фуқаро давлатнинг аъзоси сифатида унинг шаъни, обрў эътиборини таъминлаши, манбаатлари учун кураша олиши зарур.

Ватанпарварлик – шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, тугилиб ўсган ватани тарихидан гуурланиши, бугуни тўғрисида қайгуриши, порлок истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат

Ватанпарвар шахс киёфасида кўйидаги сифатлар намоён бўлади:

Ватанга бўлган меҳр-мухаббат, унга садокат; ўзи мансуб бўлган миллат ўтмиши, урф-одатлари, анъаналари ва қадрияларига содиклик; Ватан ва миллат тарихидан гуурланиши; юртнинг моддий, миллат томонидан яратилган маънавий бойликларини асрари, уларни кўпайтириш борасида гамхўрлик килиш;

Ватан равнаки на миллат тараққиётни йўлида меҳнат фаолиятини ташкил этиш; Ватан озодлиги ва миллат эркига килинаётган ҳар қандай таҳдидга карши курашиш; Ватан за миллат обрўси, шаъни, ор-номусини ҳимоя килиш;

Ватан равнаки ва миллат тараққиётига ишониш

Ватанпарвар шахс ўз ватанини унинг бойликлари ёки ватанининг қулаге географик ҳудудда жойлашганлиги учун эмас, балки, ўзи Ваганнинг бир бўлаги эканлиги, ўзи мансуб бўлган миллатнинг шу Ваганда, шу маконда яшashi учун қадрлай олиши, унга нисбатан чукур ҳурмат курсатиши зарур.

Байналмиллийлик (“inter” – орасида, ўртасида, биргаликда, аро, “nation” – ҳалқ) ўзга миллат ва элатларининг ҳак-хукуслари, эркинларни хурмат қилиш, манбаатларига зиён етказмасликни ифода этувчи шахсга хос маънавий-ахлоқий фазилат

Үкүвчилар ўртасида ватанпарварлик ва байналминаллик тарбияси муайян мавзуларга оид сұхбат, давра сұхбати, матбуот конференцияси, викторина, учрашув, күрик-тапалар, баҳс-мунозаралар ташкил этиш каби шаклларда амалға оширилиши мүмкін. Музейларга экскурсиялар уюштириш, ватанпарварлик ва байналминаллик мавзуларида яратылған асарларни биргалиқда үрганиш, кинофильмлар томоша килиш ҳам Ўзининг ижобий натижасини беради.

Үкувчиларда байналмоналилк түйгусини шакллантиришда таълим муассасалари қошида фаолият юритувчи “Дустлик клуби”нинг таъсири катта. Турил миллиатларга мансуб болалар уртасида дўстлик алоқаларининг боғланиши уларда бир-бирларига нисбатан ҳурматни карор топтирибгина колмай, ўзга миллат ёки эзлатларнинг урф-одатлари, анъаналари, тили, маданияти ва қадрнятларини пухта ўрганишга кўмаклашади.

Ёшларда ватанпарварлик түйгүсүни шакллантиришда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ҳам ахамияти бекиёс. Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарлигыда ҳарбий ватанпарварлик ғоясини тарғиб этувчи “Ватанпарвар” үйинлари, мусобакаларининг ўтказилиши максадга мувофиқдир. Үкүвчиларни ижтимоий-ғоявий, мальавий-ахлоқий, психологик-иродавий, жисмоний ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш уларниң Ваганни химоя килишдек мукаддас бурчни англашларига ёрдам беради.

Харбий ватаннарварлик тарбияси ёшларни ватан ҳимояси, харбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулотда ҳолатларда харбий мудофаани ташкил этиш күнімка, малакасини шакиллантиришга йұналтирилған педагогик жараён.

Харбий-ватанпарварлык тарбиясининг мақсади ёшларни ватан ҳимояси
хамда харбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавкулотда ҳолатларда ҳарбий
мудофаани ташкил этиш кўнглима, малакаларини шакллантиришдан иборат
булиб, мазкур жараёнда куйидаги **вазифалар** амалга оширилади:

Ўкувчиларга фукаро мудофааси, ҳарбий билим асослари бўйича бошлангич билимларни бериши, амалий кўнникмаларни хосил қилиш; уларни миллий мустакиллик, ЎзРинг давлат курилиши ва конституциявий тузумига қарши уошибтирулувчи таҳдидларнинг олдини олишга тайёрлаш; ўкувчиларда гоявий оғнлилик, терроризм, диний экстремистик гоялгарга қарши нафарт туйгусини тарбиялаш; ўкувчиларнинг Ватан ҳимоясини таъминлашга оид ҳарбий-техник тайёргарликка эга бўлишлари учун зарур шарт-шароитни яратиш; ўкувчиларда фавкулогда вазиятларда тегишли чора-тадбирларни кўра олиш, курроли хуружлардан ҳимояланиш кўнника, малакаларини шакллантириш; уларда хушёrlики ошириш ва x.к.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишда таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга кўйилган бошлангич ҳарбий тайёргарлик машғулотлари мухим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўргасида Чакирикка қадар бошлангич тайёргарлик (ЧҚБТ) фани буйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни намойиш этиш имконини берувчи мусобақанинг ташкил этилиши бу борада ижобий жатижа бера олади. Ўқитувчи раҳбарлигида “Шон-шухрат” музейларига уошгириладиган эксперсиялар ҳам ўқувчиларда ҳарбий-ватанпарварлик туйгусини шакллантиришда мухим рол ўйнайди.

Шахса ўзликни англаш хиссининг намоён бўлиши ва унинг маънавий қадрияларга эга булишини таъминлаш. “Ўзликни англаш” тушунчаси психологик категория саналса-да, бироқ, шахс маънавияти ва уни шакллантириш масалалари ўзига хос долзарблик касб этган мавжуд шароитда фалсафий, маънавий-ахлоқий тушунча сифатида ҳам кенг кўлланилмоқда. Ўзликни англаш ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини билиш каби тушунчалар орқали ҳам ифодаланади.

Психологик нұктай назардан ўзликни англаш – бу шахснинг ўз-ўзини тушуниши срқали шахсий психологик ва физик ҳусусиятларини ўрганиши³³ саналади. Бошкacha айтганда, ўзликни англаш шахс томонидан ўз “мени”ни тушуниш, ўз характеристи, хулк-автори, ҳатти-харакатлари ва қобилиятларини баҳолай олишадир. Шу билан бирга педагогик нұктай назардан ўзликни англаш – бу шахс томонидан ўз қадр-кимматини, ғурурини баҳолай олиши, жамиятда, оиласда, болалар жамоаси (умуман жамоада, меҳнат жамоасида ва б.)да тутган ўрнини белгилай билиши, атрофдагиларнинг унга, унинг атрофдагиларга, қолаверса, табиатга бўлган муносабатини ҳам англаб етиши демакдир.

Ўзликни англаш жараёни шахсада жуда ёшликтан бошланиб, бутун ҳаётি давомида кечади, онга ташки дунёнинг акс этиши каби жараёнлар ҳам босқичма-босқич рўй беради.

Шахс томонидан ўзликнинг англаниши унинг ўз-ўзини баҳолаши билан бөглиқ. Психологияда шахснинг ўз-ўзини баҳолаши учун куйидаги уч омил мухим эканлиги таъкидланади:

1. Ўзини тушуниш (ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш).
2. Шахс сифатида ўз қадр-кимматини англаш (ўзи тўғрисида ижобий маълумотларни тўплаш).

3. Ўз-ўзини назорат қилиш (ўзи тўғрисидаги шахсий билимларнинг атрофдагилар томонидан у ҳақида билдираётган фикрлар билан ўзаро мувофиқ келиши).

Ўз-ўзини баҳолаш даражаси шахснинг ўзидан ўзи коникиши ёки қониқмаслигини белгилаб беради. Бунинг учун ўзини ўзи баҳолаш кўрсаткичлари шахс имкониятларига мос кела олиши лозим. Ўзини ўзи ошириб ёки пасайтириб кўрсатиш ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичларининг нотугри бўлишига олиб келади.

³³ <http://ru.wikipedia.org/wiki>.

Күплаб манбаларда шахс томонидан ўзини ўзи баҳолаш күйидаги формула бўйича аникланиши мақсадга мувофиқ эканлиги айтилади:

Ўз-ўзини баҳолаш = ютуқлар / ўзини юқори баҳолашга интилиш

Формулага кўра, қандайдир ютуққа эришгач, шахс ўзини ўзи юқори баҳолалиши (ютуқлар ҳиссасини ошириши) ёки ўзига нисбатан кўяётган талабларни пасайтириши ҳисобига амалга оширилади.

Ўзликни (ўзини ўзи) англарнинг асосий йўллари кўйидагилар хисобланади:

1) бошқа шахсларники билан солиширган ҳолда ўзи фаолияти ва хулк-авторини таҳлил қилиш;

2) ўзини ўзи кузагиши (видео ва аудио ёзувлар, ўзининг ўй-хаёллари, хис-туйғуларини таҳлил қилиш, у ёки бу воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабатини ўрганиш орқали ўзини ўзи ташки ёки ички кузатиш);

3) ўз-ўзига ишониш (ўзига ўзи ҳисобот бериш).

Шахснинг ўзини ўзи англарнинг маънавий қадриятларга эгалиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зоро, шахс эга бўлган қадриятлар, хусусан, маънавий қадриятларнинг ўзи унинг кимлиги тўғрисида маълумот беради.

Оилада ва таълим муассасаларида ёшларга ҳар бир шахс ҳаётida муҳим ўрин тутадиган маънавий-ахлоқий қадриятлар – тинчлик, озодлик, эркинлик, адолат, ҳақикат, ижтимоий тенглик, гўзаллик, инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, миллий анъаналар, урф-одатлар, гурур, орномус, ҳаё-ибо, инсоний қадр-киммат, никоҳ ва оила мукаддаслиги, инсон ва оила шаъни, сулола анъаналари ҳамда б. тўғрисида тушунчалар бериб бориш орқали уларда мазкур қадриятларни асраб-авайлаш, зъозлаш кўнікмаларини хосил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ахлоқий хис-туйғулар ва ахлоқий онг. Шахс дунёкарашининг шакланишида маънавий-ахлоқий тарбия ҳам муҳим ўринга эга бўлиб, уни самарали ташкил этиш ўкувчида маънавий-ахлоқий онгни шакллантириша ёрдам беради.

Ахлоқ ва ахлоқий меъёрлар ахлоқий тарбиянинг асосларидир. **Ахлоқ** (лотинча “moralis” – хулк-автор) ижтимоий муносабатларни, шахс хатти-харакатини тартибга солувчи, жамият томонидан тан олинниб, риоя қилиниши зарур бўлган хулк-автор қоидалари йиғинидиси. Ахлоқий тарбиянинг натижаси ўкувчиларда ахлоқий онг ва фаолият кўнікмалари, ахлоқий маданият шакланишида кўринади.

Ахлоқий онг – ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулк-автор қоидалари, мезонлари, миллий истиқлол гоясининг ўкувчилар онгидаги акс этиши

Ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўнікмалари, ахлоқий маданият турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган, илм-фан, маданият, ишлаб чиқариш,

спорт соҳаларида ютуқларни қўлга киритиш билан ЎзР номини жаҳонга машхур килаётган, унинг обрў-эътиборининг ошишига муносаби ҳисса юшаётган шахслар ҳаёти, фаолияти тұғрисидаги маълумотлардан самарали фойдаланиш, ватанпарварлик намуналарини кўрсатган, ҳалқ қаҳрамонлари намунасида пакллантирилади.

Ахлоқий тарбия ўкувчиларда дунёкарашини шакллантиришда ҳам мухим аҳамиятга эга бўлиб, уни самарали ташкил этишда онг, ҳис-туйғу ҳамда хулқ-автор бирлигига эришиш зарур.

Шахспинг ахлоқий хулқ-автори. Хулқ-автор – шахснинг феъли, характеристи билан боғлиқ маънавий ходиса, феълининг ахлоқийлик доирасида намоён бўлиши³⁴. Ижтимоий муносабатлар жамият томонидан тан олинган, гарчи мажбурий бўлмаса-да, бирок, омма фикри билан тартибга солинадиган ахлоқий меъёрларга мувофиқ ташкил этилади. Шахснинг хулқ-автори ахлоқий меъёрларга мувофиқ шахслараро муносабатларни ташкил этиш вақтида намоён бўлади. Шахс хулқ-автори унинг ижобий ёки салбий сифатларга эгалигини кўрсатади. Агарда шахс ижобий маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлса, у ҳолда унинг хулқ-авторида табиатга тўғри муносабат, атрофдагиларга ғамхўрлик, яқинларига меҳрибонлик, шахслараро муносабатларда хушмуоматалик, меҳнат жараёнида меҳнатсеварлик, жисмоний машқларни бажаришда кучлилик, эпчиллик, чаққонлик, ўз шахсини баҳолашда камтаринлик, ожизларга нисбатан саҳоватлилик, Ватанга нисбатан ватанпарварлик, ҳакиқатга нисбатан ҳақиқаттўйлик, ҳар бир ишни бажаришда вижданан иш куриш каби ҳодисалар рўй берса, салбий сифатларга эга шахс хулқ-авторида эса юкорида қайд этилган ҳолатларнинг акси намоён бўлади.

Ижобий хулқ-авторга эга бўлиш инсонга кўрк багишлади. Чунки, у томонидан ташкил этилаётган хатти-ҳаракатлар, унинг ўзини тутиши жамият томонидан тан олинган ахлок меъёрларига зид бўлмайди, шу сабабли ўзгalarning ғашини келтирмайди. Шунга кўра хулқ-автор сухбатдошларнинг дилини рагшан қилиш, кайфиятини хушнуд этиш, кўнгилга таскин бериш учун хизмат қиласди.

“Ахлоқий хулқ-авторни тарбиялаш ахлоқий хатти-ҳаракат ва ахлоқий одатларни тарбиялашни назарда тутади.

Хатти-ҳаракат ёки ҳаракат кишининг ўзини ўраб турган воқеаликка муносабатини таъсифлайди. Ахлоқий хатти-ҳаракатни ташкил этиш учун тегишли шароитни вужудга келтириш, тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини аниқ бир гартибда ташкил этиш керак³⁵. Зарур шароитни яратиш ота-оналар, педагоглар, тарбиячилар ҳамда масъул шахслардан педагогик, психологик билимларга эга бўлишни, вазиятни тўғри баҳолай олишини тақозо

³⁴ Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyas” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 456-бет.

³⁵ Педагогика / Проф. В.В.Белоусова ва И.Н.Решетенъ умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 191-бет.

килади. Болалар жамоасининг ижтимоий фаолиятини ташкил этиш, бу жараёнда ўкувчиларнинг бир-бирларига кўмаклашишларини таъминлаш, ёрдамга муҳтоҳ кишилар, хусусан, кексаларга хўжалик юмушларини бажариш, фанлардан ўзлаштира олмайтган ёки бемор тенгдошларига мавзуларни тушунтириш, туристик саёҳатларда киз болалар, ёши кичикларнинг сафар халталарини кўтариш, улар учун кулаг дам олиш жойларини ажратиш ва б. шу каби хатти-ҳаракатларнинг ёшлар томонидан ташкил этилишини таъминлаш уларда ахлоқий хулқ-авторни шакллантиришга хизмат қиласи. “Бироқ, хатти-ҳаракатнинг ўзи ахлоқий тарбияланганлик деган сўз эмас, ҳали. Бунда хатти-ҳаракатларга кўзғотувчи кучлар, асослар муҳимдир”³⁶.

Ахлоқий тарбияни тацкил этишда ўкувчиларнинг худбинлик сифатларини ўзлаштиришларига имкон бермаслик ҳам муҳимдир. Аксинча, ҳар қандай вазиятда ҳам жамоа манфаати, тенгдошларининг умумий ютуклари муҳим эканлигини уларнинг онгига сингдириб бориш лозим.

Ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг ижобий мазмундаги кўзғатувчи мотив (рағбат)лар ёрдамица доимий тақрорланиши уларнинг секин-аста одатга айланишини таъминлайди.

Ахлоқий одат – шахснинг ўз ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг мукаммалаштиришга бўлган эҳтиёжи бўлиб, у ўкувчиларда кулаг вазиятларда ижобий мазмунига эга хатти-ҳаракатларнинг изчил, доимий, тизимли тақрорланиши ҳисобига хосил бўлади

“Агар одатнинг асосида турмуш, маданий хулқ, интизомнинг энг оддий меъёр ва қоидалари ётса, оддий одатлар ва тарбияланувчидаги фуқаролик, меҳнат, оила бурчларини вижданан бажаришга тайёр туриш эҳтиёжи юзага келган бўлса, бу мураккаб одатлар бўлади”³⁷.

Таълим муассасаларида ўкувчиларга манбаси кўрсатилмаган холда бир-бирига зид икки ҳаётий воқеликни киёслаш, таҳлил қилиш вазифасини бериш улар томонидан ахлоқий ва ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар моҳиятининг чуқур англанишини таъминлайди. Ахлоқий ва ноаҳлоқий хатти-ҳаракатларга муносабат сифатида Шарқ ва Farb мутафаккирларининг қарашлари, ҳалқ маколларини таҳлил килиш, улар юзасидан баҳс-мунозараларни ташкил этиш ҳам ўкувчиларга ахлоқий меъёрлар, уларнинг ижтимоий ва шахсий аҳамиятини англашларига хизмат қиласи. Шунингдек, ахлоқ мавзусида ёритилган бадиий асарларни жамоавий ўқиб-ўрганиш, ўкувчилар иштирокида улар юзасидан мунозара уюштириш, аннотациялар ёзиш ҳам, бир томондан, ўкувчиларнинг ахлоқий хатти-ҳаракатларга муносабатларини шакллантирса, иккинчи томондан, уларнинг дунёкарашларини бойитишига ёрдам беради. “Менинг назаримда ахлоқ...”, “Мен севган ижобий қаҳрамон”, “Замонавийлик ва ахлоқ”

³⁶ Педагогика / Проф. В.В.Белоусова ва И.Н.Решетень умумий таҳрири осгида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 191-бет.

³⁷ Ўша манба. – 191-192-бетлар.

мавзуларидаги ўкувчилар томонидан рефератларнинг тайёрланиши, иншоларнинг ёзилиши ҳам ана шундай самарали натижаларни кафолатлади.

Шахсда иродани шакллантириш. Мавжуд илмий билимларни пухта эгаллаш, ўзида энг юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарқиб топтириш учун шахс иродали бўла олиши лозим. Иродага эгалик, турли ҳаётий вазиятларда ўзини тута олиш, бальзан мувваффақиятсизлик ёки омадсизликка учраганда руҳан тушкунликка тушмаслик, аслида бу ҳолатлар ҳам инсон ҳаётининг бир кисми эканлигини тўғри тушунишга имконият яратади. Шу сабабли шахснинг иродали бўлиши мухим аҳамиятга эга. Ахборот оқими кучли, четдан юборилаётган салбий руҳий омиллар сони ҳам тобора ортиб бораётган мавжуд шароитда ўкувчиларда иродани тарбиялашга жиддий эътибор қаратиш янада долзарблик қасб этмоқда.

**Ироди – шахснинг аниқ мақсад сари онгли равища
олга интилиши, зўр бериб ҳаракат килиши**

Ўкувчиларда иродани шакллантириш учун, энг аввало, уларнинг ҳаётий мақсадлар ҳакидаги тушунчаларга эга бўлишларини таъминлаш, ўз олдиларига олий ҳаётий мақсадлар (м: жамият ва халқ учун манфаат келтирадиган фаолиятни ташкил этиш, тинчликни ҳимоя килиш, ҳар қандай уруш ҳаракатларига нисбатан нафрат билдира олиш, Ватан манфаати учун курашиш, умумбашарий экологик ҳавфнинг олдини олишга озгина бўлса-да, ўз хиссасини қўшиш, жамоа шаънини ҳимоя килиш ва ҳ.к.)ни қўя олишга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Ўкувчилар ёшлиқданоқ олий ва тор, биқик, худбинона мақсадлар (нима қилиб бўлса-да, гурухда биринчи бўлиш, қандай йўл билан бўлса-да, манфаатли лавозимни эгаллаш, қийин вазиятларда жамоа аъзолари тўғрисида эмас, балки ўзи ҳакида ўйлаш, маълум жараёнларда жавобгарликни ўз зиммасидан сокит қилиш, “хеч ким менга тегмаса бўлди” қабилида ҳаёт кечириш ва б.)ни фарқлашга ўрганишлари лозим.

Ироди гўдаклик даврида кўзга ташланадиган ихтиёrsиз фаоллик негизида шаклланади. Бу даврда гўдак ташқи таъсиirlарга ихтиёrsиз равища, ўйлаб ўтиргмаган холда каршилик кўрсатади. Унинг салбий ташқи таъсиirlарга нисбатан ҳаракатлари ўз-ўзидан пайдо бўлади. Мактабгача таълим ёшидан бошлаб болаларда ихтиёrsиз фаоллик асосида иродавий фаоллик тараққий эта бошлайди. Бу даврда у ўйинлар чоғида албатта ғолиб бўлишга, тенгдошига ёрдам беришга интилади, гарчи жисмонан кучи етмаса-да, айrim юмушлар (м: укасини ёки оғир сумкани кўтаришни, юкорида турган буюмни олишни ва ҳ.к.)ни бажаришга интилади. Бу каби юмушлар унинг имкониятлари даражасида бўлмаса-да, бирор, боланинг бундай ёндашувини рағбатлантириш лозим. Зоро, ана шундай интилишларнинг узлуксиз, изчил содир этилиши болаларда иродавий фаолликни кучайтиради.

“Иродавий ҳаракатлар ихтиёrsиз хатти-ҳаракатлардан фарқлироқ онгли равища килинади. Бу холда онгнинг фаолияти ҳаракат мақсадини белгилашда, бу мақсадга эришини воситалари ва йўл-ўюрикларини олдиндан белгилашда

кўринади. Иродавий жараён ва иродавий ҳаракатнинг дастлабки босқичи мақсад кўйишдан изборат”³⁸.

Мақсад (арабча “ният”, “олий тилак”, “интилиш”) – эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао

Шахс томонидан мақсаднинг белгиланиши, аниқлигига эришиш унинг биологик ва руҳий эҳтиёжлари билан белгиланади. Эҳтиёжнинг аниқ намоён бўлиши шахснинг интилишларида кўзга ташланади. Интилиш мавжуд эҳтиёжни кондира оладиган нарсага, уни топиш, янгидан яратиш, ўзгартириш ва х.к.га каратилади. “Интилишлар турли даражада англаниши мумкин. Ингилишларни англаш даражаси шахс эҳтиёжининг кучига, ҳаётий тажрибаси ва билимларига ҳамда унинг тафаккури, хаёлнинг тараққиётига боғлиқдир. Англаш даражасига кўра, одатда, интилишларнинг куйидаги турлари ёки фазалари бўлади: истак, тилак ва хоҳиш”³⁹.

Истак – шахс томонидан эҳтиёжнинг етарли даражада англанганлиги билан тавсифланунчи фаолият раббати (мотиви)

“Интилишдан фарқли ӯлароқ, истакда нафақат эҳтиёж объекти, балки уни кондиришнинг йўл-йўріклари, воситалари ҳам шахс томонидан тушунилади”⁴⁰.

“Кишида ҳосил бўлган истак маълум даражада англанса, тилак-ҳавасга айланниб кетиши мумкин.

Тилак-ҳавас интилишнинг шундай бир турдирики, бунда киши факатгина кандай мақсадга интилаётганлигини билади, лекин бу мақсадга эришиш йўлларини аниқ билмайди

Бундай тилак баъзан хаёл суриш билан, баъзан эса “чексиз” орзу билан боғлиқ бўлади”⁴¹.

Хоҳиш тўла англанган интилишдир. Бунда факат интилишнинг мақсади ва уни амалга ошириш воситаларигина эмас, балки мақсадни амалга ошириш имконияти, маълум бир мақсадда ҳаракат килишга тайёр ва килинадиган ҳаракатлардан келиб чиқадиган натижалар ҳам англашилади

³⁸ Ivanov P.I., Zufarova M.E. Umumiy psixologiya / Oliy ta'lim muassasalari uchun darslik. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyat” nashriyoti, 2008. – 309-310-betlar.

³⁹ Ўша манба. – 310-bet.

⁴⁰ G’oziyev E.G. Psixologiya / Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: “O’qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. – 146-bet.

⁴¹ Ivanov P.I., Zufarova M.E. Umumiy psixologiya / Oliy ta'lim muassasalari uchun darslik. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyat” nashriyoti, 2008. – 311-bet.

Шахсда иродавий ҳаракатларнинг намоён булиши, умумий тарзда айтганда, куйидаги босқичларда кечади:

- 1) мақсадни аниълаштириш;
- 2) мақсадга эришиш воситаларини белгилаш;
- 3) мотивациялан (сабабларни асослаш);
- 4) мотив (рағбат, сабаб)лар кураши;
- 5) қарор кабул килиш (унда қатъият ва қатъиятсизлик намоён бўлади);
- 6) қарорни ижро этиш;
- 7) ички қаршиликларни енгиш;
- 8) ташки қаршиликларни енгиш;
- 9) бажарилган ишга баҳо бериш.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ирода маълум бир қарорга келишда ҳамда бу қарорни ижро этишда намоён бўлади. Инсон ҳаётининг барча даврларида гўдакликдаги ихтиёrsиз фаоллик шахс тараққиётининг кейинги босқичларида юзага келадиган иродавий ҳаракатларга турлича таъсир килади. Бу таъсир иродавий ҳаракатларни янада фаоллаштириши ҳам, сусайтириши ҳам мумкин.

Демак, ирода заминида куйидаги сифатлар намоён бўлади (26-расм):

Аник мақсадга интилиш (сабитқадамлик)	Қатъият	Матонат
Изчил ҳаракат қилиш	Қайсараплик	Сабр-тоқат

26-расм. Ирода негизида акс этувчи сифатлар

Ҳар бир шахсда ирода даражаси турлича бўлади. Бир ҳаётий фаолиятни ташкил этаётган шахсларда ирода юкори даражада булиши мумкин. Бу ўринда Генри Форднинг тўрт цилиндрли моторни яратиш жараёнидаги иродасини мисол қилиб келтириш мумкин. Генри Форд мутахассислар бундай моторни яратишнинг иложи йўқ дейишганда ҳам ўз қароридан қайтмай, “Токи уни яратмагунча, ишни тўхтатманглар! Қанча маблаг, қанча вақт сарфланиши мени қизиктирумайди” деб жавоб берган. Аслида буюк ихтиrolарнинг кашф этилиши ана шундай жараёнда кечади.

Шунингдек, ўқунчиларда ирода сифатларини шакллантиришда ҳаётий мисоллардан фойдаланиш, имкон кадар шароит яратиб, уларнинг ўз иродаларини чиниқтиришларини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда иродали шахс, жасоратли, учувчи, инсон матонатининг ёрқин тимсоли А.П.Маресьевнинг ҳаёт ҳақида ҳикоя қилинган Б.Полезойнинг “Чин инсон қиссаси” асарини индивидуал, гурух ва жамоа бўлиб ўкиш, мухокама килиш педагогик жихатдан самарали йўл саналади. Қолаверса, турли оммавий ахборот воситаларида берилган инсон иродаси, уни шакллантириш ва чиниқтиришга оид материалларни таҳлил қилиш, факт иродавийликкина эмас, иродасизлик

хам ёритилган манбалар мазмуни юзасидан ўкувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини таъминлаш хам уларни ўз иродаларини чинкитиришга рағбатлантиради.

Назорат учун саволлар:

1. Шахснинг ривожланишида дунёқараашга эга бўлиш қандай аҳамият касб этади?
2. Шахснинг ақлий тафаккурга эгалиги қандай белги (мезон)ларга кўра баҳоланади?
3. Эътиқод нима?
4. Байналминаллик хислатига эга шахсларда қандай хатти-ҳаракатлар намоён бўлади?
5. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси қайси жиҳатлари билан ватанпарварлик тарбиясидан фарқланади?
6. Шахснинг ўзини ўзи (ўзликни) англаши қандай йўллар билан амалга оширилади?
7. “Шахс ҳулқ-атвори” тушунчаси қандай мазмунни англатади?
8. Шахс иродасини қайси ёшдан бошлаб тарбиялаш зарур?
9. Гўдакларда иродавий ҳаракатлар кўзга ташланадими?
10. Шахс қандай эҳтиёжларга кўра мақсадни белгилайди ва унинг аниқлигига эришади?

Тест топшириклари:

1. Қайси жавобда дунёқарааш турлари тўғри кўрсатилган?
 - a) диний дунёқарааш, фалсафий дунёқарааш, илмий дунёқарааш, ижтимоий-сиёсий дунёқарааш;
 - b) мифологик дунёқарааш, эстетик дунёқарааш, ҳаётий тажриба;
 - c) а ва b жавоблар;
 - d) тўғри жавоб йўқ.
2. Борлиқни образли қабул килиш асосида шаклланган тасаввурлар мажмусини қайси дунёқарааш тури ифодалайди?
 - a) фалсафий дунёқарааш;
 - b) ижтимоий-сиёсий дунёқарааш;
 - c) илмий дунёқарааш;
 - d) диний дунёқарааш.
3. “Шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан турурланиши, бутуни тўғрисида қайгуриши ҳамда унинг порлок истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат”. Ушбу таъриф асосида шахсга хос қайси маънавий-ахлоқий фазилат моҳияти ёритилган?
 - a) байналминаллик;
 - b) инсонпарварлик;
 - c) ватанпарварлик;

d) калкпарварлик.

4. Ўзини тушуниш; шахс сифатида ўз қадр-қимматини англаш; ўз-ўзини назорат қилиш. Ушбу омиллар ёрдамида шахснинг ўз-ўзига муносабатининг қандай жараёни ифодаланади?

- a) ўз-ўзини назорат қилиш;
- b) ўз-ўзини тахлил қилиш;
- c) ўз-ўзини англаш;
- d) ўз-ўзини баҳолаш.

5. “Жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-автор қоидалари, мезонлари, миллий истиклол ғоясининг ўқувчилар онгida акс этиши”. Ушбу таъриф ижтимоий онгнинг қайси турига берилади?

- a) ҳукукий онг;
- b) ахлоқий онг;
- c) эстетик онг;
- d) экологик онг.

6. Ахлоқий тарбия самарадорлигини белгилашда қандай тамойил устувор ўрин тугади?

- a) ўқувчиларнинг ёш, психоложик ва шахсий хусусиятларни инобатга олиш;
- b) назария ва амалиётнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш;
- c) онг, хис-туйғу ҳамда хулқ-автор бирлигига эришиш;
- d) ахлоқий тарбияни изчил ва узлуксиз ташкил этиш.

7. Ахлоқий хатти-харакатларни мукаммалаштиришга бўлган эҳтиёж – бу...

- a) ахлоқий хатти-харакат;
- b) ахлоқий одат;
- c) ахлоқий мотив (рагбат, сабаб);
- d) ахлоқий мельёр.

8. “Шахснинг аниқ мақсад сари онгли равишда олға интилиши, зўр бериб ҳаракат қилиши”. Мазкур таъриф асосида шахсга хос қандай фазилат ёритилган?

- a) характер;
- b) дикқат;
- c) ирода;
- d) хотира.

9. Қайси жавобда иродавий ҳаракатларнинг намоён бўлиш боскичлари кўрсатилган?

- a) мақсадни аниқлаштириш; мақсадга эришиш воситаларини белгилаш; мотивацияялаш (сабабларни асослаш);

- b) мотив (рагбат, сабаб)лар кураши; қарор қабул қилиш (унда қатъият ва қаътиятсизлик намоён булади); қарорни ижро этиш;
- c) ички қаршиликларни енгиш; ташки қаршиликларни енгиш; бажарилган ишга баҳо бериш.
- d) барча жавоблар тұғри.

10. Аниқ мақсадға интилиш (собигқадамлық), қатъият, матонат, изчил ҳаракат қилиш, қайсаңлық, сабр-токат, баркарорлық. Ушбу сифатлар нимани ифодалайды?

- a) шахс иродасини;
- b) шахс харақтерини;
- c) шахснинг кучини;
- d) шахснинг ижтимоий муносабатлардаги иштирокини.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрға интилмоқда. – Тошкент: „Ўзбекистон”, 1999. – 73 бет.
2. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслік. - Тошкент: Фан ва технологиялар, 2008. – 286 бет.
3. Ivanov P.I., Zufarova M.E. Umumiy psixologiya / Oliy ta'lif muassasalari uchun darslik. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyat” nashriyoti, 2008. – 308-332-betlar.
4. Mavlonova R., To’raeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika / Kasb-hunar kollejlari ushun darslik. – Toshkent: “O’qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 495 bet.
5. Pedagogika / Bakalavriat yo’nalishi uchun darslik. Prof. M.X.Toxtaxodjayevanig umumiylah tahriri ostida. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyat” nashriyoti, 2010. – 400 bet.
6. Педагогика / Үқув қўлланма. Ш.А.Абдуллаева, Д.А.Ахатова, Б.Б.Собиров, С.С.Сайитов. – Тошкент: Фан, 2004. – 214 бет.
7. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 528-бет.
8. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1997. – 188 бет.
9. G’oziyev E.G’. Psixologiya / Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: “O’qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. – 130-154-betlar.
10. Ҳасанбоева О. Тарбиявий ишлар методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 174 бет.

ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ (ДИДАКТИКА)

Режа:

1. Таълим назариясининг методологик асослари.
2. Таълим назариясининг предмети ва вазифалари.
3. Дидақтиканиң асосий категориялари.
4. Таълим мазмуни.
5. Таълим қонуниятлари ва тамойиллари.
6. Таълим жараёни ва унинг асосий таркибий элементлари.
7. Таълимнинг ташкилий шакллари.
8. Таълим методлари ва уларнинг гурӯхланиши.
9. Таълим воситалари.
10. Ўқувчиларниң ўкув фаолиятини назорат қилиш ва билимларини баҳолаш.

Таянч тушунчалар: методологик асос, методология, таълим мазмуни, таълим тамойиллари, таълимнинг таркибий элементлари, таълим жараёни, таълимнинг ташкилий шакллари (таълим шакллари), таълим методлари, таълим методларининг турлари, таълим воситалари, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, ўқувчилар фаолиятини баҳолаш.

Таълим назариясининг методологик асослари. Ҳар бир фан асослари муайян методологик ғояларга асосланади. Бошқача қилиб айтганда, методологик ғоя ва қарашлар ҳар бир фан асосларининг ёритилиши учун муҳим, етакчи асос бўлиб хизмат қиласди.

Методологик асос – муайян назария ва таълимотларнинг етарлича илмий асосланиши, шахс фаолиятини тўғри уюштирилиши учун асос (негиз) бўлиб хизмат киласидиган муҳим, етакчи ғоялар

Турли назария, таълимотларнинг етарлича илмий асосланиши, шахс фаолияти учун асос бўлиб хизмат киласидиган муҳим, етакчи ғоялар **методология** томонидан ўрганилади.

Методология (юнон. methodos – йўл, усул, logos – таълимот) – шахснинг амалий ва назарий фаолиятини тўғри уюштириш ва тузиш тўғрисидаги таълимот

Манбаларда “методология” тушунчаси турлича шарҳланади. М: фалсафага оид манбада мазкур тушунча: 1) илмий билиш методлари, усуллари тўғрисидаги таълимот; 2) инсон фаолиятининг бирон-бир соҳасида кўлланиладиган методлар, усуллар мажмуаси, дея талкин этилади⁴². Педагогик манбаларнинг бирда эса “методология” тушунчасига: 1) тадқиқот

⁴² Фалсафа. Кискacha изоҳли лугат. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004. – 202-бет.

усулларининг мажмуаси; 2) муайян фан (соҳа, йуналиш)да кўлланиладиган тадкиқот усулларининг мажмни; 3) илмий билиш ва дунё тараққиётiga таъсир кўрсатиш ҳақидаги таълимот⁴³ эканлиги кўрсатилади.

Методология изланишнинг муайян усул билан олиб борилаётгани ёки олиб борилиши кераклигини изоҳлаб беради⁴⁴. Бирок, юқорида келтирилган манбаларда “методология” тушунчасининг моҳияти унинг негизини ташкил этувчи сўзлар маъносидан келиб чиқиб белгиланган. Аслида методология ҳар кандай илмий назария, таълимот ва илмий изланишларнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўғри асосланиши учун етакчи, устувор фоя бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра айтиш мумкинки:

**Методология илмий билиш ва диалектик тараққиёт моҳиятини
ёритувчи устувор фоя, етакчи тамойил, мухим қонуниятлар, назарий
ҳамда амалий ёндашувлар мажмни демакдир**

Миллий педагогика фани гояларини ривожлантириш, шунингдек, педагогик йўналишларда ташкил этиладиган илмий-тадкиқотлар учун куйидаги манбалар, назария ва тамойиллар методологик асос бўлиб хизмат қилади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни; “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”; “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”; “Баркамол авлод Йили” Давлат дастури; Республиканинг кадрлар тайёрлаш миллий модели; таълимий ислохотларни ташкил этиш борасидаги миллий сиёсат мазмуни ва йўналишлари; Республика Президенти И.А.Каримовнинг узлускисиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим тизимини такомиллаштириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратларини оширишга оид карашлари; Республика Вазирлар Махкамаси, Олий ва ўрта максус ҳамда Халқ таълими вазирикларининг узлускисиз таълим тизимини такомиллаштириш, педагог кадрларнинг касбий малакасини ошириш тўғрисидаги каорларининг мазмуни, Шарқ ва Фарб мутафаккирларининг шахсни шакллантиришга оид карашлари; халқ педагогикаси гоялари; умуминсоний ва миллий таълимий қадриятлар; таълим ва тарбия жараёни қонуниятлари; билиш, шахсни шакллантириш ҳамда шахсга муносабат масалаларини ёритувчи таълимотлар; замонавий шароитда таълим ва тарбия жараёнларини самарали ташкил этишга бўлган турли ёндашувлар; педагогик, психологик ҳамда методика йўналишиларида амалга оширилган илмий тадкиқотлар; ўкув манбалари (ўкув дастурлари, кўлланмалар ва дарсликлар)да илгари сурилган таълимий гоялар, илғор педагогик тажрибалар ва б.

⁴³ Педагогика фанидан изоҳли лугат / Тузувчилар: Ж.Ҳасанбосев ва б. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009. – 313-бет.

⁴⁴ Фалсафа. Кискача изоҳли лугат. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004. – 202-203-бетлар.

Демак, методология илмий изланиш назарияси ва таҳлили ҳисобланади⁴⁵. Бинобарин, унинг асослари ижтимоий-тарихий, илмий-назарий, умумий маданий ҳамда шахсий ғояларга таянади. Қолаверса, методология билим жараёнини таҳлил қилиш билан чегараланиб колмай, ижтимоий мухитидиң ўзгаририци, ижтимоий-диалектик ривожланиш омилларини аниглаш орқали мавжуд имкониятларни ҳам таҳлил қиласди.

Таълим назариясининг предмети ва вазифалари. Аввал айтиб ўтилганидек, Педагогика фани шахсни ривожлантиришнинг икки мухим жиҳати, уни ўқитиш ва тарбиялашга эътиборни қаратади. Дидақтика (таълим назарияси) ва тарбия назарияси “Педагогика назарияси”нинг мухим таркибий қисмлари ҳисобланади.

**Дидақтика (таълим назарияси, юонча
“didaktikos” – “ўргатувчи”, “didasko”-“ўрганувчи”)** –
таълимнинг назарий жиҳатлари, таълим жараёнининг
моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўкувчи ва ўқитувчи
фаолияти, таълимнинг мақсади, мазмуни, шакллари,
методлари, воситалари, натижаси, таълим жараёнини
такомилаштириш йўллари ва х.к.
муаммоларни тадқиқ этади

Таълим барча даврларда ҳам ижтимоий ҳодиса саналади. Унинг ёрдамида шахс ва ижтимоий мухитидиң ўзаро таъсири мустаҳкамланади. Таълим шахс томонидан ижтимоий тажрибаларнинг ўзлаштирилиши жараёнини тезлаштирали, уни зарур кўнника, малакалар билан куроллантиради.

Дидақтика тушиунчаси илк бор буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йилларнинг “Буюк дидақтика” (1657 йил) номли машҳур асарида тилга олинади. Айни ўринда педагог “дидақтика бу фақат таълимгина эмас, балки гарбиялаш ҳам” эканлигини алоҳида қайд этиб ўтган.

**Дидақтиканинг предметини ўқитиш жараёнининг
мақсади, мазмуни, қонуниятлари, методлари ва
тамойиллари ташкил этади**

Дидақтиканга таълимнинг мазмунли ва жараёнли жиҳатларини бирғаликда ўрганиш хос бўлиб, таълим фақатгина ўрганиш обьекти сифатидагина эмас, балки илмий асосланган лойиҳалаштириш обьекти ҳам саналади. Демак, дидақтиканинг предмети ўқитиш (ўқитувчи фаолияти) ва билим олиш (ўкувчининг билиш фаолияти)нинг ўзаро боғлиқлиги, алокадорлиги жиҳатларини ўрганишдан иборат.


Таълим назарияси зэтибор қаратилаётган жараённинг моҳиятини очиб бериш нуктаси назаридан:

⁴⁵ Фалсафа. Кискача изоҳи луғат. -- Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004. – 203-бет.

- 1) илмий-назарий;
- 2) амалий-меърий;
- 3) ташкилий-технологик вазифаларни бажаради.

Дидактиканинг илмий-назарий вазифаси таълим жараёнларини ўрганиш, унинг турли жиҳатлари ўртасидаги боғлиқликлар мөҳиятини очиб бериш, ривожланиш тенденциялари ва келажагини аниклашдан иборат бўлса, амалий-меърий ва ташкилий-технологик вазифалар сифатида таълим мазмунини англаш, таълим тамоиллари, метод ва воситаларини қўллаш йўллари тадқиқ этилади.

Илмий-назарий, амалий-меърий ва ташкилий-технологик вазифаларни бажариш орқали дидактика томонидан куйидаги масалалар ҳал қилинади (27-расм):



27-расм. Дидактика томонидан ҳал қилинадиган асосий масалалар

Дидактиканинг асосий категориялари куйидагилардан иборат:

Таълим ўкувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўнишка, малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш, дунёкарошларини тарбиялашга йўналтирилган жараён

Таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилиб, илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён

Билим олиш – идрок этиш, ўрганиш, машқ килиш, муайян тажриба асосида хулк-автор ҳамда фаолият кўнишка, малакаларнинг мустаҳкамланб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни

Ўқув фани – таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга кўйилган, ўзида муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билим асосларини жамлаган манба

Дарс – бевосита ўқитувчи раҳбарлигига муайян ўқувчилар гурухи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли

Билим – шахснинг онгида тупунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлик ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмун

Кўникма – олинган билимларга асосланиб кўйилган вазифалар, шартиларга биноан бажариладиган ҳаракатлар йигиндиси

Малака оғлини хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми

Таълим тизими – ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамоиллари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўқув-тарбия муассасалари мажмuni

Таълимни бошқариш – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга кўйиш, бошқариш, назорат килиш, истиқболларини белгилаш

Таълим мақсади таълимнинг аниқ йўналишини белгилаб берувчи етакчи фор

Таълим мазмуни – шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, унда бой дунёкаршини, эътиқодин таркиб топтириш, билишга нисбатан қизиқишиларини ривожлантириш учун асос бўлувчи аниқ белгиланган, тизимлаштирилган билим, кўникма, малакаларнинг ҳажми

Таълим жараёнини ташкил этиш – ўқувчиларга илмий билимларни бериш мақсадида ўқитувчи томонидан педагогик фаолиятни ташкилий-методик жиҳатдан уюштирилиши

Таълим турлари мазмуни, ташкил этилиш ўрни, босқичи, кўлланиладиган воситалари, таълим олувчиларининг ёшига кўра фарқланувчи таълим кўринишилари

Таълим тамоиллари таълим назариясининг мухим, асосий, етакчи, устувор гоялари, қоидалари

Таълим шакли – таълим жараёнининг ташкилий курилиши

Таълим методлари – ўкув жараённада кўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи услублар мажмуи

Таълим воситалари ўқитиш самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, ўкув кўлланмалари ва куроллари, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, проектор, магнитафон, видео магнитафон, ускуна, телевизор, радио, компьютер, б.) ва субъектив (ўқитувчи нутки, намунаси, муайян шахс ҳаёти, фаолиятига оид мисоллар ва х.к.) омиллар

Дидактич тизим (юонча “система” – яхлит қисмлардан ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлар асосида таълим жараёнининг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш

Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойихалангирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аник мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш, таълим жараёнини юқори даражада бошқариш

Таълим натижаси (таълим маҳсули) – таълим якунининг моҳиятини кайд этувчи тушунча; ўкув жараёнининг оқибати; белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси

Таълим мазмуни. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, “таълим мазмуни” тушунчаси ёрдамида ифодаланадиган шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, унда бой дунёкарашни, эътиқодни таркиб тонтириш, билишга нисбатан кизиқишиларини ривожлантириш учун асос бўлувчи аник белгиланган, тизимлаштирилган билим, кўнікма ва малакаларнинг ҳажмини белгилаш мухим ижтимоий аҳамиятга эга. Шу боис таълим мазмунини белгилашга жиддий ёндашиш талаб этилади. Таълим мазмунини белгилашда мавжуд ижтимоий эҳтиёжлар инобатга олинади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида таълим мазмунини белгилашда комилт инсон ва малакали мутахассисни тарбиялацдан иборат ижтимоий эҳтиёж етакчи асос бўлиб хизмат қиласади. Шунингдек, таълим мазмунини белгилашда куйидагилар эътиборга олинади:

- илмий билимлар инсоният тараққиёти ва шахс камолоти учун зарур омил эканлиги тұғрисидаги ёндашув;

- шахс томонидан умуминсоний ва миллий маданий қадриятларни эгалдан олиш зарурлиги борасидаги мұхым талаб;
- шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг дунёқарашини таркиб топтириш зарурияты;
- таълим ва тарбия жараёнларининг ҳаеғ билан, инсониятнинг тарихында тажрибаси билан бөглиқшеги ҳақидағи қарашлар;
- таълим ва тарбияннинг аник бир мақсадға йүнәлтирилиши зарур эканлығы борасидаги хulosас;
- сила ҳамда таълим муассасаларида олиб борилаёттан педагогик фаолият мөхиятининг умумий дидактикалық ва тарбиявий тамойилларға мослиги қоидаси.

Таълим мазмунинің ұзгарувчан характерга ега булиб, у доимо ұзгариб туради. Илм-фән, техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши, шахслараро ижтимоий муносабатларнинг тобора тақомиллашиб бориши таълим мазмуниниң шакллантиришга булған әхтіёжларни таркиб тонтирәди. Жамынаттың ижтимоий-іқтисодий ва маданий жиһатдан тараққий этиши таълим мазмуниниң янгилаш, бейтишни тақозо этади уа бу жараённи тезлаштиради.

Үқитиши учун етакчи асос бұлған таълим мазмуну шахсга таълим бериш, уни тарбиялаш ва ривожлантириш каби вазифаларнинг ижебий ҳал этилишини таъминлашша хизмат қиласы. Таълим мазмунини ишлаб чикишда күйидагы тамойилларға мувофиқ иш күрилади (28-расм):



28-расм. Таълим мазмунини белгиловчи устувор гоялар

Давр нұхтаи назаридан таълим мазмунига муайян даврларда киритилған гоялар эскириши мүмкін. Шу себаби мавжуд ижтимоий тараққиет, ривожланишни инобатта олған ҳолда уни доимий развишда янғы, илғор гоялар билан бойитиб бориши тақозо этилади.

Замонавий шароитта қўйидаги педагогик муаммолар ечимларининг топилиши таълим мазмунини янада бойитишга хизмат қиласы:

- шахс ҳақидағи фанларнинг умумий тизимида педагогик билимларнинг интеграцияси муаммоларини, яхлит ўкув-тарбиявий жараёнда илғор аңыналарнинг ривожланишини тадқиқ этиш;
 - педагогикадаги инновацион жараёнларни ўрганиш, ёшларни тарбиялаш ва ўқитишининг мұхим тажрибасини вужуда көлтириш;
 - ўкув-тарбия жараённинг самарадорлығини сифат ва микдор жүйхатдан баҳолаш методлари ва технологияларини тәжомилластыриш;
 - миллій-мәданий ва ўтмишга хос хусусиятларни, маънавий-ақыл олган қолда хөзирги ижтимоий-иктисодий шароитларда тарбия қонуниятларини анықлаш ва ўрганиш;
 - узлуксиз таълим тизимида янги ўкув-методик адабиётлар мазмунини яратиш ва жорий этиш;
 - қасбий ташхис күнікмаларини, қасб-хунар таңлашда, шахс қызынды мұаммоларини тадқиқ қылиш;
 - шахснинг ёш хусусияти, қобиляят даражаси, ақл-заковати, унинг ижтимоий келиб чиқишини инобаттаға олған қолда психологияк мұаммолар күйиши ва шаклланиши қонуниятларини анықлаш;
 - ахлоқан күсурли бұлған болаларни ижтимоий-педагогик химоялаш тизимини юзага көлтириш, психологик-педагогик ва криминал асосларини ишлаб чиқиши;
 - соғлом авлодни шакллантиришнинг педагогик ва физиологик-гигиеник асослари, узлуксиз таълим тизимида соғломлаштириш йұналишлари;
 - Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида тарихий-мәданий ва таълимий аңыналарни, миллій психология воспиталарини, халқ педагогикаси, жағон мәданияти ва таълими тизими ютуқларини ўрганиш.
- Таълим мазмуни таълимий-мөйөрий ҳуҗжатлар талаблари, ўкув мазмұндарлары (давлат таълим стандартлари, ўкув режаси, дастур, дарслік ва күллаңылар)нинг мазмунни, уларда илғары сурىлған ғоялар асосында ишлаб чиқилади.
- Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари учун таълим мазмунини асослаша давлат таълим стандартлари (ДТС) устувор ахамият қасб этади.

Узлуксиз таълим тизимида давлат таълим стандартлари (ДТС – инглизча standard – мөйөр, намуна) – узлуксиз таълим босқичларининг асосий таълим дастурлари мазмунининг зарурий минимумынни, ўкувчиларға юқланадиган ўкув юкламаларнинг максимал ҳажмини, таълим муассасаси битирувчиларининг тайёрларлар даражасини, таълим жараённин таъминлаш (унинг мөддий-техник, ўкув-лаборатория, ахборот-методик, кадрлар таъминоти)нинг асосий талабларини аниклаб берадиган мөйөр ва талаблар

Давлат таълим стандартлари муайян таркибий тузилмага эга бўлади. Яъни:

Давлат таълим стандартларининг таркибий тузилмаси:

1. Таълимнинг янги ёки аниқлаштирилган мақсадлари, фанинг ўрганиши объектлари, асосий мазмунли йўналишлари кўзда тутиладиган ўкув фанининг умумий таърифи.
2. Ўкув фанининг мазмуни, таянч (инвариант) даражасини тасвирилаш.
3. Таълимнинг мажбурий натижаларини ифодалаш, янни ўқувчиликларининг ўкув тайёргарликлари зарур бўлган минимал даражасига талаблар.
4. Билим, кўникма ва малакаларга кўйилувчи талаблар (бу ўқувчилар мажбурий тайёргарликлари даражасининг “Улчами” бўлиб, назорат ишлари, тестлар, алоҳида топширикларни бажаришларига кўра улар томонидан талабларининг мажбурий даражасига эришилганлиги ҳақидағи хуносага келинади)

ДТСда таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўкув ишларининг максимал ҳажми, ўкув фани бўйича таълимнинг якуний натижалари, таълим олиш шаклидан қатъий назар битириувчилар эришишлари керак бўлган таълим даражаси белгилаб берилади. Мазкур хужжатлар талабларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир таълим тури учун алоҳида давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади, уларда кўзда тутилган талабларга амал қилиш эса мазкур босқичдаги таълим муассасаларидан бирдай талаб этилади. Аммо давлат таълим стандарти асосида таълим муассасалари ўзларининг ўкув дастурлари вариантини ишлаб чиқиб, ундан фойдаланишлари мумкин. Бу таълим олиш мақсади ягона бўлгани ҳолда унга эришини йўллари турлича эканлигини кўрсатади.

Таълим мазмунини белгилашда ўкув режалари ҳам ўзига хос ўрин тутади.


Ўкув режаси – меъёрий хужжат бўлиб, унда ҳар бир ўкув предметининг мазмуни ёритилади, ўкув йилида ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма, малакалар ҳажми кўрсатилади

Ўкув режасида кўйидагилар белгиланади:

- 1) ўкув йили, чорак (семестр)лар ва таътилларининг давомийлиги;
- 2) таълим муассасасида ўрганиладиган ўкув фанлари тартиби;
- 3) фанларни ўқиши йиллари бўйича тақсимлаш;
- 4) ҳар бир фан бўйича яхлит таълим даври ва ҳар бир синф (курс)да фанларни ўрганишга ажратилган соатлар ҳажми;
- 5) ҳар бир фанни ўрганишга ажратилган ҳафталик соатлар ҳажми;
- 6) практикумлар, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётлар ҳамда шу кабиларининг давомийлиги.

Ўкув режасидан яна аниқ бир ўкув муассасаси хусусиятини акс эттирувчи, ўкувчилар танлови бўйича факультатив ва мажбурий машгулотлар ўрин олади.

Ўкув режалари бир неча турда бўлиб, улар қуидагилардан иборат (29-расм):



29-расм. Ўкув режаларининг турлари

Таълим муассасалари учун мўлжалланган таянч ўкув режа ДТС асосида ишлаб чиқилиб, муҳим меъёрий ҳужжат саналади. Таянч ўкув режа намунавий ва амалий ўкув режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат килади. Таянч ўкув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритадиган таълим муассасаларининг намунавий ўкув режалари таянч ўкув режаси асосида тузилади. Бу турдаги ўкув режалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланади. Мазкур режа узок муддатга мўлжаллаб тузилади ва унинг асосида мавжуд шароитларни ҳисобга олган холда ишчи ўкув режалари ишлаб чиқилади.

Таълим мазмунини белгилашда ўкув дастурлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўкув дастурларининг турлари ва моҳияти тўғрисида биринчи мавзуда сўз юритилганлиги сабабли бу ўринда батафсил тўхталиб ўтишга зарурият йўк.

Турли босқичда фаолият юритувчи ўкув муассасалари ишини ташкил этиш, ёш, психологик нуқтаи назардан шахсни тарбиялашда ўкув фанлари ўзига хос ўрин тутади.

Ўкув фани таълим муассасаларида ўкувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофик уларга муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўнкима, малакаларни шакллантиришни таъминловчи манбадир

Ўкув фанининг мазмуни ижтимоий характерга эга бўлиб, шу боис у ҳар бир педагог томонидан ихтиёрий белгиланмайди. Таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган ўкув фанларни яратиш ижтимоий-дидактик ходиса бўлганлиги сабабли бу жараён таълимнинг тарихий ривожланиш жараёнида ишлаб чиқилади. Таълим мазмуни ўкув адабиётларида лойиҳалаштирилади. Ўкув адабиётлари сирасига дарсликлар ва ўкув кўлланмалари киради.

Дарслик – муйян ўкув фани бўйича таълим мақсади, ўкув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлари тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба бўлиб, у мазмуни, тузилишига кўра ўкув дастурига мос келади

Намунавий ўкув дастурлари асосида яратилган дарсликлар мақсадга мувофиқ ҳолда тегишли вазирликлар томонидан узлуксиз таълимнинг тули боскичларида фаолият олиб бораётган тегишли таълим муассасалари учун тавсия этилади. Дарслик таълим мазмунига кўйиладиган барча талабларга жавоб бера олиши, шу билан бирга муйян меъёрларга амал қилган ҳолда яратилиши лозим. Яъни:

1. Ҳар бир ўкув предмети учун яратиладиган дарсликда илмий билимлар тизими ва унинг ҳажми тегишли ўкув дастури талабларига, шунингдек, у мўлжалланган ўкувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келиши керак.

2. Дарсликда баён қилинган илмий билимлар назарий-гоявий жиҳатдан тизимили, изчил, келтирилаётган далил ва исботлар ишончли бўлиши, тўғри таҳлил, аник таъриф этилиши, мавзулар юзасидан зарур кулосалар чиқарилиши асосида таълим олувчиларда дунёкарош, маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқодни тарбиялай олиши лозим.

3. Ўкув дарсликларида баён этилаётган билимлар амалиёт билан боғланиши, жамият ҳаётининг барча – ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларида эришилган ютуқларни тавсифлайдиган далиллар билан бойитилиши, уларнинг таҳлили билан асосланиши зарур.

4. Дарсликларда баён қилинаётган мавзулар ўкув материалининг характеристига боғлик ҳолда тегишли қоида, таърифларда берилиши, далиллар келтирилиши, айрим материаллар расм, сурат, схема, диаграмма ва б. тасвиirlар билан бойитилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Баён қилинаётган материаллар ўкувчиларга тушунарли бўлиши, лўнда, ихчам жумлалар асосида ёритилиши керак.

6. Дарсликнинг ташки кўриниши, безаги муйян ёш даври таълим олувчиларнинг эстетик диди, психологияк хусусиятларига мос келиши лозим.

7. Ўкув дарсликларининг тегишли ёш даври таълим олувчилари учун жорий қилинган гигиена қоидаларига мувофиқ бўлиши талаб қилинади.

8. Дарсликлар фанда исбот килинмаган, маълум таъриф ва қоидаларга эга бўлмаган, музаммоли масалалардан ҳоли бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида ўкувчи эътиборига тақдим этиладиган таълим мазмуни уларда қўлланиладиган давлат таълим стандартлари, ўкув режалари, дастурлар ва дарсликларда ўз аксини топган. Таълим мазмунини ифодаловчи давлат таълим стандартлари, ўкув режалари, дастурлар талабларини бажариш, ўкув дарсликлари ғояларини пухта ўзлаштириш ҳар бир ўкувчи учун маъбурийдир.

Таълим қонуниятлари ва тамойиллари. “Конуният” тушунчаси орқали объектив ҳодисалар ўргасидаги боғланишлар ва уларга хос бўлган қонунлар

ифодаланади. Таълим қонуниятлари таълим жараёнининг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғланишлар ва уларга хос бўлган қонунларни англатишига хизмат қиласди. Таълим қонуниятлари: **умумий ва хусусий** тарзда икки гурухга ажратилади. Амал қилинишига кўра: яхлит дидактик тизимни қамраб оладиган қонуниятлар **умумий**; факат алоҳида таркибий қисмларга тегишли бўлган қонуниятлар эса **хусусий** деб аталади.

Таълим қонуниятлари кўйидагилардан иборат:


- 1) таълим омиллари, шарт-шароитлари, натижалари ўртасида ўзаро алоқадорликнинг мавжудлиги;
- 2) таълим жараёнининг ижтимоий омиллар, жамият эҳтиёжлари билан боғлиқлиги;
- 3) таълим, ривожланиш ва тарбиянинг ўзаро бирлиги;
- 4) ҳар қандай таълим жараённида ўқитувчи, ўқувчи ва ўрганилаётган обьектлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг талаб этилиши;
- 5) таълим самарадорлигининг ўқувчилар ўқув фаолиги асосида таъминланиши;
- 6) малакаларнинг муайян операция, харакатларнинг мунтазам тақрорланиши натижасида ҳосил булиши;
- 7) ўзлаштиришнинг пухталигини тақорорлаш изчиллигига боғлиқлиги;
- 8) ўқувчилар ўзлаштирган мураккаб фаолият усуслари ўқитувчининг уларда энг оддий фаолият усусларини самарали ўргата олишининг натижаси эканлиги.

Таълим қонуниятлари асосида унга қўйиладиган талаблар – таълим тамойиллари аникланади.

Таълим тамойиллари ўқитиш асосидаги таълимни ташкил этиш мазмуни, шакл, метод, воситаларининг танланишини белгилайдиган бошланғич асослар

Таълим жараёни кўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади (30-расм):

Устувор тамойиллар




30-расм. Таълимнинг устувор тамойиллари

Таълим жараёни ва унинг асосий таркибий элементлари. Таълим жараёни таълим технологиясининг асосини, ядросини ташкил этиб, таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқувчи, таълим шакли, метод, воситалари ва таълим беруучи каби унсурлардан иборат тизим сифатида намоён бўлади. Таркибий унсурлар ўзаро бирлик, алоқадорликда таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишга хизмат килади.

Таълим жараёни кўйидаги шартларга мувофиқ ташкил этилади:

- 1) таълим олиш, муайян назарий, амалий билимларни ўзлаштиришга бўлган ижтимоий (ёки шахсий) эҳтиёжларнинг юзага келиши;
- 2) таълим олиш, муайян назарий, амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан рағбат, қизиқишининг уйғониши;
- 3) ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти мазмунини белгилаш;
- 4) ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш (31-расем):



31-расем. Таълим жараёнини ташкил этиш шартлари

Таълим олишга бўлган рағбат, қизиқиши ўқувчи на ўқитувчи иштирокидаги ўқув-билиш фаолияти асосининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яқин-яқингача ўқувчининг таълим жараёнидаги иштироқи назарий билимларни қабул килиб олувчи, ўзлаштирилган назарий билим, амалий қўнималарни намойиш этувчи субъект сифатидаги роли билан кифояланган эди. Замонавий шароитда эса ўқувчи таълим жараёнининг етакчи субъекти, асосий ижрочиси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Эндиликда у ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборот (билим)ларни қабул қилмайди, балки назарий билимларни унинг ўйлланмаси, кўрсатмасига мувофиқ тавсия этилган ўқув маёнбалири билан мустақил равишда танишиш орқали ўзлаштиради, ўқитувчининг назорати остида амалий қўнимка, малакаларни ҳосил киласди. Ўқувчи мустақил фаолият юритиши, назарий билимларни ўзлаштириш асосида ўзида фикрни илгари суриш, далиллар келтириши, ўз фикрини химоя килиш лаёқатлини тарбиялай олиши, ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини баҳолаш сифатларини қарор топтира олиши талаб этилади. Даvr талаби ўқувчини таълим жараёнининг суст тингловчиси бўлишдан фаол иштирокчисига айлантиришени тақозо этмоқда.

Таълим олувчининг таълим жараёнидаги етакчилик роли кўйидаги

педагогик вазифаларни ҳал этиш имконини беради:


- ўқувчиларда билимларни ўзлаштиришга бўлган ички эҳтиёж (рагбат)ни қарор топтириш;
- уларда билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашувни ҳосил қилиш;
- ўқувчиларда мустақил фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш;
- уларнинг фаоллигини таъминлаш;
- ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, назарий ва амалий билимлар мөхиятини таҳлил этиш, улар юзасидан хулоса чиқариш, умумлаштириш, ўз амалий фаолиятига тадбик этиш кўникмаларини юзага келтириш ва такомиллаштириш;
- ўз-ўзини назорат қилиш, баҳолаш сифатларини шакллантириш.

Ўқувчи фаолият мазмунининг тўлаконли ёритилишида таълим шакли, метод ва воситаларининг аҳамияти катта. Зеро, улар ўқувчининг имкониятларини юзага чиқариш, билим, кўникма, малакаларини аслидек, мавжуд даражасида ёритиб бериш учун кулай шарт-шароит яратиб беради. Ўз навбатида ўқувчиларнинг ёш, психологик, физиологик хусусиятлари, билим даражаси, дунёкарашининг қўлами, фаоллиги самарали, илгор, ноанъянавий таълим шакл, метод ва воситаларини танлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун туртки бўлади.

Таълим жараёнини ташкил этиш мақсади ДТС, ўкув режаси дастурни, дарслни, кўлганларда белгилаб берилган муайян мавзу, фан (ёки курс)нинг ўзига хос жиҳотлари, мавжуд педагогик шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, хаётгий эҳтиёжлари, кизиқицлари, ўқитувчининг билим, малака даражаси, дунёкараци, ижодкорлиги, вазияти баҳолай билиши, унга мувофиқ тезкор ҳаракат қилиш лаёкати каби омилларни инобати олиш асосида белгиланади

Ўкув жараёнининг мақсади аниқ ва равshan белгиланмоғи лозим. Таълим мақсадининг бундай белгиланиши маълум ва амал қилинган вақтда дидактик жараённи ташкил қилиш ва амалга оширилиш даражаси юзасидан хулоса чиқариш имкониятини яратади.

Таълим жараёнининг таркибий элементлари қуйидагилардир (32-расм):




32-расм. Таълим жараёнининг таркибий элементлари

Таълим жараёнининг мазмуни шахсга таълим бериш, уни тарбиялаш ва ривожлантириш каби вазифаларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлашга хизмат қиласди.

**Таълимнинг шакл, метод ва воситалари таълим
мазмуни асосида белгиланади**

Таълим муассасалари олдида турган вазифаларни ҳал этиш таълим мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг самарадорлигига боғлик. Таълим шакли, метод ва воситалари ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда чукур билим, дунёкарашни ҳосил қилишга хизмат қиласи.

Таълимнинг ташкилий шакллари. Қадим замонларданоқ жамиятнинг етук кишилари ўқитиш ишини ташкил қилишнинг ижтимойи тараққиёт эктиёжларига жавоб берадиган шаклларини топишга уринишган. Ҳозирги вактда Республика таълим муассасаларида ўқитишнинг қўидаги шаклларидан фойдаланилмоқда (33-расм):



33-расм. Таълимни ташкил этиш шакллари

Анъанавий таълим ўзида XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида яшаб ижод этган буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) томонидан асосланган синф-дарс тизими моҳиятини акс эттиради. Мазкур тизимнинг моҳияти қўидагилардан иборат: 1) ўқувчилар ёши ва тайёргарлик даражаларига кўра синфлар тарзида гурухланиб, умумий ишни бажаради; 2) ўқув предметининг мазмуни бир қатор бўлим ва мавзуларга, бўлим, мавзулар эса бир қатор баравар ва изчил жойлаштирилган қисмларга ажратилиб, улар бирин-кетин маълум жадвал бўйича дарслар кўринишида келади.

**Синф ёши ва билими жиҳатидан бир хил
бўлган муйян ўкувчилар гурухи**

**Дарс – бевосита ўқитувчи инг раҳбарлиги, изорати остида
муйян ўкувчилар гурухи билан олиб бориладиган таълим жараёни**

Дарс – ўкув ишларининг асосий ташкилий шакли **хисобланади**. Синф-дарс тизими куйидаги мазмунга эга:

1. Хар қайси синф ёши, **билим** даражасига **кура бир** хил бўлган ўкувчиларнинг доимий гурухига эга **булади**.
2. Дарс жараёни асосан **45 дакика** (ёки бир академик соат – 80 дақика) давом этиб, қатъй жадвал асосида **онуб** борилади.
3. Дарс ўқитувчи ва ўкувчиларнинг фаолият бирлигига асосланган булиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳли, якка тартибда олиб борилади.
4. Дарс машгулоти ўтилаётган ва ўзлаштирилгаётган материалнинг мазмунига кура турли методлар **трамида** олиб борилади, умумий таълим тизимининг бир қисми сифатида, **табатта**, туталланган **билим** беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш **у**н замин яратишга хизмат киласди.

Бугунги кунда дарсларни **ташкил** этишга нисбатан **куйидаги** дидактик талаблар кўйилмоқда:

1. Дарснинг максади ва визифаларининг аникилиги ва педагогик **ноктадан** тўғрилиги.
2. Дарснинг таълими, тарбиявий, шахсни ривожлантирувчанлик визифаларнинг бирлиги ва узвийлиги.
3. Ўқитишининг яхлит дарс, **университет**ан, ўкувчиларнинг **Билиш мазмунига мувоффик** **келадиган** фаолиятларини таъминлашга фаолликлари ва мустакил **фаолиятларини** танлаш. хизмат килувчи **макбул** методларини танлаш.
4. Машгулотларнинг турли **шакллари**: жамоа, гуруҳли ва яъса тартибдаги шаклларини **макбул** равишда кўшиб олиб бориш.
5. Ўқитувчининг раҳбарлик роли билан ўкувчиларнинг фоал билиш фаолиятларини бирга олиб бориш.
6. Дарсларнинг **узаро** узвий ва диалектик Хусусиятга **зарур**лишига эришиш.
7. Ўкувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш.
8. Зарур педагогик **шарт** шароитларни яратиш.
9. Дарсларни демократик **тозоийлар** асосида ташкил этиш.
10. Дарсда ўкувчи эрканини таъминлашга эришиш

Бугунги кунда таълимни ташкил этиш тизимида якка тартибда таълим олиш ўзинга хос ахамият касб этиб бормоқда. Якка тартибдаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра муйян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш; маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштиrolmaslik ҳолатини бартараф этиш, узок вақт соглиқни саклаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ҳодимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Якка тартибда таълим олишнинг асосий кўринишларидан бири – репититорлик таълими кенг оммалашиб бормоқда.

Айни вақтда умумий ўрта таълим мактаблари, янги турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ўқитишининг иоанъанавий шаклларининг асосийси сифатида маъруздан кенг фойдаланилмоқда. Маъруза, асосан, ижтимоий фанларни ўқитиш жараённида кўлланилмоқда.

Маъруза ўқувчиларга назарий билимларни вербал (огзаки) етказиб берил шаклларидан бири бўлиб, маъруза дарсларини ташкил этиши анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб киласди

Маъруза дарси тажрибали, юксак даражадаги педагогик маҳоратга эга ўқитувчилар томонидан ташкил этилади. Маърузада фақат фан, ўқув предмети асосларига доир маълумотлар бериб қолмасдан, балки ўқувчиларни ижтимоий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаб бориш талаб этилади. Маъруза жараённида асосий эътибор ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, билим ва фаолият малакасини оширишга қаратилади.

Мактаб амалиётида маърузанинг куйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда:

маъруза-хикоя; маъруза-сұхбат; маъруза-мунозара; оммавий маъруза

Маърузалар ёзма тайёрланади. Шу боис маърузачи ўқитувчидаги маъруза мавзуси юзасидан режа ва қоралама (конспект) бўлиши лозим.

Маърузада ўқув материалининг ўқувчилар томонидан тушунилиши ва қабул килиниши куйидаги мезонлар билан аниқланади:

№	Синфлар	Ўқувчилар томонидан қабул килинувчи материал ҳажми
1.	I синф	20-25 та сўз
2.	II синф	25-30 та сўз
3.	III синф	30-35 та сўз
4.	IV-IX синф	35-50 та сўз
5.	Янги турдаги ўқув муассасаларда	40-45 та сўз

Ўрга таълим мактабларида маъруза 45 дақиқа, бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қондага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу

бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан саволжавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўкув режасига VII синфдан бошлаб факультатив машғулотлар киритилади.

Факультативлар – ўқувчиларнинг кизиқиши, хоҳишларига кўра муайян фан, предмет юзасидан бериладиган илмий-назарий билимларни чуқурлаштириш, уларда амалий кўниммаларни хосил қилиш максадида ташкил этиладиган таълим шакли

Таълим муассасаси маъмурияти, педагогик жамоа олдига ҳар бир ўқувчи (талаба)нинг факультативлардан бирини танлаш имкониятига эга бўлишини таъминлаш вазифаси кўйилади, бу кейинчалик унинг учун мажбурий бўлиб колади. Факультатив машғулотлар ўқувчиларнинг мустакиллиги, фаолигини оширишга, уларнинг ақлий кобилияtlарини ривожлантиришга хизмат киладиган маҳсус дастур асосида ўтказилади.

Факультатив машғулотларда ўқиладиган маърузалар амалий машғулотлар билан уйғунлашиб кетади. Бунда ўқувчилар адабиётлар билан ишланиш малакасини, мустакил фаолият юритиш кўниммасини эгалайди, мураккаб бўлмаган тажриба, тадқиқотлар ўтказиш методикасини узлаштиради, тажриба қурилмалари, техникани ишлатиш малакасини хосил қиласди. Факультатив машғулотлар мажбурий фанлар юзасидан бўлган машғулотлар билан мустаҳкам алоқадорликда ташкил этилиши керак.

Кейинги йилларда умумий ўрта таълим мактабларининг юкори синфларида ижтимоий ва гуманитар предметлар бўйича семинар машғулотларини ташкил этиши кенг кўлланилмоқда.

Семинар – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаол ҳамкорлиги асосида ташкил этилувчи таълим шаклларидан бири бўлиб, уни ташкил этишдан кўзланган максад ўқувчиларнинг мустакил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзасидан кенг, чукур маълумот берса оладиган манбалар устида ишлай олишлари, шу асосда келажак фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиши кўнимма, малакаларига эга бўлишларини таъминлади

Семинар машғулоти ўқувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш, уни синф ўқувчилари билан муҳокама қилиш йўли билан олиб борилади. Бу турдаги машғулотларга 2-3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганади, материал йигади, турли кузатишлар ўтказади, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузади.


Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. У ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлар юзасидан ташкил этилган муҳокамани якунлайди. Зарур қўшимча мулоқазаларни билдиради, материални муайян тизимги солади. Маъруза килган, муҳокамада қатнашган ўқувчиларнинг фаолиятлари баҳолаб борилади.

Семинар машғулоти ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг

кизиқишини орттириш, мустақил ишлаш, фикрлашга ўргатиш, дарс, фоаллаштириш, ўкувчилар ақлий қобиляйтларини ўстиришда мұхым үрнектеді. Ўқитишининг ноанъанавий шакллари доирасыда амалий машғулоттарды алоҳида ўрин тутади.


Амалий машғулотлар маңсус жиһозланған хона ёки алоҳида ажратылған тажриба майдонидә ташкил этилиб, ўкувчиларда улар томонидан үзлаштырылған назарий билимларни амалиётта құллай олиш күникма, малакаларини хосил қилишга йўналтирилған таълим шакли

Бу таълим машғулотлари иккى йўналишда ташкил этилади. Яъни (34-расм):



34-расм. Амалий машғулотларнинг асосий турлари

Умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларыда олиб бориладиган амалий-тажриба машғулотлари асосан мактаб устахонаси, маңсус жиһозланған хоналар ва ўкув тажриба ер майдонидә олиб борилади. Бундай машғулотлар ўз хусусиятларига кўра қўйидаги турларга бўлинади (35-расм):



35-расм. Амалий машғулотларнинг турлари ва уларнинг тавсифи

Ноанъянавий дарс шаклларидан бири экскурсия ҳисобланади.


Экскурсия бевосита кузатиш асосида муайян жараён, воқеа-ходиса ёки фаолият мазмунини ёритувчи билимларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминловчи таълим шакли

Экскурсиялар синф-дарс тизими, амалий машгулотлардан тубдан фарқ килади. Ушбу фарқ қуидагилардан иборат:

- 1) ўқитувчи ўтказиладиган барча экскурсияларга раҳбарлик килса ҳам, у экскурсия обьектларининг барча деталларини яхши билмаслиги мумкин, бундай холларда машилотни маҳсус тайёргарлиска эга экскурсовод олиб боради;
- 2) экскурсия муддати турлича бўлиб, доимий ўкув жадвалига амал килиш талабига бўйсуниш шарт ҳисобланмайди;
- 3) ўқитувчи ёки экскурсоводнинг раҳбарлик усули, ўкувчиларнинг фаолияти турлича булиши мумкин

Экскурсия давомида бир ўриндан иккинчи ўринга кўчиб юрилади. Шу боис ўкувчилардан интизомга қатъий риоя қилиш талаб этилади. Ўкувчилар обьектни кузатиш жараёнида вақт-вақти билан саволлар беради, зарур маълумотларни ёзib боради. Экскурсия якуннида ўқитувчи бутунги кузатгандарини аввал ўзлаштирилган материалларга боғлаб сухбат ўтказади. Экскурсия материаллари асосида баён ёки ишо ёздириш мақсадида мувофиқ.

Бу каби машгулотлар қуидаги тўрт йўналишда уюштирилади (36-расм):



36-расм. Экскурсияларнинг асосий йўналишлари

Экскурсия жараёни қуидаги таркибий тузилишга эга (37-расм):



37-расм. Экскурсиянинг таркибий тузилиши

Таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида ташкил этиладиган бад мунозара, давра столи, матбуот конференцияси муайян предметнинг мухом мавзулари юзасидан ташкил этилиб, ўкувчиларда мустакил фикрлаш, у фикрини илгари суриш, уни асослаш, химоя қилиш кобилиятини шакллантириш учун хизмат қиласди. Бу каби дарсларни ташкил этишда мақсаддинг аниклиги, ўқитувчиларнинг фаол иштироки мухим ахамиятга эга.

Викторина ва мұжизалар майдони шаклида ўтказилаётган дарслар беллашып хусусиятига эга булиб, ўкувчиларни фаолликка үйдайды.

Таълим методлари ва уларнинг гурухланиши. Таълим жараёнининг мұваффакияти унинг шаклигагина зemas, балқи күлланилаётган методлар самаредорлигига ҳам болгли.


Таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий үрін әгеллайды.

Таълим методи (юнонча “metods” – йўл, усул) – таълим жараённан ўқитувчи ва ўкувчиларнинг аник мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолияттарни ташкил этиш ўзли

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришини усуллари, ўкув материалини ўкувчиларга назарий-амалий жиҳатдан узатиш йўлларини англатади.

Ўқитиш методлари таълим жараённан ўқитувчи ва ўкувчи фаолиятининг қандай булиши, ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш, олиб бориш, бу жараёнда ўкувчилар томонидан қандай иш-ҳаракатларнинг бажарилиши кераклигини белгилаб беради.

Методлар бир қанча асосий гурухлардан иборат булиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гурухлар, уларга киругичи алоҳида методларга булинади. Ўкув-билим фаолиятининг ташкил этилиши, ўкув ахборотларининг узатилиши, қабул қилиниши, англаб олиниши, ёдда сакланиши, ўзлаштирилган билимларнинг амалиётда күлланилишини таъминлаш, амалий кўнишка, малакаларни шакллантиришга хизмат қилишига кўра таълим методларини кўйидаги гурухларга ажратиши мумкин (38-расм):



38-расм. Таълим методларининг асосий гурухлари

Оғзаки баён қилиш методлари таълим тизимида энг кўп күлланиладиган методлардан бири булиб, мазкур методдага барча ўкув предметлари бўйича турли

боскичларда мурожаат қилиш мумкин (39-расм):



39-расм. Оғзаки баён қилиш методларининг турлари

Хикоя методи баён қилинаётган маълумотларнинг түгридан-түгри ўқитувчининг жонли нутки орқали идрок қилиниши билан тасифланади, ана шу хусусиятига кўра таълимнинг бошқа методларидан фарқ қиласди.


Хикоя ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид далил, ходиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирилаш йўли билан иҳчам, қисқа, изчил баён қилишdir (баён қилиш I-IV синфларда 10-12 дақика, V-VII синфларда 15-20 дақика, VIII-IX синфларда 30-40 дақика, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳамда слив таълим муассасаларида эса 50-60 дақиқа бўлиши мумкин)

Хикоя ижтимоий-гуманитар предметларни ўқитишда кенг қўлланилади. Хикоя қилиш давомида ўқувчилар суст тингловчи бўлиб қолмасликлари, аксинча, уларнинг фаолликларини ошириш, диккатларини мавзуга жалб этиш, ходиса, воқеалар хусусида фикр юритишларни таъминлаш мақсадида саволлар берисб бориш, кўргазмали қуроллардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Мактаб маърузаси – бир соатлик машғулот давомида ўрганилаётган мавзунинг ҳакиқий мөҳиятини очиб берниш, унда иллари сурилган ғоялар асосида илмий холосадар чиқариш, уларни умумлаштириш асосида билимларни муайян изчилликда баён этиш шакли

Мактаб маърузаси асосан юқори синфларда қўлланилади. Маъруза жараёнида мавзу сидирғасига баён қилинса-да, ўқув материалини оғзаки баён қилиш методининг бошқа турлари, хусусан, ҳикоя ва тушунтиришлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мактаб маърузаси муайян шартлар асосида ташкил этилади. Яъни (40-расм):



40-расм. Мактаб маърузасини ташкил этиш шартлари

Маърузада ўкувчи учун нотаниш бўлган сўз, ибораларга изоҳ бериб бориш, коида, конунларнинг таърифи содда, ихчам, тушунарли тарзда ифодаланишига эътибор берини лозим.

Ўқув материјалини тушунтириш ўрганилаётган ҳодиса, конун, коида ёки харакатнинг моҳиятини очиб беришга қаратилади. Ўқитувчи муайян бир предметнинг у ёки бу мавзусига оид конун, коидалар қанчалик асосли эканлитини далиллар, мисоллар келтириши ўйли билан исботлаб беради.


Суҳбат методи аксарият ҳолатларда савол-жавоб методи деб ҳам юритилади. Чунки, ушбу метод асосида таълим жараёнини ташкил этиш асосан савол-жавоб тарзида олиб борилади.

Суҳбат методи – бу ўқитишнинг диалогик, савол-жавобига асосланган усули бўлиб, у ўкувчиларнинг билимларни үзлаштира олганларлари, уларда муайян маннавий-ахлоқий сифатларнинг шаклланганлиги суҳбат асосида аниқланади

Суҳбат методи ўкувчиларда муайян фаолликни юзага келтиради, берилган саволга жавоб топиш жараёнида ўкувчи фикр юритади, шахсий фикрларидан баён этади, уни далиллашга уринади. Бу эса уларда фикрлаш кўнимкаларидан такомиллаштиради.

Таълим жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва якунловчи суҳбатлар ҳам кўлланилади. Ўкувчилар томонидан янги мавзунинг кай

даражада ўзлаштирилганинг аниқлаш максадида ҳам сұхбат ташкил этилади. Машғулотларда ўқитувчи сұхбат методидан фойдаланганда күйидаги шартларга амал қилиши керак (41-расм):




41-расм. Таълим жараёнини сұхбат методи асосида ташкил этиш шартлари

Дарслік ёки манба (китоб) билан ишлаш – материални оғзаки баён қилиш методининг асосий тури бўлиб, мактаб амалиётида мухим ўрин тутади.

Ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараён саналади. У таълим жараёнда ўқитувчи томонидан баён қилинаётган билимлар, ахборотларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришину назарда тутади. Таълим жараёнда ушбу методдан фойдаланиш ўқувчиларда кичик тадқиқотларни олиб бориш кўнинмаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Умумий урта таълим мактабларининг юкори синф ўқувчиларини дарслік ва бошқа ўқув материаллари билан бирга хилма-хил кўшимча адабиёт, илмий, илмий-оммабоп мақолалар, газета-журнал материалларидан фойдаланишга ўргатиб бориш лозим.

Дарслік ва китоб билан ишлаш иккі йұналишда олиб борилади (42-расм):



42-расм. Дарслік ва манбалар билан ишлаш йұналишлари

Тәртілде күргазмалылік методининг қуидаги турлардан фойдаланилади (43-расм):




43-расм. Күргазмалылік методининг турлари

Намойиш этиш ва экскурсия үқувчиларнинг үқув материалларини аник образлар востасида бевосита идрок қилишларини таъминлашда мухим ахамиятта эга.

Намойиш этиш методи үкитувчи томонидан баён қилинаётган илмий-назарий билимларни үқувчилар томонидан пухта үзлаштирилиши учун уларнинг сезги органлари – эшитиш, күриш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектге, алохіда-алохіда ёки бир неча сезги аязларини бир йұла сағарбар қилишга имкон беради.

Шубу метод мавзунинг хусусиятига күра қуидаги иккі күринишда күлланилади (44-расм):




44-расм. Намойиш этиш методининг асосий күринишлари

Таълим методларининг яна бир тури – бу амалий методлар (амалий ишлар методлари) саналади.

Амалий ишлар методи ўзлаштирилган билимларни амалий масалалар ечимини топишга йўналтирилган жараёнда қўллашни тақозо этади, бунда назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси ҳосил қилинади

Амалий ишлар синфда, табиий шароитлар – мактаб ер майдони, иссикхона, географик майдонларда амалга оширилади. Бу жараёнда содир этиладиган ҳаракатлар ўқитувчи томонидан назорат килинади. Зарур ҳолларда ўқитувчи йўриқнома ёки маҳсус кўрсатмани ўкувчилар эътиборига ҳавола этади.

Амалий ишлар методи ўкувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар ёрдамида уларда амалий кўникма, малакаларни ҳосил қилишда алоҳида аҳамият касб этади (45-расм):



45-расм. Амалий ишлар методларининг турлари

Машқ – аклий ёки амалий (жисмоний) ҳаракатларни бажариш кўникмаларини эгаллаш ўйлидаги кўп марта тақрорланишлар бўлиб, машқсиз кўникма, малакаларни шакллантириш мумкин эмас. Машқлар оғзаки, ёзма, график (техник жараёнларни ёритиши), ижтимоий-фойдали, жисмоний ва б. турларга бўлинади.

Ёзма машқлар – таълимнинг таркибий кисми сифатида зарурий кўникма, малакаларни шакллантириш, мустаҳкамлаш учун қўлланилади. Диктант, иншо, масала, мисол, реферат ёзиш, тажрибани ёритиш ёзма машқ саналади.

Графикавий ишлар ёзма ишларга ўхшаш бўлиб, улардан техник жараёнлар (география, физика, математика, чизмачилик, расм, технологик таълим)да кенг қўламда фойдаланилади.

Машқлар самараси куйидаги шартлар ҳисобга олинганда бирмунча юқори бўлади: **машқларни бажаришга нисбатан онгли ёндашиш; бажариш коидасини билиш; вақт бўйича тақрорланишнинг тўғри тақсимланиши.**

Машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари: ўқитувчининг фаолият мақсади, мазмунини тушунтириши; топширикни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиши; ўқитувчи назорати остида ўкувчилар томонидан ўкув ҳаракатининг дастлабки бажарилishi; зарур кўникма, малакалар шакллангунича ўкув ҳаракатларининг кўп бора тақрорланиши.

Баъзан ўкувчилар овоз чиқаруб ўкув ҳаракатларини тақрорлашлари, бажаришлари лозим. Улар изохли машқлар деб номланиб, ҳаракатлар моҳиятини англаган ҳолда кўникма, малакаларни эгаллашга имкон беради.

Лаборатория ишлари ўкувчиларнинг жиҳоз, маҳсус ускуна, курол ҳамда турли техникавий қолиплардан фойдаланган ҳолда тажрибаларни ўтказиш методлари бўлиб, улар кўпроқ табиий фанлар асосларини ўрганишида қўлланилади. Метод ўкувчиларнинг асбоб-ускуналар билан иш куриш, ўлчаш ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш каби кўнижмаларини шакллантиришга имкон беради. Лаборатория ишларини бажариш маҳсус қурилма ва жиҳозлар, материаллар, вактни сарфлаш, уларни ишга тайёр ҳолатта келтиришни талаб этади.

Амалий ишларнинг лабораториядан фарқи шундаки, у ўкувчиларнинг назарий билимларини амалий масалаларни ечишда қўллаш имконини яратади. Метод ўкувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, билиш фаолиятини назорат килиш, камчиликларни тузатиш кўнижмаларини шакллантиради.

Таълим воситалари. Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат килади.

Таълим воситаси – бу муайян ўқитиш методи ёки
усуллардан мувваффакиятли фойдаланиш учун
зарур бўлган ёрдамчи ўкув материали

Ўкув жараёнида қўлланувчи барча техник куроллар, кўргазмали материаллар таълим воситалари бўлиб, улардан фойдаланиш таълимнинг асосий мақсади – киска муддатда ююри самарадорликка эришиш учун зарур шарт-шароитни юзага келтиради⁴⁶.

С.И.Архангельский маълум бир дидактик функцияни бажариш имкониятига эга материалларни воситалар сифатида эътироф этади ва дидактик воситаларни капитал ҳамда жорий воситалар сифатида гурухларга ажратади⁴⁷.

С.Усмоновнинг нуқтаи назарига кўра эса таълим олувчи томонидан билимларни ўзлаштириш, унда кўнижма, малакаларни шакллантириш жараёнига жиддий равишда таъсир килиш учун таълим берувчи томонидан фойдаланиладиган барча материаллар дидактик воситалар хисобланади. Бу ўринда муаллиф дидактик воситаларни уларнинг мавжудлик ҳолатига кўра куйидаги уч гурухга ажратади:

- 1) ўкув адабиётлари (дарсликлар, ўкув ва ўкув-методик воситалар ва б.);
- 2) ўкув-кўргазмали қўлланмалар (чизмалар, плакатлар, схемалар, инструктаж – хариталар, жадваллар ва х.к.);
- 3) ўкув-техник воситалар (жиҳозлар, лаборатория қурилмалари, асбоблар, ҳаракатни курсатувчи стендлар, компьютер технологиялари, электрон ўқитиши, масофавий таълим, автоматлаштирилган тизимлар)⁴⁸.

⁴⁶ Раҳмонов Ф. Замонавий таълим воситалари асосида касб-хунар коллежлари ўкувчиларининг касбий тайёргарлигини шакллантириш технологияси / Ўкув-методик қўлланма. – Тошкент: Т.Н.Кори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2009. – 6-бет.

⁴⁷ Архангельский С.И. Учебный процесс в высшей школе и его закономерные основы. – М.: Высшая школа, 1980. – 367 с.

Д.Файзуллаева томонидан амалга оширилган тадқиқотда ҳам ўкув воситаларини гурухлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ўринди мувалиф уларни кўйидаги гурухларга ажратади:

1) ўкув ҳужжатлари мажмуи – ўкув режаси, ўкув дастури, истиқболлар мавзуу режаси, тажриба-амалий машгулот режаси, технологик харита;

2) ўкув-методик воситалар мажмуи – модулли ўкув аҳбороти, инструктаж харита, иш дафтари, кундалик дафтар, топшириқлар мажмуи;

3) таълим воситалари мажмуи – плакатлар, стендылар, ўкув-кўргазмал куроллар, машина ва жиҳозлар, асбоб ва мосламалар, техник воситалар⁴⁸.

Таълим муассасаларида қўлланилаётган дастгоҳлар ва агрегатлар, асбоб ускуналар, машина ва механизмлар нафақат ишлаб чиқариш воситалар сифатида, балки биринчи навбатда таълим воситалари саналади⁴⁹.

Таълим воситаларини кўйидагича гурухлаш мумкин (4-жадвал):

4-жадвал. Таълим воситаларининг турлари

Таълим воситалари	
Қўлланилиш мақсадига кўра	
Маълумотлар манбаи (ўкув материали)	Ўкув материалини ўзлаштириш куроли
Турига кўра	
Моддий воситалар	Субъектив воситалар
Узлуксиз таълим тизимида қўлланилишига кўра	
Гаълим тизими; таълим методлари; таълим муассасасининг умумий талаблари тизими	Ўкув кабинетлари; кутубхоналар; ошхона, буфетлар; тиббий кабинетлар; маъмурӣ бинолар; ечиниш ва кийиниш хоналари
Умумий таълим жараёнида қўлланилишига кўра	
Белгилар тизими; маданият (санъат, адабиёт) намуналари; компьютер дастурлари; кўргазмали куроллар (схема, расм, чизма, диаграмма, фото сурат ва б.); ўқитувчининг ички маданияти ва малакаси; дарснинг ташкилий шакли	Дарслклар; ўкув кўлланмалари; матн; топшириқ, машқ, масала ва дидактик (тест) материаллар; кўргазмали куроллар (моҳитни ёритувчи куроллар), харакатланувчи макет (модел)лар; техник воситалар; лаборатория жиҳозлари
Муайян фанларни ўқитиш жараёнида қўлланилишига кўра	
Шартли белгилар тизими (формула, ифода ва символлар), кўйикма, малака ҳосил килишига ёрдам берувчи сунъий воситалар (сузиш бассейнлари, чет тилини ўрганиш учун лингафон кабинетлари); компьютер ўкув дастурлари	Дарслклар, ўкув кўлланмалари; дидактик материаллар; методик ишламалар (тавсиялар); манба-адабиётлар

Таълим жараёнида ўқитиш воситаларидан фойдаланиш – дарс жараёнида табиий ёки тасвирий кўргазмали материаллар (предмет, схема, диаграмма, сурат ва б.; лаборатория ёки намойиш этишга асосланувчи


⁴⁸ Усмонов С.А. Имитацион модель курилмалари воситасида муҳандис-педагогларни тайёрлашнинг илмий-методик асослари: Пед.фанл.номз. ... дисс. – Тошкент: 2007. – 17-бет.

⁴⁹ Файзуллаева Д.М. Замонавий машина жиҳозларидан фойдаланиши бўйича талабаларда кўйикма ва малакаларни шакллантириш: Пед.фанл.номз. ... дисс. – Тошкент: 2005. – 157 б.

⁵⁰ Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дисс. ... докт. пед. наук. – Т.: 1992. – С. 132.


машғулотлар жараёнида кўлланиладиган асбоб-ускуналар, ўкув куроллари, микроскоп ва ҳ.к. аппаратлар, мавзуга оид далиллар (цитата, таъриф, қоида, формула ва б.)нинг кўлланилишини англатади.

Ўқувчиларнинг ўкув фаолиятини назорат қилиш ва билимларини баҳолаш. Ҳар бир фан бўйича ўқувчиларнинг ўкув фаолиятини назорат қилиш, баҳолаш чорак ёки ярим йиллик давомида мунтазам равишда олиб борилади ва кўнидаги назорат турлари орқали баҳоланади: 1) жорий назорат (ЖН); 2) оралиқ назорат (ОН); 3) якуний назорат (ЯН) (46-расм):




46-расм. Ўқувчиларнинг ўкув фаолиятини назорат қилиш турлари

Назоратнинг тури ўкув ишни ташкил этиш шаклига боғлик. Ўқитувчи мавзудан келиб чишиб, назоратнинг кўнидаги шаклларидан фойдаланади (47-расм):



47-расм. Назоратнинг асосий шакллари

Ўкувчилар фаолиятини назорат қилиш методлари қуидагилар (48-расм)



48расм. Ўкувчилар фаолиятини назорат қилиш методларининг турлари

Оғзаки текшириш. Бу метод билимларни назорат қилиш ва баҳолаш анча кенг тарқалган анъанавий усулларидан биридир. Текшириш чо ўқитувчи ўкувчиларга ўрганилган мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, сиз жавоб усули асосида амалга оширади. Бу турдаги текшириш мақамчиликларга ҳам эга: кўп меҳнат сарфланади; дарс мобайнида 3-4 номинацияни назорат қилишади.

Ёзма текшириш. Ўкувчиларнинг билим, қунишка, малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб, улар ижодий қобилиятларини баҳолаш имконини беради. Унга кўра ўқитувчи алоҳида мавзу ёки ўкув дастурининг маълум бўлимини ўтиб бўлганидан ўкувчиларнинг билимларини назорат килади ва баҳолайди. Ёзма текшириш номинацияни назорат иши, иншию, баён, диктант ва бошқалар ёрдамида олиб борилади. У жараёнда ўқитувчининг бажарилган иш билан танишиб чиқиши, у сифатини текшириши учун кўп меҳнат ва вақт сарфланади. Ўқитувчи ва ўкувчиларнинг билимларини назорат қилишади.

Амалий топширикларни бажаришга асосланган текшириш. Амалий топшириклар (спорт, меҳнат ҳаракатлари)нинг тўғрилигини кузатиш ёки олиб боришадан иборат бўлади.

Үй вазифаларини текшириш. Бу текшириш ўқитувчига ўкувчиларни назорат қилишади. Шкалаша аниқ жараёнларни рақамлар тизиб, асосида моделлаштириш бўлиб, у сифат тавсифларни микдор ўзгаришлади. Ўқитувчи ўтиб, тозишига ёрдам берса, тест синов воситаларидан бири сифатида ўтиб, максад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва микдорий кўрсаткичла белгилашади.

Тест бир қатор афзалликларга эга. Улар:

- 1) назорат учун вактнинг кам сарфланиши;
- 2) назарий, амалий билим даражасини объектив аниқлаш имконининг мавжудлиги;
- 3) бир вактда кўп сонли ўкувчилар билан назоратни ташкил этиши мумкинлиги;
- 4) билим натижаларининг ўқитувчи томонидан киска муддатда текширилиши;
- 5) барча ўкувчиларга бир хил мураккабликдаги саволлар бериллиб, улар учун бир хил шароитпинг яратилиши

Булунги кунда ўкувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизими қўлланилмоқда.

Рейтинг (инглизча “баҳолаш”, “тартибга келтириш”) муайян ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш. Рейтинг тизими ўкувчиларнинг билим сифатини назорат қилиш тури, методи ва шакли хисобланади.

Рейтинг назоратида тест усулидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Тест суровидан нафқат ўкувчиларнинг БКМни аниқлаш, балки 1993 йилдан бошлас ўзРда абитуриентларни олий ўкув юргларига танлов асосида қабул қилиш жараённида ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

Рейтинг тизими ҳам муайян афзалликларга эга. Улар:

Баҳолаш имкониятларини кенгайтириш; ўкувчи билимини объектив аниқлаш; таълимни стандартлаштиришни таъминлаш; ДТСда кўзда тутилиб, ўкув дастурига кирган мажбурий ихтиёрий БКМни тўла ўзлаштирилишини таъминлаш; ўкувчиларда мустакил билим олиш, эркин фикр юритиш кўнкималарини шакллантириш; билимларни ихтиёрий ўзлаштириш учун имконият яратиш, камчиликларни бартараф этиш

Ўкувчиларнинг БКМ даражаси қўйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

“5” баҳо (86-100 балл) қўйилади, агар: а) материални тўлиқ ўзлаштирилса; б) мавзу бўйича асосий маълумотлар можияти очиб берилса; в) эгалланган билимлар амалда қўлланса; г) мавзуни баён қилишда, ёзма ишларда хатоларга кўл қўймасдан, маълумотлар батағфил ёритилса.

“4” баҳо (71-85 балл) қўйилади, агар: а) мавзуу можияти ёритилса; б) саволларга кийналмасдан жавоб қайтарилса; в) эгалланган билимлар амалиётда қўлланилса; г) оғзаки жавоб беришда хатоларга йўл қўйилмай, кўшимча саволлар билан хатолар тўғриланса, ёзма ишда бироз хатога йўл қўйилса;

“3” баҳо (55-70 балл) қўйилади, агар: а) мавзуу ўзлаштирилган, лекин мустакил тушунтириш беришда ўқитувчининг аниқлаштирувчи саволларига эҳтиёж сезилса; б) саволларнинг мантиқий тузилиши ўзгартирилиб берилганда, жавоб беришга кийналисла; в) ёзма ишда хатолар мавжуд бўлса.

“2” баҳо (0-54 балл) қўйилади, агар: мавзуу ҳакида тушунчага эга бўлса-да, бироқ, мавзуни ўзлаштираса, ёзма ишда кўпол хатоларга йўл қўйилса.

Назорат учун саволлар:

1. Методологик асос нима?
2. Миллий педагогика фани гояларини ривожлантириш ва педагогик йўналишларда илмий-тадқиқотларни ташкил этиш учун қандай манбалар методологик асос бўлиб хизмат киласди?
3. Дидактиканинг предметини нималар ташкил этади?
4. Таълим мазмунини белгилашда нималар инобатга олинади?
5. Таълим мазмунини ишлаб чиқишида қандай тамойиллар устувор аҳамият касб этади?
6. Давлат таълим стандартлари қандай таркибий тузилмага эга?
7. Ўкув режаси нима?
8. Ўкув фани қандай мақсадга хизмат қиласди?
9. Дарслер нима?
10. “Таълим конуниятлари” тушунчаси қандай маънони ифодалайди?
11. Таълим жараёни қандай тамойиллар асосида ташкил этилади?
12. Дарсларни ташкил этишга қандай дидактик талаблар қўйилади?
13. Амалий машғулотларнинг қандай турлари мавжуд?
14. Таълим методлари қандай гурухларга бўлинади?
15. Кўргазмалилик методларининг моҳияти нимада акс этади?
16. Таълим воситаларининг дидактик аҳамияти нимадан иборат?

Тест тоғизиринклари:

1. Методология – бу...
 - а) ўкув жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи услублар мажмуми;
 - б) шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўрининишида акс этувчи борлик ҳақида тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуми;
 - с) илмий билиш, диалектик тараққиёт моҳиятини ёритувчи устувор гоя, стакчи тамойил, мухим конуниятлар, назарий ҳамда амалий ёндашувлар мажмуми;
 - д) ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамойиллари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўкув-тарбия муассасалари мажмуми.
2. Дидактика (таълим назарияси) қандай масалаларни тадқиқ этади?
 - а) жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснингижодий таълим – касб-хунар манбаатларини қаноатлантириш масалаларини;
 - б) таълимнинг назарий жиҳатлари, таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, конуниятлари, ўкувчи ва ўқитувчи фаолияти, таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситалари, натижаси, таълим жараёнини тақомиллаштириш йўллари, д.к. муаммоларни;
 - с) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касбий билим, кўнникмаларини янгилаш, чукурлаштириш масалаларини;
 - д) таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида,

босқичма-босқич амалға ошириш, аник мақсаддаға эришиш йүлида мұайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиши, улардан самарага, унумли фойдаланиш, таълим жараёнини юқори даражада бошқариш мұаммоларини.

3. “Дидактика” түшүнчеси илк бор ким томонидан құлланилган?

- a) И.Ф.Гербарт;
- b) Д.К.Ушинский;
- c) Я.А.Коменский;
- d) Суқрот.

3. Дидактиканың аосий категориялари қайси жавобда тұғри күрсатылған?

- a) таълим, дарс, таълим тизими, таълим жараёнини ташкил этиш, таълим воситалари, таълим нәтижаси; үқув фани,
- b) таълим жараёни, билим, таълимни бошқариш, таълим турлари, таълим методлари; малақа, таълим мазмуні,
- c) бидим олиш, күнікма, таълим мақсади, таълим тамойиллари, дидактик тизим, таълим шақли, таълим технологияси;
- d) барча жавоблар тұғри.

4. Таълим мазмуни – бу...

- a) мазмуни, ташкил этилиш үрни, босқичи, құлланиладын воситалари ва таълим слүвчиларнинг ёшига күра фарқлануучи таълим күренишлари;
- b) шахснинг онгода түшүнчалар, схемалар, маълум образлар күренишида акс этувчи бөрлиқ хәқидағы тизимлаштирилған илмий маълумотлар мажмуди;
- c) таълимнинг аник жуналишини белгилаб берувчи етакчи гоя;
- d) таълим якунини қайд этувчи түшүнча; үқув жараёнининг нәтижаси; белгиланған мақсаддат амалға ошириш даражаси.

5. Узлуксиз таълим босқичларининг асосий таълим дастурлари мазмунининг зарурий минимуми, үқувчиларға юқланадын үқув юқланмаларнинг максимал қажми, таълим мұассасаси битирүчиларининг тайёрғаралық даражаси, таълим жараёнини таъминлаш (унинг мөддий-техник, үқув-лаборатория, ахборот-методик, кадрлар таъминоти)нинг асосий талабларини аниклаб берадын мәндер ва талаблар. Ушбу таъриф ёрдамида қандай түшүнча ёритилади?

- a) давлат таълим стандартлари;
- b) таълим мұассасаси ички тартиб-қоидалари;
- c) таълим жараёнини самарага ташкил этиш шартлари;
- d) “Умумий үрта таълим мактабларининг фаолияти тұғрисида”ги Низом.

6. Давлат таълим стандартлари талабларини бажариш қандай характерга эга?

- a) ихтиерий;
- b) мажбурий;
- c) мажбурий-ихтиерий;
- d) тұғри жавоб йүк.

7. Ўкув режасининг турлари қайси жавобда тұғри күрсатылған?

- a) намунавий, мүкобил ва ишчи ўкув режалари;
- b) мүкобил, таянч ва намунавий ўкув режалари;
- c) таянч, намунавий ва ишчи ўкув режалари;
- d) ишчи, таянч ва мүкобил ўкув режалари.

8. Дарслік нима?

- a) таълим муассасаларыда ўкувчиларнинг ёш, идрок этиши имкониятларига мұвоғиқ уларға муайян фан соҳаси бүйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, күникма, малакаларни шакллантириши таъминловчи манба;
- b) таълим ва тарбия мазмунини белгилаб берувчи меъерий хужжат;
- c) муайян ўкув фани бүйича таълим мақсади, ўкув дастури ва дидактикалық талабларга мұвоғиқ белгиланған илмий билимлари түгрисидеги маълумотларни берувчи манба;
- d) таълимнинг аниқ йұналишини белгилаб берувчи етакчи ғоялари ёритилған манба.

9. Таълим жараённинг таркибий элементлари қайси жавобда тұғри күрсатылған?

- a) таълим жараённинг умумий лойиҳаси, таълимни ташкил этишта бұлған ижтимоиәттік (рағбат, қизиқиши), таълим мақсади;
- b) таълим мазмұны (шакл, метод, усул ва воситалар), ўқитувчи фаолияти, ўкувчи фаолияти, таълим самарааси (натижа);
- c) а ва b жавоблар;
- d) тұғри жавоб йўқ.

10. Синф нима?

- a) ёши ва билими жиҳатидан бир хил бұлған муайян ўкувчилар гурухи;
- b) маълум йұналишда алохидә қобилятни намоён этадын ўкувчилар гурухи;
- c) жинси, ижтимои мавқеи, ёш нұқтаи назаридан бошқадан фарқланувчи ўкувчилар жамоаси;
- d) аниқ мақсаддада маълум фаолиятни ташкил этадын ўкувчилар жамоаси.

11. Ўкувчиларнинг қизиқиши, хохишига күра муайян фан, предмет ўзасидан берилдиган илмий-назарий билимларни чукурлаштириш, уларда амалий күникмаларни ҳосил қилиш мақсадыда ташкил этиладын таълим шакли нима деб аталауди?

- a) тұғарак;
- b) ўкувчилар илмий жамияти;
- c) факультатив курс;
- d) интеллектуал клуб.

12. Таълим жараёнда ўқитувчи ва ўкувчиларнинг аниқ мақсаддағы қартилған биргалиқдаги фаолиятларини ташкил этиш йўли нима деб номланади?

- a) таълим методлари;
- b) таълим мазмуни;
- c) таълим шакли;
- d) таълим воситалари.

13. Ҳикоя, ўкув материалини тушунтириш, мактаб маъruzаси, сухбат, дарслик ва китоблар билан ишлаш. Мазкур методлар кандай турдаги методларни ифодалайди?

- a) шахсни рагбатлантириш методлари;
- b) амалий методлар;
- c) кўргазмалилик методлари;
- d) оғзаки баён қилиш методлари.

14. Таълим воситаси нима?

- a) муайян мавзуни чуқур ўзлаштиришга хизмат қиладиган манба;
- b) муайян ўқитиш методи ёки усуллардан муваффакиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ғәрдамчи ўкув материали;
- c) ўкув фани асосларини ўзида акс эттирувчи дарслик;
- d) гўтири жавоб йўқ.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999. – 73 бет.
2. Дидактика / О.Розиков ва б. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1997. – 302 бет.
3. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслик. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008. – 286 бет.
4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент: А.Авлоний ХТРХМОМИ “Nikon Print”, 2006. – 73 бет.
5. Mavlonova R., To'raeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika / Kasb-hunar kollejlari ushun darslik. -- Toshkent: “O'qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 495 bet.
6. Pedagogika / Bakalavriat yo'nalishi uchun darslik. Prof. M.X.Toxtaxodjayevaning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: “O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2010. – 400 bet.
7. Педагогика / Ўкув қўлланмана. Ш.А.Абдуллаева, Д.А.Ахатова, Б.Б.Собиров, С.С.Сайитов. – Тошкент: Фан, 2004. – 214 б.
8. Сластенин В.А., Каширин В.П. Психология и педагогика / Учеб. пособие для студентов , обучающихся по непедагогическим специальностям. – Москва: AKADEMA, 2001. -- 478 с.
9. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъуль мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 528-бет.
10. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1997. -- 188 бет.

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ

Режа:

1. “Педагогик маҳорат” тушунчасининг моҳияти.
2. Педагогик одоб ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Педагогик қобилияят.
4. Педагогик мулоқот маданияти.
5. Педагогик релаксация.
6. Педагогик назокат (такт).
7. Педагогик техника ва унинг таркибий элементлари.
8. Нутқ техникаси (нутқнинг техник жиҳатдан ташкил этилиши, нутқ одоби, овоздан фойдаланиш техникаси).

Таянч тушунчалар: педагогик маҳорат, касбий (педагогик) билим, педагогик қобилияят, педагогик таъсир кўрсатиш, педагогик мулоқот, педагогик одоб, педагогик маданият, педагогик ҳамкорлик, педагогик назокат (такт), педагогик техника, пантомимика, мимика, ўқитувчининг нутқ техникаси.

“Педагогик маҳорат” тушунчасининг моҳияти. “Педагогик маҳорат” – олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик гуркум фанларнинг бири саналади. Фаннинг асосий мақсади – талабаларда педагогик жараённи мустақил, ташкилий, илмий-методик жиҳатдан тұғри ташкил эта олиш ва касбий-педагогик фаолиятда юқори самарадорликка эришишни кафолатловчи билим, кўнинма ва малакаларини шакллантиришдан иборат. “Педагогик маҳорат” фанини ўқитиши жараённанда белгиланған мақсадда эришиш учун қўйидаги вазифаларни ижобий ҳал қилиш талаф этилади:

- талабаларни педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларига доир назарий билимлар билан куроллантириш;
- уларда педагогик фаолиятни оқилона ташкил этиш, педагогик жараённи сўмарали йўлга қўйиш кўнинма, малакаларини ривожлантириш;
- талабаларнинг педагогик ҳамкорликни қарор топтириш технологияси берасидаги билимларни эгаллашларини таъминлаш;
- уларда педагогик одоб ва маданият сифатларини таркиб топтириш, педагогик қобилиятыни шакллантириш;
- талабалар томонидан педагогик мулоқот, педагогик назорат (такт), техника ва педагогик таъсир кўрсатиш кўнинма, малакаларини етарли даражада ўзлаштирилишини таъминлаш;
- бўлажак мугахассиси сифагида талабаларда педагогик маданиятни шакллантириш.

Моҳияти нуткай назарда педагогик маҳорат педагогга хос касбий сифатларнинг мажмуй сифатида кўзга ташланади. Педагогик маҳорат “педагогик саъъат” сифатида ҳам таъкин этилади. Тушунчанинг моҳиятини чукур англаш утун дастлаб унинг луғавий маъносини тушуниб олиш лозим. Манбаларда “маҳорат” тушунчаси араб тилидан таржима килинганда


“мохирлик, усталик, эпчиллик маённоларини англатиши кўрсатилади. Мантиқан эса “бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада ортирилган усталик, санъат, мохирлик”⁵¹ дея таърифланади. “Махорат” тушунчасини педагогик соҳага татбиқ этилганда мазкур тушунча қўйидаги ҳолатни ёритишга хизмат қиласди:

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий, субъектив жиҳатдан ўта мохирлик, усталик билан ташкил этиш, бошқариш кобилияти, кўнкима, малакасига эгалиги; таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали кўплай олиш кобилияти, юксак педагогик тафаккур

Ўқитувчининг маҳорати бевосита касбий-педагогик фаолиятда кўринади. Шу сабабли ўқитувчи педагогик жараённинг умумий моҳиятини чуқур англай олиши, бу жараёнда устувор аҳамият касб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш механизмларини пухта эгаллай билиши лозим.

Таълим жараённинг фаол иштирокчиси бўлган ўқитувчининг педагогик маҳорати педагог шахси, унинг иш тажрибаси, фуқаролик мақоми, мутахассис сифатидаги мавқеи, у томонидан педагогик техниканинг етарли даражада эгаиланганлиги, касбий фаолиятнинг индивидуаллигидан далолат беради.

Педагогик маҳорат яхлит тизим бўлиб, унинг таркибида бир қатор сифатлар кўзга ташланади. Жумладан (49-расм):



49-расм. Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари

“Педагогик маҳорат” тушунчаси “Педагогика”, “Педагогик технология”, “Педагогик маҳорат” каби фанларга хос муҳим тушунча бўлиб, у ўтган асрнинг 80-90-йилларида илмий-педагогик жиҳатдан асосланган.

⁵¹ Ўзбек тилининг изохли лугати. Е – М / 5 жилди. Иккинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006 - 575-бет.

Педагогик манбаларда педагогик маҳоратнинг асосий, мухим категориялари сифатида күйидагилар эътироф этилади:

Маҳорат – муайян иш, хатти-харакат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмун

Педагогик маҳорат – педагог томонидан касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуй

Педагогик ижод – педагогнинг касбий жараённи самарали ташкил этишига йўналтирилган яратувчанлик фаолияти

Педагогик иоваторлик – педагогик фаолиятда илгор тамоёйл,ғояни асослаш, янги йўл, усул ёки воситаларни тавсия қилиш, уларнинг амалиётга татбиқини таъминлашга каратилган ижодий ёндашув

Педагогик билимдонлик – педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билағонлиги

Педагогик фаолият – педагог томонидан касбий максадга мувоғиқ ташкил этиладиган тизимли харакатларнинг муайян шакли

Педагогик техника – педагогик фаолиятда ортирилган кўникма, малакалар йигиндиси бўлиб, у педагогик жараён самарадорлигини таъминлайди

Педагогик тажриба – касбий фаолиятни ташкил этишиб жараённада педагог томонидан ўзлаштирилган, ортирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуй

Педагогик маданият – педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян хулк-автор, одоб, муомала, хатти-харакат кўникма, малакаларини ўзлаштириш даражаси

Педагогик маҳоратнинг асосини педагогик билимдонлик ташкил этади.

Педагогик билимдонлик – педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳукукий месъёр, стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси

Педагогик билимдон шахс мутахассис сифатида педагогик жараён ва муносабатларни мақсадга мувофиқ самарали шакл, усул ҳамда воситаларини етарли даражада ўзлаштира олган бўлиши зарур. Билимдон ўқитувчи қуидаги сифатларни ўзлашгира олиш имкониятига эга бўлиши даркор:

- ижтимоий субъектлар билан ўзаро алокада, маданий мулоқотда бўла олиш;
- мутахассислик йўналиши бўйича ахборотларни излаш, топиш, уларни таълим мазмунига таянган ҳолда қайта ишлаш, касбий фаолият жараённида улардан самарали фойдалана билиш;
- ўқув ахборотларини таълим олувчи (ўқувчи, талаба)ларга етказиб бера олиш.

Педагогнинг касбий билимдонлигига ўқувчи билан субъектив муносабат ўрната олиш; педагогик жараёнлар моҳияти, педагогик воқеликни изчил идрок кила билиш; жаҳон педагогик маданияти асосларини, миллий педагогик тажрибани ўрганиш, уларни интеграциялаштириш асосида ўз фаолиятига татбиқ этиш; инновацион янгиликлардан доимий хабардор бўлиш; шахсий тажрибаларни умумлаштириш, таълим олувчиларга узатиш; касбий фидоийлик ҳамда педагогик технологияларни эгаллаш борасидаги билим, қўнікма, малакаларнинг ўзлаштирилганлигига намоён бўлади.

Педагогик билимдонликда креативлик (инглиз тилидан “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор⁵²) яққол кўзга ташланади. Мазкур тушунча ёрдамида ижодий ёндашув эмас, балки кўпроқ яратиш, ҳосил килишга йўналтирилган жараённинг моҳияти очиб берилади. Шу боис бу тушунча фаолиятга нисбатан татбиқ этилса, у ҳолда бевосита яратувчанлик маъноларини англатади.

Педагогик креативлик – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим, тарбия жараённинг самарадорлигини таъминлашга хизмат килувчи янги гояларни яратиш, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал килишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти

Тор маънода педагогик креативлик – бу аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш қобилияти сифатида,

⁵² <http://psi.webzone.ru/st/050200.htm>.

кенг маънода эса педагогик муаммоларни оқилона, устамонлик билан ҳал қилинишини англаади.

Педагогик билимдонлик негизида, педагогик рефлексия (лотинчадан “reflexio” – ортга кайтиш, акс этиш) ҳам кўзга ташланади. Манбаларда “рефлексия” тушунчи “кишининг ўз хатти-харакатлари ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти”⁵³, “шахсий кечинмалари, хис-тўйгулари ва ўй-хайллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш”⁵⁴ сифатида талқин этилади.

Педагогик рефлексия – педагогнинг шахс онги (унинг функциялари), кадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллари, фикрлаш, идрор, қарорлар қабул қилиш, хиссий тасирланиш, хатти-харакатлари ва б.нинг моҳиятини англаб етиши

Ўқитувчи педагогик билимдонлик, креативлик, рефлексияга эга булиш билан бирга педагогик маданиятни ҳам ўзлаштира олиши зарур. Педагогик маданият касбий нуктаи назардан педагогик фаолиятни олиб борувчи мутахассис умумий маданиятининг таркиби қисми хисобланади.

Педагогик маданият – бу педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул, воситаларини ўзлаштирганлик, педагогик билимдонлик, такт, техника ва маданиятни намоён қила олишнинг юкори даражаси

Таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш учун масъул ва етакчи субъект бўлган педагогнинг педагогик маданияти негизида қўйидагилар акс этади:

1) умумий маданияти, у томонидан эъзозланадиган моддий ва маънавий қадриятлар, ижодий педагогик фаолияти;

2) педагог шахсининг тавсифи;

3) педагогик қадриятлар, педагогнинг фаолияти, касбий хулқ-атворини ўз ичига олуви чинимат тизим: педагогик позиция ва шахсий сифатлар; касбий билимлар, педагогик тафаккур маданияти; касбий малака, педагогик фаолиятнинг ижодий хусусияти; шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва педагогнинг касбий хатти-харакатлари маданияти⁵⁵.

Педагогга хос маданият негизида қўйидаги сифатлар намоён бўлади:

1) ўкувчи (талаба, тарбияланувчи)нинг қизиқишлари, эҳтиёжларини тушуна олиш, уларга ҳамдардлик билдириш қобилияти;

2) таълим ва тарбия жараёнини шахсан бойита олиш қўникмаси;

3) ўкувчи (талаба, тарбияланувчи) шахсида ижобий “мен”лик (ўзлик)ни ривожлантириш учун ижобий рағбат билдириш, йўналтира олиш;

⁵³ Узбек тилининг изоҳли лугати. Н – Тартибли / 5 жилдли. Учинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 381-бет.

⁵⁴ Большая психологическая энциклопедия. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 394.

⁵⁵ http://mirslovarei.com/content_eco/pedagogicheskaja-kultura-32491.html.

- 4) үзини үзи ва ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)ларни бошқара олиш;
- 5) ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)лар билан расмий ва норасмий мулокотни ташкил этишнинг турии услубларини ўзлаштира олганлик;
- 6) хиссий барқарорлик, үзини тута билиш, ўз-ўзига ишонч, ҳаёгсеварлик;
- 7) хеч кандай мајбуриятларсиз, ихтиёрий равиша педагогик зиддиятларни бошқариш;
- 8) турии диний ғоялар ва анъаналарга эътиқод килувчи ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)ларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- 9) ярагувчилик;
- 10) педагогик рефлексия қобилиятига эгалик.

Педагогик маданият бир қатор элементлар асосида ягона тизим сифатида намоён бўлади. Мазкур тизимнинг таркибий элементлари кўйидагилардир:

1. Педагогик лойиҳалаш маданияти. У ўқитувчи томонидан ўзининг ички имкониятлари билан талаб, ҳоҳиш-истакларни ўзаро уйғулаштира олган ҳолда мақсад, вазифаларни тўғри белгилай олиш, педагогик жараённи босқичлар бўйича режалаштириш, режани амалга оширишда зарур воситаларни танлаб билиш малакасига эгаликни тавсифлайди. Лойиҳалаш маданияти, шунингдек, фаолиятга ижодий ёндашишни, янгиликларни яратишни, қатъий белгиланган мейёр ва талаблар доирасидагина эмас, балки эркин ижод қилиш қобилиятига ҳам эгаликни билдиради.

2. Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти. Бугунги кунда инсоният улкан ҳажмга эга педагогик билимларга эга. Мазкур маданият замонавий ўқитувчи томонидан педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганларини англатади.

3. Педагогик дунёкараш. Дунёкаранга эгалик барча соҳа мутахассисларида бўлгани каби ўқитувчи ҳаёти, фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Педагогик дунёкарашнинг муайян даражаси ўқитувчи ва таълим оловчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнининг мазмuni, натижаларини белгилайди.

4. Фикрлаш маданияти. Педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобаттга ола билиши, уларнинг моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда тўғри қарорлар қабул килиши, уларни амалиётга самарали татбиқ эта олишини ифодалайди. Педагогик жараёнда ўқитувчининг фикрлаш маданиятига эгалиги уни тўғри, оқилона ташкил этишда одатий ҳамда маҳсус воситалардан унумли фойдалана олишида кўзга ташланади.

5. Ҳис этиш маданияти. Мазкур маданият ўқитувчи томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйгулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулокотни ташкил этишини билдиради.

6. Баҳолаш маданияти. Ўқитувчи у ёки бу педагогик вокелик, ҳодиса, жараёнлар бўйича уларнинг моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда тўғри хулоса чиқариш, оқилона қарор қабул килиш қобилиятига эгаликни намоён эта олиши зарур. У томонидан чиқарилаётган хулоса, қабул килинаётган қарорлар моҳиятнан ахлоқий, эстетик, сиёсий, хукукий, диний ёки фалсафий характерга эга бўлиши мумкин.

7. Мулоқот мәданияти. Ушбу элемент педагогик жараёнда ҳал қилювчи, устувор ажамият касб этади. Зеро, таълим ва тарбия жараёни унинг иштирокчилари ўртасидаги фаол мулоқотга асослангандир. Мулоқот жаражининг түғри, самарали ташкил этилиши кўзланган мақсадга эришиш имкониятини юзага келтиради.


8. Ташкилотчилик қобилияти. Таълим-тарбиявий жаражинларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан түғри ташкил этилиши ҳам педагогик фаолият самарадорлигини белгиловчи муҳим омил саналади. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши зарур.

Педагогик одоб ва унга қўйиладиган талаблар. Ўқитувчи фаолиятида унинг одоби ҳам яққол акс этади. Қолаверса, педагогик одоб таълим, тарбия жаражинлари муваффақиятини таъминловчи муҳим талаб ҳамда омиллардан бири саналади.

Педагогик одоб – бу ўқитувчи олдига унинг ўзи, касби, жамият, болалар ва ўкув-тарбия жаражининг бошқа иштирокчиларига муносабатда бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими

Мазкур талаблар ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган педагогик меҳнат, фаолият жаражини бошқарувчи муҳим омил ҳисобланади. Педагог одоб талабларининг тизими ўқитувчи томонидан касбий бурчни адо этиш, жамият, педагогик жамоа ва ўкувчи (талаба, тарбияланувчи) олдидаги ахлоқий мажбуриятларини бажаришида ўзига хос ажамият касб этади.

Педагогик одоб педагогик ахлоқ, педагогик жараженда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар каби асосий категорияларнинг моҳиятини ёритишида етакчи ўрин тутади. Педагог фаолиятида ҳам барча умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар етакчи ўрин тутади. Бирок, шундай бўлишига қарамай, педагогик одоб сирасида педагогик қарашларни, педагогик фаолият ва муносабатни ифодаловчи муҳим категориялар асосий ўринни эгаллайди (50-расм):



50-расм. Педагогик одобнинг асосий шакллари

1. Касбий-педагогик бурч. Эзгулик, адолат, тўғрисузлик, раҳмдиллик, очкунгиллиллик, ватанпарварлик, тинчликни эъзозлаш, ёвузлик, адолатсизлик, ёлғончилик, шафқатсизлик, кўнгли қоралик, ватанфурӯрушлик, урушларга нафрат билдириш каби умуминсоний ахлоқий қадриятлар инсонлар хаёти, турмуш тарзи, хатти-харакатларида ўзига хос ўлчов бўлиб хизмат килади. Педагогик фаолиятда ҳам ўқитувчи ушбу қадриятларни улуғлай олиши, уларга таянган

холда фаолиятни ташкил этиши лозим. Ҳар бир педагог касбий-педагогик бурчини тұла англай олиши, уни адо этиш йүлида амалий ҳаракатларни ташкил эта билиши зарур. Педагог томонидан жамият, унинг аъзолари, педагогик ва үқувчилар жамоаси олдида қандай вазифаларни бажариши зарурлыгини, касбий-педагогик бурчини бажаришда қандай тамойилларга таянишини аниқ белгилаб олиниши ҳам шахс, ҳам мутахассис, фукаро сифатида үз мавкеини мустакил белгилаш имкониятини яратади. Агарда у үз касбий фаолиятини мавжуд ахлоқий тамойилларга мувофиқ ташкил эта олса, у ҳолда үз-үзига бұлған ҳурмати ортади, үз кучига ишонч пайдо бұлади. Бу эса педагогни яңидан янти ютуқларни құлға киритишга рағбатлантиради. Агарда борди-ю, педагог касбий-педагогик бурчини англаса-да, бирок, уни мавжуд ахлоқий талабларға мувофиқ ташкил эта олмаса, у ҳолда, әнг аввало, үзига бұлған ҳурматни йүкотади, үзини шахс сифатида юкори баҳолай олмайди.

2. Педагогик адолат. “Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимаий-негізсөдій муносабатлар билан белгиланади. Адолаттинг ахлоқий жиҳаты инсонлараро муномалада бир хил муносабатда бұлишни, бир-бирининг иззат-нағсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қондаларига риоя қылышликни билдиради”⁵⁶. Қолаверса, адолат инсоний қадр-киммат билан унинг жамият томонидан тан олинганды, мавжуд ахлоқий қоңда, мажбуриятлар үртасидаги үзаро мұтансибликни тавсифлашға хизмат қиласы. Педагогик адолат үзига хос құсусиятларға зәға бўлиб, у үқитувчининг педагогик жараёнга объектив, ҳаққоний ёндаша олиши, үқувчилар хулқ-авторини жамоа олдиғаги хизматларига мувофиқ баҳолай олишдаги ахлоқий тарбияланғанлик даражаси (эзгу ишлари, қатыяғы, жиддийлиги, инсонийлиги)ни ифодалайди.

3. Педагогик мажбурият. Педагогик одобнинг мұхым категорияларидан бири бұлған – педагогик мажбурият тушунчасида жамият томонидан үқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарылышынан нисбатан құйиладын талаб, ахлоқий йүл-қўриқ, кўрсатмаларни үзида жамлайды. Педагог касбий фаолиятни ташкил этишда күйидаги мажбуриятларни бажара олиши зарур: муайян меҳнат вазифаларини, асосан, ақлий меҳнат вазифаларини амалға ошириш; үқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслар билан үзаро муносабатни түғри ташкил этиш; танлаган касбига, үқувчилар за педагогик жамоага ҳамда жамиятта бұлған шахсий муносабатини чукур англаш. Педагогик мажбуриятлар сирасида касбий фаолиятни ташкил этишига ижодий муносабатда бўлиш, үзига нисбатан талабчанлик, касбий билимларни бойитиши, педагогик малакани оширишшага интилиш, үқувчилар ва уларнинг ота-оналары билан үзаро ҳурматта асосланған, талабчан муносабатни үрнатиш, мураккаб педагогик низоларни ижобий ҳал қилиш күнікмаларини үзлаштириши кабиларни ҳам кўрсатиш зурур.

4. Педагогик обрӯй. Үқитувчининг педагогик обрӯга зәға бўлиши у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолият самарадорлыгини кафолатлайди.

⁵⁶ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – 134-бет.

Педагогик обрӯ – бу ўқитувчининг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, шунингдек, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий макоми

Ўқитувчи ўзининг обрӯсига таяниб, ўқувчи (тарбияланувчи)ларнинг хулк-атворларини бошқаради, уларнинг ишончларини козонади. Педагогик обрӯ ўқитувчининг маънавий-ахлоқий ва педагогик-психологик тайёргарлигини ҳам ифодалайди. Ўқитувчи эга бўлган обрӯ даражасини унинг чукур билими, заковати, маҳорати, ўз ишига бўлган муносабати ва бошқалар белгилайди.

Педагогик мuloқot маданияти. Ўқитувчига хос бўлган маҳорат асосини ташкил этувчи педагогик мuloқot маданияти унинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарият билан ўюштириладиган мuloқot жараёнда намоён бўлади. Бунда, айниқса, ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси билан ўзаро мuloқoti мухим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўқувчилар билан мuloқотга киришиш, унинг самарали бўлишига интилади.

Педагогик мuloқot маданияти – ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарият билан педагогик одоб, мuloқot талабларига мувофиқ ўюштирадиган сұхбати

Педагогик мuloқot қўйидаги йўналишларда ташкил этилади:

1. Ўқитувчининг алоҳида ўқувчи билан мuloқоти.
2. Ўқитувчининг алоҳида ўқувчи орқали бутун синф билан мuloқоти.
3. Бутун синф билан бўлган мuloқоти.
4. Ўқитувчининг бутун синф орқали алоҳида ўқувчи билан мuloқоти.

Педагогик мuloқot руҳий-психологик таъсир кучига эга. Шу сабабли уни гашкил этишда мuloқot жараёнининг ижобий бўлишини таъминлаш ўқитувчининг зиммасига катта масъулиятни юклайди. Агарда тўғри ташкил этилган педагогик мuloқot ўқувчida қўркувнинг юзага келиши, ишончсизликнинг тугилиши, дикқат, хотира, иш қобилиятынинг сусайиши, нутқ меъёрининг бузилиши кабиларга сабаб бўлса, аксинча, назарий-педагогик, амалий жиҳатдан тўғри ташкил этилган мuloқot юкоридаги ҳолатларнинг аксини келтириб чиқаради. Натижада ўқувчиларда ўқиш, мустақил ўрганиш, фикрлашга бўлган қизиқиши ортади.

Педагогик мuloқot ўзига хос ижтимоий-психологик жараён ҳам саналади. Мазкур жараёнда қўйидаги вазифалар бажарилади: 1) шахсни ўрганиш (билиш); 2) ахборот алмашиш; 3) фаолиятни ташкил этиш; 4) ҳамдард бўлиш.

Мuloқot жараёнда ўқувчи томонидан билдирилаётган фикрлар, унинг қарашлари шахсни яқиндан ўрганиш учун имконият яратади. Ўқувчи шахсини яқиндан билиш, унинг ички кечинмалари, ўй-фикрлари, хис-туйғулари, орзуумид, мақсад ва ҳаётий интилишларидан хабардор бўлиш педагогик жараённинг методик, руҳий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини таъминлади. Зеро, бу жараёнда ўқитувчи ўқувчи шахсига хос ёш, психологик, шахсий ҳусусиятларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этади.

Мuloқot чоғидаги ахборот алмашинуви таълим иштирокчилари томонидан ижтимоий жараёнлар, шахс камолотининг кечишига доир маълумотлардан бир-

бирларияни хабардор килишларига ёрдам беради. Ўқитувчи ва ўкувчилар ўтасида ҳамкорликни қарор топтириш эса ҳар қандай вазиятда ҳам улар ўтасида ўзаро ахборот алмашинуви самарали рўй бериши учун шароит яратади. Бу жараёнда ўқитувчи таълим олувчиларнинг энг якин маслаҳатчиси, йўлбошчиси, раҳбарига айланади. Мулокот чоғида ўкувчилар томонидан ўз шахсини, “мени”ни, қадр-қимматини етарлича баҳолаш, ўз олдиларига ҳаётий мақсадларни қўйган ҳолда олға интилишларини таъминлашга жиддий эътибор каратиш лозим. Мулокот вақтида ахборот алмашиш вазифасининг ҳал килиниши қўйидаги воситалар асосида рўй беради:

1) нутк;

2) паралингвистик (юонча *parâ* – “яқин”, мулокот таркибида сўзли, гоявий маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши) ва экстралингвистик⁵⁷ (инглизча “exterior” – “ташқарида”, немисча “linguistik” – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда нутқининг ташкил этилиши – нутқий танаффуслар, кулгу, йуталиш, нафас олиш, йиглаш, тутилиш ва б.) тизимлар;

3) мулокотнинг ташкилий кўлами ва вақти;

4) кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа;

5) белгиларнинг оғтиқ-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, кўл ва оёқ ҳаракатлари).

Ўқитувчи раҳбарлиги ёки унинг йўл-йўриклари, кўрсатмаларига асосан ўкув машғулотлари за тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳам мулокот муҳим аҳамият касб этади. Айни шу вақтда мулокотнинг фаолиятни ташкил этиш вазифаси намоён булади. Якин-яқингача фаолиятни ташкил этиш жарабёнида педагогнинг етакчилиги, унинг бевосита раҳбарлиги устувор омил бўлган бўлса, замонавий шароитда роллар алмашинуви етакчи ўринга чиқди. Эндилиқда аксарият қолларда ўкувчиларнинг ўзлари таълим, тарбия жарабёнларини мустақил уюштириш имкониятига эга бўлди. Бирок, бу дегани, таълим-тарбия ишларни гашкил этиш даврида ўқитувчининг ўрни, роли мутлақо акс этмайди, дегани эмас. Ўқитувчи бу жарабёнда раҳбар, етакчи, маслаҳатчи, эксперт сифатида намоён булади, ўкувчиларни педагогик жарабёнларни илмий-назарий, ташкилий-методик жиҳатдан тўғри уюштиришга йўналтиради.


Педагогик мулокотнинг муҳим вазифаларидан яна бири таълим иштироқчиларининг ўзаро ҳамдард була олишлари (педагогик эмплатияга эгалиги)дир.

Педагогик ҳамдардлик – бу ўқитувчи томонидан таълим жарабёнининг иштироқчилари: ўкувчи, талаба, тарбияланувчи, ҳамкаслар ва ота-оналарнинг хатти-харакатлари, хиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуткан назарини мъекуллаш асосида жамоадаги муносабатларнинг меъёрда ташкил этилишини таъминлаш бўлиб, бунда у ўкувчи шахсини, истакларини тушуниш орқали ўкувчиларга самарали таъсир этиш зарурлигини англайди

⁵⁷ <http://dic.academic.ru/dic.nsf/socio/4789>.

Ўқитувчи педагогик мулокотни ташкил этишда ёрдамга муҳтож ўқувчиларга алоҳида эътибор бериши, ҳар бир ўқувчидаги турли ўкув фанлари асосларини ўзлаштиришга нисбатан қизикитириш усулларидан фойдаланиши, ҳамкорлик ва ижодкорликка асосланган меҳнатни ташкил этишини олдиндан ўйлаб кўйиш лозим.

Мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан жамоа билан мулокотни ўюнтириш техникасини доимий равишда таҳлил қилиб бориш мақсадига мувофиқдир. Маълум вазиятларда ўқитувчи раҳбар сифатида ўқувчилар, тарбияланувчилар фаолиятларини бошқаради. Худди шу жараёнда ҳам мулокот стакчи омил ҳисобланади. Бирок, мулокотнинг самарадорлиги раҳбар сифатида намоён бўлаётган ўқитувчи томонидан қандай услугуб (мулокот услуги)нинг танланганлиги билан белгиланади. Одатда, ўқитувчининг раҳбар сифатидаги мулокот усуллари куйидаги уч турга ажратилади (51-расм):



51-расм. Педагогик мулокот услуглари

1. **Авторитар услуг.** Бунга кўра ўқувчиларнинг барча турдаги фаолиятларининг ташкил этилиши, мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг барчаси факат ўқитувчи томонидан белгиланади. Ўқувчиларнинг ҳар қандай ташабbusлари рағбатлантирилмайди, аксинча, буйруқ, кўрсатма, йўлланма бериш, жазолаш чораларини кўриш орқали ўқувчиларга таъсир этилади. Ҳатто ўқувчиларнинг фаолиятлари ижобий баҳолангандек вақтда ҳам уларга бўлган таъсир турли кесатиклар билан баён этилади. Яъни: “Сендан ижобий хатти-харакатни кутмаган эдим!”, “Буни кара-я, нахотки ўзгарган бўлсанг!”, “Қара-я, биргина аъло баҳо олиш билан ўзингни яхши инсон бўлиб қолган деб ҳисоблайсанми!?” ва ҳ.к. мазмундаги рағбатлар ижобий ҳолатни эътироф этишга йўналтирилган бўлса-да, ўқувчини янги ютукларга илҳомлантиримайди. Аксинча, унда таълим олишга, таълим мусасасига ва ўқитувчиларга нисбатан совуқконликни юзага келтиради.

2. **Демократик услуг.** Унга кўра ўқитувчи педагогик фаолиятни ташкил этишда жамоанинг фикрига таяниб иш кўради. Ўкув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкиллаштиришда ҳар бир ўқувчининг фикрини инобатга олишга, уларни умумлаштирган ҳолда энг самаралисини танлаб олишга интилади. Муҳокамалар чоғида барча ўқувчиларнинг иштироклари таъминланади. Ўқувчилар томонидан билдирилаётган ташабbusлар кўллаб-куvvatланади, мавжуд имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда бу ташабbusлар амалиётга татбиқ этилади. Демократик услугдан фойдаланаётган ўқитувчи зиммасидаги вазифа факатгина ўқувчиларнинг фаолиятини назорат қилиш, тузатишлар киритишдан иборат эмаслигини англаш етади. Асосий эътиборни ўқувчиларнинг ютукларини эътироф этган ҳолда ёки уларнинг хатоларини

ўзларига англатган ҳолда самарали таъсир чорасини кўришга қаратади. **Хар** бир ўкувчининг ютуғи алоҳида эътироф этиладики, бу янги зафарларга эришишги руҳлантиради. Ушбу услугга асосланиб иш кўрадиган ўқитувчи **хар** бир ўкувчининг кизиқашлари, кобилиятларини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишларни тўгри таъсимилашга ҳаракат қиласди, фаол ўкувчиларни тақдирлаб боришни фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгилайди. Бу каби демоқратик услугга эга ўқитувчи ўкувчилар билан мулокотни үрнатишади илтимос, маслаҳатга таяниб иш курди.

3. Либерал услуг. Одатда бу услуг ўқитувчи ва ўкувчи муносабатларининг келишувчанликка асосланишини таъминлайдиган услуг сифатида эътироф этилади. Либерал услугга кўра иш юритадиган ўқитувчи педагогик жараёнларда ўкувчилар томонидан содир этилаётган салбий ҳолатларга ҳам эътибор бермаслика интилади. Ўкувчиларни тартибига чакириш, зазијатдан келиб чиқсан ҳолда уларнинг фаолиятини тўгри баҳолаб, яказолаш зарур бўлган вазиятларда ҳам индамасликни одат килиб олади. Бу эса ўкувчиларининг одобсиз, ялков, масъулиятсиз бўлишларига олиб келади. Либерал услугни маъқул кўрадиган ўқитувчи ўкувчилар ҳаёти билан мутлақо кизикмайди, уларнинг фаолиятларига аралашмайди, ҳал қилувчи вазијатларда масъулнинг ўз зиммасидан сокит қиласди. Айрим ҳолатларда бир-бирига зид бўлган фикрларни ҳам бирдек маъкуллайди. Натижада бу таҳлилтада иш кўрадиган ўқитувчи ҳеч қандай обрўга эга бўлмайди. Чунки унга ишониш мумкин эмас.

Педагогик амалиёт ўқитувчилар томонидан ташкил этилаётган мулокотнинг бир неча турга ажратиш мумкинлигини кўрсатади. Ўқитувчилар ўз фаолиятларida мулокотнинг куйидаги турларига таяниб иш курди:

Педагогик мулокот турлари:

- 1) ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтирадиган мулокот;
- 2) ўзаро дўстона муносабатга асосланган мулокот;
- 3) муайян масофани сақлаган ҳолда ташкил этиладиган мулокот;
- 4) кўркитиш, таҳдид килишга асосланган мулокот;
- 5) ҳазил-мутойiba, юморга асосланган мулокот

Педагогик фаолиятни ташкил этишда ўқитувчининг нафақат ўзи, балки унинг ижобий таъсири асосида ўкувчилар ҳам мулокот маданияти ўзлаштириб боришлари лозим.

Мулокот маданияти – мулокот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиши асосида сухбатдошни тушуна олш этиёжи, кобилиятига оғалик

Таълим амалиёти педагогик мулокот жараёнда ўқитувчилар томонидан куйидаги камчиликларга йўл қўйилишидан далолат беради: эҳтиётизлик, шахсиятпастлик, сухбатдошни ортиқча мажбурлаш; сусткашлик, ўзини жуда юкори ёки наст қўйиш; ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш.

Педагогик қобилият. Педагогик жараённинг қанчалик самарали, муваффакиятли таъсирни ўқитувчининг педагогик қобилиятга эгалигига боғлиқ. Манбалардан бирида “қобилият” тушунчаси шундай шарҳланади:

шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият⁵⁸.

Қобилияйт умумий ва маҳсус қобилияtlар тарзида икки гурӯхга ажратилади. “Умумий қобилияtlар шахс фаолиятининг асосий турларида намоён бўлса, касбий фаолиятнинг айрим турларида намоён буладиган қобилияtlар (математик, техник, мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт (поззия ва проза), жисмоний тайёргарлик ва б.) маҳсус қобилияtlар деб юритилади... Қобилиятнинг етакчи хусусияtlаридан бири – нарса ва ҳодисалар мөҳиятини нжодий тасаввур қилишдир”,⁵⁹.

Педагогик қобилияйт – ўқитувчига хос бўлиб, педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш, олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусияtlар

Педагогик қобилиятнинг устувор хусусияtlари қўйидагилар саналади:

- педагогик такт (педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар, хулқ-автор коидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларига эгалиги);
- педагогик кузатувчанлик (ўқитувчининг ўқувчиларга хос бўлган, ҳатто энг оддий хусусияtlарни ҳам пайқаб олиш қобилиятига эгалиги);
- болаларга бўлган муҳаббат (ўқувчиларга меҳр кўя олиш, уларга меҳрибонлик кўрсатиш, ички кечинма, хис-туйғу, орзу-умид, ҳаётӣ интилишлари билан ўртоқлашиш, улар учун кийин бўлган вазияtlарда ғамхўрлик қилиш);
- билимларни узатишга бўлган эҳтиёж (ўқитувчи сифатида ўзидаги мавжуд билимларни ўқувчиларга беришга интилиш).

Ф.Н. Гоноболин ўқитувчи шахсида қўйидаги қобилияtlарнинг намоён бўлишини мухим деб ҳисблайди:

- 1) ўқувчини тушуна олиш қобилияти;
- 2) ёш, психологик жиҳатдан барча ўқувчилар ўзлаштира оладиган материалларни тақдим эта олиш қобилияти;

3) ўқувчиларнинг қизиқишиларини ривожлантириш қобилияти;

4) ташкилотчилик қобилияти;

5) педагогик такт;

6) ўз ишининг натижаларини кўра олиш ва б.

Умуман олганда, педагогик қобилияtlар турлари қўйидагилар саналади:

1) педагогик кузатувчанлик;

2) педагогик хаёл (фантазия);

3) характер сифатларининг тарбияланишига бўлган талабчанлик;

4) педагогик такт;


5) ташкилотчилик қобилияtlари;

⁵⁸ Психология. Қисқача изоҳли лугат / Тузувчилар: М.Г.Давлетшин ва б. Масъул мухаррир: М.Г. Давлетшин. – Т.: Низомий номидаги ТДГУ, 1998. – 18-бет.

⁵⁹ Гарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 513-бет.

6) нұтқ мәданиятига әғалик.

В.А.Кругецкий педагогта хос кобилиятларни умумлаштыриб, уларнинг турлари қуидагилар эканлигини күрсатыб үтади⁶⁰ (52-расм):



52-расм. Педагогик қобилият турлари

Замонавий шароитда ҳар бир үкитувчи үзида қуидаги педагогик қобилиятларни тарбиялай олиши керак:

- 1) мулоқотга кириптувчанлик;
- 2) ҳиссий сезигирлик (касбий зийраклик, бошқаларга хамдард бўла олиш, ички сезигига эга бўлиш);
- 3) ҳаракатчанлик, таълим жараёни иштирокчиларига иродавий таъсир күрсатиш, ишонтириш қобилиятига әғалик;

⁶⁰ http://inip.rudn.ru/psychology/pedagogical_psychology/13.html.

- 4) хиссий баркарорлик (үз-үзини тута билиш, үз-үзини бошқариш, үз-үзини назорат қилиш);
 - 5) келажакни макбул ҳолда башораттай билиш;
 - 6) касбий мустакиллик, ижодий қобилияттә эгалик.

Қобилиятли үқитувчиларда күйдәги ноёб қобилиятлар ҳам күзга ташланады:

- бир вактнинг үзида бир неча фаолиятни бажара олиш (м: эшитиш, күриш, үкиш, ёзиш, фикр юритиш, мулоқот қилиш ва б.);
- атрофида кечәётган иккى ёки бир неча воқеаликни бирдек қабул қилиш (жумладан, бир үқувчининг маърузасини эшитгани ҳолда, синфдаги бошқа үқувчиларнинг фаолиятларини кузата олиш);
- ўта кизиқувчанлик (табиат ва жамиятда кечәётган ҳар бир воқеа-ҳодиса (гарчи улар энг аҳамиятсиз, эътиборга ташланмайдиган бўлса-да) моҳиятини билишга интилиш, ҳаддан зиёд кўп саволларга жавоб топишга интилиш);
- мия фаолиятининг биокимёвий ва электрик фаоллиги (мия деярли тўхтосиз фаолият кўрсатиб, ниҳоятда кам вакт “дам олади”, билиш жараённида ионаникликлар кўзга ташланса, улар тезда бартараф этилади; уйкучанлик қобилиятли педагогларга хос хусусият эмас);
- нутки ва фантазиясининг бойлиги (қобилиятли үқитувчиларнинг аксарияти ниҳоятда бой нутққа эга, уларда фантазия (тасаввур қилиш қобилияти бекиёс даражада кучли);
- кучли хотира (йирик ҳажмдаги матнни, жумладан, достонларни бир марта ўкиш билан тўлалигига ёдлаб олиб, уни сўзма-сўз қайта ҳикоя қилиб бериш қобилияти)га эгалик кабилар алоҳида ўрин тутади⁶¹.

Педагогик релаксация. “Фан-техника тараққиётининг хозирги босқичида, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, ҳалқ ҳўжалигининг турли жабхаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби катор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўришилар бермоқда”⁶². Педагог фаолиятида руҳан ёки жисмонан толиққан үқувчиларда руҳий ҳамда жисмоний чарчоқларни бартараф этишга ҳам эътибор қаратиш талаб қилинади. Мазкур талаб салбий руҳий омиллар таъсири кучайган, катта ҳажмдаги ахборотлар билан тўқнашиш рўй бераётган мавжуд шароитда айниқса мухим аҳамият касб этади. Таълим олувчиларда руҳий ва жисмоний толиқишиларни бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият “релаксонедия” (лотинча “relaxation” – кувватсизлик, заифлашиш, руҳан ёки жисмонан ҳолдан тойишни бартараф этиш педагогикаси) деб номланади. Сўнгги йиллар жаҳон таълими амалиётида ушбу педагогик фаолият имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

⁶¹ Худойбергенова Ӯ. Иқтидорли болаларни үқитишга ихтисослашган мактаблар фаолияти самаралорлигини оширишининг педагогик асослари: Пед.фанл.номз... дисс. – Тошкент: 2006. – 20-21-бетлар.

⁶² Oila psixologiyasi / Mualliflar: G'.B.Shoumarov va b. Prof. G'.B.Shoumarov tahriri ostida. – Toshkent: “Sharq” NMAK, 2008. – 60-bct.

Педагогик релаксация – таълим олувчилар (Ўкувчи, талаба, тарбияланувчи)арнинг хиссият фаолияти, руҳий-жисмоний куввати ҳамда ишчанлик кобилиятини қайта тиқлаш

Мураккаб вазиятларда, мас., имконияти чекстанган болалар, фанлар ўзлаштира олмайдиган ёки тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлап релаксонедияйнинг педагогик-психологик имкониятларидан ўринли, мақсадда ва самарали фойдаланиш кутилган натижаларни беради. Релаксация шароити бугунги кунда кенг оммалашган тренинг ва автотренинглар ижобий мухитини хосил бўлишини таъминлайди. Улардан фойдаланиш вақтида ўқувчилар ташкива ички таъсирлардан ҳимояланган бўлиб, уларга фақатнина ўқитувчини ишонтирувчи овозигина эштилади. Бу эса ўқитувчининг таъсири ва унинг самарасини янада ёширади.

Релаксация жараённида ўқувчилар ўқитувчининг қўллаб-кувватлашларини ҳам этишлари, унинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлишлари, ҳамдардлигини ҳам килишлари лозим. Шундагина ўқувчилардаги руҳий зўриқиш, жисмоний толиқишиларни бартараф этиш учун психологик мухит юзага келади.

Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бўшаштириш) даврида ўз-ӯзини ишонтириш ва ахборотта таъсирчанлик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам ўз-ӯзини ишонтиришга йўналтирилган тренинг ва автотренингларни ухлаш ва уйкудан туришдан олдин қўллаш самарали ҳисобланади. Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бўшаштириш)нинг самарали кечиши учун ўқитувчи мушакларни бўшаштиришга ёрдам берадиган метод ва воситалардан хабардор бўлиши даркор.

Ўқувчиларнинг руҳий зўриқиш ва жисмоний толиқишиларини бартараф этиши мақсадида релаксация асосларини назарий жиҳатдан ўзлаштириб қолмай, улардан амалий жиҳатдан фойдаланишни ҳам билишлари зарур.

Педагогик такт. Юқорида айтиб ўтилганидек, маҳоратли педагогик фаолиятида педагогик такт ҳам ўзига хос ўрин тутади:

Педагогик такт – ўқитувчининг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари буйича ташкил этиладиган мулокотда мавжуд ахлоқий тамоилилар, хулқ-атвор коидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларнiga эгалиги

Педагогик такт ўқитувчи фаолиятига гоявий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келадиган педагогик ахлоқни бевосита татбиқ этишининг шакли сифатида намоён бўлади. **Такт (даҳлдорлик)** – бу ахлоқий хулқ-атвор, хатти-харакат бўлиб, ўзида барча объектив харакатларнинг оқибати, уларнинг шахс томонидан субъектив қабул қилишини аввалдан кўра олиш, белгиланган мақсадга осонроқ эришиш йўлларини излашнинг намоён бўлишини

иғодалайды. Шунга күра педагогик тектің үз мөхияттың күра ижодий изланишни талаб этадиган амалий ҳаракаттады.

Үқитувчига хос бўлган педагогик тектининг асосий таркибий элементлари сифатида қуидагиларни эътироф этиш мумкин:

- 1) шахсга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- 2) юксак талабчанлик;
- 3) сұхбатдошни қизиқиш билан тинглай олиш, у тўғрисида қайғуриш малакаси;
- 4) руҳий баркарорлик, дадиллик, оғир вазминлик;
- 5) муносабатлар жараённан ишонч билан сұzlай олиш;
- 6) қатъяниллилк (қайсаrlик эмас);
- 7) ўқувчиларга нисбатан эътиборли ва хушёр бўлиш⁶³.

Демак, талабаларга педагогик маҳорат асосларига доир билимларни беришда уларда педагогик тектининг қуидаги элементларини тарбиялашга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқидир:

- ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, унга нисбатан талабчанлик;
- барча фаолият турлари бўйича ўқувчиларда мустақилликни ривожлантириш, уларнинг ишларига оқилона педагогик раҳбарлик қилиш;
- ўқувчиларнинг руҳий ҳолатига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унга нисбатан юксак идрок билан изчил талаблар қўйиш;
- ўқувчиларга ишониш, уларнинг ишларини тизимли назорат қилиб бориш;
- ўқувчилар билан мулокотни ташкил этишда үзини оқлаган ишchan ва хиссий характеристерга эга муносабатларни қўшиб олиб бориш.

Педагогик текта хос бўлган мухим хусусият ўқитувчининг нафақат хушмуомала бўлиши, ўқувчини сева олиши, ҳурмат қилиши эмас, унинг кўнглига тўғри йўл топа олиши ҳамdir.

Ўқитувчининг педагогик текта эгалиги унинг юриш-туришида, вазминлигига, үзини тута билишида намоён бўлади, У ўқувчига ишонч билан қарашни назарда тутади. Ўқувчига ишончсизлик билан қараш ўқитувчининг педагогик текта эга эмаслигини иғодалайди. Ҳар қандай педагогик низо ёки зиддиятларнинг асосида ўқитувчининг педагогик текта эга эмаслиги ётади. Ҳар қандай кўполлик, кесатиқ ва койишлар, ўқувчиларни доимий равища танқид қилиш, уларга ишончсизлик билдириш эса педагогик низоларни келтириб чиқаради. Педагогик тект, ўқитувчининг ўқувчи жавобини дикқат билан тинглашида, жавобнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратишида, бордию, ўқувчи хатога йўл кўядиган бўлса, уни босиклик, вазминлик билан тўғрилашда, ўқувчи фаолиятини ҳаққоний, оқилона баҳолашда, қўйилган баҳонинг мөхиятини изоҳлашда намоён бўлади. Бу жараёнда жавоб берадиган ўқувчига жилмайиш, турли имо-ишоралар қилиш, бошни кимирлатиш, юз иғодалари, кўл ҳаракатлари билан унинг жавобларини маъқуллаб туриш педагогик фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

⁶³ http://imp.rudn.ru/psychology/pedagogical_psychology/13.html.

Маҳоратли ўқитувчи, айниқса, ўкувчилар фаолиятини баҳолашда хушёр, эхтиёткор бўлиши лозим. Зеро, нотуғри қўйилган баҳо ўқувчи шахсига салбий таъсир кўрсатиб қолмай, балки унинг ўқишига бўлган қизиқишини сўндиради. Шу сабабли ўкувчилар фаолиятини баҳолашда В.А.Сухомлинскийнинг педагогик тажрибасига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ:

1. Ўкувчига амалий ёндашиш (“Ўкувчи бўлгандан кейин ўқиб келиш керак-да” тарзида эмас), балки унга шахс сифатида муносабатда бўлиши (“Ўкувчиларим, энг аввало, шахс, бола, сўнгра эса ўқувчи. Мен унга кўядиган баҳо унинг билимлари ўлчови эмас, балки менинг унга нисбатан инсоний муносабатимдир” тарзида ёндашиш).

2. Ҳар бир баҳо ўкувчини келажакка ишонч руҳида тарбиялаши зарур; у ўкувчининг меҳнагини рағбатлантириши, бироқ, унинг дангасалиги ва қобилиятсизлиги учун жазо воситаси бўлмаслиги зарур.

Педагогик техника ва унинг таркибий элементлари. Педагогик маҳоратнинг мухим белгиларидан бири бўлган педагогик техника ўз навбатида ўқитувчининг юқори техник малакаларга эгалитини ҳам англатади.

Педагогик техника – ўқитувчига алоҳида ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)га, ўкувчилар жамоасига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самараати кўллаётлиш учун зарур бўлган билим, кўнукма, малакалар мажмуи

Педагогик техника асосларини мувваффакиятли ўзлаштириш педагогик маҳоратнинг мухим таркибий қисми бўлиб, унга эришиш педагогик, психологияк, амалий тайёргарлик бўйича маҳсус билимларга эга бўлишини талаб килади. Педагогик техникани ўзлаштиришда ўқитувчи ўқувчи хулк-автори, хатти-ҳаракатларининг ташки белгиларга кура унинг ички ҳолатини белгилай олиш малакасига эга бўлиши ниҳоятда мухим.

Ўқитувчига хос педагогик техниканинг мухим элементлари қўйидагилар:


- 1) ўзининг ҳамда ўкувчилар дикқатини мақсадли бошқариш;
- 2) педагогик фаолиятда жараён, шунингдек, ўкувчилар ҳаракати суръатини хис қилиш.

Таълим жараёнида “ўқитувчи томонидан ўкувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён буладиган маънавий-жоюй сифатларига ўзининг субъектив муносабатини, алоҳида хис-туйгуларини маъноли ифодалай олиши у эга бўлган педагогик техника усувлари ҳисобланади”⁶⁴.

Бир сўз билан айтганда, педагогик жараёnda “техника” тушунчаси ўқитувчининг педагогик таъсир кўрсатиш усувлари мажмууга эгалигини ифодалайди. Педагогик техниканинг воситалари – нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот воситаси саналади. Педагогик техникани эгалаш ўқитувчи олдида турган мухим педагогик вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

⁶⁴ <http://psylist.net/hpor/ped037.htm>.

Манбалардан бирида кўрсатилишича, педагогик техника қўйидаги икки груп методлари⁶⁵ни ўз ичига олади (53-расм):



53-расм. Педагогик техника методларининг гурӯҳлари

Педагогик амалиёт таълим тизимида ёш ўқитувчиларнинг педагогик техникасида қўйидаги жузъий камчиликлар учрашини тасдиқлайди:

- 1) ўқувчи ёки унинг ота-онаси билан сидқидилдан сўзлаша олмаслик;
- 2) газабни тўхтата олмаслик ёки уни ўз ўрнида ишлата олмаслик;
- 3) ўзидаги ишончсизликни енга олмаслик;
- 4) нуткнинг равон этмаслиги;
- 5) ортиқча қаттиққўллик;
- 6) хушмуомала бўлишдан кўркиш;
- 7) жуда тез гапириш (айникса, дарсларда);
- 8) ортиқча ҳаракат ёки бир жойда қотиб қолиш, қўлларини қаерга қўйишни билмаслик;
- 9) ўз гавдасини тутишда муайян камчиликларга йўл қўйиш (букчайиб, ерга караб юриш, ўринсиз кулиш, ортиқча ҳаракат, қўлида турли жисмларни айлантириб юриш);
- 10) монотон – бир оҳангда сўзлаш, нутқнинг зерикарлилиги, жонли эмаслиги;
- 11) ифодали ўқищ, сўзларни аник, тўғри талаффуз қила олмаслик (нотўғри дикция), синф хонаси, аудитория учун зарур товуш баландлигини белгилай олмаслик.

Бу каби камчиликлар ўқитувчи томонидан ўқувчиларга самарали таъсир кўрсатилишига имкон бермайди. Шу сабабли олий таълим муассасаларида

⁶⁵ <http://abc.vvsu.ru/Books/instrum/page0016.asp>.

талабаларда педагогик техника кўнишка ва малакаларни шакллантириш жиддий эътибор қарагаш лозим.

Педагогик техниканинг самарали натижаларни кафолатлай олиши ўқитувчининг ташки киёфаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ўқувчиларни самарали таъсир курсатса олиш учун ўқитувчининг ташки киёфаси кўйиндан талабларга жавоб берса олиши зарур:

- 1) ўқитувчи ташки кўринишининг ўқувчиларга эстетик таъсир курсатишни уларни эстетик жиҳатдан завқлантира олиши;
- 2) унинг сочи текис тараалған, чиройли турмакланган бўлиши;
- 3) пардоз буюмларидан ўринли фойдаланиш, юзининг ортиқча бўёқларни ҳоли бўлиши;
- 4) ўқитувчи либосларининг тоза, озода, қоматига яратиган бўлиши, осил турмаслиги, ҳаддан ортиқ ҳашаматли бўлмаслиги;
- 5) зарізлек буюмларидан имкон қадар ҳоли бўлиш, айниқса, товланувчи металлар – олтин ва кумуш тақинчоқлардан фойдаланмаслик, либоснинг ранги ва ўқитувчининг ёш хусусиятларига мувофиқ оддий, қимматбаҳо бўлмаган тошли, металл тақинчоқлардан фойдаланиш.

Ўқитувчининг педагогик маданиятга эгалиги, педагогик техника асосларини пухта ўзлаштира олганлиги унинг юз ифодаси, эркин, вазмин ҳаракатлари, гавдани тўғри тута билиши, йиғинчоқлиги, имо-ишоранинг табиийлиги, ўқувчиларга нисбатан эътиборида яққол акс этади.

Педагогик жараёнда ўқитувчи юзини ўринсиз, қўпол гарзида буриштирмаслиги, пала-партишилкка йўл қўймаслиги, имо-ишораларнинг сунъий бўлишидан сақланиш, бўшанг ва суст бўлишига йўл қўймаслиги зарур. Зеро, буларнинг барчаси ўқитувчининг ўқувчи олдида ҳурмат қозона олмаслигига олиб келади. Ёш ўқитувчилар ўқитувчининг ҳатто синф хонасига, аудиторияга қандай кириши, ўқувчи, талабаларга назар ташлаши, саломлашиши, стулни суриши, шахсий буюмлари (сумка ёки қофоз солинган йиғмажилларни кеरга, қандай қўйиши, хона бўйлаб юриши, ёзув таҳтасидан фойдаланишдаги ҳаракатлари, ўқувчи (талаба)лар билан мулоқотда ўзини қандай тутиши ва бошқалар ҳам катта тарбиявий таъсир кучига эга эканлигини ёдда тутишлари зарур.

Вазмин, хушумомала, ўзига ишонган ўқитувчи фаолиятининг илк боскичлариданок ўқувчилар меҳрини қозона олади. Бунинг учун ўқитувчи, энг аввало, ўз хиссий ҳолатларини, туйгуларини бошқара олиши керак. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти расмий характерга эга. Қолаверса, у ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслари, таълим мұассасаси ва юқори бошқарув органдарининг назорати остида фаолият юритади. Бу эса аксарият ҳолатларда жисмоний толиқиш, рухий зўрикиш, ўз-ўзига нисбатан ишончсизлик ва тангликин келтириб чиқаради. Натижада ўқитувчининг нутки қатъийлик касб этмайди, овозда нүқсонлар кузга ташланана бошлайди, оёқ ва қўллар толикади. Бу каби салбий ҳодисаларнинг келиб чиқмаслиги учун ўқитувчи ўзини дарс бошланишидан аввал таълим жараёнига руҳан тайёрлаши, мазкур жараёнда юзага келиши эктимоли бўлган турли салбий ҳолатларга ўзини

психологик нүқтән назардан тайёрлаши, имкон қадар руҳий барқарорликка

эришиши талаб қилинади.

Үқитувчи таълим ва тарбия жараёнларига ўзини руҳан тайёрлашда

куйидагиларга эътибор бериши лозим:

- ўзига, ўз имкониятларига ишониш;

- хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш;

- ўз хатти-харакатларини назорат килиш (мускуллар зўриқишини бартараф этиш, коматни ростлаш, харакатларни тұғрилаш, нуткнинг равон, аниқ бўлишига эътибор қаратиш ва тұғри нафас олишини ўзлаштириш);

- ақлий ва жисмоний меҳнатни ташкил этишда ўзаро үйғунликка эришиш, муайян даврларда ҳордиқ чиқарыш (меҳнат ёки мусиқа ёрдамида дам олиш, бадий асарларни ўкиш, яқинлар, дўстлар билан ҳазил-мутойибани ташкил этиш);

- педагогик жараённинг муваффақиятли, самарали кечишига ўзини ўзи ишонтириш;

- қасбий фаолиятни катта иштиёқ, кўтаринки кайфият билан ташкил этишга интилиш;

- турли салбий руҳий омиллар организмига, руҳий ҳолатига, хатти-харакатларига, ўқувчилар ва таълим жараённинг бошқа иштирокчиларига нисбатан муносабатига таъсир этишига йўл кўймаслик;

- салбий руҳий омиллар ва жисмоний ҳолатларни бартараф этиш учун тренинг ва автотренинглардан самарали фойдаланиш малакасини ўзлаштириш.

Руҳий барқарорликка эришишда ўқитувчи ўз фаолиятида В.А.Сухомлинский томонидан тавсия этилган куйидаги шартларга риоя килиши кутилган натижани қўлга киритиш имкониятини яратади:

- кош-ковокни уюб юрмаслик;

- бошқаларнинг камчиликлари, нуқсонларини ошириб кўрсатмаслик;

- ҳазил-мутойибага мойил бўлиш;

- хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш.

Педагогик техниканинг таркибий қисмлари сирасида **пантомимика** ўзига хос ўрин тутади.

Пантомимика – бу гавда, қўл ва оёкларнинг харакати бўлиб, у ўқитувчи томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум киёфа оркали гавдалантиришга имкон беради

Ўқитувчининг тұғри тутилган, чиройли қадди-қомати унинг шахс сифатида намоён бўлишини таъминлайди. Колаверса, бу ҳолат ўзига, шахсий имкониятларига бўлган ишончнинг юқориилиги, шахс сифатида ўзини қадрлай олиш, ўзига ўзи юкори баҳо беришини ҳам ифодалайди. Аксинча, бошнинг куйи әгилганлиги, қўлларнинг осилиб туриши ўқитувчининг ички заифлиги, ўзига ўзи ишончсизлигидан далолат беради.

Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим олувчиларга Гавдани тұғри тутишни, эркин харакатланишни, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини

тута билишни, йигинчоқликни ўргатиб бориш талаб этилади. Олий таълими мусассалари талабаларида ушбу сифатларни хосил қилиш эса уларни касбий фаолиятга руҳий тайёрлашнинг муҳим шартларидан бири хисобланади.

Энг аввало, талабаларга гавдани тўғри тутиб туриши ўргатилади. Бундай оёклар елка кенглигида (икки оёқ оралиғи 12-15 смни ташкил этиши лозим), ўнг оёқ бир оз олдинда туриши керак. Зоро, шундагина тана оғирлиги ҳар иккиси оёқка бирдек тушиши билан бирга узоқ вақт (деярли 30-40, олий таълими мусассаларида эса 60-70 дақиқа) толиқмай туришини таъминлайди. Ўқитувчининг ҳаракатлари имкон қадар оддий ва эркин бўлиши лозим. Ўзини ўзи мажбурлаб, айрим камчиликларни яшириш мақсадида сунъий, зўрмазўраки ҳаракатларни содир этишининг ҳожати йўқ. Ҳаракатлар қанчалик самимий ва имкон қадар оддий бўлса, ўқувчиларда ўқитувчига бўлган ишонч, хурматни шунчалик оширади. Гавдани олдинга-орқага тебратмаслик, ҳадеб тана оғирлигини бир оёқдан иккинчи оёқка ўтказмаслик, стул суюнчигига ёки кафедра (олий таълими мусассаларида маъруза ўқиш учун ажратилган жиҳоз)га бутунлай суюниб олмаслик, бошни ёки кулокни кашламаслик, бурунни артмаслик, кўзни ишжаламаслик, қўлда бирор буюмни айлантирмаслик ўқувчига қанчалик завқ берса, унда ўқитувчига нисбатан хайриҳоҳлини уйғотса, уларнинг аксини содир этиш ўқитувчининг ғашини келтиради. Дарс жараённида ўқитувчи гавдаси ҳаракатининг босиқ, ортиқча ҳаракатлардан ҳоли бўлишига эътибор қаратиши, ортиқча силкиниш ва кескин ҳаракатларни содир этишдан ўзини тута олиши зарур.

Педагогик техниканинг яна бир муҳим таркибий қисми – бу **мимика** саналади.

Мимика – бу юз мускулларининг ҳаракатлари орқали
ўз фикри, хис-туйгулари, кайфиятини, мавжуд
вокеликка нисбатан муносабатини ифодалаш

Жуда қадимдан инсон юз ифодаси ва қараши атрофдагиларга сўздан кўра кучли таъсир қилиши аниқланган. Шу сабабли қадимги Рим ва Юнонистонда нотикларнинг нафакат сўздан, шу билан бирга мимика, пантомимика ва жест (гавда, қўл ва оёқ ҳаракат)лардан самарали фойдалана олишларига эътибор қаратилган. Бугунги кунда ҳам ривожланган мамлакатларда сиёсатчиларнинг юкорида кайд этилган ҳаракатлар бўйича малакаларни ўзлаштира олишларига жиддий эътибор қаратилади.

Ўқитувчи томонидан мимика, пантомимика ва жест (гавда, қўл ва оёқ ҳаракат)лардан самарали фойдалана олиш малакаларни самарали ўзлаштира олиши унинг меҳнатини қисман енгиллаштириш билан бирга ўқувчиларга таъсир кўрсатишида муайян муваффакиятларга эришиш имкониятини яратади. Зоро, мимика, пантомимика ва жестлар узатилаётган ахборотнинг хиссий аҳамиятини оширади, унинг пухта ўзлаштирилишини таъминлайди. Кўзлар ҳам юз ифодасини шакллантиришида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли кўзлар

ердамида турли маъноларни ифодалаш малакаларини ўзлаштира олиш ҳам маҳоратли ўқитувчи бўлиш учун ниҳоятда зарур.

Одатда, ўкувчилар ўқитувчининг кайфияти, руҳий ҳолати, атрофдагиларга муносабатининг қандай йўналишга эга бўлишини унинг юзидан, хатти-харакатлари, жестлари, ўзини тута билишидан билиб олади. Шу боис агарда ўқитувчининг кайфияти ёмон бўлса, уни қандайдир ҳайтий, педагогик муаммолар ўйлантираётган бўлса, у холда бу ҳолатларни яшириб турға олиш, ошикор кимасликни уддасидан чиқиши даркор. Бу каби салбий ҳолатлар, руҳий зурикишларни очиқ ҳавода пиёда сайр қилиш, табиат қўйнида, айниқса, сув ҳавзаларининг бўйларида дам олиш, қизиқарли китобларни ўқиш орқали бартараф қилиш мумкин. Юз ифодаси ва ҳаракатлар фақатгина таълим максадига, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилиши зарур.

Ўқитувчи юз мускуллари ва кўзларини тез-тез ҳаракатлантиришдан, шу билан бирга уларни бирдай қотиб қолишидан эҳтиёт бўлиши керак. Ўқитувчи нигоҳи ўкувчиларга қаратилган бўлиши, бевосита кўриш алоқасини вужудга келтира олиши зарур. Девор, дераза ва шилга қараб туришдан сакланиши, аксинча, барча ўкувчиларни дикқат марказида ушлаб туриш мухим.

Нутқ техникаси. Ўқитувчининг ўкувчиларга педагогик таъсир кўрсатишида унинг нутқи ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири саналади.

Ўқитувчи нутқи – педагогнинг таълим-тарбия жараённида тил воситаларидан фойдаланиши

Ўқитувчи нутқи ҳам товушларни ҳосил қиласидан органлар фаолияти иштирокида ташкил этилади. Нутқ кўпласб органлар иштироки, уларнинг имконияти билан ҳосил килинади:

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиш жараённида иштирок этувчи органлар (ұпка, иккита бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, хикилдоқ, ҳалкум, тишлар, лаблар, бурун бўшлиғи)

Нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи органлар умумий ҳолда нутқ аппарати деб юритилади. Ўқитувчи нуткининг такомиллашган бўлиши ўкув материалининг ўкувчилар томонидан пухта ўзлаштирилишини таъминлаш кафолати бўла олади. Одатда, ўкувчилар ўқитувчининг нутқига жиҳдий эътибор беради. Бирор ҳарф ёки товушнинг нотўри талаффуз килиниши уларнинг кулгиларига сабаб бўлади. Монотон (бир оҳангли) нутқ, ҳаддан ташкири баланд овоз тингловчини тез чарчатса, паст овозда сўзлаш эса ўкувчилар фаолиятининг сустлашувига олиб келади. Индивидуал сұхбат пайтилаги баланд овоздан ўкувчи ўзини алданаётгандек ҳис этганилиги сабабли унга нисбатан ишончсизлик билан қарайди. Бир гуруҳ мутахассислар товуш ва унинг тембри тутма хусусият дея эътироф этишади. Лекин замонавий экспериментал физиология товуш сифатини ўзгартириш мумкинлигини

тасдиклайди. Шу боис ҳар бир үқитувчи нутқ техникасини пухта ўзлаштире олиши лозим.

Нутқ техникаси – нутқни тингловчига етказишда кўлланиладиган воситалар мажмуи

Бугунги кунда нутқ техникаси бўйича бир қанча мажмуавий машқлар асосланган. Улар сўзлашиш пайтида тўғри нафас олиш, товуш ҳосил қилиш нутқни маъноли ифодалаш малакаларини такомиллаштиришига ёрдам беради.

Ўқитувчи нутқининг ҳосил бўлишида нафас олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Нафас олиш организмга ҳаёт бағишлиловчи физиологик функцияни бажариш билан бирга нутқнинг энергия базаси ҳам ҳисобланади

Нутқли нафас олиш **товушли нафас олиш** (фонацион, юончадан "phono" – товуш) деб номланади. Инсоннинг кундалик ҳаётидаги нутқ, асосан, диалог шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам нафас олиш сртикча кийинчили тұғдирмайди. Касбий фаолиятида, айникса, дарс жараёнинда үқитувчи узок сўзлайди. Еу эса янги мавзуни тушунтириш, маъруза үқиш билан боғлиқ. Агар үқитувчи нафас олиш техникасини яхши эгалламаган бўлса, унда педагогика фаолият жараёнинда узоқ сўзлаш оқибатида томир уришининг тезлашуви юзининг кизариб кетиши, нафас кисилиши рўй беради.

Айни ўринда нафас олиш техникасининг асосий турлари билан таниши ўтиш максадга мувофиқиди. Улар:

1. Кифтда нафас олиш. Нафас кўкракнинг юқори қисмида олинниб, кифтлар кўтарилади. Бундай нафас олиш зарарли. У кишини тез чарчатади. Меърида сўзлашга имкон бермайди.

2. Кўкрак-корин орқали нафас олиш. Бундай нафас олганда ўрга ковурғалар, бикин ҳаракатга келади, яъни улар кенгаяди.

3. Арапаш нафас олиш, яъни пастки ковурғалар, диафрагма иштирокиди нафас олиш. Бунда кўкрак қафаси ва кифтлар кўтариlmайди⁶⁶.

Нутқнинг ҳосил бўлишида товушлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Товуш – чиқарилган ҳавони хикилодждан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ходиса, садо, сас

Товуш ўзига ҳос бир қатор ҳусусиятларни намоён қиласди. Яъни:

1. Товуш кучи. Товуш аппарати органларининг фаол ишлашига боғлиқ бўлиб, чиқарилаётган ҳаво оқимининг товуш тиркисига бўлган босим қанчалик кагта бўлса, товуш ҳам шунча кучли бўлади.

⁶⁶ Курратов Т. Нутқ маданияти асослари / Олий ўкув юртлари учун ўкув кўлланма. Тошкент: "Ўқитувчи", 1993. – 23-бет.

2. Товуш пардози. Товушнинг узок масофага узатилиши ва қаттиқлигини таъминлашни билдиради.

3. Товушнинг ихчамлиги ва харакатчанлиги. Унинг мазмунига, тингловчиларга мослаб ўзгартирлишини англатади.

4. Диапазон. Товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва куйи оҳанглар билан белгиланади. Диапазоннинг қисқариши нутқни бир оҳангли (зерикарли) бўлиб колишига сабаб булади. Бир оҳангда гапириш ахборотни идрок килишини сусайтиради, уйкуни келтиради.

4. Тембр. Товуш рангдорлиги, ёрқинлиги, юмшоқлиги ва алоҳидалигини ифодалашга хизмат қиласди.

Ўқитувчи нутқини ташкил этишда дикция ҳам алоҳида ўрин тутади.

Дикция – сўзларнинг аник талаффуз қилиниши

Талаффузнинг аниклиги ўқитувчи нуткининг тушунарли бўлишига ёрдам беради, ўқувчилар томонидан тўғри тушунилишини таъминлайди. Талаффуз қанчалик аник бўлса, айтилаётган сўз, ифодаланаётган бўғин ва товушлар шунчалик тиник, ёрқин ифодаланади. Товуш нутқ аппаратининг барча аъзолари (лаблар, жағ, тишлар, юмшоқ ва қаттиқ танглай, кичик тил, кекирдак, томок орка девори, товуш найчалари)нинг биргаликда унумли ишлашига боғлиқ. Тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил, пастки жағ нутқда фаол иштирок этади. Шу сабабли уларни доимий машқ қилдириб туриш муҳим аҳамиятга эга.

Аник талаффуз қилишини такомиллаштириш – артикуляция – нутқ органларини ҳаракатлантириш орқали вужудга келтирилади. Артикуляция гимнастикаси икки турга бўлинади. Яъни:

- 1) нутқ аппарати учун дастлабки машқлар;
- 2) ҳар бир унли ва ундош товушларни тўғри ифодалашга ўргатувчи машқлар (ифодали ўқиш, тез айтишлар).

Ўқитувчи нуткининг ташкил этилишида ритмика ҳам муҳим ўрин эгаллади.


Ритмика – бу айрим сўз, бўғинларнинг эйтилиш муддати, тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради

Ритм (нуткининг вазни) нуткининг муҳим хусусияти саналади. Зеро, нутқ оҳанги, тўхтамлар ҳам тингловчиларга бевосита кучли ҳиссий таъсир кўрсатади. Нуткининг ритми (вазни)га кўра ўқувчига узатилаётган билимлар, ўкув материалининг мураккаб ўрнлари ўқитувчи томонидан аста-секин баён қилинади, осон ўзлаштириладиган қисмларини эса нутқни бир қадар тезлаштириб баён этиш мумкин.

Ўқитувчи ўз фаолиятида аник, равон, маъноли, ифодали нутқни ўзлаштира олиши, бир сўз билан айтганда нутқ маданиятини эгаллаши зарур.

Нутқ маданияти – бу ўз фикрини нутқ ёрдамида мантикли, тўғри, образли, аник, ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Ижтимоий муносабатларни ташкил этишда нутқнинг монолог, диалог, полилог шакларидан фойдаланилади. Ўқитувчи фаолиятида хам нуткнинг айнан мана шу шакларидан фойдаланиши ҳолатлари кузатилади (54-расм):



54-расм. Ўқитувчи нутқининг асосий шакллари

Ўқитувчи синфда оғзаки нутқнинг түрли шакларидан фойдаланади. Күйи синфларда күлпрок нутқнинг диалог ва полилог шакли самаралидир, чунки бу босқичда таълим асосан сұхбат усулига асосланади. Монологик нутқдан ўқитувчи хикоя, тасири, таъриф, тавсиф характеристидаги мавзуларни баён этишда фойдаланади. Бундай нутқ ижтимоий, гуманитар фанлар – фалсафа, сиёсатшunosлық, педагогика, психология, социология, маданиятшunosлық, "Миллий истиқтол ғояси", "Маънавият асослари", тарих, хуқуқ ҳамда адабиёт дарсларида күлланилса, диалог шаклидаги нутқ она тили, чет тили, математика, физика, биология, география, информатика ва ахборот асослари фанлари бүйіча ташкил этиладиган дарсларида күл келади. Ўрганилаётган мавзунинг маҳиятидан келиб чиккан ҳолда ўқитувчи ҳар бир дарсда оғзаки нутқнинг барча шакларидан үринли, максадли фойдаланиши мүмкін.

Таълим-тарбия жараённанда "ўқитувчи мутахассисликка оид ишининг йирик бұлғарын нутқи орқали амалға оширади. Шунинг учун унинг нутқи ҳамма вакт гояйиң юксак, равон, юмшқ, дилкаш бўлиши лозим. Нутқда субугсизлик ўқитувчи учун нолойикдир. Ҳар бир нутқ болаларнинг ёш хусусиятларини, билими ва тушунчасини назарда тутиб тузилиши шарт. Шу билан бирга, ўқитувчининг нутқи ёш авлод кўз олдида уни ўраб олган моддий ва маънавий дунёнинг янги қирраларини очиб боришни мақсад қилиб кўяди. Ўқитувчининг нутқи таълим ва тарбия беришнинг асосидир.

Ўқитувчининг нутқи имкони борича синтактик (юнонча syntax – тузиш, бириктириш, бирикма; бирор тилдаги сўзларнинг сўз бирикмалари ва гапларга бирикиш усуллари; сўз бирикмалари, гапларнинг турлари ва маънолари) жиҳатдан солда, жозибадор, таъсирчан тузилиши лозим.

Педагогик нуткий мулокотнинг ўзига хослиги ўқитувчининг ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда ҳам тарбиячи эканлиги билан тавсифланади. Педагог ўз тарбияланувчилари билан кўпроқ аудиторияда, дарсда нуткий мулокотда бўлади. Унинг нутқи илмий-педагогик мазмун касб этади. Бундай нутқда илмнинг түрли соҳаларига хос коидалар, атамалар, ҳулосалар акс этади. Бундай

нүткәдә ҳар бир нарса ўз ўрнида, мөъёрида бүләди. Атамаларга, янги сўзларга берилган изохлар содда, ўқитувчи ҳазм киладиган синтактик курилмаларда берилади. Қоида ва назариялар ҳаётий, ўқувчига яқин мисоллар билан тушунтирилади”⁶⁷.

Ўқитувчи мавзулар бўйича материалларни ўқувчиларга етказиб беришда уларнинг хулқига самарали таъсир этиш мақсадида кўз, қоц, қўл, юз, бош, кафтлари ёрдамида мос ҳаракатларни амалга оширади. Унинг бундай ҳаракатлари тасдиқ ёки инкорни ифодалаши мумкин. Ўқитувчи томонидан содир этилаётган ҳаракатлар ўринли бўлса улар сўзсиз педагогик таъсир жараёнини кучайтиради. Бирок, бу каби ҳаракатларни ўринисиз, тез-тез содир этавериши ўқувчиларнинг дикқатларини сусайтиради, уларни зериктириб кўяди.

Педагогик жараёнда ўқитувчининг таъсирини кучайтирадиган омиллардан бири – бу унинг овози, унга хос бўлган хусусиятлар саналади. Ўқитувчи овозининг ёқимли ва жарангдор бўлиши ўқувчилар эътиборини ўзига тўла карата олишини таъминлайди. Таъсирчанлигини аниқлаш учун ўқитувчи овозининг қанчалик даражада кучли, ширадор ва ёқимли эканлигини билиши, зарур вазиятларда овознинг бу каби хусусиятларидан унумли фойдалана олиши зарур. Ўз овозида маълум камчиликлар борлигини сезган ўқитувчи уларни бартараф этишга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун овоздан фойдаланиш, уни яхшилаш техникаси устида изчил, доимий машқ қилиб бориши талаб этилади. Бинобарин, бир ёки икки марта қилинган машқ билан овоз хусусиятларини яхшилашиб бўлмайди.

Ўқитувчи овози ўзида қўйидаги хусусиятларни акс эттира олиши зарур:

- 1) жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги);
- 2) кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси);
- 3) ҳаводорлик (эрkin сўзлаганда яхши эшитувчанликка эга бўлиши);
- 4) ихчамлик, ҳаракатчанлик;
- 5) чидамлилик (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиш);
- 6) мослашувчанлик (динамика, тембр, мелодиканинг эшитилиш шароитига мослаша олиши);
- 7) қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (халақит берувчи шовкинга тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши);
- 8) суттегивлик (овознинг хаяжон ифодалashi, бу орқали, қандай сўз айтилаётганидан катъий назар, тингловчининг хулқига таъсир қилиш хусусияти).

Педагогик фаолиятни ташкил этишда ўқитувчи ўз нутқининг:

- 1) адабий (шева сўзларининг кўлланилмаслиги) мөъёларига (кади – қовок, памилдори – помидор, кевогти – келяпти, картишка – картошка ва х.к. тарзида) амал қилиш;

⁶⁷ Кудратов, Т. Нутқ маданияти асослари / Олий ўқув юртлари учун ўқув кўлланма. – Ташкент: “Ўқитувчи”, 1993. – 23-бет.

2) талаффуз (о, а, у, ў, ф, в, п, д, т, х, ҳ, с, ц, ж, ш) мөърларига (онор – анор, ухшаш – ўхшаш, палакат – фалокат, Ҳамит – Ҳамид, сентнер – центнер, иштимоий – ижтимоий каби шакллар) риоя этиш;

3) келишик мөърларига (Собирни укаси – Собирнинг укаси, ўкувчини дафтари – ўкувчининг дафтари, поездга келдим – поездда келдим ва бошқалар кўринишида) амал қилишга жиддий эътибор қаратиши зарур. Зеро, юкорида айтиб ўтилганидек, ўқитувчининг түгри тузилган, таъсирчан нутки самарали тарбиявий таъсир омилларидан бири саналади.

Назорат учун саволлар:

1. “Педагогик маҳорат” фанининг мақсади нимадан иборат?
2. Педагогик маҳораг нима?
3. “Педагогик креативлик” (“педагогик яратувчилик”) тушунчаси қандай маъненик англатади?
4. Педагогик маданият ўзида нималарни акс эттира олиши лозим?
5. Педагогик одоб нима?
6. Педагогик мулоқот маданияти қандай шартларга мувофик ташкил этилади?
7. Педагогик мулоқот жараённида қандай вазифалар бажарилади?
8. Педагогик ҳамдардлик (педагогик эмпатия) нима?
9. Ўқитувчи мулоқотининг либерал услуги ўзида қандай хусусиятларни намоён этади?
10. Қобилияти үқитувчилар ўзларида қандай сифатларни намоён этади?
11. Педагогик такт нима ва унда қандай хусусиятлар намоён бўлади?
12. Педагогик техниканинг асосий гурухлари кайсилар?
13. Таълим амалиётида ёш үқитувчиларнинг педагогик техникасида куйидаги жузъий камчилликлар учрайди?
14. Нутқ техникаси нима?
15. Нафас олишнинг қандай турларини биласиз?

Тест топшириклари:

1. “Педагогик маҳорат” фанининг вазифалари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 - а) талабаларни педагогик маҳоратнинг таркиби қисмларига доир назарий билимлар билан куроллантириш; уларда педагогик фаолиятни оқилона ташкил этиш, педагогик жараённи самарали йўлга қўйиш кўнишка, малакаларини ривожлантириш;
 - б) талабаларнинг педагогик ҳамкорликни қарор топтириш технологиясига оид билимларни эгаллашларини таъминлаш; уларда педагогик одоб ва маданият сифатларини таркиб топтириш, педагогик қобилиятни шакллантириш;
 - с) талабалар томонидан педагогик мулоқот, педагогик назораг (такт),

техника ва педагогик таъсир кўрсатиши кўнилма-малакаларини етарли даражада ўзлаштирилишини таъминлаш; бўлажак мутахассис сифатида талабалар педагогик маданиятни шакллантириш;

d) барча жавоблар тўғри.

2. Педагогик маҳоратнинг энг муҳим таркибий қисмлари қайси жавоб тўғри келтирилган?

a) педагогик одоб, педагогик билимдонлик, педагогик қобилият, педагог мuloқot маданияти, педагогик релаксация, коммуникатив таъсир кўрсатиб қобилияти,

b) педагогик тантар, педагогик техника, нутқ техники, педагог ижодкорлик, педагогик тажриба, педагогик маданият.

c) а ва b жавоблар;

d) тўғри жавоб йўқ.

3. Педагогнинг касбий фаолиятини мавжуд ижтимоий талаб, хукук месъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касб тайёргарлик даражаси. Мазкур таъриф педагогик маҳоратнинг қайси таркиб қисми моҳиятини ифодалайди?

a) педагогик одоб;

b) педагогик билимдонлик;

c) педагогик техника;

d) педагогик тажриба.

4. Педагогик билимдонлик негизида яна қандай сифатлар кўзга ташланад

a) педагогик одоб ва педагогик релаксация;

b) педагогик тажриба ва педагогик техника;

c) педагогик креативлик ва педагогик рефлексия;

d) педагогик фаолият ва педагогик маданият.

5. Педагогик лойиҳалаш маданияти, касбий билимларни пухта ўзлаштири маданияти, педагогик дунёкарош, фикрлаш маданияти, ҳис этиш мадания баҳолаш маданияти, мuloқot маданияти, ташкилотчилик қобилияти. Мазк сифатларни умумлаштирган холда қандай номлаш мумкин?

a) педагогик маҳорат;

b) педагогик техника;

c) педагогик тажриба;

d) педагогик маданият.

6. Педагогик одобнинг асосий шакллари қайси жавобда тўғри кўрсатилга

a) педагогнинг касбий вазифаси, педагогнинг ижтимоий мавқе педагогнинг ҳамкаслари ўртасидаги обруси, педагогнинг масъулияг ёндашуви;

- b) касбий-педагогик бурч, педагогнинг ижтимоий мавқеи, педагогик обру, педагогнинг масъулияти ёндашуви;
- c) касбий-педагогик бурч, педагогик адолат, педагогик мажбурият, педагогик обру;
- d) педагогик адолат, педагогнинг касбий вазифаси, педагогик мажбурият, педагогнинг ҳамкаслари ўртасидаги обруси.

7. Педагогик мулокотнинг асосий йўналишларини кўрсатинг.

- a) педагогнинг алоҳида ўкувчи билан, бутун синф билан бўлган мулокоти;
- b) педагогнинг алоҳида ўкувчи орқали бутун синф билан мулокоти, педагогнинг бутун синф орқали алоҳида ўкувчи билан мулокоти.
- c) педагогнинг алоҳида ўкувчи билан мулокоти, педагогнинг алоҳида ўкувчи орқали бутун синф билан мулокоти, бутун синф билан бўлган мулокот, педагогнинг бутун синф орқали алоҳида ўкувчи билан мулокоти.
- d) барча жавоблар тўғри.

8. Ўқитувчи мулокотининг асосий услублари кайсилар?

- a) авторитар услугуб, демократик услугуб, либерал услугуб;
- b) авторитар услугуб, демократик услугуб, анъанавий услугуб;
- c) демократик услугуб, анъанавий услугуб, замонавий услугуб;
- d) оғзаки услугуб, ёзма услугуб, либерал услугуб.

9. Педагогга хос бўлиб, педагогик фаолиятни окилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятлар нима деб аталади?

- a) педагогик маданият;
- b) педагогик маҳорат;
- c) педагогик одоб;
- d) педагогик қобилият.

10. Педагогик қобилият турлари қайси жавобда кўрсатилган?

- a) педагогик кузатувчаник, ўкувчилар характер сифатларининг тарбияланишига бўлган талабчаник, ташкилотчилик қобилиятлари;
- b) педагогик хаёл (фантазия), педагогик такт, ташкилотчилик қобилиятлари, нутқ маданиятига эгалик;
- c) педагогик кузатувчаник, педагогик хаёл (фантазия), характер сифатларининг тарбияланишига бўлган талабчаник, педагогик такт, ташкилотчилик қобилиятлари, нутқ маданиятига эгалик;
- d) тўғри жавоб йўқ.

11. Таълим олувчилар (ўкувчи, талаба, тарбияланувчи)ларнинг хиссий фаолияти, руҳий-жисмоний куввати, ишchanлик қобилиятини кайта тиклаш нима деб аталади?

- a) педагогик эмпатия;

- b) педагогик рефлексия;
- c) педагогик релаксация;
- d) педагогик антипатия.

12. Педагогга алоҳида ўқувчи (талаба, тарбияланувчи), таълим олувчи жамоасига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўлиш учун зарур бўлган билим, кўнкма, малакалар мажмуи – бу ...

- a) педагогик маданият;
- b) педагогик маҳорат;
- c) педагогик тажриба;
- d) педагогик техника.

13. Пантомимика – бу ...

- a) юз мускулларининг ҳаракатлари орқали ўз фикри, ҳис-туйғул кайфияти, мавжуд воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаш;
- b) гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати;
- c) педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажра кўрсатиш, маълум киёфа орқали гавдалантиришга имкон берадиган гавда, ва оёқларнинг ҳаракати;
- d) тўғри жавоб йўқ.

14. Юз мускулларининг ҳаракатлари орқали ўз фикри, ҳис-туйғул кайфияти, мавжуд воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаш нима номланади?

- a) пантомимика;
- b) мимика;
- c) жест;
- d) сўзсиз ифода.

15. Ўпка, иккита бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳиқилдок, ҳалкум, тиши лаблар, бурун бўшлиғи. Булар қандай органлар саналади?

- a) товуш ҳосил қилувчи органлар;
- b) нутқ ҳосил қилувчи органлар;
- c) ҳис-туйғуларни ҳосил қилувчи органлар;
- d) амалий хатти-ҳаракатларни ҳосил қилувчи органлар.

16. Дикция нима?

- a) сўзларнинг аниқ талаффуз килиниши;
- b) сўзларнинг тўғри кўлланилиши;
- c) сўзларнинг кучма маъно англитиши;
- d) сўзларнинг туб маъноси.

16. Ўқитувчи нутқининг шакллари қайсилар?

- a) монолог, диалог, полилог;
- b) диалог, ички монолог, ташки монолог;

- c) полилог, ички монолог, диалог;
- d) тұғри жағоб йүқ.

Фойдаланыш учун адабиётлар:

1. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. – Москва: Педагогика. 1990. – 144 с.
2. Кухарев Н.В. На пути к профессиональному совершенству. – Москва: Просвещение, 1990. – 159 с.
3. Мухиддинов А.Г. Үқув жараёнида нұтқ фаолияти. – Тошкент: Үқитувчи, 1995. – 65 бет.
4. Основы педагогического мастерства / Под ред. А.Зюзина. – Москва: Просвещение, 1989. – 302 с.
5. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар / Маъruzalар матни. Тузувчилар: А.Х.Қосимов, Ф.А.Холиков. – Тошкент: ТАТУ, 2004. – 132 бет.
6. Сайдахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Тошкент: Олий педагогика институти, 2003. – 125 бет.
7. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. – 149 бет.
8. Тарбиявий ишлар методикаси / Педагогика институтлари учун үқув күлланма Л.И.Рувинский таҳрири остида. – Тошкент: Үқитувчи, 1991. – 376 бет.
9. Холиков А. Педагогик маҳорат / Үқув күлланма. – Тошкент: "Iqtisod-moliya", 2010. – 311 бет.
10. Husanov B., G'ulomov V. Muomala madaniyati / Darslik. – Toshkent: "Iqtisod-moliya", 2009. – 156 bet.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚҰЛЛАШ

Река:

1. Илғор педагогик технологиялар ва уларнинг дидактик аҳамияти.
2. Педагогик технологияларнинг асосий вазифалари.
3. Педагогик технологияларнинг турлари.
4. Таълим технологиялари.
5. Тарбия технологиялари.
5. Педагогик технологияларнинг үзига хос хусусиятлари.
6. Педагогик жараённинг технологик паспорти.
7. Педагогик жараённинг технологик харитаси.
8. Шахсга йұналтирилған таълим технологияларининг турлари.
9. Интерфаол методлар

Таяның түшүнчалар: технология, технологик ёндашув, педагогик технология, таълим технологияси, тарбия технологияси, технологик лойиха, шахсга йұналтирилған таълим технологиялари, технологик паспорт, технологик харита, интерфаол методлар.

Илгор педагогик технологиялар ва уларнинг дидактик аҳамияти. Ҳар бир назария үзининг методологик асосларига эга бўлади. Таълим технологияси назариясининг илк ғоялари илгари сурилган даврларда ёк мазкур назариянинг асослари хам яратила бошланган. Таълим технологияси назариясининг умумий асосларини унинг максади, мазмунни, вазифалари, тамойиллари, объектив (ташки) ҳамда субъектив (ички) омиллари, обьекти, асосий тушунчалари, мезонлари ва бошқалар ташкил этади.

Технология (юнонча “techne” – маҳорат, санъат; “logos” – тушунча, таълимот) – ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомаше, материал, ярим фабрикат ва шу кабиларга ишлов бериш ёки кайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари, шаклини ўзgartаришида кўлланиладиган усуслар (методлар) мажмуи

Юқорида қайд этилганидек, педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлиб асосланиб келинаётган бўлса-да, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Ҳусусан, педагог олим В.Л.Беспалько педагогик технологияни “амалиётга тадбиқ килинадиган муайян педагогик тизим лойихаси” деб таърифлаб, асосий диккатни ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойихалашга қаратади⁶⁸. Н.Ф. Талызина эса педагогик технологияни “фан ва амалиёт оралигига муайян тамойилларни олга сурувчи методлар ишлаб чиқарувчи, уларни изчил кўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан”⁶⁹ булиши лозимлигини қайд этади ва х.к.

Сўнгги ўн йил давомида истеъмолда “педагогик технология”, “замонавий педагогик технология”, “ўқитиш технологияси” каби тушунчалар кенг кўлланмоқда. Аксарият ўқитувчилар “таълим технологияси”, “педагогик технология” тушунчалари мазмунан бир маънени англатишини таъкидлайди. Бундай ёндашув у қадар тўғри эмас. Зоро, юқорида қайд этиб ўтилганидек, таълим жараёнини технологиялаштириш ғояси дастлаб Фарбий Европа ва АҚШда шаклланган. Фарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда “Педагогика” фани мавжуд эмас, шу боис “педагогик фаолият”, “педагогик технология” тушунчаси ҳам истеъмолда йўқ.

Номлари қайд этилган мамлакатларда шахсга илмий билимларни бериш жараёни “таълим жараёни” сифатида номланади, шахсга билимлар бериш, Унинг маълумотини ошириш, таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат килувчи фанлар мажмуи “Методика” деб юритилади. Методика фанларини ўқитишида асосий эътибор таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини таъминлашга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси (шу жумладан, МДХ мамлакатлари) таълим тизими амалиётида ўқитилиб келинаётган “Педагогика” фанининг предмети

⁶⁸ Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – Москва Педагогика, 1989. – С. 6.

⁶⁹ Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. – Москва: Изд-во МГУ, 1984. – С.

шахсни шакллантириши, унинг камолотини таъминлашига йўналтирилган таълимий ҳамда тарбиявий фаолиятни ташкил этиши жараёнининг мазмунидан иборат. Яъни, шахснинг етук камолоти икки мухим фаолият – таълимий, тарбиявий фаолият жараёнининг самараси натижаси сифатида намоён бўлади.

Хўш, “педагогик технология” ва “методика” тушунчалари бир хил маънони англатадими?

Бу ўринда Т.Н.Балло “педагогик технология” тушунчасига таъриф берар экан, уни ўқитиш жараёнига нисбатан топширикли ёндашув, Л.В.Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давыдовлар босқичли ўқитиш, Г.К.Селевко ва бошқа муаллифлар эса мазмунли умумлашма сифатида баҳолайди. П.Митчелнинг нуқтаи назарига кўра педагогик технология барча жихатларига кўра ўзига хос ва самарали натижаларни қўлга киритиш имконини берувку педагогик тизимни ташкил этиши билан боғлик ҳолда таълим тизими доирасида олиб борилаётган тадқиқот назарияси ва амалиётининг муайян тармоғидир⁷⁰.

С.К.Исламгулова эса “...технологик лойиҳага асосланган таълим жараёнини ташкил этиши усули бўлиб, у аввалдан белгиланган муайян қоида ва талабларга жавоб беради”, - деган қарашни илгари суради.

Бошқа муаллифларнинг ҳам ёндашувлари бир-бирларидан фарқ қиласди. М: техника ресурслари, ижтимоий субъектлар, уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шаклларини оптималлаштиришга йўналтирилган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришининг барча жараёнларини яратиш, қўлаш ва аниқлашнинг тизимли методи (ЮНЕСКО); педагогик мақсадларга эришиш йўлида фойдаланиладиган барча шахсий, ускунали ва методологик воситаларнинг тизимли йигиндиси, уларнинг амал қилиш тартиби (М.В.Кларин); таълим жараёнига нисбатан ўзига хос ёндашув; ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг педагогик ифодаси, технократик онгнинг педагогикага кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандарти (Б.Л.Фарберман); дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш, таълим жараёнини аввалдан лойиҳалаштириш (У.Н.Нишоналиев); ўқитувчининг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароит ва изчилликда таъсир кўрсатиш, мазкур фаолиятнинг маҳсулни сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёни (Н.Саидхмедов).

Метод ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигида ташкил этилаётган таълим жараённида қўйилган мақсадга эришиш усули саналади. Бирок, ушбу тушунча ҳам тадқиқотчилар томонидан турли шарҳланади. М: ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро боғланган ва таълим мақсадини ҳал этишига йўналтирилган фаолиятини тартибга солувчи усул (Ю.К.Бабанский); ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиши усули (Т.А.Ильина); дидактик вазифаларни ҳал этишига йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлиги борасидаги умумий назарий қараш (П.И.Лидкасистый) ва б.

⁷⁰ Исламгулова С.К. Технологизация процесса обучения в школе: теория и опыт. – Алматы: Творческая педагогика, 2003. – С. 23.

⁷¹ Ўша асар. – 25-бет.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида шахс ижтимоийлашувини таъминловчи етакчи омил сифатида таълим жараёни эътироф этилса, республикада шахснинг шаклланишида таълим ва тарбия жараёни бирдек аҳамиятга эга. Аксарият ҳолларда эса тарбия жараёни бу борада устувор бўлиши лозим, чунки ўзида ахлоқий хислатларни намоён эта олган шахсгина ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида улар мазмунининг ижобий хусусият касб этишини таъминлайди, ахлоқли инсонгина таълим (билим)ни калрлай олади, зеро, ахлоқнинг асосий категорияларидан бири ҳам билимлилик саналади, деган гояни илгари суриласди. Шундай экан, бу ўринда “педагогик технология” тушунчасининг кўулланилиши асосий эътиборни фақат таълим жараёнини самарали ташкил этишгагина қаратмай, балки ҳам таълим, ҳам тарбия жараёниниң самарадорлигини таъминлашга бирдек қаратиш лозим.

“Таълим технологияси” тушунчаси “таълим методикаси” тушунчасига нисбатан кенгdir.

Таълим методи – ўкув жараёниниң мажмуавий вазифаларини очишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўкувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўкув предметини ўқитишинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини тавсифлайди

Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёниниң умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, боқичма-боқич амалга ошириш, аниқ мақсадига эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиши, улардан самарали, унумли фойдаланиши, таълим жараёнини юқори даражада бошқаришни ифодалайди

“Таълим технологияси” тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча “An educational technology”) – таълим жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этишга онд маълумотлар берувчи фан, таълимот маъносини англатади. Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, айни вақтда таълим технологияси тушунчасини мантиқий-гоявий жиҳатдан изоҳлаш борасида ягона фикр мавжуд эмас.


Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасидан фарқли ўлароқ, таълим технологияси ўкувчилар фаолиятига нисбатан йўналтирилган булиб, у ўкувчиларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатта олган ҳолда, ўкув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат килади.

Педагогик технологияниң асосий муаммоси –
ўкувчи шахсини **ривожлантириш** оркали
таълим мақсадига эришишни таъминлаш

ХХ аср кишилик жамияти таракқиёт тарихидан фан ва техника соҳасидан юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техники ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарни (гоявий), амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янтича мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади.

Кишилик жамияти таракқиётининг куйи босқичларида шахсни тарбиялантиш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий, мураккаб талаблар кўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта оловучи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишини тақозо этмоқда.

Ижтимоий таракқиёт билан узвий алокадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан-техника ютукларидан самарали, унумли фойдалана олиш вазифаси мазкур фан олдига ҳам қўйилгандир (55-расм):



55-расм. Ижтимоий таракқиёт ва узлуксиз таълим мазмуни

Бугунги кунда республика ижтимоий ҳаётига ҳам тезкор ахборот оқими бевосита таъсир кўрсатмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хуласалаш, ўкувчига етказиб беришни йўлга кўйини таълим тизими олдидаги турган долзарб муаммолардан бири хисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қиласди.

Таълим тизимини технологиялаштириш гояси ўтган асрнинг бошларида Гарбий Европа, АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни яратишга қаратилган ижтимоий ҳаракат юзага келган даврда илк бора ўргага ташланди. Мазкур гоя 30-йилларда таълим жараёнига “педагогик техника” (“таълим техникаси”) тушунчасининг олиб кирилиши

бидан асосланди. Бу даврларда яратилган маҳсус адабиётларда “педагогик техника” (ёки “таълим техникиаси”) тушунчаси “ўкув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йигиндиси” тарзида талкин этилди, ўкув жараёнига ўкув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини кўргазмали куроллар ёрдамида тушунтириш каби ҳолатлар таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир дея баҳоланди.

XX асрнинг 50-йилларида таълим жараёнида техник воситаларни қўллаш “таълим технологияси” йўналишини белгилаб берувчи омил дея зътироф этилди, асосий зътибор ўкувчилар аудиториясини кенгайтириш техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширилиши, техник воситаларнинг имкониятларини янада такомиллаштириш, уларнинг ахборот сигимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга қаратилди. Бу йўлда олиб борилган тадқиқотларнинг обьекти, таянч нуқтаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни қабул қилинди, ўкув жараёнини “технологиялаштириш”нинг ташкилий жиҳатларини ўрганишга алоҳида ургу берилди.

60-йилларнинг бошларидаги таълимни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш “технология” тушунчасининг моҳиятини очиб берувчи омил сифатида кўрила бошланди. Дастурий таълим ўкувчиларга муайян билимларни алоҳида қисм ҳолида эмас, балки изчил, яхлит тарзда берилшини назарда тутади (5-жадвал):

5-жадвал. “Таълим технологияси” назариясининг шаклланиш босқичи

№	Босқичлар	Йиллар	Таълим технологияси – ТТ
1.	I-босқич	XX аср 30-йиллар	ТТ = Птех: ўкув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йигиндиси (педагогик техника – Птех)
2.	II-босқич	XX аср 50-йиллар	ТТ = Птех. + ТВ: таълим жараёнида техник воситаларни (ТВ) қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сигимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, ўкувчи фаoliyatiini индивидуаллаштириш:
3.	III-босқич	XX аср 60-йиллар	ТТ = Птех. + ТВ + ДТ + Дастурий таълим (ДТ) – таълим мақсадларининг аникланиши, таълим жараёнини умумий лойиҳалаш, ўкувчилар томонидан назарий билимлар ўзлаштирилиши эҳтимолини олдиндан ташхислаш, таълим жараёни самарадорлигини аниклаш, таълим мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаoliyiat натижаларини таҳлил этиш ТТ = Птех + ТВ + ДТ

Таълим жараёнини технологиялаштириш назариясининг шаклланиши узок муддатли вақт оралигида кечди. Қатор мамлакатлар – АҚШ, Англия, Япония, Италияда таълим технологияси ва унинг муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим технологияси муаммоларини тадқиқ этувчи ташкилотлар (м: Таълим коммуникацияси ассоциацияси, 1971 йил; Педагогик таълим Миллий қенгаши, 1967 йил) тузилди, маҳсус журнallар (“Таълим технологияси” (“Educational Technology”), 1961 йил, АҚШ; 1970 йил, Англия; 1965 йил, Япония; 1971 йил, Италия; “Таълим технологияси ва дастурли таълим”, 1964 йил, Англия; “Таълим технологияси соҳасидаги тадқиқотлар”, 1965 йил, Япония) нашр этилди.

Мустакиллик щароитида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари фаолияти жараёнига янги педагогик технологияларни олиб киришга қаратилган ҳаракат бир қатор етакчи ташкилотлар томонидан олиб борилмоқда. Хусусан, AXELS, IREX, JICA, KOICA каби ташкилотлар томонидан олиб борилган фаолият ўзининг самарадорлиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Сўнгги ўн йиликлар ичida юқорида номлари келтирилган ташкилотларнинг кўмагида республиканинг бир қатор етакчи олий ўкув юртлари қошида Инновацион марказлэр (Педагогик технология марказлари) ташкил этилди.

Таълим ва тарбия жараёнинида педагогик технологияларни қўллаш муайян афзалликларга эга. Яъни технологик ёндашув орқали таълимий, педагогик, ижтимоий фаолият кирраларини очища янги имкониятлар яратилади. Жумладан: натижаларни юқори аниқлуда қайд этиш, педагогик жараённи самарали бошқариш; мавжуд амалий тажрибани илмий асосда тахлил килиш, қўллаш; таълимий ва ижтимоий-тарбиявий муаммоларни яхлит ҳал этиш; шахс ривожланиши учун қурай шароитни таъминлаш; инсониятга нокулай ҳолатларнинг таъсирини камайтириш; ресурслардан оқилона фойдаланишини йўлга қўйиш; кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувоғиқ самарадор янги технологияларни ишлаб чикариш, ижтимоий-педагогик муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Педагогик технологияларнинг умумий моҳияти, устувор тамоиллари ва асосий вазифалари. Таълим жараёнини технологик ташкил этишининг умумий мезони сифатида унинг аник ва пухта ўйланган мақсадга йўналтирилганлиги қабул қилинган. Бунда асосий (умумий) ва жузъий мақсадларни амалга ошириш учун муайян конуният, жараён, тизим ҳамда унга мос амаллар мажмуй тақозо этилади. Педагогик технологиянинг воситавий йўналтирилганлиги эса унинг кенг имкониятларга эгалигини белгилаб беради. Бу ўринда таълимнинг ташкилий жиҳатлари аввалдан, гўё ташқаридан белгиланган мақсадларга эришиш усули сифатида қаралади. Мос равиша амалга оширилиши талаб этиладиган жараёнлар моҳиятини таҳжил этиш, уларни саралаш ўкув фаолияти мазмунини ҳисобга олмаган ҳолда йўлга кўйилади.

Ўкув машғулоти учун таълим методларини танлашнинг мухим шарти – бу ўкувчиларнинг билим даражаларини олдиндан ташхислаш, уларнинг кўнинма,

малакаларини мавжуд меъёрий талаблар билан тақкослаш ҳисобланади.

Таълим жараёни ўкувчиларнинг белгиланган мақсад асосида ҳаракат қилишларини узлуксиз назорат қилишни назарда тутади.


Педагогик технология таълим мақсадига ташкилий-услубий воситалар ёрдамида эришиш мумкинлигини ифодалайди. Агар технологик тизимларда асосий эътибор билимларни узатиш, ўкувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар даражасини аниқлаш мақсадида назоратни йўлга кўйишга доир ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқишига йўналтирилган бўлса, методлар мажмуасини танлаш асосан амалий (ёки тажриба) асосда амалга оширилади.

Таълим жараёнини самарали ташкил этишда уни лойихалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим жараёнини лойихалаштириш – алохода олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатта олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқиш

Таълимнинг тўлалигича стандартлаштиришга йўналтирилганлиги технологик ёндашувга хос бўлиб, у дидактикада таълимнинг асосий жиҳатларидан бири сифатида эътироф этиладиган ва кейинги йилларда бутун жаҳон педагогикасининг тадқиқот обьектига айланган ўқитувчи, ўкувчи ўртасида юзага келувчи муносабатлар мазмунини ифодалайди.

Таълим жараёнини лойихалашга технологик ёндашув қўйидаги асосий босқичлардан иборат (56-расм):



56-расм. Таълим жараёнини технологик лойихалаш босқичлари

Босқичлар кетма-кетлиги ўқитувчи ҳаракатларининг даврийлигини, тақрорланиб туришини ифодалайди. Босқичларнинг бир-бирига мувофик равишда кетма-кет келиши ўқитувчи ҳаракатининг муайян мақсад, аник назорат усуллари, таълим шаклига кўра бир неча маротаба тақрорланиб бориши ҳисобига нийоясига етказилишини англатади.

Бундай ёндашув таълим самарадорлигига эришиш, таълим жараёнининг мазмунини, ўкувчига илмий билимларни турли воситалар ёрдамида етказиб

беришни назарда тутади. Таълим натижаси самарали равишда үзлаштириладиган билим, ўқитувчи ва ўкувчиларнинг биргаликдаги тадқиқотчилик фаолияти, бу борада орттирилган тажриба, ўкувчиларда ахлоқий-хиссий сифатларни шаклланганилиги билан белгиланади.


Таълим **мақсадларини**, баҳолаш мезонларини, таълимий шароитларни тақрорий ҳосил қилиш асосида тарбиявий фаолият жараёнига ҳам педагогик технологияларни самарали тадбиқ этиш мумкин. Шу тарзда педагогик технологиянинг асл моҳияти намоён бўлади, ўкув ва тарбиявий фаолият ўртасидаги тағовут барҳам топади. Таълим технологияси таълим мақсадларини аниклаштириш, яхлит жараённи қисмларга ажратиш, таълим натижаларини стандартлаштириш имкониятларини такомиллаштириш каби муҳим таълими муваммоларни ижобий ҳал қилиш имконини беради. Мазкур муваммоларни ҳал этишда мавжуд педагогик (автоматлашган ва автоматлашмаган) тажрибани инобатга олиши, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш мақсалга мувофиқ.

Педагогик технологиянинг ривожланиши истиқболлари унинг назарий асосларини танқидий равишда таҳлил қилиш, таълим жараёнига нисбатан самарали ёндашувнинг карор топиши хисобига таъминланади. Яъни, маълум вакт оралиғида педагогик технологиянинг назарий асосларини ўзгартириш билан бирга унинг "муаммо майдони"ни ҳам ўзгартириш мумкин бўлади.

Таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш бир қатор дидактика вазифаларни ижобий ҳал этишини тақозо қиласди. Чунончи, дидактика мақсадлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга мувофиқ равишида таълим жараёнини лойихалаш, таълим жараёнини лойихалашда яхлит жараён, унинг босқичлари ўртасида и мувофиқликни таъминланаш, ўкувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг тўлақонли ўзлаштирилиши, барча ўкувчилар билим, кўнекма, малакалари даражаларининг тенглашувига эришиш ва ҳ.к.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг ривожлантирувчи тамоилларига асосланган бўлиб, ўкувчи шахсини тарбиялаштирувчи йўналтирилиши лозим. Педагогик технология назариясининг марказида таълим жараёнининг раҳбари, айни вақтда, ушбу жараённинг ҳам субъекти, ҳам обьекти бўлган ўқитувчи ва ўкувчилар туради. Шундай экан, бу субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро мулоқот, уларнинг бир-бирларига нисбатан кўрсатадиган акс таъсирлари энг замонавий талабларга жавоб бера олиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи, аввало, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишига нисбатан кўйиладиган талаблар, таълимни ташкил этиш, бошқариш тамоиллари, йўллари, ўкувчини ақлий, жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилувчи усуспулар, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш, ўрганишга йўналтириш, ўкувчи шахси фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотта киришиш, педагогик фаолиятни ташкил этиш жараённада юзага келадиган муаммо, келинчи мовчиликларни биргаликда бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик мұхитини ҳосил қилиш, ўкувчи фаолиятига аник ва тўғри баҳолашга имкон берувчи методлар билан куролланган бўлиши лозим.

Педагогик технологиянинг асосий тамойилларини билиш бу жараёс түгрисида аниқ тасаввурга эга бўлишга имкон яратади. Педагогик технология умумий дидактик тамойилларга эга бўлиши билан бирга, куйидаги айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эгадир (57-расм):



57-расм. Педагогик технологиянинг умумий дидактик тамойиллари

Бир бутунлик, яхлитлик тамоили. Ушбу тамоил икки жиҳатни ўзида акс эттиради: 1) таълим, тарбия, шахс камолоти (тараккиёти) бирлиги; 2) педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги (“тизимлилик” тушунчаси бу ўринда ҳам маълум ўкув фанини ўқитиш жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хосликни англатади).

Асослилик (фундаментлик) тамоили. Мазкур тамоил фанларнинг ўрганиш обьекти, ички моҳияти, хусусиятларига кўра турли йўналиш (блок)ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Ўкув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Ҳар бир ўкув фани унинг учун ядро, ўзак саналувчи маълумотларга эга бўлиб, бу маълумотлар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, ўзлаштирилган билимларни кенгайтириб бориш йўлида таянч тушунчалар бўлиб хизмат қиласди.

Бундай ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўкув фанларининг муайян йўналишлар тарзида бириттирилиши шахе ҳотиграсига нисбатан зўриқишини камайтиради, фикрлаш кувватини оширади, тафаккурнинг юзага келишини таъминлайди.

XX асрнинг 80-йилларида таълим жараёнини ташкил этиш

ўкувчиларга мавжуд фанлар соҳалари бўйича оз-оздан маълумот (билим) беришдан иборат деб талкин этилган бўлса,

90-йилларда ушбу жараённинг ташкил этилиши

ўзлагатирилган билимлар негизида муйян, аниқ фан бўйича янги маълумот (билим)ларга эга булиш учун кулай шароитни яратиш жараёни сифатида кайд килингган

Мохиятли ёндашуз асослашнинг муҳим омили саналиб, у табийи, ижтимойи ва гуманинтар фанларни умумлаштиришни ҳам кўзда тутади.

Маданиятни англаш (маданий ҳәётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили. Мазкур тамойил олмон педагоги А.Дистервег томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳам ўз ахамиятини йўқотмаган. Маданиятни англаш тамойили ўқувчиларга ижтимоий жамиятнинг маданий таракқиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутади. Ўтган асрда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омили сифатида ўқитувчининг билим даражаси, ва маҳорати эътироф этилган бўлса, бугунги кунда унинг билими, салоҳияти, маҳоратининг юкори даражада бўлиши билангина муваффакиятларни кўлга киритиб бўлмаслиги барчага аён. Мазкур үринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, компьютер, мультимедия воситалари, жамиятнинг ижтимоий ва иктисодий таракқиётининг эътиборга олиниши мухим аҳамият касб этади. Эндилиқда мутахассислар

соха (ёки ўнналиш)ларнинг ўзига хос жихатлари, бу борадаги низарий ва амалий билимларни чукур билиш, муайян фаолиятларни самарали ташкил этиш, белгиланган муддатда аник максаддин ҳал этишига улгуринш, маълум ютуқларга эриша олиш

ғояси етакчи үрин тутувчи бозор муносабатлари шароитига тайёрланишлари лозим.

Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили. Тилга олинган ҳар икки тушунча ҳам лугавий жиҳатдан (юнонча “*humanus*” – “инсонийлик”, “*humanitas*” – “инсоният”), бир ўзакка эга бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифодалайди. Яъни **инсонпарварлаштириш** таълим муассасаларида ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, психология, филология ва б.)нинг киритилишини, “**инсонийлаштириш**” тушунчаси эса шаҳс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Бошқача айтганда, **инсонпарварлаштириш** – бу инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр-киммати, шаъни, орномуси, хукуқ ва бурчларини хурматлашга асосланувчи фаолиятини ташкил этиш жараёни бўлса, **инсонийлаштириш** “барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараккиёти) учун” деган ғоя асосида ташкил этилувчи фаслият жараёни саналади.

Таълим жараёнини лойихалаштиришда ҳар бир ўқитувчи ушбу тамойил катый амал килиши лозим ёки ўз мутахассислигига оид муаммоларни ҳал этишда уни жамият манбаатлари билан уйғун булишига эътибор берине максадга муроффикдир. Эндиликда педагог ўкувчилар фоалиятини авторитар

(якка хокимлик) тарз�다 бошқармай, балки таълимий ҳамкорлик гоялари содиклик асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошқача айтилса таълимни инсонийлаштириш тамоилиига амал қилинишини таъминлади. Ўхолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамоилии. Тамоил кўйида иккى жиҳатни ёритишига хизмат қиласди:

- 1) таълим муассасаларининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига ўкувчиларни жалб қилган холда тадқиқларни олиб бориши лозим;
- 2) ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синааб кўради, кузатади, тузагишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади

Ўқитиш жараёнининг мазкур иккى жиҳати мухим аҳамиятга эга бўлиб, ўқитувчининг касбий, педагогик маҳоратининг ошириб бориши, ўкувчиларни бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун замин яратади.


Таълимнинг узлуксизлиги тамоилии. Мазкур тамоил ўкувчиларни касбий сифатларга эга булишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётий фаолис давомида такомиллашиб боришини назарда тутади. Шахсга унинг бутун умр учун аскотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зоро, мавжу билимлар ҳар беш-үн йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Мазкур тамоил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этиши ётибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан ўкувчиларни мустақил билим олишлари учун зурур шароит яратиб беришни ифодалайди.

Фаолиятли ёндашув тамоилии назария ва амалиётнинг дидактикаи болликлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуйидаги иккى хил маънода изоҳланади:

- а) ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар;
- б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнини кўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар

Билимлар фаолият юритиши жараёнидагина мустаҳкамланади, шу сабабл ўкувчиларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётга татбиқ этилмаган билимлар тез орада унуглиб юборилади.

Таълим технологияларидан бирининг танланиши дарсда қайси даражадаг билим ва кўнкималарни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боялик. Бунд янги ўкув материалиини ўзлаштиришнинг қуйидаги даражалари инобатт олинади (58-расм):



58-расм. Янги ўкув материалиини ўзлаштириш даражалари

Бошланғыч на алгоритмик жақтастырылғанда даражалар самарағы билім, күнікмаларни анықлашып мезон вазифасини үтгайды. Үзлаштириштегі ушбу даражаларни анықташып беруден кейін технологияның ижорасы технология деб аташ мүмкін. Үкүв материалини есде сақлаг қолиш, күнікмаларни хосил қилишга йұнайтилген фәолияттың даражасы үкүвчиларнинг маңсаудор, натижавий фәолияттарын түрлі тәсілдермен үйргенде оның даражасы үкүвчилердің даражасы болады. Мазкур холат үкүв фәолияттегі ташкил этишке муаммоли ривожлантирувчы технологияның тәсілінде оның даражасы үкүвчилердің даражасы болады. Үкүв материалини рефератлаштырыш, жараённан ташкил этиш үкүвчилердің даражасы үкүв материалини рефератлаштырыш, жараённан ташкил этиш үкүвчилердің даражасы болады. Үкүв материалини рефератлаштырыш, жараённан ташкил этиш үкүвчилердің даражасы болады. Үкүв материалини рефератлаштырыш, жараённан ташкил этиш үкүвчилердің даражасы болады.

Үкүв фәолияттың даражасы үкүвчилердің даражасы болады.

Юкори даражадагы муаммоли, муаммоли ривожлантирувчы тәсіл, вазияттарни тәжілді көлемді топшириктер, мұстакил ишлар, муаммоли жақтастырылғанда даражадагы топшириктер, иштеп үйніледін шақлардан фойдаланып зарур

Үзлаштириштегі мазкур даражасын ифода этудың технологияның жараён зерттеулердегі даражасы болады.

Педагогик технологияның асосий мақсады комил шахсін шақлаптастырыш, учун пойдевор бүлгандар педагогик жараённан тәжілді топшириктер, инсонпарварлаштырыш, үкүвчининг мұстакиллігін таьминлаш, үкитиши жараёнында техник воситалар имкониятлардан самарағы фойдаланып шешіндең иборат.

Педагогик технологияның күллашда қойылады (59-расм). Күрсатылған вазифаларни ижобий халда этишке күйидегі шарттарға амал кишине лозим:

1. Мавжуд шароитларни инобатта олган холда фәолияттың ташкил этиш.
2. Үкүвчи (тарбияланувчи)ларнинг өшінші, физиологик, психологик, шахсий хусусияттарын хисоба олиш.
3. Таълим (тарбия) жараёнын демократлаштырыш ва инсонпарварлаштырыш.
4. Үкүвчи (тарбияланувчи)лар фәолияттегі объектив назорат киши, баҳолау.
5. Хусусий фанларни үкитиши жараёнында имкон кадар, албаттa, самарағында тәжілді топшириктер, педагогик технологияның түрлери.

Педагогик технологияның түрлери. Г.К.Селевконинг фикрича, педагогик фәолияттың камраб олиш соңасынан педагогик технологияның түрлери түрт гурух (вертикаль структура)га ажратылады (60-расм):

Асосий вазифалар

Таълим (тарбия) жараёнининг умумий, яхлит лойиҳасини ишлаб чикиш

Таълим (тарбия) жараёнида ҳал этиладиган аниқ мақсад ва вазифалари белгилаш

Таълим (тарбия) жараёни мөҳиятини башоратлаш
(тахмин қилиш) ва унинг мазмунини ишлаб чикиш

Таълим (тарбия) жараёни самародорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг
самарали, мақбул шакл, метод, усул, техник воситаларни ташлаш

Таълим жараёнида ўкувчининг эркин, мустакил фаолият кўрсатиши учун муайян
шарт-шароитларни яратиш, уларда маълум кўнимка, малакаларнинг шаклланиши
учун вакт ўрнини белгилаш, уларнинг билимларни дарражасини аввалидан ташхислаш


Ўкувчилар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ва баҳолашни ташкил этиш

Ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини жамаода
синаш, мақсаднинг натижаланғанлик дарожасини таҳлил этиш

59-расм. Педагогик технологиянинг асосий вазифалари

Таълим жараёнида таълимий-ижтимоий
сиёсатни амалга ошириш дарражасини
ифодалайди; мамлакат, минтақа,
ўкув муассасаларига хос яхлит таълим
жараёнини қамраб олади
(м: ривожлантирувчи таълим,
минтақавий таълим сифатини
бошқариш, маҳсус таълим
муассасаларда ташкил этилувчи
тарбиявий ишлар технологиялари)

Ўқув жараёнининг алоҳида кисм
(модуллари, хусусий, тармоқли, дидактик,
методик ёки тарбия вий вазифаларни ҳал
этувчи фаолиятни ифодалайди (м: субъект
ва обьектнинг алоҳида фаолият турлари,
мавзуни ўрганиш, билимларни
ўзлаштириш, материалларни тақрорлаш,
ўкувчилар билим, кўнимка, малакаларни
назорат қилиш технологиялари) – модулли-
тармоқли технология




Соҳага оид педагогик технологиялар;
маълум таълим ёки тарбия соҳаси
доирасидаги фаолият (умуми педагогик
ва умумметодик даража)ни қамраб
олади (м: таълим технологияси,
гўлдирувчи таълим технологияси, б.)

Кичик оператив вазифалар, шахснинг ўқиш
жараёнидаги индивидуал, б. субъектлар билан
ўзаро ҳаракати (алоқа-шахсий даража)ни
ифодалайди (м: ёзиш кўниммаларни
шакллантириш, шахснинг алоҳида
сифатларини тарбиялаш технологиялари)

60-расм. Педагогик технология (вертикаль тузилма)

Педагогик технологиянинг ётиқ (горизонтал) тузилмаси уч асосий нуқтаси назарни ифодалайди (61-расм):




61-расм. Педагогик технологиянинг ётиқ тузилмаси

Таълим-тарбия жараёни бутун машгулот давомида ўкувчи фаоллиги, қизиқувчанинг мунгизам равишда уйғотиб бориш максадини кўзда тутади. Ўкув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўкувчиларни тезкорлик билан ўкув ёки ўкув ишлаб чиқариш фаолиятига жалб килиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижани кўзламаган топшириклар машғулостнинг самарасиз яқунланишига олиб келади.


Бундай ҳолатлар кўпинча ўқитувчининг ўкувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига олиб келади. Натижа ўкувчидаги ортиқча хиссиётларга берилиш, ўкув фаолиятига ундовчи рағбатнинг пасайиши, ўқицдан безишиб, ўкув предмети ва ўқитувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчи ва ўкувчи орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, ноҳуш хиссиётларни бартараф этишга йўналтирилиши лозим. Педагогик муносабатда эришилган ютуқлардан завқланиш, ўкув фаолиятига чанқоқлик билан интилиш биргаликдаги ижодий мулокотга чорлаши керак. Таълим жараёнинда ўкувчи шахсига нисбатан хурматсизлик билан ёндашилганда кўзда тутилган талабчанликка, айниқса, онгли интизомни ўрнатишга эришиш мумкин эмас.

Таълим жараёнининг дидактик моҳияти куйядаги педагогик технологияларни ажратишга имкон беради (62-расм):




62-расм. Педагогик технология турлари

Педагогик муносабатнинг таркибий қисми бўлган мулокот (коммуникатив фаолиятният)ни кўйидаги шаклларда ўюштириш мумкин (63-расм):



63-расм. Педагогик жараёнда ўюштириладиган мулокотнинг асосий шакллари

Таълим-тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва ўкувчи орасидаги ўзаро муносабат, мулокотнинг бир неча методлари мавжуд бўлиб, улар кўйидагилар (64-расм):



64-расм. Ўқитувчи ва ўкувчилар ўртасидаги муносабат турлари

Ўқитувчиларни омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқитувчиларнинг ўқувчиларга мулокот асосида таъсир этиш йўлларини ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган метод ёки мулокот таъсирлари кўйидагилардан иборат: ишонтириш, исботли натижаларга асосланиш, бевосита ҳамда бильвоносита таъсир, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир методлари.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига фаол тадбик этиш ҳисобига таълим жараёнинг рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумотмумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни кийин таъзилаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади.

Шунинг учун билим, күнікма, малакаларни үзлаштиришда үқувчиларнинг бевосита фаолият күрсатышлари талаб этилади. Бу мұаммомонинг ечими бошқарувга асосланған педагогик технологияның күлланилиши билан боғликлер.

Педагогик технология турларини таңлап шакиланаётгаш билим, күнікма, малакалар, ташкил этилаётгаш дарслар шакли, күлланилаётгаш метод, методик усулларнинг хусусиятіга боғлиқ. Масалан, үқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, үқув материалларына тәнкідій ёндашиш күнікмасыны шакилантириши, маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қатorda уларни ривожлантириши учун дарснинг анъанавий шакиллари (үйгүнлаштирилған дарслар) билан биргаликта конференция дарси, ишchan үйин дарслари, интеграллаштирилған (икки компонентли) дарслардан фойдаланған лозим. Мазкур вазиятта таълим методлари таълим мақсади билан мутаносиб (адекват) бўлиши керак. Чунончи, билимларни турли вазиятларда кўллашга йўналтирилған топшириқлар, янги шароитда фаолият күрсатишга ундовчи топшириқларни бажариш, үзлаштирилған билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва б.

Етарли даражадаги рағбат (мотивация), үқувчилар фаолиятини ташкил этиш билан ҳам кўзланған натижаларга эришиш кафолатланмайди. Таълимтарбия жараённининг дидактик нұқтаи назардан такомиллашуви фәқатгина, ушбу жараённи ташкил этиш, бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштирили:

- 1) фаолиятни бошқариш;
- 2) үқувчилар жамоасини бошқариш

Муайян педагогик технологияни танлаш ўзгарувчан дарс ҳолатинин ўзгаришига имкон беради, фаолият мақсадига караб амалга оширилади. Вариантли тарзда дарс ҳолатини ўзгаришиш чораларини кўришни тақозо килади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнини бошқаришга кўйилаётгаш талаб, үзлаштириш, мулсқот килиш, фаолият кўрсатиш боскичларнинг хусусияти билан боғлиқ.

Ўқитиш жараёнига фаолият нұқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, уни ташкил этишининг кўйидаги мәнтикий кетма-кетлигини келтириши мумкин: дастлаб үқув материали мазмунининг тавсифи, уни үрганицидан кўзланған мақсад (ўзлаштириш даражалари), педагогик вазифанинг кўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра, ўқитишнинг мос равишдаги методлари, үқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш тизими ишлаб чиқилади. Шу асосда ўқитиш воситаларининг рўйхати тузилади. Ушбу усул билан ҳосил килингандай метод, таълим воситаларининг яхлит тизими ташкилий шакиллар билан уйгунлаштирилади, яъни, муайян технология ишлаб чиқилади.

Таълим технологиялари. Бизнинг назаримизда кўйидаги таъриф “таълим технологияси” тушунчаси моҳиятини етарли даражада ёритиб беради:

Педагогик технология – муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ максадга йўналтирилган, бу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмуни

Педагог олим В.П.Беспалько⁷³ педагогик технологиянинг асоси бўлга педагогик тизимнинг кўйидаги элементлардан ташкил топганлигини кўрсатиб ўтади:

- 1) ўкувчи;
2) таълим-тарбиянинг мақсади;
3) таълим-тарбия мазмуни;
4) ўкув жараёни;
5) ўқитувчи ёки техник воситалар;
6) таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари

Мавзуга доир мавжуд адабиётлар гояларига таянган ҳолда “Педагогик технология”ни таълим бериш ва тарбиялашга қаратилган фаолиятнинг умумий моҳиятини ёритувчи фан дея зътироф этиш мумкин. Педагогик технологиянинг кўйидаги таркибий элементлари унинг асосини белгилашга хизмат қиласди (65-расм):




65-расм. Педагогик технологиянинг таркибий элементлари

⁷³ Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – Москва: Педагогика, 1989. – С. 6-7.
⁷⁴ Уча манба. – С. 6-7.

Педагогик жараённинг моҳияти – ўқитувчи ва ўқувчининг биргалиқдаги фаолияти мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог ўқувчига юзага келган кийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг асосий моҳияти педагогик жараённинг тавсифи, унинг маълум мақсадга йўналтирилганлиги, шунингдек, шахсни шакллантириш ва тарбиялаш борасида ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланади. Педагог ахборотларни эълон қилиш, кўрсатиш, эслатиш, тушунча ёки маслаҳат бериш, йўналтириш, ҳаққонийлаштириш, кенгашиш, бартараф этиш, ҳамдардлик қилиш, илҳомлантириш, қизикиш ва хурматни изкор қилиш, талабчанликни қўллаб-куватлаш каби кўринишларда ёрдам беради.

Таълим мақсадларининг белгиланиши (кимга ва нима учун?), мазмунни танлаш ва ишлаб чиқиши (нима?), таълим жараёнларини ташкил қилиш (кандай?), таълим метод ва воситаларининг белгиланиши (нималар ёрдамида?), ўқитувчилар малака даражаси (ким?), эришилган натижаларни баҳолаш методи (кандай йўл билан?) инобатга олиниши лозим. Келтирилган мезонларнинг мажмууви тарзда қўлланилиши ўқув жараённинг моҳияти ва технологиясини белгилаб беради.

Таълим технологиясини лойиҳалаш жараёнда педагогик вазифанинг кўйилиши ва уни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши зарур (66-расм):



66-расм. Ўқитиши технологиясини лойиҳалаш

Педагогик вазифани белгилашда кўйидагиларни инобагга олиш мақсадга мувоғиқ:

- 1) таълим мақсадларини таҳлил этиш асосида ўқув предмети мазмунини аниқлаш;
- 2) ўқув предмети ахборот тузилмасини ишлаб чиқиши, уни ўқув элементлари тизими кўринишда ифодалаш;
- 3) ўқувчиларнинг ўқув элементларини ўзлаштирилиши даражаларини аввалдан белгилаш;
- 4) ўқувчиларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш (бу кўрсаткич ўқув предметининг мазмуни асосланадиган ўқув материалини ўзлаштирганилик даражасидан келиб чиқади);
- 5) моддий база ва таълимнинг ташкилий шаклларига кўйиладиган чегараларни белгилаш

Педагогик вазифаларнинг ҳал этилишини таъминловчи ўқитиши технологиясини лойиҳалашга қаратилган ўқитувчи фаолиятининг мазмунни метод, шакл ва воситалар асосида шакллантирилади.

Педагог фаолиятнинг мазмунини белгиловчи асосий омиллар:

- 1) бошқариш тури;
- 2) ахборот алмаши жараёнининг турни;
- 3) ахборотни узатиш воситаларининг типлари ва билиш фаолиятини бошқариш


Тадбикӣ педагогик технологиялар олдиндан режалаштирилган натижага эришишга йўналтирилган касбий тайёргарлик жараёнини лойиҳалаш муаммосини методик жиҳатдан ҳал этишга йўналтирилади.

Бугунги кунда педагогик технологиялар тадбикӣ асосини шахсий фаолиятли ёндашув, танқидий-ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилиш, жамоада ҳамкорликни қарор топтиришга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқиши эҳтиёжи юзага келмоқда.

Таълим жараёни таълим технологиясининг асосини, ядросини ташкил этади ҳамда таълим мақсади, таълим мазмуни, ўкувчи, таълим шакли, метод, восигалари ва таълим берувчи каби унсурлардан иборат тизим сифатида намоён бўлади. Таркибий унсурлар ўзаро бирлик ва алоқадорликда таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишга хизмат қиласди.

Таълим жараёни бир неча шартларга мувофиқ ташкил этилади. Яъни:

- 1) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга бўлган ижтимоий (ёки шахсий) эҳтиёжларнинг юзага келиши (ТЭ);
- 2) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан рағбатнинг уйғониши (ТР);
- 3) ўкувчининг ўкув-билиш фаолияти мазмуни (ТОФ)ни белгилаш;
- 4) ўкувчининг ўкув-билиш фаолиятини бошқариш (ТОФБ)ни йўлга қўйиш омилларининг мавжудлиги (67-расм):



67-расм. Таълим жараёнини ташкил этиш шартлари

Таълим технологиясининг функционал тузилмаси бевосита таълим жараёнининг моҳиятини тўлақонли ёритишга хизмат қиласди. Яъни, ушбу тузилма ўзида таълим жараёнини умумий кўриниши (ташкилий шакли ва ички моҳияти), образини ифода этади. Таълим технологиясининг функционал тузилмаси тасвир орқали куйидагича акс этади (68-расм):



68-расм. Таълим технологиясининг функционал тузилмаси

Бозор муносабатларига асосланган ижтимоий ривожланиш конуниятларидан бири – ижтимоий рақобатнинг пайдо бўлишидир. Ижтимоий рақобат мавжуд бўлган шароитда мўтадил фаолият юритиш, рақобатга нисбатан ишчанлик иммунитетини ҳосил килиш манфаатлар тўқнашувидан “омон” колиш, юкори мавқеига эга бўлиш учун имконият яратади. Шу боис фукароларда таълим олиш, назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашув ҳисси карор топмоқда. Бу эса уларда таълим олишга бўлган рағбатни ҳосил қиласди. Эндиликда таълим олиш, муайян касб-хунар ёки мутахассислик маълумотларни эгаллаш, бу борада маълум кўникма, малакаларни шакллантириш ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда. Таълим олишга бўлган рағбат, унинг мазмуни таълим жараёни муваффакиятининг гарови, кафолати бўла олади.

Таълим олишга бўлган рағбат ўкувчи ва ўқитувчи иштирокидаги ўкувчилиш фаолияти асосининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Якин ўтмишда ўкувчининг таълим жараёнидаги иштироки назарий билимларни қабул қилиб олувчи, ўзлаштирилган назарий билимлар, амалий кўникмаларни намойиш этувчи субъект сифатидаги роли билан кифояланган бўлса, таълим

технологияси талабларига кўра ўкувчи таълим жараёнининг етакчи субъекти, асосий ижрочиси сифатида кўринади. Эндиликда ўкувчи ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборот (билим)ларни қабул килмайди. Балки таълим борувларининг йўлланмаси, кўрсатмасига мувофиқ тавсия этилган ўкув манбалари билан мустакил равишда танишиш орқали назарий билимларни ўзлаштиради, ўқитувчининг назорати остида амалий кўникма, малакаларни ҳосил қиласди. Ўкувчидан мустакил фаолият юритиш, назарий билимларни ўзлаштириш асосида ўзида фикрни илгари суриш, далиллар келтириши, ўз фикрини химоя қилиш лаёкатини тарбиялаши, ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини баҳолаш сифатларини карор топтириши талаб этилади. Давр талаби ўкувчини таълим жараёнининг суст тингловчиси бўлишдан фаол иштирокисига айлантиришни тақозо этмоқда.

Таълим олувчининг таълим жараёнидаги етакчилик роли куйидаги педагогик вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- 1) ўкувчida билимларни ўзлаштиришга бўлган ички эҳтиёж (рагбат)ни қарор топтириш;
- 2) билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашувни ҳосил қилиш;
- 3) унда мустакил фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш;
- 4) унинг фаоллигини таъминлаш;
- 5) ўкувчida мустакил фикр юритиш, назарий ва амалий билимлар мөҳиятини таҳдил этиши, улар борасида хуносалар чикариш, умумлаштириш, уларни ўз амалий фаолиятига тадбик этиши кўникмаларини юзага келтириш ва такомиллаштириш;
- 6) ўз-ўзини назорат қилиш, баҳолаш сифатларини шакллантириш

Ўкув жараёнининг мақсади ташхисли равишда аник, равшан белгиланмоги лозим. Таълим мақсадининг бундай белгиланиши мъалум, амал қилинган вактда дидактик жараённи ташкил қилиш ва амалга оширилиш даражаси юзасидан хулоса чикариш имкониятини яратади.

Тарбия технологиялари. Аввал айтиб ўтилганидек, “педагогик технология” тушунчаси ўз мөҳиятига кўра педагогик фаолиятнинг энг муҳим икки жиҳати, яъни таълим ва тарбия жараёнининг технологиялаштирилишини ифода этиши зарур. Бирок, сўнгти йилларда илгор педагогик технологиялар, педагогик фаолиятни ўюштириш жараённида улардан фойдаланиш мавзусида яратилган манбаларнинг деярли барчасида таълим жараёнининг технологиялаштириш муаммоси учун асосий обьект тарзида қабул қилинганлигини кўрсатади.

Холбуки, баркамол шахсни шакллантириш муаммосининг ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилаётганлиги назарда тутилса, тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни карор топтириш, бу жараённи технологиялаштиришга эришиш муҳим педагогик вазифалардан бири эканлиги яққол аён бўлади:

**Тарбия жараёнини технологиялаштириш –
аник максал, ижтимоий гояга асосланиб, ўкувчиларда
мәйнавий-ахлокий сифатларни шакллантиришга
йұналтирилган педагогик фаолиятнинг
ташкилий-техник жиһатдан үоштирилиши**

Таълим жараёнидан фарқыл тарбия жараёнини технологиялаштиришда бу жараённинг самарасини қисқа муддатда кўра олиш имконияти йўқ. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, ўкувчи ва ўқитувчи ўртасида юзага келиш эктимоли бўлган зиддиятлар тарбиявий жараённи технологиялаштиришга нисбатан ижодий, масъулиятли ёндашиш зарурлигини тақозо эгади.

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётидан маълумки, узоқ йиллар давомида мазкур муассасада фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги тарбиявий тадбирларни ташкил этишга нисбатан “тарбиявий ишлар режасида белгиланган тадбирларни ўтказишга мажбурман” қабилида ёндашиб келган. Уларнинг асосий эътибори ўзлари раҳбарлик килаётган синф ўкувчиларини аввалдан тайёрланган сценарийни ёд олиш, унга катый амал килишга мажбуrlаш, “мактаб маъмурияти ҳамда жамоаси олдида изза бўлиб қолишге йўл кўймаслик” тамойилига мувоғик тарбиявий тадбирни үоштиришга каратилган эди. Эндиликда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан бундай ёндашувлардан воз кечиш лозим. Зеро, тайёр сценарий асосида муайян тадбирни ташкил этиш жараённида унинг асосий субъектлари бўлган ўкувчилар фаол иштирокчи тадбир натижасини белгиловчи шахс сифатида эмас, балки оддий ижрочи сифатида қатнашадилар. Бу ҳолат эса бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

- 1) ўкувчиларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан салбий муносабат шаклланади;
- 2) ўкувчиларда мустакил фикрлаш, ижодкорлик қобилиятининг тарбияланиши учун имконият яратилмайди;
- 3) ўкувчиларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилиши уларнинг шахс сифатида камол топишларини таъминлашгайтаги йўналтирилганлиги ҳақида эмас, балки синфнинг таълим муассасаси жамоаси олдида “соҳта обру” орттириши учун хизмат килувчи восита эканлиги тўгрисидаги хуносанинг шаклланishi учун шароит юзага келади

Таълим муассасаларида ташкил этилувчи тарбиявий тадбирларга нисбатан технологик ёндашув куйидаги ҳолатларнинг намоён бўлиши билан тавсифланади:

1) тарбиявий тадбир мавзуси ва гоясини ўкувчилар томонидан билдирилган шахсий ташабbusлар, уларнинг ҳоҳиши-истакларига кўра белгилани;

2) тарбиявий талбир сценарийсини ишлаб чикишда ўкувчиларнинг мустақил фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яратиш;

3) тарбиявий тадбир мазмунидаги ўз ифодасини топган ролларнинг мажбурий тарзда эмас, балки ўкувчиларнинг лаёқати, қобилияти, шунингдек, кизиқишиларни инобатга олиш асосида тақсимланишига эриши;

4) тарбиявий тадбирнинг ташкил этилиши, ўтказилишида ўқитувчининг роли буйруқ беришдан иборат бўлмай, аксинча, ўкувчиларга йўл-йўрик кўрсатиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш, зарур ўринларда маслаҳат бериш сифатида акс этишига эриши;

5) тарбиявий тадбир мақсадининг натижаланганлигини синф, гурух ўкувчиларининг фаол иштирокига таянган ҳолда муҳокама қилиш.

Муҳокама жараённида ўқитувчи томонидан турли танбеҳларнинг берилишига йўл қўймаслик, аксинча йўл қўйилган хато, камчиликларнинг ўкувчиларнинг ўзлари томонидан аниқланиб, уларни бартараф этиш (кейнги тадбирни ўтказиш жараённида уларнинг тақрорланишини олдини олиш) йўлида чора-тадбирларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёнини технологиялаштиришда лойиҳалаштириш, унинг асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Тарбия жараёнини лойиҳалаш куйидаги босқичларда кечади:

Тарбия жараёнини лойиҳалаш босқичлари:

- 1) тарбиявий тадбир мавзусига доир материалларни йигифид;
- 2) тарбиявий тадбир мақсади ва вазифаларни белгилаш;
- 3) тарбиявий тадбирнинг мазмунини ишлаб чикиш;
- 4) тарбиявий тадбир шакли, метод ва воситаларини танлаш;
- 5) тарбиявий тадбирни ташкил этиши,
 ўтказиш (давомийлиги) вактни белгилаш;
- 6) тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чикиш;
- 7) ўкувчилар фаолиятини назорат қилиш, уларнинг
 фаоллик даражаларини норасмий (ўкувчиларни
 бу хакида хабардор кильмасдан) баҳолаш;
- 8) лойиҳани амалий фаолиятда кўллаш;
- 9) тарбиявий тадбирни ташкил этиши жараён;
- 10) тарбиявий тадбирнинг ўтказилиш ҳолати (самарали,
 самарасиз, муваффакиятли, муваффакиятсиз
 кечганилиги)ни муҳокама қилиш ва якуний хулоса чиқариш

Бу жараёнда тарбиявий тадбирларнинг ташкил этилишига нисбатан технологик ёндашув моҳияти ўкувчилар мустақиллигини таъминлашда куйидаги омилларнинг мавжудлигига эътиборни қаратишни ҳам тақозо этади:

- 1) ўкувчиларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига
 нисбатан ички эҳтиёж, кизиқиши ва рагбатнинг мавжудлиги;
- 2) ўкувчиларнинг тарбиявий тадбирларни мустақил
 ташкил этишда муайян тажрибаларга эга эканликлари;
- 3) тарбиявий тадбир гоясининг ўкувчилар ички эҳтиёжларига мос келиши

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётида юкорида баён этилган омилларни инобатга олиш ва шу асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш уларнинг муваффакиятли ташкил этилишини таъминлаб қолмай, балки ўкувчиларда унга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиради, маънавий-ажлоқий сифатларнинг тарбияланиши учун қулай шароитни хосил қиласди.

Педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик технология ўзида куйидаги хусусиятларни намоён этади:

1. Педагогик технология педагогик жараённи такомиллаштириш, оптималлаштиришга бўлган ижтиёжни қондириш омили саналади.

2. Педагогик технология дидактик, тарбиявий характердаги, таълим-тарбия жараёнини самарали, маҳоратли тарзда ташкил этиш борасидаги назарий, амалий билимлар мажмуни, методологик фан сифатида намоён бўлади.

3. Педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи яхлит жараёндир.


4. Педагогик технология йўналтирувчанлик вазифасини бажаради, яъни, у шахсни риёвжлантириш, тарбиялаш, шакллантириш учун хизмат қиласди.

5. Педагогик технология – шахсийлик хусусиятига эга бўлиб, муайян технологияларни таълим-тарбия жараённада кўллашга нисбатан ягона, қатъий, меъёрий (стандарт) талаблар кўйилмайди. Ҳар бир педагог ўзи фаолият юритаётган таълим-тарбия мухитининг хусусиятлари, мавжуд ички ва ташки шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда муайян технологик ёндашувни амалга ошириш имкониятига эга.

6. Педагогик технология ўзида таълим, тарбия ва шахс тараққиёти (камолоти) бирлигини ифода этади.

Педагогик технологиянинг асосий мақсади комил шахсни шакллантириш учун пойдевор бўлган педагогик жараённи такомиллаштириш, инсонпарварлаштириш, ўкувчининг мустақиллигини таъминлаш, ўқитиш жараённада техник воситалар имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишпдан иборат.

Педагогик технология ўзида куйидаги хусусиятларни намоён этади (69-расм):



69-расм. Педагогик технологиянинг ўзига хос муҳим хусусиятлари


Педагогик технологиянинг назарий асослари умумпедагогик, хусусий-методик ва локал (модул) билимларга асосланади. Шу боис педагогик ходимлар, шу жумладан, бўлгуси ўқитувчилар ўз фаолиятларида педагогик технологиядан фойдаланиши ўз олдиларига мақсад килиб кўйган бўлсалар, юқорида қайд этилган билимларни пухта ўзлаштира олишлари лозим. Зеро, педагогик технология пухта ўзлаштирилган педагогик билимларга таянилган ҳолда ташкил этиладиган юксак самарадор педагогик фаолият жараёнидир.

Педагогик технология назариясининг мазмуни ва таркибий тузилмаси (гузилиши) кўриб чикилаётган муаммолар мажмууда марказий ўринни эгалайди. Педагогик технологиянинг қўйидаги муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

предметлилик (педагогик технология назариясига оид барча атама, тушунча, категория ва таъкидлар бир предметни ёки муйян соҳага тааллукли бўлиши керак); **бир-бирига мослик ёки тўлиқлик** (педагогик технология назариясининг тили, унинг асосий тушунчалари, категориялари, тамойиллари, моделларни ва х.к.); **аниклиник** (объект маъносини икки аспектда: амалий (тахриба) ва семантик (ифодавий – назарий) жиҳатдан очиб беради); **текширувчаник** (назариянинг реал объектига мослик дарражасини текширади); **хаққонийлик** (педагогик технология назариясига оид таъкидлари ишончли бўлиши зарур); **тизимлилик** (техно-педагогик конунларни табакалаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи алокалари ёрдамида ягона тизимга бирлаштириш)

Юқорида қайд этилган жиҳатларга таянган ҳолда педагогик технология назарияси моҳиятини очиб бериш мумкин.

Педагогик технология назариясининг таркибий тузилмасида қўйидаги элементлар ажратиб кўрсатилади ва таҳлил этилади (70-расм):



70-расм. Педагогик технология назариясининг таркибий унсурлари

Технологик паспорт. Педагогик технологиялар асосида таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда ўкув машғулоти ёки муайян мавзудаги маънавий-маърифий тадбирнинг технологик паспортини ишлаб чиқиш ҳам мухим аҳамиятга эга.

Технологик паспорт (педагогикада) – таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи хужжат

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўкув машғулотининг технологик паспортида куйидаги маълумотлар ўз аксини топади:

- 1) машғулот мавзуси;
- 2) маърузага ажратилган вакт;
- 3) талабалар сони;
- 4) ўкув машғулотининг шакли ва тури;
- 5) ўкув машғулотининг тузилиши;
- 6) ўкув машғулотининг мақсади;
- 7) педагогик вазифалар;
- 8) ўкув фаолияти натижалари;
- 9) таълимни ташкил этиш шакли;
- 10) таълим методлари;
- 11) дидактик воситалар;
- 12) таълимни ташкил этиш шароити;
- 13) назорат шакли (6-жадвал):

6-жадвал. Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўкув машғулотининг технологик паспорти

Маъруза мавзуси	
Маърузага ажратилган вакт	Талабалар сони
Ўкув машғулотининг шакли ва тури	
Ўкув машғулотининг тузилиши	
Ўкув машғулотининг мақсади:	
Педагогик вазифалар:	Ўкув фаолияти натижалари:
Таълимни ташкил этиш шакли	
Таълим методлари	
Дидактик воситалар	
Таълимни ташкил этиш шароити	
Назорат	

Умумий ўрта ёки ўрга маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган дарсларнинг технологик паспорти олий таълим муассасаларида кўлланиладиган технологик паспортдан қисман фарқланади. Яъни:

- 1) дарс (машғулот) учун ажратилган вакт;
- 2) ўкувчилар сони;
- 3) дарснинг тури;
- 4) дарснинг тузилиши;
- 5) дарснинг мақсади:

- а) таълимий мақсад;
- б) тарбиявий мақсад;
- в) ривожлантирувчи мақсад;
- 6) дидактик ва тарбиявий вазифалар;
- 7) дарс самарааси (натижаси);
- 8) дарснинг ташкилий шакли;
- 9) дарсда қўлланиладиган таълим методлари;
- 10) дидактик воситалар;
- 11) дарсни ташкил этиш шароити;
- 12) ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш шакли (7-жадвал):

7-жадвал. Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотининг технологик паспорти

Дарс мавзуси	
Дарс (машғулот) учун ажратилган вақт	Ўқувчилар сони
Дарснинг тури	
Дарснинг тузилиши	
Дарснинг мақсади: таълимий; тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар	
Дидактик ва тарбиявий вазифалар:	Дарс самарааси (натижаси):
Дарснинг ташкилий шакли	
Дарсда қўлланиладиган таълим методлари	
Дидактик воситалар	
Дарсни ташкил этиш шароити	
Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш шакли	

Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг технологик паспортларини яратиш ҳам бу борада юқори самарадорликка эришишни кафолатлади. Маънавий-маърифий тадбирларнинг технологик паспортлар ҳам муайян мавзуларда ташкил этиладиган педагогик фаолиятнинг технологик тавсифи, умумий моҳияти ҳамда асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги батағси маълумотни ёритишга хизмат қиласи. Маънавий-маърифий тадбирларнинг технологик паспортларида кўйидаги маълумотларнинг ёритилиши жараённинг умумий моҳиятини ёритишга ёрдам беради:

- 1) тадбир мавзуси;
- 2) тадбирнинг ўтказилиш санаси;
- 3) тадбирни ўтказиш учун белгиланган масъул шахс;
- 4) тадбир иштирокчиларининг ёш кўрсаткичлари;
- 5) тадбир иштирокчиларининг тахминий сони;
- 6) тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад;
- 7) тадбирнинг ўтказилиш босқичлари;
- 8) тадбир жараённида ҳал этиладиган вазифалар;
- 9) тадбирнинг ташкилий шакли;
- 10) тадбирнинг таркибий тузилиши (режаси);
- 11) тадбирда қўлланиладиган тарбия методлари;
- 12) тарбиявий воситалар;

- 13) тадбирнинг ташкил этиш шароити;
 14) тадбир натижаси;
 15) тадбир жараёнида иштирокчилар фаоллигининг таҳлили (8-жадвал):

8-жадвал. Умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим музассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий

тадбирнинг технологик паспорти

Тадбир мавзуси	
Тадбирнинг ўтказилиш санаси:	Ўкувчилар сони:
Дарснинг тури:	Тадбирни ўтказиш учун белгиланган масъул шахс:
Тадбир жараёнига камраб олинадиган иштирокчиларнинг ёш кўрсаткичлари:	Тадбир иштирокчиларининг таҳминий сони:
Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад: Тадбир жараёнида ҳал этиладиган вазифалар:	Тадбирнинг ўтказилиш босқичлари: Тадбирнинг ташкилий шакли:
Тадбирнинг таркибий тузилиши (режаси)	
Тадбирда кўлланиладиган тарбия методлари:	Тарбиявий воситалар:
Тадбирнинг ташкил этиш шаронти:	Тадбир натижаси:
Тадбир жараёнида иштирокчилар фаоллигининг таҳлили	

Технологик харита. Замонавий шароитда педагогик технологиялар асосида таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда ўкув машғулоти ёки муайян мавзудаги маънавий-маърифий тадбирнинг технологик харитасин тайёрлаш ҳам мухим аҳамиятга эга.

Технологик харита (педагогикада) – педагогик (таълим ва тарбия) жараённи бажарувчи ёки маълум обьектга техник хизмат кўрсатувчи ўқитувчиларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат

Муайян вақтда ташкил этиладиган таълими ёки тарбиявий жараёнда бажариладиган фаолият учун мўлжалланган технологик харига қуидаги саволларга жавоб берса олиши лозим:

1. Белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган педагогик фаолият қандай босқичларни ўз ичига олади?
2. Ҳар бир босқичда аниқ қандай вазифаларни бажариш зарур?
3. Ҳар бир босқич вазифаларини бажаришда ўқитувчи (педагог) ва ўкувчи (талаба)нинг фаолият мазмуни нимадан иборат бўлади?
4. Вазифалар қандай изчилликда бажарилиши керак?
5. Муайян вазифа айнан қайси вақтда бажарилиши зарур?
6. Ҳар бир вазифани бажариш учун қанча вақт талаб этилади?
7. Ҳар бир бажарилган вазифанинг аниқ натижаси қандай?
8. Вазифаларни бажариш учун қандай зарур асбоб-ускуналар, материаллар ёки воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

“Одатда технологик харита ҳар бир педагогик жараён (ұкув машгүліт әки мәннавий-маърифий тадбир) учун алохіда-алохіда ишлаб чиқылади ва у күп ҳолларда жадвал құрнишида расмийлаштириләди. Педагогик фаолият мөхияттің әртүрлі технологик хариталар таълим мұассасаси томонидан құрсатыладынан хизматтинг техник андозаси булиб, мастьул раҳбар шахслар томонидан маъкұлланиши зарур”⁷⁴.

Бутунги кунда республика олий таълим мұассасаларыда ұкув машгүліттерині ташкил этишда қуйидаги технологик харитадан кенг ғойдаланылмоқда (9-жадвал):

9-жадвал. Олий таълим мұассасаларыда ташкил этиладын ұкув машгүліттеринің технологик харитаси

Иш босқычлари ва вакти	Фаолият мазмұны	
	Үкитүвчи	Талаба
1-босқич. Бошланғыч кісім – ұкув машгүліттің ташкилий-тайёрларлық босқычи (15 дәқика)		
2-босқич. Ассоци кісім – билимларни мұстахкамлаш босқычи (55 дәқика)		
3-босқич. Яқуний кісім (10 дәқика)		

Мәннавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ҳам юқорида көлтирилген технологик харита намунасыдан ғойдаланиш мүмкін. Фақат бунда педагогик фаолияттың тарбиявый характерга әзалиғи, талабаларда шакллантирилиши зарур болған сифаттар, уларның таркиб топыш жараённинң қысқа тақсифини беріш зарурлығы инобатта олинади.

Умумий үрта ва үрта маҳсус, касб-хунар таълими мұассасаларыда ташкил этиладын педагогик фаолият учун қуйидаги технологик харита⁷⁵ ни намуна сифатыда тақдим этиш мүмкін (10-жадвал):

10-жадвал. Умумий үрта ва үрта маҳсус, касб-хунар таълими мұассасаларыда ташкил этиладын ұкув машгүліттерінің технологик харига (намуна)

Фан номи:	Синф (түрлүх):	Дарс №	Сана:
Мавзу:			
Максад: 1) таълимий:			
2) тарбиявый:			
3) ривожлантирувчы:			
Дарснинг чорак (әки семестр)дагы үрни:			
Дарс түри:			
Гаянч түшүнчалар:			
Фанлараро алокадорлық:			
Күргазмалы күроллар:			
Таълим воситалари:			
Ұкув жиһозлары:			
Педагогик фаолият шақыры:			
Дарс учун белгиланған ишор:			

⁷⁴ <http://wiki.pippkro.ru/index.php>.

⁷⁵ http://www.e-osnova.ru/PDF/osnova_14_7_656.pdf.

Дарснинг бориши		
Дарс боскичлари	Метод ва усуллар	Фаолият мазмун
I. Ташиклий боскич		
II. Ўкув материалининг ўзлаштирилганлик даражасини хар томонлама текшириш		
III. Ўкувчиларни ўкув материалини фаол ўзлаштиришга тайёрлаш		
IV. Билинга доир вазифаларнинг кўйилиши		
V. Янги билим ва харакат усулларини ўзлаштириш		
VI. Янги материалнинг ўкувчилар томонидан тушунилишини дастлабки текшириш		
VII. Мальум жисмоний машқларни бажариш учун танаффус		
VIII. Ўзлаштирилган билим ва харакат усулларини мустаҳкамлаш, ўз билимини мустакил текшириш		
IX. Билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш		
X. Рефлексия (хатти-харакатлар мөҳиятини англаш)		
XI. Ўз вазифаларини бериш		
XII. Дарсни якунлаш		

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг турлари.
Замонавий шароитда таълимнинг шахс имкониятларини тұлаконли рүёбга чикариш, унинг қызықиши, эҳтиёжларини оширип, қобиляйтларини ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланишга алохидә зътибор қаратилмоқда.

Шахсга йўналтирилган таълим – таълим жараёнининг асосий обьекти ўкувчи бўлиб, унинг шахси, қалр-кимматини юкори уринг қўядиган, асосий зътиборни интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёкарасини бойитиш, мънавий-аҳлокий табаккурини ривожлантиришга қаратадиган педагогик фаолият турли

Айни вактда жаҳон таълими тажрибасига асосланған ҳолда таълим мусассасаларида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг куйидаги турларидан кенг фойдаланиш имконияти юзага келган (71-расм):

Асосий турлар		
Муаммоли таълим	Модул таълими	Дастурий таълим
Ривожлантирувчи таълим	Ўйин технологиялари	Интерфаол таълим
Табакалаштирилган таълим	Масофавий таълим	Индивидуал таълим
Хамкорлик таълими	Мустакил таълим	Инновацион таълим

71-расм. Шахсга йўналтирилган технологияларининг асосий турлари

Күйида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари турларини моҳияти қисқача очиб берилади.

1. Муаммоли таълим замонавий таълим моҳиятини акс эттирувчи илғо педагогик технология ҳисобланади. Таълим амалиётида ундан фойдалани таълим олувчиларда ижодий изланиш, кичик тадқикотларни амалга ошири майян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хуносалар келиш каби қўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қиласди. Муаммоли ўқитишида муаммоли вазиятларни ҳал қилиш методи фаол қўлланилади. Муаммоли вазиятларни ҳал қилишида баҳс-мунозаралардан фойдаланилади. Бунда, айниқса, кичик гурухларда ишлаш самарали кечади.

2. Модул таълими. Модул таълимидан ўқувчиларнинг мустақил таълими олишларини йўлга кўйиш, уларни маълум ўқув материаллари билан таъминлаш, ўқувчиларнинг таълимий фаолияти юзасидан мониторингиз ташкил этишда фойдаланилади. Уни қўллашда ўқувчиларга яхлит ўқув материалы блок (алоҳида ажратилган кисм)ларда 1-блок, 2-блок ва х.к. тарзидан тақдим этилади. Модул таълими асосида масофавий таълимни ҳам йўлга кўйиб мумкин. Бунда ўқувчилар алоҳида чоп этилган ёки компьютер варианти кўринишидаги блоклардан иборат материаллар билан таъминланади. Такдим этилган материаллар ўқувчилар томонидан тўла ўрганилгандан сўнг улар назарий билимларга эгаликни мустақил баҳолаш, мавжуд билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи педагогик ёки психолого-характерда топшириклар берилади.

3. Дастурий таълим. Ўқувчиларнинг ички эҳтиёжлари, кизиқишилари, уларни томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келаётган муаммола ўқувчиларнинг билим, дунёкараш, ўқув фанининг имкониятларини инобат олган ҳолда ташкил этилади. Узлуксиз таълим жараённада дастурий таълими қўллашда ўқитувчилар томонидан муаллифлик дастурларининг ишлатиши чиқилиши аҳамиятлиdir. Зеро, муаллифлик дастурлари ўқувчиларни машғулотларининг ранг-баранг бўлишини таъминлаш билан бирга мавжуд имкониятларни тўла инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

4. Ривожлантирувчи таълим. Мазкур таълим ўқувчиларнинг ичнома имкониятларини ошириш, уларни рӯёбга чиқаришга йўналтирилади. Ривожлантирувчи таълимда, кўпроқ, тренинглардан фойдаланилади. Тренинглар таълим олувчиларда майян билимларни пухта ўзлаштиришади. Уларни амалиётда самарали қўллай олишга доир қўникма, малакаларни шакллантиришга, бу жараёнда уларнинг мавжуд имкониятларини тўла рӯёбга чиқаришга ёрдам беради. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ривожлантирувчи таълимни қўллашда, тақдимотлардан ҳам самараларни фойдаланиш тажрибаси тўпланди. Мазкур метод таълим олувчиларда ўқув фаолиятини ташкил этишга ижодий ёндашиш, ўз устида ишлаш, мустақил таълим олиш қўнималарини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради.

5. Ўйин технологиялари. Таълим амалиётида ролли ва ишбилармонлики ўйинларидан фойдаланилади. Ролли ва ишбилармонлик ўйинлари ўқувчиларни майян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ходисаларни

жараёнида бевосигта иштирок этиш учун дастлабки кўникма-малакаларни ҳосил қилишга хизмат килади. Таълим жараёни иштирокчилари (м: ўқувчилар, отаоналар, педагогик жамоа аъзолари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотларнинг ҳодимлари ва б.) сифатида турли ролларни бажариш талабаларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини яратса, ўқувчиларга маълум фаолиятни самарали ташкил этишига ҳам назарий, ҳам амалий, энг муҳими руҳий тайёрланишга ёрдам беради.

6. Интерфаол таълим. Бугунги кунда интерфаол (инглизча “inter” – биргаликда, “act” – ҳаракат кильмок) таълимдан фойдаланиш тобора оммалашмоқда. У таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар турухи ўргасида юзага келувчи ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиб имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай байди этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштирища ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар турухи” ўзаро бир-бирларини ҳурмат килишлари, тушунишлари, кўллаб қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

7. Ҳамкорлик таълими. Ушбу таълим педагог ва ўқувчи (талаба)ларнинг таълимий фаолият жараёнида биргаликда ривожланишлари, бир-бирларини тушуна олишлари, бир-бирларига нисбатан яқинликни ҳис килишлари, фаолият босқичлари, уларда эришилган натижаларни ҳамкорликда таҳлил килишидан иборат бўлиб, илғор, ривожлантирувчи ғояларни ўзида акс эттириши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳамкорлик таълимининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- педагогик талабни инкор этган ҳолда таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш;
- ўқувчи, талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида касбий, маънавий бирликнинг қарор топишига эришин.

Ҳамкорлик таълимининг асосий ғояси ўқув топшириқларини биргаликда бажариш ҳамда биргаликда таълим олишни назарда тутади.

8. Табакалаштирилган таълим. Узлуксиз таълим тизимида мазкур таълимдан фойдаланиш ўқувчиларнинг шахсий лаёкатлари, қизиқишилари, қобилиятларини аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бирок, ДТС ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдиги материалларни беришга йўналтирилади.

9. Индивидуал таълим. Бугунги кунда индивидуал таълим кенг оммалашмоқда. Бинобарин, мазкур таълим ўз мөҳиятига кўра шахс томонидан унинг учун қулай бўлган вақт, макон, муддатда маълум дастур асосида билим олинишини таъминлайди. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир мутахассис кучли рақобатга бардошли бўла олиши зарур. Бу эса табиий равишда мутахассисларни ўз устиларида ишлаш, касбий билим, кўникма, малакаларини

доимий равишида гакомиллаштириб боришни тақозо этади. Худди мана шу сабабга кўра узлуксиз таълимнинг муайян босқичлари, умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунарга йўналтирилган таълим муассасалари, олий ўқув юртлари, қолаверса, касбий фаолиятни олиб бориш даврида индивидуал тарзда илмий билимларни ўзлаштириш, ўз билимларини мустаҳкамлаш ва бойитиш, касбий фаолиятга тайёрланишга йўналтиришни тақозо этмоқда. Индивидуал таълим вактни иктисад қилиш, ортиқча куч, маблаг сарфламаслик, мақбул дастур, вакт ва маконни танлаш имкониятини яратади. Бу турдаги таълимнинг тобора кенг оммалашиб бораётган шакли – бу репетиторлик таълими булиб, у асосида таълим олища маълум кулайликларга эга булиш мумкин. Бунда, энг муҳими, ўқитувчи бутун эътиборини якка шахсга қаратиб, унинг ички имкониятлари, қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўқув материалларини танлайди.

10. Масофавий таълим. Ушбу турдаги таълим “ўқитувчи ва ўкувчи ўртасидаги тұғридан-тұғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиш” имконини яратып беруви замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланған ўқитиш жараёнининг ўзига хос янги шакли”⁷⁶. Шахсга йұналтирилған таълимнинг ўзига хос бу шаклига күра таълим жараёни янги ахборот технологиялар ва мультимедия тизими ёрдамида ташкил этилади.

Масофавий таълим қуидаги имкониятларга эга:

1. Таълим олишга, билимларни ўзлаштиришга ижобий ёндашувни таъминтайти.

2. Педагогик жараён мақсади сифатида таълим олувчига аник йұналиш беради.

3. Методологик назарий ва услугий билимдарни згаллашга имкон яратади.

4. Биши фаодияттани мұстакил ташқыл этиш имконини беради

5. Турил ахборотларини излаш, уларни ўзлаштириш орқали таълим олиш имкониятини яратади.⁷⁷

11. Мустақил таълим. Мазкур таълим “олинган билим, кўнікма ва малакаларни мустаҳкамлаш, кўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадида”⁷⁸ ташкил этилади. Мустақил таълимнинг афзаллиги ўкувчилар билимларни ўзлари учун кулай бўлган шароит ва вактда ўзлаштира оладилар. Бугунги кунда мустақил таълим олиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ўкувчи мавжуд нашр ишлари (ўкув, илмий, илмий-оммабоп ва оммабоп асарлар), Интернет, оммавий ахборот воситалари томонидан тақдим этилаётган материаллари ёрдамида ўз билим, кўнікма, малакаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга. Бирок, мустақил таълимнинг ташкил этилиши учун хам муайян даражада назорат зарур. Зоро, ёш хусусиятларига кўра имкониятлари турлича бўлган ўкувчилар тизимлаштирилмаган, асосланмаган малумотларни хам қабул килишлари экстимолдан холи эмас. Шу сабабли

⁷⁶ Педагогика фанидан изоҳли лугат / Тузувчилар: Ж.Ҳасанбоев ва б. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2009. – 263-264-бетлар.

шаш манба. — 262-бет.

таълим муассасаларида ўқитувчилар таълим олувчиларни мустақил таълим олишга рағбатлантиришда уларга методик ёрдам ҳам кўрсатишлари, тўғри йўналиш бера олишлари керак.

12. Инновацион таълим. Ушбу турдаги таълим ўкувчи, талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табийи қабул қилишга оид сифат ҳамда малакаларни шакллантириш имкониятини яратади. “Инновацион таълим” (инглизчадан “innovation” – янгилик киритиш, яратиш) тушунчаси илк бор 1979 йилда Рим клубида “Таълим олишнинг чегараси йўқ” (“Нет пределов обучению”) мавзусида ўқилган маърузада тилга олинган. Мазкур таълим ижтимоий мухит, маданият, таълим соҳаларида рўй берадиган инновацион ўзгаришларни рағбатлантириш, шахс ҳаёти, жамиятнинг инновацион даврида юзага келаётган муаммоли вазиятларни ижобий ҳал қилишни тезлаштириш имкониятини яратади⁷⁹. Узлуксиз таълим тизимида инновацион таълимдан фойдаланиш ўкувчиларни улар томонидан билим, кўнким, малакалар ўзлаштираётган соҳаларда янгиликлар яратиш, илғор ғояларни асослаш, амалиётга самарали татбик этишга тайёрлайди.

Интерфаол методлар. Сўнгги йилларда таълим тизимида интерфаол методлардан кенг ва самарали фойдаланилмоқда. Интерфаол (инглизча “inter” – биргаликда, “act” – ҳаракат қылмок) методлари шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унда мустақил фикрлаш, шахсий фикрини эркин баён этиш кўнким, малакаларни ривожлантиришга хизмат қилади. “Замонавий таълимни ташкил этишига кўйиладиган мухим талаблардан бири ортиқча ружий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичida юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўкувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўнким, малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўкувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўнким, малакалар даражасини баҳолашиб ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бутунги кунда бир катор ривожланган мамлакатлarda ўкувчиларнинг ўкув, ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг смарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни кўллаш борасида катта тажриба тўплangan бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда⁸⁰.

Интерфаол методлар – таълим жараёнида ўқитувчи ва ўкувчилар ўргасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш, ўкувчилар томонидан билимларнинг самарали ўзлаштирилишини таъминлаш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиласидиган методлар

⁷⁹ http://msk.treko.ru/show_dict_1234.

⁸⁰ Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тағбикӣ асослари / Ўқуқ кўлламма. – Тошкент: Фан, 2006. – 66-бет.

Интерфаол методларни қўллаш дарс самарадорлигини оширишга беради, “Укувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил килиш, хулосалар чиқараш, ўз фикрини баён килиш. уни асослаган ҳолда химоя кила билиш, мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўнгилмаларини ривожлантиради”⁸¹.

Замонавий таълим тизимида интерфаол методлардан фойдаланиш ўрин тутмоқда. Дарсликнинг “Иловалар” кисми (1-илова)да интерфаол методларнинг айримлари намуна сифатида келтирилади.

Назорат учун саволлар:

1. “Технология” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Педагогик технология деганда шахсан Сиз нимани тушунасиз?
3. “Педагогик техника” негизида қандай амалий ҳаракатлар таълилган?
4. “Таълим технологияси” назарияси қандай босқичларда шаклланди?
5. Таълим жараёнини технологик лойиҳалаш нима?
6. Педагогик технология тамоилилари қайсилар?
7. Таълим технологияларидан бирини танлашда нима назарда тутилади?
8. Педагогик технологиянинг асосий вазифалари нималардан иборат?
9. Педагогик технологиялар қандай турларга бўлинади?
10. Ўқитувчи ва ўкувчи ўртасидаги мулоқотнинг қандай метод мавжуд?

11. Педагог фаолиятининг мазмунини ёритувчи омиллар қайсилар?
12. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш қандай босқичларда кечади?
13. Педагогик технологияларнинг мухим белгиларни кўрсатинг.
14. Шахса йўналтирилган таълим нима?

Тест топшириклари:

1. Педагогик технология – техника ресурслари, ижтимоий субъект уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шаклларини оптималлаштиришга йўналтирилган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришни барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли метади “Педагогик технология” тушунчасининг моҳиятини ифодаловчи мазкур таъминаллифи ким?
 - a) Т.Н.Балло
 - b) В.П.Беспалько
 - c) ЮНЕСКО;
 - d) У.Нишоналиев.

2. Таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асоси – босқичма-босқич амалга ошириш, аник мақсадга эришиш йўлида муайян меҳни.

⁸¹ Йулдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жойлаштириш / Ўкув кўлланма. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008. – 63-бет.

усул, воситалар тизимини ишлаб чикиш, улардан самарали, унумын фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш нима деб юритилади?

- a) таълим технологияси;
- b) таълим методи;
- c) таълим шакли;
- d) таълим воситалари.

3. Педагогик технологиянинг асосий муаммоси нима?

- a) ўқувчини ҳар томонлама тарбиялаш асосида ватанпарвар шахсни тарбиялаш;
- b) ўқувчига маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш орқали унинг етук шахс бўлиб етишишига эришиш;
- c) ўқувчига билим бериш асосида унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини таъминлаш;
- d) ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишини таъминлаш.

4. Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси качон ва қаерда шаклланган?

- a) XX асрнинг ўрталарида Япония ва Фарбий Европада;
- b) XX асрнинг сўнгтида Буюк Британия ва Японияда;
- c) XX асрнинг бошларида Фарбий Европа ва АҚШда;
- d) XX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ва Европада.

5. XX асрнинг 50-йилларида таълим тизимида қандай ўзгариш содир бўлди?

- a) тизимда педагогик технологиялар қўлланила бошланди;
- b) тизимга техник воситалар жорий этилди;
- c) тизимда “педагогик техника” назарияси асосланди;
- d) тизимда таълимни дастурлаш ғояси асосланди.

6. “Таълим технологияси” назарияси нечта босқичда шаклланди?

- a) тўрт босқичда;
- b) икки босқичда;
- c) беш босқичда;
- d) уч босқичда.

7. Педагогик технология тамойиллари қайси жавобда кўрсатилган?

- a) таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш; ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш; таълимнинг узлуксизлиги; фаолиятни ёндашув;
- b) бир бутунлик, яхлитлик; асослилик (фундаментлик); маданиятни англаниш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик);
- c) а ва b жавоблар;
- d) тўғри жавоб йўқ.

14. Технологик хариталар қандай тайёрланади?

- а) ҳар бир педагогик жараён учун алохида-алохида;
- б) бир ўкув йилида ғашкил этиладиган педагогик жараён учун алохида;
- с) узлуксиз таълим тизимининг маълум босқичи учун алохида;
- д) ҳар бир синф (ёки гурӯҳ) учун алохида.

15. Шахсга йўналтирилган технологияларнинг асосий турлари қайси жавобда берилган?

- а) муммалий ўқитиши, модул таълими, дастурий таълим, ривожлантирувчи таълим;
- б) ўйин технологиялари, интерфаол таълим, ҳамкорлик таълими, табакалаштирилган таълим;
- с) индивидуал таълим, масофавий таълим, мустақил таълим, инновацион таълим;
- д) барча жавоблар тұғри.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга итилмокда. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999. – 73 бет.
2. Дидатика / О.Розиков ва б. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1997. – 302 бет.
3. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслік. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – 286 бет.
4. Ибрагимов Х.И., Йўлдошев У.А., Бобомирзаев Х. Педагогик психология / Ўқув кўлланма. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2007. – 407-бет.
5. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш / Кўлланма. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – 130 бет.
6. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент: А.Авлоний ХТРХМОМИ “Nikon Print”, 2006. – 73 бет.
7. Mavlonova R., To’raeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika / Kasb-hunar kollejlari ushun darslik. – Toshkent: “O’qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 495 bet.
8. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: “Насаф” нашриёти. 2000. – 79-бет.
9. Pedagogika / Bakalavriat yo’nalishi uchun darslik. Prof. M.X.Toxtaxodjayevanig umumiy tahriri ostida. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyat” nashriyoti, 2010. – 400 bet.
9. Педагогика / Ўқув кўлланма. Ш.А.Абдуллаева, Д.А.Ахатова, Б.Б.Собиров, С.С.Сайтов. – Тошкент: Фан, 2004. – 214 б.
10. Сайдидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003. – 172 бет.
11. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1997. – 188 бет.

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН НАМУНАЛАР

1. “Тақдимот” методи ўрганиладиган мавзу моҳиятини компьютер хизматидан фойдаланилган ҳолда слайдлар мажмуаси ёрдамида очиб берилишини таъминлайди. Методни кўллашда мавзунинг асосий ғоялари, таянч тушунчалари, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм ва диаграммалар асосида ёритилади. Ушбу метод ўқувчи (талаба)ларда мавзу мазмунини образли, яхлит тарзда ўзлаштириш кўнкималарини шакллантиради.

2. “Блиц-сўров” (инглизча “blits” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга кисқа, аник, лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Унга кўра ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни ишлаб чиқади ва ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола этади. Ўқувчи (талаба)лар берилган саволга кисқа муддатда, лўнда, аник жавоб қайтара олишлари лозим. Гуруҳ ёки жуфтликда ишлашда бир нафар ўқувчи (талаба) берилган саволга жавоб қайтаради, унинг шериклари ёки гуруҳдошлари жавобни тўлдиришлари мумкин. Бироқ, фикрлар такорорланмаслиги лозим. Методни кўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти талabalар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

3. “Моделлаштириш” (“modulus” – ўлчов, меъёр) методи талabalarda ўзлаштирилган мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммо юзасидан мантикий фикрлаш, мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммонинг умумий моҳиятини модел (шартли белгилар)лар ёрдамида тасвир шаклида ифодалай олиш кўнкималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Методни кўллашда танланган обьект моҳиятини, муҳим хусусиятларини, устувор жиҳатларини тўла очиб беришга алоҳида эътибор қаратилади. Машгулотларда методдан фойдаланиш куйидаги босқичларда амалга оширилади: 1) ўқувчи (талаба)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини пухта англайди; 2) мавзу (масала, муаммо) моҳиятини тўлақонли ифода этадиган асосий жиҳатлар, таянч тушунчаларни ажратади; 3) улар ёрдамида умумий моделни яратади; 4) модел ёрдамида ўрганилган мавзу (масала, муаммо)нинг моҳияти тўғрисида жамоага маълумот беради; 5) таклиф этилган моделнинг максадга мувофиқ яратилганлиги, мавзу (масала, муаммо) моҳиятини очиб бера олиши жамоа томонидан муҳокама қилинади.

4. “Тушунчалар тавсифи” методи ўрганилаётган мавзуга доир таянч тушунчаларни ажратиш, уларнинг асосий жиҳат (хусусият, белгиларини аниклаша ва мазмунини ёритишга хизмат қиласди. Методни кўллашда ўқувчи (талаба)ларга куйидаги схема тавсия этилади:

“Тушунчалар тавсифи” методи

Тушунча	Мазмуни	Муҳим белгилари

5. “Жадвал” методи ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама этилаётган масала ёки муаммонинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида акс эттириш кобилиягини шакллантиришга хизмат қиласи. Методни кўллашда ўқувчи (талаба)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини оғзаки баён ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки асосий гоя, таянч тушунча ва муҳим жиҳатларни жадвада аниқ, киска ифодалаш кўникмаларини ўзлаштиради.


Методни кўллаш бўйича ўқувчи (талаба)ларга куйидаги жадвал намунасини тақдим этиш мумкин:

Моҳияти	Ижтимоий тарбия турлари				
	Маънавий-ахлоқий тарбия	Ақлий тарбия	Жисмоний тарбия	Эстетик тарбия	Мехнат тарбияси
Максади					
Вазифалари					
Ўзига хос жиҳатлари					

6. “Кластер” (“кластер” – гунча, тўплам, боғлам) методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчи (талаба)лар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машгулотлар жараёнида фойдаланиши мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

Методдан фойдаланишда куйидаги шартларга риоя килиш талаб этилади:
 1. Нимани ўйлаган бўлсангиз, уни когозга ёзинг! Фикрингизнинг сифат ҳакида ўйлаб ўтирамай, шунчаки ёзив боринг! 2. Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошка жиҳатларига эътибор берманг! 3. Белгиланган вакт ниҳоясига етмагунича, ёзишдан тўхтамант! Агар маълум муддат бирор бир ғояни ўйлаб олмасангиз, у холда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг! Бу харакатни янги ғоя тугилгунинг қадар давом эттиринг! 4. Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғликликни кўрсатинг!

Метод ёрдамида ўқувчи (талаба)лар топшириқ юзасидан фикрларини кластер (майда, алоҳида қисмлар) тарзида куйидагича ифодалайди:



7. Мулокот тренинги ўқувчи (талаба)ларда дарс жараёнида мустаҳкамлаш, ўз фикрини эркин баён этиш, баҳсланиш қобилиятини

(талаба)ларни кичик гурух (жуфтлик)ларга ажрагиши; 4) гурух (жуфтлик)ларнинг муаммоли вазият ечимини топиш бўйича амалий фаолиятни ташкил этишлари; 5) гурух (жуфтлик)лар томонидан муаммоли вазият юзасидан ўз ечимларини баён қилишлари; 6) гурух (жуфтлик)ларнинг ечим борасидаги фикрларини умумлаштириш; 7) гурух (жуфтлик)лар томонидан тақдим этилган ечимларнинг мақбуллик даражасини ўрганиш (оммавий мухокама қилиш, экспертлар мухокамасидан ўтказиш); 8) энг тўғри, мақбул ечимни аниқлаш.

10. “6x6x6” методи ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчи (талаба)ни муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топширик ёки масалани ҳал этиш, гурухларнинг ҳар бир аъзолси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. Ушбу метод асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гурух ўқитувчи томонидан ўргага ташланган муаммо (масала)ни мухокама қиласди. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи 6 та гурӯҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гурухларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гурухдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гурух аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гурухи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хulosани баён этиб беради, ечимларни биргаликда мухокама қиласди.

Мазкур метод ёрдамида машғулотлар қўйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Машғулотдан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқилади.

2. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан 6 та гурухга бўлинади. Ўқувчиларни гурухларга бўлишда ўқитувчи қўйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (м: кема, тўлкин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлкин, балиқ, дельфин, кит, акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варакчалардан бирини слиш таклиф этилади. Ҳар бир ўқувчи (талаба) ўзи танлаган варакчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллади.

3. Ўқувчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қиласди, гурухларга муайян топширикларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гурухларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гурух аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўріклар кўрсатади, гурухлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганилигига ишонч хосил қилганидан сўнг гурухлардан мунозараларни якунлашларини сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гурухларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гурухда аввалги 6 та гурухнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичida гурух аъзолари аввалги гурухларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гурухдошларига сўзлаб беради. Шу тартибда янгидан шаклланган гурух аввалги гурухлар томонидан қабул қилинган хulosалар (топшириқ ечимлари)ни мухокама қилиб, якуний хulosага келади.

11. “Дебат” (французча “debattere” сўзидан олинган бўлиб, “debats” – “баҳслашмок”) технологияси йигилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс ўюштириш, уларнинг фикр алмасишиларини тъминлашга хизмат қиласди. Ўқув машғулотларида дебат куйидаги тартибда ўюштирилади: 1) ўрганилаётган мавзу юзасидан баҳс юритилиши зарур бўлган муаммо танланади; 2) баҳслашиш учун икки нафар ўқувчи (талаба, гурух ёки жуфтликлар)нинг эътиборларига танланган муаммо ҳавола этилади; 3) ўқувчи (талаба, гурух ёки жуфтликлар)нинг муаммо юзасидан фикрлари тингланади; 4) экспертларнинг фикрлари ўрганилади; 5) дебатда билдирилган фикрлар юзасидан холоса чиқарилади; 5) дебат якунланади.

12. “Нилуфар гули” технологияси дидактикалык мұаммоларни ечишнинг самарали воситалардан бири булиб, шаклан нилуфар гули күренишига эга. Ягона асос, унға бириккән түккізет “тұлбарг” (квадрат, тұртбурчак ёки айланалар)ларни үз ичига оладыган мазкур метод ёрдамида етакчи муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадыган хусусий масалалар ҳал этилади. Үкувчи (талаба)ларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантиқий, изчил фикрлар, ички мөхиятими таҳжил қилиш күнікмаларини шакллантиришга хизмат қыладыган мазкур методдан фойдаланиш күйидеги тартибда амалға ошириләди: 1) ҳал этиладыган масала аниклаشتырылади; 2) үкувчи (талаба)лар топширик мазмуни ва уни ечиш шартлари билан таништырылади; 3) үкувчи (талаба)лар кичик гурухлар (ёки жуфтликтер)га бириктирылади; 4) гурух ёки жуфтлик айзолари марказий тұрт бурчак (квадрат, айланада)да асосий муаммо (гоя, вазифа)ни қайд этади; 5) мазкур масала ечими юзасидан фикр юритиб, марказий тұртбурчак (квадрат, айланада) атрофика саккизта худди шундай ёрдамчи чизмаларни хосил килади, уларда масаланиң хусусий ечимларини баён этади; 6) ёрдамчи шаклларда ифодаланған “тұл”нинг “тұлбарлары”га, янын алохидә яна шундай мажмууга олиб чиқади (үз навбатида уларнинг ҳар бири яна бир муаммо күренишини олади); 7) ёрдамчи чизмаларда ҳам асосий муаммо (гоя, вазифа) ёритилген чизма каби “тұлбарлар”да хусусий масала ва ечимлар акс эттирылади; 8) үрганилаётган масаланиң мөхиятидан келиб чиқиб, бу жараён бир неча бор тақрорланиши мүмкін; 9) ҳар бир гурух ёки жуфтликтер топширик юзасидан үз ечимларини тақдимот тарзида баён этади; 10) гурухлар томонидан тақдим этилген ечимлар Мухомма килинади ва энг тұғри вариант аникланади.

Үкүвчи (талаба)ларга қуидаги схема намуна сифатида тақдим этилади:


	B	
	D	
	G	

		Z
B	Z	C
D	A	F
G	H	Y
		H

		C
		F
		Y

14. “Венн диаграммаси” стратегияси ўкувчи (талаба)ларда мавзуга **нисбатан таҳлилий** ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий **моҳиятини** ўзлаштириш (синтезлаш) кўнинмаларини хосил килишга йўналтирилади. Стратегия кичик гурухларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка **куйидаги схема** чизилади:



Стратегия ўкувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро якин **назарий билим**, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. **Ушбу стратегиядан** муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил **эттишда** фойдаланиш янада самаралидир.

“Венн диаграммаси” стратегияни қўллаш босқичлари куйидагилардан **иборат**:


- 1) ўкувчи (талаба)лар тўрт гурухга бўлинади;
- 2) ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс этирувчи схема **чизилади**;
- 3) ҳар бир гурухга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида **топшириклар** берилади;
- 4) топшириклар бажарилгач, гурух аъзолари орасидан лидерлар танланади;
- 5) лидерлар гурух аъзолари томонидан билдирилган фикрларни **умумлаштириб**, ёзув тахтасига акс этган диаграммани тўлдиради.

Стратегияни қўллаш жараёнида ҳар бир гурух муайян мавзудаги топшириқни **бажаради**. **Ўкувчи** (талаба)лар учун куйидаги жадвални тақдим этиш мумкин:

Гурухлар	Диаграмманинг тартиб рақами	Топшириклар мазмуни
1- гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
2-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
3-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
4-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	

15. “Қарорлар шажараси” (“Қарор қабул қилиш”) технологияси методи мұайян фан асослари борасидаги бир қадар мураккаб мавзуларни үзлаشتариши, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан мұайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбули, тұғрисини топишиша йүнантирилған техник ёндашувдир. Метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар мөхиятитиң яна бир бора таҳлил этиш ва уни мұкаммал тушунишга хизмат қиласы.

Таълим жараённіда мазкур методнинг құлланилиши муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да үқувчи (талаба)лар томонидан билдирилаётган ҳар бир варианты, уларнинг мақбул, номакбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятитиң яратади. Машгулот жараённіда үқувчи (талаба)лар қўйидаги чизма асосида тузилған жадвални тұлдиради (ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришида ёзув таҳтасидан фойдаланади):



Мазкур технология қўйидаги шартлар асосида қўлланилади:

1. Үқитувчи машгулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гурухлар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Үқитувчи үқувчи (талаба)ларни 4 ёки 6 нафардан иборат гурухларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун мұайян вакт белгиланади.

3. Қарорни қабул қилиш жараённіда гурухларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган варианtlарнинг мақбуллик, номакбуллик даражалари батағсил мұхокама қилинади. Ҳар бир варианtlарнинг афзаллик, ноафзаллик жиҳатлари ёзиг борилади. Билдирилған варианtlар асосида муаммони ижобий ҳал этишига хизмат қилувчи усул хусусида гурух аъзолари бир тұхтамға келиб олади.

4. Мунозара учун ажратылған вакт ниҳоясига етгач, ҳар бир гурух аъзолари үз гурухи қарори тұғрисида ахборот беради. Зарур ҳолларда үқитувчи раҳбарлығыда барча үқувчи (талаба)лар билдирилған хулоса (қарор)ларни бир бири билан киёслайди.

Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар түғилгудек бўлса, уларга жавоблар кайтарилиб борилади, ноаникликларга аниқлик киритилиади. Агарда барча гурухлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қароргага келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлади.

Технологиянинг ўзига хос жихати унинг бевосита маълум лойixa асосида кулланилишидир. Мазкур лойixa куйидаги кўринишга эга:

“Қарорлар шағарасы” методи

Умумий муаммо

1-қарор варианти		2-қарор варианти		3- қарор варианти	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
КАРОР:					

16. “Ротация” методи мавзуни кичик гурухларда үрганиш, асосий тояларни ёзма баён қилиш, гурухлар томонидан тақдим қилинган ишларни жамоа иштирокида таҳлил қилиш имконини беради. Машгулот жараённан методни құллашда құйидаги тартибда иш күрилади: 1) үрганилаётган мавзуга доир топшириктер өзмә равиша баён қилиніб, ёзув тақтасига осиб қойылади; 2) үкувчи (тапаба)лар топшириктер сонига күра гурухларға бириктирилади; 3) гурухлар иктиёрий равиша топшириктер пакетини танлайды ва топшириктер бажарап шағында киришади; 4) топшириктернің ечими өзмә баён қилинади ва гурух ишининг ажратыб олиш осон булиши учун пакет устига маҳсус белгилар қойылади; 5) топшириктернің ечими баён қилинган пакетлер гурухлар үртасида үзаро алмаштырылади; 6) барча топшириктернің мазмұны гурухлар томонидан үрганиліб бўлгач, топшириктер пакетлари йиғиб олинади ва ечимлар умумлаштырылади; 7) ечимлар жамоада мухокама қилиніб, энг тўғри жавоб танлаб олинади.

17. “Қорбұрон” методи машғулотни үзаро мусобақа құрнишида ташкил этилишини тәммилайды. Методни күллаш жараєніда үқувчи (талаба)лар мавзу юзасидан тезкор, асосли, түгри фикрлай олишлари лозим. Мазкур методни күллаш күйіндеги тарзда кечади: 1) үқувчи (талаба)ларга муҳокама учун танланған мавзу (масала) әйлон қишинади; 2) улар “Қорбұрон” методининг моҳияти ва шартлари билан таништирилади; 3) үқувчи (талаба)лар икки гурухға ажратиласы; 4) үқитувчи уларнинг эътиборларын мавзу юзасидан түзилған саволларни хавола қылади; 5) ҳар икки гурух үқувчи (талаба)лари берилған санолға биринчи бўлиб, түгри жавоб топишга ҳаракат қилишлари лозим; 6) гурухларнинг ҳар бир түгри жавоби юмалокланған кор қурнишида уларнинг ҳисобига ёзул тахтасида ёзил борилади; 7) барча саволлар берилбўлингач, гурухлар томонидан түпланған баллар умумлаштирилади ва голиб жамоа (гурух) аниқланади.

18. “Инсерт” методи ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича ўкувчи (талаба)ларнинг муйян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш, уларда матнга нисбатан тахлилий ёндашиш кўнимкамларини шактлантиришга хизмат қиласи. Стратегияни кўллашда куйидаги характеристлар амалга оширилади: 1)

кичик гурухлар шакллантирилиб, улар номланади; 2) ҳар бир гурухда ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади; 3) гурухлар навбатма-навбат мулоҳазаларни баён этади; 4) баёв этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади; 5) сўнгра ўқитувчи янги мавз моҳиятини ёритувчи матнни гурухларга тарқатади; 6) гурухлар матн била танишиб чиқиб, матн ва ўзлари билдирган фикрларнинг бир-бирига қа даражада мувоғиқ келгандигини аниқлайди (ўхшашлик ва фарқлар маҳсус белгилар ёрдамида қайд этилади); 7) гурух аъзолари шахсий қарашларин ифода этади ва маҳсус белгилар сони умумлаштирилади; 8) гурух аъзолар орасидан лидерлар белгиланади; 9) лидерлар синф жамоасини гуру натижалари билан таништиради; 10) гурухларнинг ёндашувлар умумлаштирилиб, якуний хулоса чиқарилади.

Методни қўллашда ўқувчи (талаба)лар қўйидаги схемалар билан ишлайди:

1. Матн гурухларнинг фикрлари билан қиёсий таққосланганда:

Махсус белгилар	Махсус белгиларнинг маъноси
Z	Матнда гурухлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса
S	Матнда гурухлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса
?	Матн билан танишиш жараённида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса)

2. Лидерларнинг хисоботидан сўнг гурухларнинг натижаларини ўрганиш чоғида:

Махсус белгиларнинг тартиб рақамлари	Гурухларнинг номлари			
	Коперник	Галилей	Форобий	Ибн Сино
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				

19. “Зиг-заг” методи ўқувчи (талаба)лар билан гурух асосида ишлаш мавзуни тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қиласи. Методнинг афзаллиги: 1) ўқувчи (талаба)ларда жамоа (гурух) булиб ишлаш кўнкимаси шаклланади; 2) мавзуни ўзлаштиришга сарфланадиган вакт тежалади.

Методни қўллаш қўйидагича амалга оширилади: 1) синф ўқувчи (талаба)лари бир неча (5-7 та) гурухга бўлинади; 2) янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам тегишли раввишида 5-7 та қисмга ажратилади; 3) ҳар бир гурухга мавзунинг муайян қисми (1-матн, 2-матн, ... ва ҳ.к.) берилиб, уни ўрганиш вазифаси топширилади; 4) белгилангандан вакт мобайнинда гурухлар матн устида ишлади; 5) вактни тежаш мақсадида гурух аъзолари орасидан лидерлар танланади, улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни гурухдошларига сўзлаб беради; 6) лидерларнинг фикри гурух аъзолари томонидан тўлдирилиши

мумкин; 7) барча гурухлар үзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганларидан сұнг матнлар гурухлараро алмаشتырлади; 8) бу боскічда ҳам юкоридаги фаолият тақрорланади; 9) шу таҳлилде мавзу моҳиятини ёритувчи яхлит матн үкувчи (талаба)лар томонидан үзлаштырылади.

19. “Юмалоқланған қор” методи мавзуди муайян кисмларга бұлған холда үзлаштыриш имконини беради, үкувчи (талаба)ларда гурух ва жуфтликда ишлаш күнікмаларини шакллантиришга хизмат қиласы. Методни құллашда үкувчи (талаба)лар жуфтлик, гурух ёки жамоа бұлиб ишлаши мумкин.

Методни құллаш күйидеги тартибда амалға оширилади: 1) ўрганиладын мавзу ёки мавзу юзасидан маълум масала танланади; 2) үкувчи (талаба)ларға танланған масала ва методни құллаш қоидалари түшнүтирилади; 3) улар кичик гурухларға бириктирилади (имкон қадар гурухларнинг сони жуфт ракамларни ташкил этиши лозим); 4) бажариш учун ҳар бир гурухға биттадан топширик берилади; 5) гурухлар топширикни бажаради; 6) гурухлар топширикни бажарыб булишгач, тартиб ракамларига күра иккى гурух үзаро бирлашади (яғни, 1- ва 2-гурух; 3- ва 4-гурух); 7) янгидан шаклланған гурухларда кичик гурухларда бажарылған топшириклар ўрганилади; 8) барча гурухлар ягона жамоа бұлиб бирлашиб, катта гурухларда ўрганилған масалалар мұхокама қилинади; 8) топшириклар юзасидан умумий хуносага келинади.

“Юмалоқланған қор үйини” методидан муайян бұлым ёки боблар бүйіча үзлаштырилған назарий ва амалий билимларни мустахкамлаш мақсадыда фойдаланыш нысанды құлай.

21. “Німа учун?” методи үкувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мұаммо ёки масаланиң моҳиятини ёритувчи сабабларни аниклаш юзасидан мустакил філорта олиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қиласы. Методни құллаш жараёнида үкувчи (талаба)лар мұаммо (масала)нинг ечимини топишга тизимли, ижодий ёндашишлари, сабабларни таҳлил қилиш тараба этілади. Машғұлттар жараёнида методни құллаш күйидеги тартибда амалға оширилади: 1) үқитувчи үкувчи (талаба)ларни методнинг моҳияти ва шартлары билан таништиради; 2) үкувчи (талаба)лар кичик гурухларға бириктирилади; 3) үқитувчи гурухларга ўрганилаётган мавзу бүйіча маълум масалаларни топшириради; 4) гурухлар масалаларнинг ечимини ifодалашы зарур бұлған схемани яратади; 5) схемада мұаммо (ёки масала)нинг юзага келиш сабаблари акс эттирилади; 6) гурухлар ишлары жамоада мұхокама қилинади.

Методни құллаш шартлари күйидеги: 1. Схемада акс этадиган шакллар (айланы, түғри түртбұрчак, квадрат ёки учбуручаклар)ни үкувчи (талаба)лар мустакил танлайды. 2. Схеманинг таркibiй түзилиши – мұлоҳазалар занжирининг түғри чизиқи, түғри чизиқли эмаслиги ҳам үкувчи (талаба)лар томонидан белгиланади. 3. Йұналиш құрсақтичлари үкувчи (талаба)ларнинг дастлабки қолатдан ечимни топишгача бұлған фаолиятларини ifодалайды.

22. “Концептуал жадвал” методи үкувчи (талаба)ларда ўрганилаётганды мавзу, масала ёки мұаммони унинг иккى ёки уйдан ортиқ жиҳатлары бүйіча таққослашып ўргатади. Методдан фойдаланышда үкувчи (талаба)ларнинг мавзу юзасидан мантикий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияты

ривожланади. Машгүлолтлар чогида методдан фойдаланиш қуидаги тартибда кечади: 1) ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган масалани аниқлади; 2) ўқувчи (талаба)лар масала ва методдан фойдаланиш коидаси билан таништирилади; 3) улар кичик гурухларга бириткирилади; 4) гурухлар ўзларига берилган топширикни бажаради; 5) гурухлар ечимни жамоа ҳукмига ҳавола этади; 6) гурухларнинг ечимлари жамоада муҳокама килинади.

Ўқувчи (талаба)лар эътиборига қуидаги намунани тавсия этиш мумкин:

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар	Мухим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат			
2-жиҳат			

23. “Тоифалаш” методи ўқувчи (талаба)ларни ўрганилаётган мавзу бўйича муҳим хусусият, жиҳатларни аниқлаш, уларни ифода этувчи маълумотларни бирлаштиришга ўргатади. Методни кўллашда ўқувчи (талаба)ларда мантакий фикрлаш, муҳим хусусиятларни ёритувчи маълумотларни муайян тизимга келтириш кўнинмаларини шакллантиради. Машгүлолтларда методдан фойдаланиш қуидаги тартибда амалга оширилади: 1) ўқитувчи муҳим хусусиятлари аниқланиши лозим бўлган мавзу, масала ёки муаммони аниқлади; 2) ўқувчи (талаба)лар танланган мавзу (масала, муаммо) ҳамда “тоифалаш” методини кўллаш шартлари билан таништирилади; 3) ўқувчи (талаба)ларга маълум топшириклар берилади; 4) гурухлар топширикни бажаради (мавзу моҳиятини ёритувчи муҳим хусусиятларни аниқлаб, жадвал ёрдамида ифодалайди); 5) гурухлар ўз ечимларини жамоа эътиборига тақдим этади; 6) жамоа томонидан гурухларнинг ишлари муҳокама қилинади.

Методдан фойдаланишда ўқувчи (талаба)лар қуидагиларга эътибор қаратадилар: 1. Мухим хусусиятлар (тоифалар)ни ёритишга нисбатан ягона талаб қўйилмайди. 2. Гурухларга бир хил топшириқ берилганда бир гурухнинг ечими иккинчи гурухнинг ечимидан фарқланиши мумкин. 3. Ўқувчи (талаба)ларга ўқитувчи томонидан мавзу моҳиятини ёритувчи муҳим хусусиятлар ҳакида маълумот бериш мумкин эмас, муҳим хусусиятларни излаш жараёни ҳам уларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши шарт.

24. “Ақлий ҳужум” методи ўқувчи (талаба)ларда мавзу хусусида кенг, ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўнімка, малакаларни ҳосил қилишга рагбатлантиради. Бу метод ёрдамида ташкил этилган машгүлолтлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. Метод танланган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш, уларга мукобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Методдан самарали фойдаланиш мақсадида қуидаги қоидаларга амал қилиш лозим: 1) ўқувчи (талаба)ларнинг ўзларини эркин ҳис этишларига шароит яратиб бериш, ғояларни ёзиб бориш учун ёзув тахтаси ёки қозгозларни тайёрлаб қўйиш; 2) муаммо (ёки мавзу)ни аниқлаш; 3) машгүлут жараёнида амал қилинадиган шартларни белгилаш; 4) билдирилаётган ғояларни уларнинг

муаллифлари томонидан асосланишига эришиш ва уларни ёзиг олиш қофоз вараклари гоя (ёки фикр)лар билан тұлғандан сүнг уларни ёзув таҳтасига осиб күйиш; 5) билдирилган фикрларни янги ғояларнинг турлича ва күп миқдорда бўлишига ахамият каратиш; 6) бошқалар томонидан билдирилаётган фикрларни ёдда саклаш, уларга таяниб янги фикрларни билдириш, билдирилган фикрлар асосида муайян хулосаларга келиш каби ҳаракатларнинг ўқувчи (талаба) томонидан содир этилишига эришиш; 7) ўқувчи (талаба) томонидан билдирилаётган ҳар қандай гоя баҳоланмайди; 8) ўқувчи (талаба)ларнинг мустақил фикр юритишлари, шахсий фикрларини илгари суришлари учун кулай мухит яратиш; 9) ғоялар билан бойитиш асосида уларни кувватлаш; 10) бошқалар томонидан билдирилган фикр (гоя)лар устидан кулиш, кинояли шарҳларнинг билдирилишига йўл кўймаслик; 11) янги ғояларни билдириш давом этаётган экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини зълон қилишга шошилмаслик.

Машғулот жараённада методдан фойдаланишда қуидаги қоидаларга амал килиш талаб этилади: 1. Ўқувчи (талаба)ларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, уларнинг мантиқий фикрларни билдиришларига эришиш. 2. Ҳар бир ўқувчи (талаба) томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади. Билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади. Фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги-янги фикрларнинг туғилишига олиб келади. 3. Ҳар бир ўқувчи (талаба) ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди. 4. Машғулот жараённада ўқувчи (талаба)лар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл кўйилмайди. Фикрлар баҳоланиб борилса, ўқувчи (талаба)лар диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратеги, сқибатда янги фикрлар илгари сурилмайди. Методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи (талаба)ларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечиши мақсадига мувофиқидир.

25. “Қандай?” методи ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу, муаммо юзасидан умумий тасаввурларни хосил қилишга имкон беради. Методни қўллашда ўқувчи (талаба)ларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга солиш, уларни таҳлил қилиш кўнишкалари шаклланади. Методни қўллаш: 1) ўқитувчи танланган мавзу, масалани зълон килади; 2) ўқувчи (талаба)ларни мавзу ва метод билан ишлаш қоидалари билан таништиради; 3) улар гурухларга бириктирилади; 4) гурухларга топшириқ берилади; 5) гурухлар топшириқни бажаради; 6) гурухлар томонидан тақдим этилган ечимлар билан жамoa таништирилади; 7) жамoa томонидан гурухларнинг ишлари муҳокама қилинади.

Муаммонинг ечими “Буни қандай қилиш керак?”, “Қандай?” саволларига жавоб топиш асосида ҳал қилинади. Муаммони ечишда “нима қилиш керак”лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслик лозим. Саволларнинг изчил


берилиши мұхым ақамиятга зға. Методни құллашда муаммони ечиш имкониятларигина изланмай, уларни құллаша йүллари ҳам тадқык қилинади.

Методни құллашда қуидаги шартларға амал қилинади: 1) йүлланган барча ғоялар таҳлил қилинмайды, бақоламайды, тақсостамайды қайда қорытынды көрсетілді; 2) шаклланыстаған диаграмма туғалланған бўлмайды, унга янги ғояларни киритиш мумкин бўлсин; 3) агарда чизмада савол унинг “шоҳларида” бир неча бор кайтарилса, у ҳолда бу фикр бирор мұхимликни англатаб, муаммонинг асосий ечими бўлиши мумкин; 4) янги ғоялар график, кластер ёки тасвир кўринишида бўлишидан қатъий назар юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга қайд қилиб борилади (буни талабаларнинг ўзлари ҳал этади); 5) агар талабалар саволларни тўғри кўйсалар ва масаланинг ривожланиши йўналишини объектив белгилай олсалар, у ҳолда ечим тўғри топилади.

26. “Балиқ скелети” методи ўкувчи (талаба)ларда мавзу юзасидан муайян масала мөхиятини тасвирлыша ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Методни құллашда ўкувчи (талаба)ларда мантикий фикрлар, мавзу мөхиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўнимкамлари ривожланади.

Метод қуидаги босқичларда құлланылади: 1) ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни методни құллаш шарты билан таништиради; 2) улар гурухларга бириттирилайди; 3) гурухлар топширикларни бажаради; 4) гурухлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади; 5) жамоа гурухлар ечимлари юзасидан мұхокама уюштиради.


Ўкувчи (талаба)лар топширикларни қуидаги тасвир асосида бажарадиар:



27. “Кейс-стади” технологияси (инглиз тилида “case” мажмуа, аник вазият, “stadi” – таълим) ўкувчи (талаба)ларда аник, реал ёки сунъий яратылған вазиятнинг муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўнимкамларини шакллантиришига хизмат қиласи. Мазкур технология ўкувчи (талаба)ларни бевосита ҳар қандай мазмунга зға вазиятни үрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий мөҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар куйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёчини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тұплаш, уларни үрганиш усул ва воситалари, илмий тақдиллининг усул ва воситалари, үкитувчи ва үкувчы (талаба) үртасидаги таълимий алоқаннинг усул ва воситалари, үкув натижалари.

Кейс-стади технологиясининг умумий түзилмасини куйидагича ифодалаш мүмкін:



Технологиянинг самарадорлығы үкув жараёнини куйидаги технологик босқичларда ташкил этилишига болғыл:

- 1) кейс ечимини топиш бүйіча индивидуал ишлап;
- 2) кейс ечимини топища жамоавий ҳамкорликка эришиш.

Мазкур технологияни күллашда индивидуал ишлашда куйидаги тартибда иш күрилади: 1) үкувчы (талаба)нинг кейс-стади технологияси мөҳияти, ундан фойдаланиш шартлари билан танишиши; 2) үкувчы (талаба) томонидан тақдим этилган муаммонинг үрганилиши; 3) муаммо юзасидан асосий ва иккінчи даражали масалаларни ажратиши, шакллантириши ва асослаш; 4) тадқиқт metodларини танлаш, вазиятни таҳлил қилиш; 5) тақдим этилган муаммонинг амалий жиһатларини үрганиш; 6) берилған муаммони ечишнинг усул, воситаларини аниклаш; 7) тақдим этилган ечимни таълим амалиётігіна табдік этиш чора-табдирларини белгилаш.

- Кейс-стади бүйіча жамоавий ҳамкорлик куйидаги тартибда амалга ошағы:
- 1) муаммо, унинг ечимлари юзасидан жамоа (гурух) аззолари үзаро фикр алмашади;
 - 2) масаланинг ечими сифатыда тақдим этилган варианtlар мухокама килиниб, уларнинг мақбуллік даражаси баҳоланади;
 - 3) муаммоли вазиятнинг ечимини таъминлайдиган аник дастур ишлаб қыллади;
 - 4) масаланинг ечим тұғрисида маълумот берадиган тақдимот тайёрланади

ва унда намойиш этиладиган материаллар расмийлаштирилади.

28. “Ялпи фикрий ҳужум” технологияси Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни бир неча ўн (20-60) нафар ўқувчи (талаба)лардан иборат гурухларда қўллаш мумкин. Ушбу метод ўқувчи (талаба)лар томонидан янги гояларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат килади. Ҳар бири 5 ёки 6 нафар ўқувчи (талаба)ни ўз ичига олган гурухларга 15 дакика ичida ижобий ҳал этилиши лозим бўлган турли топшириқ ёки ижодий вазифалар берилади. Топшириқ ва ижодий вазифалар белгиланган вақт ичida ижобий ҳал этилгач, гурух аъзоларидан бири ахборот беради.

Гурух томонидан берилган ахборот (топшириқ ёки ижодий вазифанинг счими) ўқитувчи ва бошқа гурухлар аъзолари томонидан муҳокама қилиниб, баҳо берилади. Машгулот якунида ўқитувчи берилган топшириқ ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасида энг яхши, ўзига хос деб топилган жавобларни зълон килади. Машгулот жараёнида гурух аъзоларининг фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кўра баҳолаб борилади.

29. “Зинама-зина” методи ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзууни кичик мавзуларга ажратилган ҳолда расм, тасвир, жадвал ёки слайдлар асосида ўрганиш кўнинмаларини шакллантиради. Метод ўқувчи (талаба)ларда мавзууни ўрганишга ижодий ёндашиш, шахсий фикр, ўзлаштирилган тушунчаларни тасвирий кўринишларда ифодалаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Ундан фойдаланиш тартиби қўйидагicha:

1) ўрганиладиган мавзу муайян қисмларга ажратилиб, алоҳида коғозларда ифодаланади;

2) ўқувчи (талаба)лар кичик гурухларга бириктирилади;

3) ҳар бир гурухга муайян қисмдаги матн тақдим этилади;

4) гурухлар ўзларига берилган кисм матни билан танишиб, унинг моҳиятини белгиланган вақт ичida маркерлар ёрдамида расм, тасвир, жадвал ёки слайдлар шаклида ифода этади;

5) белгиланган вақт тугагач, гурухнинг бир нафар аъзоси ўзлари бажарган иш билан жамоани танишитиради;

6) барча гурухларнинг ишлари тинглангач, жамоа томонидан ўрганилган мавзунинг умумий образи кичик мавзулар моҳиятини ёритувчи расм, тасвир, жадвал ёки слайдлар асосида мантикий кетма-кетликда ёзув тахтасида зинама-зина кўринишида жойлаштирилади;

7) ўқитувчи гурухлар томонидан тақдим этилган ишларга изоҳ бериб, зарур ўринларга ўзгартиришлар киритади;

8) гурухларнинг ишлари уларнинг мазмуни, сифати ва дизайнига кўра баҳоланади (баҳолаш жараёни рангли карточкалар воситасида амалга оширилади, яъни, ўқувчи (талаба)лар ўзлари сифатли деб топган ишни рангли карточкалар ёрдамида белгилайди (иш устига карточка ёпиштирилади), энг кўп карточкага эга ишга юқори балл берилади).

Методни қўллашда ўқувчи (талаба)лар қўйидаги шартларга амал килади: 1) кичик мавзулар бўйича имкони борича маълумотларни тўла баён эта олишлари лозим; 2) кичик гурухларнинг ишларига баҳо беради.

30. “Галерея” методи ўкувчи (талаба)ларда кичик гурұх асосыда бир йұла бир неңта масаланы мұхокама қилиш қобиляттіни тарбиялайды. Методның күллашы чөнди гурухнинг ҳар бир аязоси таклиф этилған барча масалалар ечимини топишга үз хиссасини құшиш имконияттың етапы болады.

Маңғұлтоттар даврида “Галерея” методидан фойдаланиш қыйидаги тартибда амалға оширилады:

1-босқич – масаланы құйыш (ұқитувчи кичик гурұхларға муайян мұаммодағы масала)ни ҳал қилиш топшириғини беради;

2-босқич – ҳар бир гурұх үзігі топширилған масаланың ечимини топиш устида ишлайды (бу жараён 5-10 минут ичіда кечади);


3-босқич – ҳар бир гурұх навбати билан 2-, 3- ва 4-гурұхта топширилған мұаммомонинг ечимини топишга киришади (гурухлар қарқындылықтандырылғанда соат стрелкасы бүйірдегі амалға оширилады; маълум гурұх бөшкә гурұхларнинг топшириқ бүйірдегі ечимларини үрганади, уларға нисбатан үз мұносабатини билдирады; құшимчалар құшады);

4-босқич – гурұх үз үрніңде қайтади;

5-босқич – ҳар бир гурұхдан бир нафар ўкувчи (галаба) гурұх иши билан жамоаны таништирауды үзгертеди; 6-босқич – муайян гурұх бөшкә гурұхларнинг ечимларынан топонидан билдирилған мұлоқазаларни шархлайды;

7-босқич – гурұхларнинг фикрларынан күра яқуний қаржынан келинади.

“Галерея” методини күллаш жараёнини схематик равишида құйидагыда ифодалаш мүмкін:



ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР ЛҮГАТИ

Академик лицей (АЛ) үкүвчиларнинг имкониятлари, қизиқишларига кўра уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чукур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишларини таъминлаш мақсадида ДТСга мувофиқ ўрта маҳсус таълим берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси

Амалий машғулотлар – маҳсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилиб, үкүвчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда кўллай олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шакли

Анкета (французча “текшириш”) методи – педагогик илмий-тадқикот методларидан бири бўлиб, тизимли саволлар асосида респондентлар билан мулоқотни ташкил этишга асосланган ушбу метод ёрдамда педагогик кузатиш ва сұхбат жараёнида тўпландиган далиллар бойитилади; саволларга жавоблар, одатда, ёзма равишда олинади

Ахлоқ (лот. “moralis” – хулқ-атвор) ижтимоий онг шаклларидан бири ҳисобланиб, ижтимоий муносабатлар ва шахс ҳатти-ҳаракатини тартибиға солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган, риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот, хулқ-атвор қоидалари, мезонларининг мажмуу

Ахлоқий одат – ахлоқий ҳатти-ҳаракатларнинг мукаммалаштиришга бўлган эҳтиёж бўлиб, у үкүвчиларда қулай вазиятларда ижобий мазмунга эга ҳатти-ҳаракатларнинг изчил, доимий, тизимли тақорланиши ҳисобига ҳосил бўлади

Ахлоқий онг – ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари, миллий истиқлол гоясининг үкүвчилар онгида акс этиши

Ақлий тарбия шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билим асосларини бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, шахса табиат, жамият, инсон тафаккури ҳакидаги билимларни ҳосил қилиш, илмий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган жараён

Байналмилаллик (“inter” – орасида, ўртасида, биргаликда, аро, “nation” – халқ) – ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-кукуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, гурмуш тарзи, тили, виждан эркинлигини хурмат қилиш, уларнинг майдаатларига зиён етказмасликни ифода этувчи шахсга хос маънавий-ахлоқий фазилатлардан бири

Бакалавр ўзи танлаган соҳа бўйича олий маълумотли мутахассис бўлиб, давлат классификаторида белгиланган лавозимда ишлап хукукига эга

Билим олиши – идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор, фаолият кўникма, малакаларининг мустахкамланиб, мавжуд билимларнинг тақомиллашиб, бойиб бориш жараёни

Билим – шахснинг онгида тушуичалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаптирилган илмий маълумотлар мажмуи

Болалар ижодини ўрганиш методи – педагогик илмий-тадқиқот методларидан бири бўлиб, ўқувчиларнинг муайян йўналишлардаги пайдати, қобилияти, маълум фан соҳалари бўйича БКМ даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади

Бошлангич таълим педагогикаси – бошлангич синф ўқувчиларнинг ёш, психологияк хусусиятларини инобатта олган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ўрганади

Ватанпарварлик – шахснинг ўзи мансуб бўлган миллият, туғилиб ўсган ватани тарихидан гуурланиши, бутуни тўғрисида қайғуриши, унинг порлоқ истиқболига бўлган илончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат

Гигиена – ташки мухитнинг инсон организмига таъсири, таъсир кўрсатувчи омиллар, уларни билиш асосида касалликларнинг олдини олиш, соглиқни саклаш чоралари, қоидалари тўғрисида маълумот берадиган фан

Графикавий ишлар – ёзма ишларга ўхшаш бўлиб, улардан техник жараёнлар (география, физика, математика, чизмачилик, расм, технологик таълим)да кенг кўламда фойдаланилади

Дарс -- бевосита ўқитувчи раҳбарлигига муайян ўқувчилар гурухи билан олиб бериладиган таълим жараёнининг асосий шакли

Дарслерлик – муайян ўкув фани бўйича таълим мақсади, ўкув дастури ва дидактика талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлари тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба бўлиб, у мазмуни, тузилишига кўра ўкув дастурига мос келади

Дастурий таълим – педагогик технологиялардан бири бўлиб, у ўқувчиларнинг ички эҳтиёжлари, қизикишлари, билимлари, дунёқарашлари, ўкув материалларини ўзлаштиришда улар дуч келаётган муаммолар, ўкув фанининг имкониятларини инобатта олган ҳолда ташкил этилади

Дидактика (таълим назарияси, юонча “didaktikos” – “ургатувчи”, “didasko”-“урганувчи”) – педагогиканинг таълим моҳияти, назарий асослари, тамойиллари, конуниятлари, ўкувчи ва ўқитувчи фаолияти, мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш ўйлари, х.к. муаммоларни тадқиқ этадиган кисми

Дидактик тизим (юонча “systema” – яхлит қисмлардан ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлар асосида таълим жараёнининг яхлит холатини белгилайди, ажратиб кўрсатиш

Дикция – сўзларнинг аниқ талаффуз килиниши

Диний дунёқараш – борлиқни илоҳий қучга, Худога ишониш асосида қабул килишини ифодаловчи тасаввурлар, урф-одатлар, маросимлар мажмуи

Дунёқараш – шахснинг табиат, жамият, ўзининг ижтимоий мухитдаги ўрни, ўз-ўзи, турли воқеликларга муносабатини белгилаб берадиган қарашлари, эътиқоди, ҳаётий тажрибаси ва фаолият тамойилларининг тизими

Ёзма машқлар – таълимнинг таркибий қисми сифатида зарурий кўникма, малакаларни шакллантириш, мустаҳкамлаш учун кўлланиладиган машқлар (диктант, иншо, масала, мисол, реферат ёзиш, тажрибани ёритиш)

Жазолаш – шахснинг хатти-харакати, фаолиятига салбий баҳо бериш

Жинсий тарбия -- болалар, ўсмирлар, ёшларда жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришга қаратилган тиббий, педагогик тадбирлар тизимида кўра ташкил этиладиган жараён

Жисмоний тарбия ўкувчиларда жисмоний-иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий, жисмоний жиҳатдан меҳнат ва Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган жараён

Ижтимоий онгни шакллангирувчи методлар – ўкувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқод, дунёкарашини шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғуси, иродасига таъсир кўрсатиш усуllibар

Ижтимоий хуққи шакллантириши методлари – муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини тўғри, мақсадга мувоғик, пухта ташкил қилиш орқали уларни ахлоқий меъёр, хулк-атвор қоидаларини бажаришга одатлангирувчи усуllibар

Ижтимоий педагогика – шахсниижтимоийлаштириш қонуниятлари, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга педагогик ёндашиш, ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш технологияларини яратиш масалаларини ўрганувчи фан

Ижтимоий-сиёсий дунёкараш – кишиларнинг объектив мавжуд бўлган сиёсий ҳаётга нисбатан сиёсий қарашларининг, сиёсий фаолиятга нисбатан муносабатларининг умумлаштирилган тизими

Ижтимоий-фойдали меҳнат – ўкувчилар гурухи (жамоаси) томонидан ташкил этилиб, ижтимоий аҳамият касб этгани ҳолда бевосита шахсни ҳар томонлама камол топтириш, муайян ижтимоий эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган меҳнат фаолияти тури

Изоҳлаш – тарбияланувчига хиссий-офзаки таъсир этиш усули

Илмий дунёкараш – бу илмий методлар ёрдамида кўп бор текширилиш, умумий ҳолда инсоният тажрибаси билан тасдикланиши қонунларига таянувчи дунёкараш

Илмий тафаккур инсон аклий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воеқа-ходиса ва жараёнларга илмий ёндашувни англатади

Индивидуал таълим – педагогик технологиялардан бири бўлиб, шахс томонидан якка тартибда, мустақил равища зарур билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади

Инновацион таълим – педагогик технологиялардан бири бўлиб, ўкувчидагоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор гоя, меъёр, қоидаларни табиий кабул қилишга оид сифат, малакаларни шакллантириш имкониятини яратувчи таълим

Интервью – педагогик илмий-тадқиқот методларидан бири бўлиб, респондент томонидан тадқиқ этилаётган муаммонинг у ёки бу жиҳатини ёритувчи ходисага нисбатан муносабат билдирилишини

- Интерфаол методлар** – таълим жараёнида ўқитувчи ва ўкувчилар ўртасида ҳамкорликни қарор тоғтириш, фаолликни ошириш, ўқувчилар томонидан билимларнинг самарали ўзлаштирилишини таъминлаш, уларда шахсий сифагларни ривожлантиришга хизмат қиласидан методлар
- Интерфаол таълим** – педагогик технологиялардан бири бўлиб, таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўкувчи ва ўкувчилар гурухи ўртасида юзага келувчи ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фиқр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этиладиган таълим Ирода – шахснинг аниқ мақсад сари онгли равишда олға интилиши, зўр бериб ҳаракат қилиши
- Ирсият** – аждодларга хос биологик белги ва ривожланиш хусусиятларини кейинги авлодларга ўтиш жараёни
- Истак** – шахс томонидан эҳтиёжнинг етарли даражада англанганлиги билан тавсифланувчи фаолият рағбати (мотиви)
- Ишлаб чиқариш мөхнати** – таълим муассасаларида ўкувчиларни муайян йўналишлар бўйича ҳунар асосларидан хабардор қилиш, уларда амалий қўнишка, малакаларни шакллантириш йўлида олиб борилаётган педагогик фаолият кўринишларидан бири
- Иқтисодиёт назарияси** – ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқариш кучларининг ҳалқ хўжалигининг мавжуд ҳолатига мувофик келиши, иқтисодий муносабатлар жараёнининг умумий асосларини тадқиқ этувчи фан
- Иқтисодий тарбия** – ижтимоий тарбиянинг мухим таркиби қисмларидан бири бўлиб, ўкувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, оила хўжалигини юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, қўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва х.к.)ни ташкил этиш қўнишка, малакаларни шакллантиришга йўналтирилган жараён
- Касбий педагогика** – тури (ижтимоий, техник, маданий-маиший, ишлаб чиқариш) йўналишларida тегишли соҳа (м: қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маданий-маиший хизмат қўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар) бўйича касбий фаолиятни самарали йўлга қўйиш йўлларини ўрганадиган фан
- Касб-хунар коллежи (КХК)** ўкувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим, қўнишкаларини чукур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли ДТС доирасида ўрга маҳсус, касб-хунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси
- Креатив педагогика** – шахс (ўқувчи, талаба)ни ўқишга, таълим олишга ижодий ёндашишга, ўзининг ва ўз келажагининг яратувчиси бўлишга ўргагадиган фан
- Коррекцион (маҳсус) педагогика** – имконияти чекланган кар-соқов (сурдопедагогика), кўр (тифлопедагогика), аклий жиҳатдан ривожланишида

ортда қолган (олигофренопедагогика) болаларга таълим бериш, уларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган фан

Кўникма – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти, олинган билимларга асосланиб қўйилган вазифалар, шартларга биноан бажариладиган ҳаракатлар йигиндиши

Лаборатория ишлари ўқувчиларнинг жихоз, махсус ускуна, курол ҳамда турли техникавий қолиплардан фойдаланган ҳолда тажрибаларни ўтказилишини ифодаловчи фаолият кўриниш бўлиб, улар кўпроқ табиий фанлар асосларини ўрганишда кўлланилади

Магистр – маълум ихтисослик бўйича таълим олган юқори малакали, аспирантурага кириш хукуқига эга мутахассис ҳисобланиб, у илм-фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида фаолият кўрсатади

Маданиятшунослик – маданий ривожланишнинг жамият тараққиётидаги ўрни, табиат, атроф-мухитта таъсири, маданият турлари, фан, дин ва санъат турларининг ривожланиш асосларини ўрганадиган фан

Мактаб маъруzasи – бир соатлик машгулот давомида ўрганилаётган мавзунинг ҳақиқий мөҳиятини очиб бериш, унда илгари сурилган ғоялар асосида илмий хуросалар чиқариш, уларни умумлаштириш асосида билимларни муайян изчиликда баён этиш шакли

Малака – муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли

Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёши болаларини тарбиялаш, уларга бошлангич билимларни бериш масалаларининг тадқики билан шугулланадиган фан

Масофавий таълим – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоказиз “масофадан ўқитиш” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланган ўқитиш жарабёнининг ўзига хос янги шакли

Математик статистика – педагогик илмий-тадқиқотларни олиб боришда кўлланилиб, тажриба-синов ишлари, умумий ҳолда тадқиқотнинг самарадорлик даражасини аниглашга хизмат киласадиган метод

Машқ – ақлий ёки амалий (жисмоний) ҳаракатларни бажариш кўникмаларини эгаллаш йўлидаги кўп марта тақорланишлар

Маълумот – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган, тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма, малакалар, таркиб топган дунёкараш мажмуни

Маънавий-ахлоқий тарбия – ўқувчилар онги, ҳаёти, турмуш тарзига муайян жамият томонидан тан олинган, риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулк-атвор коидалари, мезонларини сингдириш жараёни

Маънавият асослари – миллий истиқбол ғояси асосларини, инсониятга хос фалсафий, хукукий, илмий, бадиий, диний, ахлоқий ва б. тасаввурлари, тушунчаларини ифодалайди

Маъруза -- ўкувчиларга назарий билимларни вербал (оғзаки) етказиб бериш шаклларидан бири

Мақсад (аррабчадан ният, олий тилак, интилиш) -- эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао

Махорат -- муайян иш, хатти-харакат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма, малакалар мажмуу

Методологик асос -- муайян назария ва таълимотларнинг етарлича илмий асосланиши, шахс фаолиятини тўғри уюштирилиши учун асос (негиз) бўлиб хизмат қиласидан мухим, етакчи ғоялар

Методология (юнон. *methodos* – йўл, усул, *logos* – таълимот) – шахснинг амалий ва назарий фаолиятини тўғри уюштириш, тузиш тўгрисидаги таълимот; илмий билиш, диалектик тараққиёт моҳиятини ёритувчи устувор ғоя, етакчи тамойил, мухим қонуниятлар, назарий ҳамда амалий ёндашувлар мажмуу

Меҳнат -- кишилик фаолиятининг энг қадимги ва мухим тури бўлиб, у фаолиятнинг барча бошқа турлари – аклий (ижодий) ривожланиш, ўйин, ўқиш ва ҳ.к. учун пойдевор бўлиб хизмат қиласи

Меҳнат тарбияси – шахсга меҳнатнинг моҳиятини чукур англашиб, уларда меҳнат ва меҳнат фаолиятига онгли муносабатни, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма, малакаларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён

Мимика -- юз мускуларининг ҳаракатлари орқали ўз фикри, ҳис-туйғу, кайфияти, мавжуд вокеликка нисбатан муносабатини ифодалаш

Мифологик дунёқараш – ибтидоий жамоа тузумида борлиқни образли қабул қилиш асосида шаклланган тасаввурлар мажмуасини ифодаловчи дунёқараш

Модул таълими – замонавий таълим моҳиятини акс эттирувчи илгор педагогик технология бири бўлиб, унга кўра ўкувчи (талаба)ларга бериладиган яхлит ўқув материали блок (алоҳида ажратилган қисм)ларда 1-блок, 2-блок ва ҳ.к. тарзida тақдим этилади

Муаммоли таълим -- замонавий таълим моҳиятини акс эттирувчи илгор педагогик технологиянинг бири бўлиб, таълим олувчиларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари сурин, натижаларни асослаш, маълум хуносаларга келиш каби кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қиласи

Мулоқот маданияти – мулоқот жараёнини ахлоқий мөъёrlар, ижтимоий талабларга мувоғик ташкил этиши асосида сухбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи, қобилиятига эгалик

Мунозара – тарбияланувчиларга хиссий-оғзаки таъсир кўrsatiш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маданий, эстетик ва хукукий мавзуларда ўтказилади

Мустақил таълим – педагогик технологиялардан бири бўлиб, олинган билим, кўникма, малакаларни мустақкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганишга имконият яратувчи таълим шакли

Мухит (ёки ижтимоий мухит) – индивид, шахс, ижтимоий гурухларнинг мавжуд бўлиши, шаклланиши ва фаолияти кечадиган ижтимоий (моддий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий) шарт-шароитлар

Нафас олиши – организмга ҳаёт багишлаб, нутқнинг энергия базасини ҳосил қиласидан физиологик функция

Нейропедагогика – инсон миасининг ижодий имкониятларини аниқлаш, амалий (функционал) ривожлантириш, шахсда фаолиятга нисбатан фаол, онгли муносабатни қарор топтириш, ижтимоий хулқ-атворни психологик коррекциялаш, болалар руҳий ривожланишини ташхислаш, башоратлашнинг янги илмий дастурлари, самарали шакл, методлари ва маҳсус турдаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тадқиқ этадиган фан

Нутқ маданияти – бу ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ёки ўкувчига етказишида қўлланиладиган воситалар мажмуу

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиш жараённанда иштирок этувчи органлар (ўпка, иккита бронҳ, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳикилдок, ҳалқум, тишлар, лаблар, бурун бўшлиғи)

Огоҳлантириш – содир этилиши мумкин бўлган муайян хатти-харакатларнинг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган тарбиявий усул

Одатлантириш – тарбияланувчилар ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали, изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлар

Пантомимика – бу гавда, қўл ва оёкларнинг ҳаракати бўлиб, у ўқитувчи томонидан баён этилаётган муайян фикрни аложида ажратиб кўrsatiшта, маълум қиёға орқали гавдалантиришга имкон беради

Педагогика ("таібагууқті") – тарбия санъати, қадимги грек тилидан "паіс" ("pais") – бола, "агоғ" ("agogos") – етаклайман – шахсни шакллантиришга қаратилган муайян тизимли фаолият, таълим-тарбиянинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари ҳақидаги фан

Педагогика назарияси – ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантириш, унда дунёқараш ва юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш масалаларини ўрганадиган фан

Педагогика фанининг мақсади – шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш

Педагогика фанининг обьекти – шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унда илмий билимларни ҳосил қилиш, дунёқарашни шакллантириш, юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш жараёни

Педагогика фанининг предмети – ҳар томонлама ривожланган, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнининг умумий моҳияти, таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик фаолият мазмуни

Педагогика тарихи – педагогик фикрларнинг пайдо булиши, ривожланиши тарихи, турли даврларда бола тарбиясини ташкил этишга оид билимларнинг шаклланишини тадқик қиладиган фан

Педагогик билимдонлик – ўқитувчи томонидан мутахassislik билимларининг пухта эгалланганлиги; унинг билағонлиги; касбий фаолиятни мазжуд ижтимоий талаб, ҳукуқий меъёр, стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси

Педагогик ижод – ўқитувчининг касбий жараённи самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчаник фаолияти

Педагогик инноватика – таълим субъектлари нуқтаи назаридан педагогик инновацияларнинг моҳияти, пайдо булиш, ривожланиш қонуниятлари, педагогик анъаналар билан келажак таълим мининг лойиҳалаштирилиши ўргасидаги алоқаларни ўрганадиган фан

Педагогик креативлик – ўқитувчининг анъанавий педагогик фикрларидан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиливчи янги гояларни яратиш, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловичи қобилияти

Педагогик маданият – ўқитувчининг шахс ва мутахassis сифатида муайян ҳулқ-атвор, одоб, муомала, хатти-ҳаракат кўникма, малакалари, касбий вазифаларни ҳал қилиш усул, воситаларидан хабардорлиги, педагогик билимдонлик, тақт, техника, маданиятни намоён кила олишнинг юқори даражаси

Педагогик маҳорат – 1) ўқитувчининг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш, бошқариш қобилияти, кўникма, малакасига эгалиги, таълим-тарбия жараёнига о঱гли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўлтая олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур; 2) ўқитувчи томонидан касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик маҳорат (фан сифатида) – бўлаҗак ўқитувчиларда педагогик жараённи методик жиҳатдан тўғри, самарали ташкил этиш, ўқитувчи ва ўқузчи муносабатларини оқилона йўлга қўйиши, бўлаҗак мутахassisларни касбий фаолиятни ташкил этишга тайёrlаш масалаларини ўрганади

Педагогик мулокот маданияти – ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулокот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган сұхбати

Педагогик новаторлик – педагогик фаолиятда илгор тамойил ёки гояни асослаш, янги йўл, усул ёки воситаларни тавсия қилиш, уларнинг амалиётта татбиқини таъминлашга қаратилган ижодий ёндашув

Педагогик одоб – ўқитувчи олдига унинг ўзи, касби, жамият, болалар ва ўкувтарбия жараённинг бошқа иштирокчиларига муносабатда бўлишига нисбатан кўйиладиган ахлоқий талаблар тизими

Педагогик обрў – ўқитувчининг ўкувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми

Педагогик релаксация – таълим олувчи (ўкувчи, талаба, тарбияланувчи)ларнинг ҳиссий фаолияти, руҳий-жисмоний куввати, ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш

Педагогик рефлексия – ўқитувчининг шахс онги моҳияти, вазифалари, қадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллари, фикрлаш, идрок, карорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсиrlаниш, хатти-ҳаракатлари ва б.нинг моҳиятини англаб этиши

Педагогик тажриба (лотинча “эксперимент” – “тажриба килиб кўриш”) – педагогик илмий-тадқикот методларидан бири бўлиб, муаммо счимини топиш имкониятларини ўрганиш, мавжуд педагогик шароитларнинг мақсадга эришишини кафолатгай олиши, берилаётган тавсияларнинг амалиётда ўз инъикосига эга бўлиши, педагогик фаолият самарадорлигини аниқлаш мақсадида ташкил этилади

Педагогик тажриба – касбий фаолиятни ташкил этиш жараённида ўқитувчи томонидан ўзлаштирилган ортирилган билим, кўникма, малакалар мажмуни

Педагогик такт – ўқитувчининг ўкувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулокотда мавжуд ахлоқий тамойиллар, хулк-автор қондаларига риоя қилиши, уларга тўгри ёндашиш малакаларига эгалиги

Педагогик талаб – турли хатти-ҳаракатларни бажариш, фаолиятни ташкил этишда ўкувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулк-автор меъёрлари; тарбиянинг энг мухим усуулларидан бири

Педагогик таҳлил – педагогик илмий-тадқикот методларидан бири бўлиб, танланган муаммонинг фалсафий, психологик, педагогик йўналишларда ўрганилганлик даражасини аниқлашга хизмат қиласи

Педагогик техника – ўқитувчига алоҳида ўкувчи (талаба, тарбияланувчи), таълим олувчилар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малакалар мажмуни; педагогик фаолиятда ортирилган кўникма, малакалар йигиндиси

Педагогик технология муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналирилган, мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараённинг мазмуни

Педагогик фаолият – педагог томонидан касбий мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган тизимли ҳаракатларнинг муайян шакли

Педагогик технология (фан сифатида) – таълим ва тарбия жараёнларини технологик ёндашув асосида такомиллаштириш, илғор педагогик

технологияларни яратиш, таълим амалиётига самарали татбиқ этиш йўлларини тадқик киладиган фан

Педагогик технология – муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган, мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмуни

Педагогик қобилият – ўқитувчига хос бўлиб, педагогик фаолиятни оқилона ташкиллашириш, олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда ахамиятли бўлган хусусиятлар

Педагогик ҳамдардлик – ўқитувчи томонидан таълим жараёнининг иштироқчилари; ўқувчи, талаба, тарбияланувчи, ҳамкасб ва ота-оналарнинг хатти-ҳаракат, хиссиёт, ҳаётий интилиш, табиатларини тушуниш, бошқалар нукгани назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш бўлиб, у орқали ўқитувчи ўқувчи шахси, унинг истаксларини тушуниш ва шу орқали ўқувчиларга самарали таъсир этиш зарурлигини англайди

Психология – инсон фаолияти, шахс хатти-ҳаракатларида борликнинг акс этиши, руҳий жараёнлар, ҳодиса ва хислатларнинг моҳиятини ёритувчи фан

Пулли таълим хизматлари – Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўрисида”ги Конуни талабларига мувофиқ пулли кизматларни ташкил этиш, унинг сифати учун жавобгарликни юкловчи лицензия асосида таълим муассасаси томонидан олиб бориладиган фаолият турлари

Рағбатлантириш – тарбияланувчининг хатти-ҳаракати, фаолиятига ижобий баҳо берин асосида унга ишонч билдириш, кўнглини кўтариш, уни қўллаб-куватлапнинг энг самарали усули

Рейтинг (инглизча “баҳолаш”, “тартибга келтириш”) – муайян ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш шакли, усули

Ривожланиш – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган мисдор, сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён

Ривожлантирувчи таълим – педагогик технологиялардан бири бўлиб, у ўқувчиларнинг ички имкониятларини ошириш, уларни рӯёбга чиқаришга хизмат киласи

Ритмика – айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати, тўхталиши, нутк ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдирувчи ҳолат

Ритм (нутқнинг вазни) – нутқнинг мухим хусусияти, унинг ёрдамида нутқ муайян кетма-кетлик, изчилликда баён қилинади

Семинар – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаол ҳамкорлиги асосида ташкил этилувчи таълим шаҳсларидан бири бўлиб, уни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг мустақил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзасидан кенг, чуқур маълумот берса оладиган машибалар устида ишлаш, келажак фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма, малакаларига эга бўлишини таъминлаш

Синф – ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган муайян ўкувчилар гурухи
Сұхбат методи – педагогик илмий-тадқиқот методларидан бирни булиб,
педагогик кузатиш чоғида эга бўлингган маълумотларни бойиттиш, вазиятга
тўғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишига имкон берувчи педагогик
шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субъектлари
имкониятларини муаммо ечимига жалб этишига ёрдам беради
Социология – жамият, айрим ижтимоий тартиботлар, жарабёнлар, гурухлар,
шахс ва жамият ўртасидаги, ижтимоий субъектларнинг ўзаро муносабатлар
қонуниятларини очиб беради

Табакалаштирилган таълим – педагогик технологиялардан бирни булиб,
ўкувчи, талабаларнинг шахсий лаёкат, қизиқиши, қобилиятларини аниқлаш
асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бирор, давлат
таълим стандартлари ва ўкув дастури талабларидан кам бўлмаган
ҳажмдаги материалларни беришга йўналтирилади

Танбех бериш – энг муҳим жазо чораларидан бирни булиб, ўқитувчи ўкувчига
юзма-юз туриб танбех бериши ёки кундалигига ёзиб қўйиши мумкин

Тарбия воситалари – тарбия жарабёнининг таъсирчанлигини ошириш
мақсадида кўлланиладиган моддий буюм, нарса, фаолият (ўйин, ўқиш,
мехнат, мулоқот), қиссий ёндашув ва маънавий омиллар кўрининчи

Тарбия жарабёни – ўқитувчи ва ўкувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар
ўртасида ташкил этилиб, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жарабёни

Тарбия жарабёнини технологиялаштириш – аниқ мақсад, ижтимоий гояга
асосланган, ўкувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга
йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан
уюштирилиши

Тарбия методи (юнонча “методос” – йўл) – тарбия мақсадига эришиш,
тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, хулки ва туйғуларига таъсир этиш
йўллари

Тарбия – муайян, аниқ мақсад, ижтимоий тажриба асосида ёш авлодни ҳар
томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-автори, дунёкарашини таркиб
топтириш жарабёни

Тарбия назарияси – педагогика фанининг муҳим таркибий қисми булиб,
тарбиявий жараён мазмуни, тамойил, қонуниятлари, уни ташкил этиш
масалалари, методикаси, шакл, метод, восита, усул ва муаммоларини
ўрганадиган фан

Тарбия усуслари – тарбиялаш, педагогик таъсир кўрсатиш хусусиятга эга
хатти-ҳаракатлар мажмуни булиб, улар ёрдамида шахснинг қарашлари,
мотивлари, ҳаракатларини ўзгартириш мақсадида унинг хулқи,
позициясига ташки таъсир кўрсатилади

Тарих – кишилик жамиятининг ривожланиши, муайян давлатлар тараққиёти
боскичларини тадқиқ этадиган фан

Тафаккур – ижтимоий воқеа-ходисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон
аклий фаолиятининг юксак шакли

Таълим жараёнини ташкил этиш – ў кувчиларга илмий билимларни бериш мақсадида ўқитувчи томонидан педагогик фаолиятни ташкилий-методик жихатдан уюштирилиши

Таълим жараёни -- ўқитувчи ва ўкувчилар ўртасида ташкил этилиб, илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён

Таълим мазмуни – шахснинг хар томонлама ривожланиси, унда бой дунёкараш, эътиқодни таркиб тонтириш, билишга нисбатан қизиқишиларини ривожлантириш учун асос бўлувчи аник белгиланган тизимлаштирилган билим, кўнкима, малакалар хажми

Таълим мақсади – таълимнинг аник йўналишини белгилаб берувчи етакчи гоҳ

Таълим менежменти – таълим муассасаси фаолиятини самараали ташкил этиш ва оқилона бошқариш масалаларини тадқик қиласиган фан

Таълим муассасаси ҳужжатларини таҳлил қилиш – педагогик илмий тадқиқот методларидан бири бўлиб, педагогик ҳодиса, далилларни текшириш, таълим муассасаларида узлусиз таълимни ташкил этишга оид ҳужжатлар талабларининг бажарилиш ҳолатини ўрганиш, эришилган ютуқ, йўл кўйилган камчиликларни аниқлаш, илгор тажрибаларни оммалаштириш, таълим муассасаси педагогик тажрибасини ошириш мақсадида қўлланилади

Таълим муассасаси фаолияти моҳиятини ёритувчи ҳужжатлар – ўкув машғулотларининг жадвали; ўкув дастури; гурӯҳ журнали; ўкувчиларнинг шахсий варагаси; буйруқлар; педагогик Кенгаш йиғилиши баённомаси ва қарорлари; таълим муассасаси сметаси, паспорти; тарбиявий ишлар режаси; ўкув-тарбия ишларини ташкил этишга оид ҳисоботлар; таълим муассасаси жиҳозлари (стол, стул, ўкув парталари ва х.к.) қайд этилган дафтар ва б.

Таълимни бошқариш -- таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга кўйиш, бошқариш, назорат қилиш, истикболларини белгилаш

Таълим воситалари – ўқитиши самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, қўлланма, ўкув куроллари, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, проектор, магнитафон, видео магнитафон, ускуна, телевизор, радио, компьютер, б.) ва субъектив (ўқитувчи нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаётӣ, фаолиятига оид мисоллар, х.к.) омиллар

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш – алоҳида олинган таълим жараёнини самараали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқиши

Таълим методлари – ўкув жараёнидаги қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи услублар мажмуи

Таълим натижаси (таълим маҳсули) – таълим якунининг моҳиятини қайд этувчи тушунча; ўкув жараёнининг оқибати; белгиланган мақсадни амалга ошириш царражаси

Таълим тамоийиллари – таълим назариясининг мухим, асосий, етакчи, устувор гоҳ, қоидлари; таълимни ташкил этиш жараёнини ташкил этиш мазмуни, шакл, метод, воситалари танланишини белгилайдиган бошлангич асослар

Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни (яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш, таълим жараёнини юқори даражада бошқариш)

Таълим тизими – ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамоилилари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўқув-тарбия муассасалари мажмуи

Таълим турлари – мазмуни, ташкил этилиш ўрни, босқичи, қўлланиладиган воситалари ва таълим олувчиларнинг ёшига кўра фарқланувчи таълим кўринишлари

Таълим шакли – таълим жараёнининг ташкилий қурилиши

Таълим – ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма, малакалар билан қуроллантириш, билиш қобилиятларини ўстириш, дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён

Тест методи – педагогик илмий-тадқиқот методларидан бири бўлиб, респондентлар томонидан муайян фан соҳаси ёки фаолият (шу жумладан, касбий фаолият) бўйича ўзлаштирилган назарий билим, амалий кўникма, малакалар даражасини аниқлайди

Технологик паспорт (педагогикада) – таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий курсаткичлари, уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат

Технологик ҳарита (педагогикада) – педагогик (таълим ва тарбия) жараённи бажарувчи ёки маълум обьектга техник хизмат қўрсатувчи ўқитувчиларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, қўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат

Технология (юонча “techne” – маҳорат, санъат; “logos” – тушунча, таълимот) – ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, ярим фабрикат ва шу кабилалрга ишлов бериш ёки кайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари, шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуllibар (методлар) мажмуи

Тиббнёт – инсонлар соғлигини саклаш, мустаҳкамлаш, умрини узайтириш, касалликларнинг оддини олиш, даволаш ҳақидаги билимларни ёритувчи фан; билим соҳаси

Тилак-ҳавас – интилишнинг шундай бир тури бўлиб, бунда киши факатгина қандай мақсадга интилаётганлигини билади, бирок, унга эришиш йўлларини аниқ билмайди

Товуш – чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларининг тебраниши натижасида вужудга келадиган ҳодиса, садо, сас

Топшириқ – ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий хулк, ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул

Узлуксиз таълим тизимида давлат таълим стандартлари (ДТС – инглизча standard – меъёр, намуна) – узлуксиз таълим босқичларининг асосий таълим дастурлари мазмунининг зарурий минимуми, ўқувчиларга

- юкландиган ўкув юкламаларнинг максимал ҳажми, таълим муассасаси битириувчилари нинг тайёргарлик даражаси, таълим жараёнини таъминлайди (унинг моддий-техник, ўкув-лаборатория, ахборог-методик, кадрлар таъминоти) нинг асосий талабларини аниқлаб берадиган меъёр ва талаблар
- Узлуксиз таълим тизими** – Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий тамоилилари асосида ёш авлодни тарбиялашга масъул барча турдаги таълим муассасалари мажмуи
- Уялтириши** – ўкувчининг маълум хатти-харакатларига жамоа ёки унинг тарбияси учун масъул бўлган субъектлар (ота-оналар, васийлар, жамоатчилик вакиллари ва б.) олдида баҳо бериш усули
- Факультативлар** – ўкувчиларнинг қизиқиш, хоҳишлирига кўра муайян фан, предмет юзасидан бериладиган илмий-назарий билимларни чукурлаштириш, уларда амалий қўнималарни ҳосил қилиш мақсадидан ташкил этиладиган таълим шакли
- Фалсафа** – табиат, жамият, тафаккур тараққиётининг умумий конуниятларини ўрганадиган фан
- Фалсафий дунёқараш** – табиий ва ижтимоий борлиқни назарий қабул қилишига, шахснинг борлиққа нисбатан фалсафий муносабатига асосланган дунёқараш
- Фаолиятда машқ қилиш** – меҳнат, ижтимоий ва жамоа фаолиятини ташкил этиш, ўзаро муносабатни йўлга кўйиш одатларини тарбиялашга қаратилган жараён
- Фаолият** – шахснинг моддий борлиқ, табиат, бошқа шахсларга муносабати шакли, уларга таъсир кўрсатишга қаратилган хатти-харакатларининг мажмуи
- Физиология** – одам, хайвон ёки ўсимлик организми, уларнинг алоҳида бўлаклари – муайян тизим, аъзо, тўқима ва ҳужайраларининг ҳаёт фаолияти (пайдо бўлиш, ўсиш, ривожланиши, кўпайиш, атроф-муҳитта мослашиш каби жараёнлар)ни, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тадқиқ қиласидиган фан
- Хоҳиши** – тўла англанган интилиш бўлиб, унинг негизида фақат интилишнинг мақсади, уни амалга ошириш воситаларигина эмас, балки мақсадни амалга ошириш имконияти, бу йўлда ҳаракат қилишига тайёрлик, бажарилган ҳаракатларнинг натижалари ифодаланади
- Хусусий методика (хусусий фанларни ўқитиши)** – турли ўкув фанлари (м: физика, математика, биология, кимё, тарих, ҳукук, жисмоний тарбия ва х.к.лар)ни ўқитишининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қиласидиган фан
- Шахсга йўналтирилган таълим** – таълим жараёнининг асосий обьекти бўлган ўкувчи (талаба, тарбияланувчи) нинг шахси, кадр-кимматини юқори ўринга кўйиш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашини бойитиш, ижтимоий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолият тури
- Шахс** – психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусият, хатти-харакатлари билан бошқалардан ажralиб турувчи, муайян хулқ-атвор, дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси

Шкалалаш – аниқ жараёнларни ракамлар тизими асосида моделлаштириш бўлиб, у сифат тавсифларининг миқдор ўзгаришларга айланишига ёрдам беради

Экологик маданият – ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти

Экологик онг – табиат, атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этишга доир тушунчаларнинг онгдаги ифодаси бўлиб, у мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида намоён бўлади

Экологик тарбия (грекча “oikos” – турар жой, макон, “logos” – фан) – ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларни бойитиш, уларда табиат, атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўнумка, малакаларни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён

Экологик таълим – ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли, узлуксиз назарий экологик билимларни беришга ўйналирилган таълимий жараён

Экологик фаолият – экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатлар мажмуси

Экскурсия – бевосита кузатиш асосида муайян жараён, воеа-ҳодиса ёки фаолият мазмунини ёритувчи билимларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминловчи таълим шакли

Эстетика асослари – нафис санъат, бадиий ижодиёт, табиат, турмушдаги гўзалликнинг моҳияти, шакллари, инсон ва ижтимоий борлиқ ўртасидаги қадриятлар муносабатини ўрганадиган фан

Эстетик дид – эстетик ахборотлар оқими, эстетик ва ахлоқий меъёrlар йигиндиси негизида шаклланиб, шахснинг буюм, ҳодисаларга эстетик баҳо беришида яққол намоён бўладиган ҳодиса

Эстетик дунёқарааш – табиий ва ижтимоий борлиққа эстетик қадриятлар (гўзаллик, хунуқлик, кулгули, фожиавий эканлик ва б.) асосида ёндашишига асосланган дунёқарааш

Эстетик идеал – субъект билан обьект, инсон билан ижтимоий бутунликнинг тарихан энг тўлиқ узвий бирлиги бўлиб, бу бирлик туб мақсадлар сифатида инсон ижодий кучларининг эркин, ҳар томонлама ривожланишида ўз ифодасини топади

Эстетик мулоҳаза – шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи аклий ҳаракати

Эстетик онг – шахсга назарий тушунчалар асосида предмет, буюм, воелик ва ҳодисалар моҳиятини эстетик баҳолай олиш имконини берувчи ҳис-туйғу, сезги, тасаввур ва қарашлар шакли

Эстетик тарбия (лотинча “эстезио” гўзалликни ҳис этаман) – шахсни ижтимоий воелик, табиат, меҳнат муносабатлари, турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш, тўғри тушунишни ўрганиш, эстетик дидини ўстириш,

уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялаш жараёни

Эстетик тарбия (мағосат тарбияси)нинг мақсади – шахснинг воқеликка эстетик муносабатини шакллантиришдан иборат

Эстетик фаолият кўнікмалари – эстетик эҳтиёжларни қондириш йўлида амалга ошириладиган хатти-ҳаракат кўнікмалари

Эстетик эҳтиёж – шахснинг воқеликни эстетик жиҳатдан билиб олишга ундовчи субъектив омил (ички интилиш)

Эстетик қараш – эстетик онгнинг ғоявий негизи, табиат, ҳаёт, санъат моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳаза ва ғоялар тизими

Эстетик қизикиш – шахснинг эстетик фаолият, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ўзлаштиришга кириши

Эстетик ҳис-туйғу – инсоннинг воқеликка, кишиларга, ўз фаолиятига эстетик муносабати

Этика (ахлоқшунослик) – ижтимоий ахлоқ меъёрлари, уларнинг шахс, жамият хаётидаги ўрни, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитлари, шаклларини ёритадиган фан

Эътиқод – дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий-фалсафий, табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик ва экологик билимларнинг такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишонч

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни – Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати моҳиятини тўла ёритиб, фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайдиган, ҳар кимнинг билим олишидан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлайдиган бош ҳужжат

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаши Миллий дастури” - Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунига мувофиқ тайёрланиб, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмиш мағкуравий карашларидан халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш мақсадиди ифодаловчи меъёрий құжжат

Ўз-ўзига хизмат – ўқувчилар томонидан оила, таълим, омма учун хизмат кўрсатиладиган муассасаларда ўз эҳтиёжларини қондириши, зиммаларидағи вазифаларни адo этиш мақсадида ташкил этиладиган меҳнат фаолияти тури

Ўз-ўзини тарбиялаш – ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилиш, ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этиш, ижтимоий мавқенини оширишинг таъсирчан воситаси

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари – ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланилувчи усуслар

- Ўз-ўзини таҳлил (назорат) килиш –** ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-харакати, хулк-авторини таҳлил килиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият усули
- Ўз-ўзини баҳолаш –** шахснинг мавжуд фазилатлари, хатти-харакати, хулк-авторини таҳлил қилиш орқали ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолияти усули
- Ўзини ўзи тарбиялаш –** шахснинг ўзида ижтимоий аҳамиятга эга фазилатларни ҳосил қилиш, такомиллаштириш, салбий хислатларни бартараф этишга қаратилган ички фаолият
- Ўз-ўзини кайта тарбиялаш –** шахснинг ўзидаги салбий одатлар, характеристидаги заарали сифатларни йўқотиш, уларни бартараф этишга қаратилган ички фаолияти жараёни
- Ўйин –** кишилик фаолиятининг муҳим тури, ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитация (кӯчириш, тақлид қилиш асосида ўзлаштириш шакли
- Ўйин технологиялари –** педагогик технологиялардан бири бўлиб, ўкувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳётий воқелик, ҳодисалар жараённида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат килади
- Ўқитувчи –** педагогика, психологияк ва тегишли мутахассислик бўйича маҳсус маълумот, қасбий тайёргарлик, юксак ахлокий фазилатларга эга бўлиб, таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс
- Ўқув дастурлари –** узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида ташкил этиладиган ўқитиш мазмунини ёритувчи муҳим хужжатлардан бири
- Ўқув меҳнати –** ўкувчиларнинг илмий билимлар, ўқув фанлари асосларини ўзлаштириш орқали уларни амалиётга татбиқ этишга доир кўникма, малакаларни шакллантиришга қаратилган амалий фаолияти
- Ўқув режаси –** месъерий, тегишли равишда барча турдаги таълим муассасалари сўзсиз амал қилишлари лозим бўлган давлат хужжати бўлиб, унда ҳар бир ўқув предметининг мазмуни, ўқув йилида ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма, малакалар ҳажми кўрсатилиади
- Ўқув фани –** таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилиб, ўзида муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билим асосларини жамлаган манба
- Ўкувчиларни қасб танлашга йўналтириш –** таълим муассасаларида меҳнат тарбиясини йўлга қўйишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ўкувчиларни муайян қасб ёки ҳунарга доир билим, кўникма, малакалар билан куроллантириш максадида ташкил этилади
- Ўкувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат килиш ва билимларини баҳолаш –** педагогик фаолият шаклларидан бири бўлиб, у асосида ўкувчиларнинг билим, кўникма, малакалари даражаси баҳоланади
- Ўқитувчи нутқи –** ўқитувчининг таълим-тарбия жараённида тил воситаларидан фойдаланиши

Қиёсий педагогика – таълимнинг жаҳон, миңтака, давлат миқёсидаги ривожланишининг умумий ва алоҳида тенденция, қонун ва конуниятларини ўзаро солишириш, қиёслаш асосида ўрганиб, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатларини, миллий педагогик маданиятлар алмашинувининг шакл, усууларини аниқлайдиган фан

Ҳаётий тажриба – ҳар бир шахс томонидан унинг умри давомидаги ортириладиган тажрибалар

Ҳамкорлик педагогикаси – турли фанлар ёки мутахассислик асосларини ўқитувчи ва ўқувчилар ўргасидаги ўзаро мулоқот асосида самарали ўрганиш мазмуни, тамойил, шакл, метод ва воситаларини кўрсатиб берадиган фан

Ҳамкорлик таълими – педагогик технологиялардан бири булиб, педагог ва ўқувчи (талаба)ларнинг таълимий фаолият жараёнида биргаликда ривожланишлари, бир-бирларини тушуна олишлари, бир-бирларига нисбатан яқинликни хис қилишлари, фаолият босқичлари, уларда эришилган натижаларни ҳамкорликда таҳлил қилишига йўналтириладиган таълим тури

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси – ёшларни ватан ҳимояси ва ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулотда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма, малакасини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсади ёшларни ватан ҳимояси, ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулотда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма, малакаларини шакллантириш

Ҳарбий педагогика – ҳарбий таълимнинг ўзига хос жиҳатлари, уни ташкил этишининг самарали шакл, метод ва воситалари, илғор технологиялари, ҳарбий фаолиятни мувоффақиятли ташкил этиш йўлларини очиб берадиган фан

Ҳикоя методи – баён қилинаётган маълумотларнинг тўғридан-тўғри ўқитувчининг жошли нутки орқали идрок қилиш усули

Хулк ва фаолиятни разбатлантириш методлари – тарбияланувчининг хатти-харакати, фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилини кўтариш, қўллаб-қувватлаш усуслари

Хукуқий маданият – шахс томонидан хукуқий билимларнинг ўзлаштирилиши, хукуқий фаолиятни ташкил этиш дарёжасининг сифат кўрсатичи

Хукуқий таълим – ўқувчиларга хукуқий меъёр, қонун ва ижтимоий-хукуқий муносабатлар тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда хукуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, хукуқий онгни шакллантириш жараёни

Хукуқий тарбия – шахс томонидан ўзлаштирилган назарий-хукуқий билимлар негизида хукуқий фаолиятни ташкил этишга доир кўникма, малакаларни хосил қилиш, унда ижобий мазмундаги хукуқий сифатларни қарор тоғтириш, хукуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 7-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш / Нашр учун масъул: Ж.Ф.Иўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Сайдов. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 46-52-б.
3. Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг хуқукуй кафолати. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993. – 27-28-б.
4. Баркамол авлод орзуси // Нашр учун масъул: Т.Рисқиев. Тузувчилар: Ш.Курбонов, Ҳ.Сайдов, Р.Аҳлиддинов. – Тошкент: “Шарқ” НМК Бош таҳририяти, 1999. – 182 б.
5. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999. – 73 б.
6. Архангельский С.И. Учебный процесс в высшей школе и его закономерные основы. – М.: Высшая школа, 1980. – 367 с.
7. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – Москва Педагогика, 1989. – С. 8.
8. Большая психологическая энциклопедия. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 134.
9. Дидактика / О.Розиқов ва б. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1997. – 302 б.
10. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслик. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – 286 б.
11. Ибрагимов Х.И., Йўлдошев У.А., Бобомирзаев Ҳ. Педагогик психология / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2007. – 407-б.
12. Ivanov P.I., Zufarova M.E. Umumiy psixologiya / Oliy ta’lim muassasalarini uchun darslik. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2008. – 311-b.
13. Исламгулова С.К. Технологизация процесса обучения в школе: теория и опыт. – Алматы: Творческая педагогика, 2003. – С. 23.
14. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалийтга жорий килиш / Қўлланма. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – 130 б.
15. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент: А.Авлоний XTPXМОМИ “Nikon Print”, 2006. – 73 б.
16. Mavlonova R., To’raeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika / Kasb-hunar kollejlari ushun darslik. – Toshkent: “O’qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 495 b.
17. Oila psixologiyasi / Mualliflar: G’.B.Shoumarov va boshqalar. Prof. G’.B.Shoumarov tahriri ostida. – Toshkent: “Sharq” NMAK, 2008. – 60-b.
18. Очилов М., Янги педагогик технологиялар. – Қарши: “Насаф” нашриёти. 2000. – 79-б.

19. Pedagogika / Bakalavriat yo'nalishi uchun darslik. Prof. M.X.Toxtaxodjayevarning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: "O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat:" nashriyoti, 2010. – 400 b.
20. Педагогика / В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.М.Шиянов. – Москва: Владос, 1997. – С. 297.
21. Педагогика / Проф. В.В.Белоусова ва И.Н.Решетенъ умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 191-б.
22. Педагогика фанидан изоҳли лугат / Ж.Ҳасанбоев ва б. – Тошкент: "Fan va texnologiyalar" нашириёти, 2009. – 671 б.
23. Педагогика / Ўқув кўлланма. Ш.А.Абдуллаева, Д.А.Ахатова, Б.Б.Собиров, С.С.Сайтов. – Тошкент: Фан, 2004. – 214 б.
24. Психология. Қисқача изоҳли лугат / Тузувчилар: М.Г.Давлетшин ва б. Масъул мұҳаррір: М.Г.Давлетшин. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1998. – 18-б.
25. Раҳмонов Ф. Замонавий таълим воситалари асосида касб-хунар колледжлари ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини шакллантириш технологияси / Ўқув-методик кўлланма. – Тошкент: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2009. – 6-б.
26. Сайдаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003. – 172 б.
27. Синфдан мақтабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси // Маъриғат г. – Тошкент: 1993 йил, 3 март.
28. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мұҳаррір А.Мажидов. – Т.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 528-б.
29. Талызына Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. – Москва: Изд-во МГУ, 1984. – С. 13.
30. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари / Ўқув кўлланма. – Тошкент: Фан, 2006. – 66-б.
31. Толипов Ў.К., Усмонбоева М.Х., Фозиева Л.М. Ўкувчиларда гоявий иммунитетни шакллантиришнинг амалий жиҳатлари / Ўқув-методик кўлланма. – "Фан" нашириёти, 2007. – 57-б.
32. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1997. – 188 б.
33. Усмонов С.А. Имитацион модел қурилмалари воситасида мухандис-педагогларни тайёрлашнинг илмий-методик асослари: Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 2007. – 17-б.
34. Файзулаева Д.М. Замонавий машина жиҳозларидан фойдаланиш бўйича талабаларда кўниҳма ва малакаларни шакллантириш: Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 2005.
35. Фалсафа. Қисқача изоҳли лугат. – Тошкент: "Шарқ" нашиёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004. – 202-б.

36. Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дисс. ... докт. пед. наук. – Т.: 1992. – С. 132.
37. Худойбергенова Ӯ. Иқтидорли болаларни ўқитишига ихтисослашган мактаблар фаолияти самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари: Пед.фанл.номз... дисс. – Тошкент: 2006. – 20-21-б.
38. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – 134-б.
39. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А – Д / 5 жилдли. Биринчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 468-б.
40. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Е – М / 5-жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 184-б.
41. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Н – Тартибли / 5 жилдли. Учинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 381-б.
42. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тартибот – Шукр / 5-жилдли. Тўртинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 267-б.
43. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 30-б.
44. Курратов Т. Нутқ маданияти асослари / Олий ўқув юртлари учун ўқув кўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1993. – 23-б.
45. G’oziyev E.G’. Psixologiya / Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: “O’qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. – 146-b.
46. <http://abc.vvvsu.ru/Books/instrum/page0016.asp>.
47. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/socio/4789>.
48. http://www.e-osnova.ru/PDF/osnova_14_7_656.pdf.
49. <http://www.grandars.ru/college/psihologiya/professionalnye-kachestva.html>.
50. <http://ru.wikipedia.org/wiki>.
51. <http://ziyonet.uz.uzc.education.system.college>.
52. http://imp.rudn.ru/psychology/pedagogical_psychology/13.html.
53. http://mirslovarei.com/content_eco/pedagogicheskaja-kultura-32491.html.
54. http://msk.treko.ru/show_dict_1234.
55. <http://www.portalus.ru/modules/shkola/rusreadme.php?subaction=showfull&id>.
56. <http://psylist.net/hpor/ped037.htm>.
57. <http://psi.webzone.ru/st/050200.htm>.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Ўзбекистон Республикасида таълим тизими.....	4
“Педагогика” шахсни тарбиялаш ва ривожлантириш тўғрисидаги фан сифатида.....	34
Тарбия назарияси.....	49
Таълим-тарбия жараённада мустақил фикрлаш ва илмий дунёқарашни шакллантириш.....	85
Таълим назарияси (Дидактика).....	102
Педагогик маҳорат асослари.....	137
Таълим жараённада илғор педагогик технологияларни кўллаш.....	168
Иловалар.....	207
Интерфаол методлардан намуналар.....	-
Таянгч тушунчалар лугати.....	223
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	241

Адади 200 нусха. Ҳажми 15,25 б.т.
Низомий комидаги ТДПУ Ризографида нашр қилинди.